

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2 МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 2

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES  
SPECIAL ISSUE 2



# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES  
№SI-2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2022-SI-2>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**  
**Сеитов Азамат Пулатович**  
доктор социологических наук  
(Doctor of sociology, DSc)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**  
**Сабирова Умида Фархадовна**  
доктор социологических наук  
(Doctor of sociology, DSc)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

22.00.01–Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.  
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.  
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

**Бекмурадов Мансур Бобомурадович**  
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)  
**Каланов Комил Куллахматович**  
кандидат социологических наук, профессор (Узбекистан)  
**Убайдуллаева Раиса Турсуновна**  
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)  
**Негматова Шахзода Шухратовна**  
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)  
**Исмаилов Алишер Агзамович**  
доктор экономических наук, (Узбекистан)

**Щепилова Галина Германовна**  
доктор философских наук, профессор (Россия)  
**Рожанский Михаил Яковлевич**  
кандидат философских наук (Россия)  
**Маматов Нормурат**  
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)  
**Камалова Хатира Сабыровна**  
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

22.00.02–Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи  
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни  
Social structures, social institutions and way of life

**Умаров Абсалом Адилевич**  
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)  
**Холбеков Абдуғани Жуманазарович**  
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)  
**Шайхисламов Рафаэль Бадретдинович**  
доктор социологических наук, профессор (Россия)  
**Акулич Мария Михайловна**  
доктор социологических наук, профессор (Россия)  
**Сабиров Алишер Сабирович**  
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)  
**Каримов Бобир Шаропович**  
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)

**Антонио Алонсо Марсос**  
доктор политических наук, профессор (Испания)  
**Фадеева Любовь Александровна**  
доктор социологических наук, профессор (Россия)  
**Виктор Агаджаньян**  
доктор философии по социологическим наукам,  
профессор (США)  
**Тагиева Гулсум Гафуровна**  
доктор философии по социологическим наукам (Узбекистан)  
**Акрамов Хусан Фуркатович**  
доктор философии по социологическим наукам  
(Узбекистан)  
**Толипов Файзулла Саидович**  
кандидат исторических наук, доцент (Узбекистан)

22.00.03–Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.  
Социология социального сознания и социального процесса.  
Sociology of social consciousness and social process

**Норкулов Хусниддин Дўсбекович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент (Узбекистан)  
**Аликариев Нуриддин Сапаркариевич**  
доктор экономических наук, профессор (Узбекистан)  
**Матибаев Тасполат Балтабаевич**  
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)  
**Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович**  
доктор философских наук, и.о. профессор (Узбекистан)  
**Николов Стефан**  
доктор философии по социологическим наукам, (Болгария)  
**Пармонов Фарход Ярашевич**  
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)

**Ли Ци**  
доктор исторических наук, профессор (Китай)  
**Сухомлинова Марина Валерьяновна**  
доктор социологических наук, профессор (Россия)  
**Бурнашев Рустам Ренатович**  
кандидат философских наук, профессор (Казахстан)  
**Ходжаев Собир Джумаевич**  
доктор философии по социологическим наукам  
(Узбекистан)  
**Алимухамедова Нодира Ядгаровна**  
доктор философии по философским наукам  
(Узбекистан)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Ташпўлат Матибаев</b> ИШСИЗЛИК ИЖТИМОЙ МУАММО СИФАТИДА.....	4
<b>2. Шухрат Турдикулов</b> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....	15
<b>3. Нодира Алимухамедова, Умида Сабирова</b> МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИКГИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	24
<b>4. Гулноз Жиянмуратова, Бунёд Нурқулов</b> СИЁСИЙ БЕГОНАЛАШУВ НАЗАРИЯЛАРИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	32
<b>5. Фарход Камилов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	40
<b>6. Қобил Дусов</b> ИЖТИМОЙ МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШДА СОЦИОЛОГИК БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....	48
<b>7. Nigora Abdikadirova</b> YOSH LARNING BO‘SH VAQTINI SAMARALI O‘TKAZISH TEXNOLOGIYALARI.....	56
<b>8. Гулшада Ўразалиева</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТАЪЛИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	65
<b>9. Раҳимжон Юсупов</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ СТРАТЕГИЯСИ.....	71
<b>10. Шахноза Тилябаева</b> МАМЛАКАТ ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ СОЦИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.....	77
<b>11. Қобил Дусов</b> ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖИГА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.....	86
<b>12. Muxabbat Azamova</b> IJSMONIY TARBIYA VA SPORT RIVOJLANISHINING IJTIMOIY – TARIXIY BOSQICHLARI.....	95
<b>13. Камолахон Абдуразакова, Хасан Акрамов</b> МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛЛАРИ.....	103
<b>14. Шохида Шакирова</b> ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАВҚЕИ.....	113

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Ташпулат Матибаев**

Ўзбекистон Темир йўллари АЖГа қарашли  
“Сихатгоҳ” санаторий-профилакторийси бош шифокори,  
социология фанлари доктори, профессор  
e-mail: tashpulat@mail.ru

### ИШСИЗЛИК ИЖТИМОЙ МУАММО СИФАТИДА

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жамиятнинг социал муаммоларидан бири ишсизлик масаласига эътибор қаратилган. Маълумки ишсизлик жамият тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир миграция жараёнларини вужудга келтиради. Миграция жараёнининг ижобий ва салбий хусусиятлари, ҳамда ишсизликни бартараф қилишдаги аҳамияти мақолада ёритилган. Шу билан бирга жамиятимизда ишсизликни бартараф қилишга доир олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, Президентимиз томонидан тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар ва уларни замирида янги иш ўринларини ташкил қилиш масалалари ўз аксини топмоқда. Ушбу масалани ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан ва Президент қарорларидан фойдаланилган ҳамда таҳлил қилинган. Шу билан биргаликда дастлаб ушбу муаммони назарий асослари ва муаммони ечимини топишда аҳолининг фикрларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Мақолада келтирилган социологик сўров натижаларида қайд этилган статистик маълумотлар орқали ишсизлик ва уни бартараф қилиш ҳақида маълумот олиш, ҳамда таҳлил қилиш имконига эга бўлиш мумкин.

Калит сўзлар: ишсизлик, бандлик, тамагирлик, меҳнат муносабатлари, меҳнат бозори, расмий сектор, норасмий сектор, субсидия.

**Ташпулат Матибаев**

Главный врач санатория-профилактория “Сихатгоҳ”,  
АО Железные дороги Узбекистана  
доктор социологических наук, профессор  
e-mail: tashpulat@mail.ru

### БЕЗРАБОТИЦА КАК СОЦИАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА

#### АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена такой социальной проблеме общества как безработица. Известно, что безработица оказывает прямое влияние на стабильность общества. Отмечается, что безработица создает и миграционные процессы. В статье рассматриваются положительные и отрицательные особенности миграционного процесса, а также его значение в борьбе с

безработицей. В то же время отражены проводимые реформы по ликвидации безработицы в нашем обществе, в том числе льготы, предоставленные предпринимателям Президентом и созданные на их основе новые рабочие места. В то же время изначально была предпринята попытка осветить теоретические основы этой проблемы и мнения населения при поиске решения проблемы. Статья содержит ряд результатов социологического опроса, которые проанализированы с точки зрения борьбы с безработицей.

**Ключевые слова:** безработица, занятость, социальное обеспечение, трудовые отношения, рынок труда, формальный сектор, неформальный сектор, субсидия.

**Tashpulat Matibaev**

the chief doctor of the sanatorium-dispensary “Sihatgoh”,

JSC Railways of Uzbekistan

doctor of sociological sciences, Professor

e-mail: tashpulat@mail.ru

## UNEMPLOYMENT AS A SOCIAL PROBLEM

### ANNOTATION

This article is devoted to the problem of unemployment, one of the social problems of society. It is known that unemployment has a direct impact on the balance of society. This effect creates migration processes. The article discusses the positive and negative features of the migration process, as well as its importance in the fight against unemployment. At the same time, the reforms carried out to combat unemployment in our society are reflected, including the benefits provided to entrepreneurs by our president and the organization of new jobs based on them. During the conversation, the sides expressed satisfaction with the development of cooperation between Uzbekistan and Uzbekistan. At the same time, an attempt was initially made to highlight the theoretical foundations of this problem and the opinions of the population when searching for a solution to the problem.

With the help of statistics recorded in the results of the sociological survey presented in the article, you can get information about unemployment and barter, as well as be able to analyze.

**Keywords:** unemployment, employment, social security, labor relations, labor market, formal sector, informal sector, subsidy.

### КИРИШ

Ишсизлик – бу иқтисодий фаол аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминланганлигини акс эттирадиган ижтимоий ҳодисадир. Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ, «16 ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар ишсизлар, деб эътироф этилади» [1]. Яъни қуйидагилар ишсиз шахслардир:

• меҳнатга лаёқатли ёшдан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўладиган давргача ёшдаги;

• ишга ва иш ҳақига эга бўлмаган;

• иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олинган;

• меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр фуқаролар шулар жумласидандир. Ўзбекистонда 2020 йилда қабул қилинган аҳоли бандлик тўғрисидаги қонун айнан ишсизликни бартараф қилиш, унга қарши чоралар ва янги иш ўринларини ташкил қилиш, ишсизларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш каби ислохотларни амалга ошириш учун асос вазифасини бажаради. Шу билан бирга ушбу қонунда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари; «Бандлик хизмати» ахборот тизими; бўш (вакант) иш ўринлари миллий базаси; ишсизлик, ишсизлик нафақаси, иш ўринларини захирага қўйиш, иш ўринларини ташкил этишга доир давлат

буюртмаси, иш ўринларининг энг кам сони, иш қидираётган шахс; касбий малака ва билимларни ривожлантириш миллий тизими, касбий стандарт, малака, малакани баҳолаш, мақбул келадиган иш, меҳнат органлари, меҳнат ресурслари, меҳнат ресурслари баланси, пенсия олди ёши; ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси тушунчалари киритилган ва уларни ҳар бирига таъриф берилган.

### **МЕТОДОЛОГИЯ**

Бугунги кунда ишсизликни ўрганиш социолог олимларни қизиқтиради ва унинг социал оқибатлари ҳамда уни камайтириш учун жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарбдир. Ишсизлар билан ишлаш, ишсизлик муаммосини ҳал қилишнинг социал-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, сиёсий жиҳатлари кўплаб хорижлик социолог, иқтисодчи мутахассислар томонидан ўрганилган. Дунёда саноатлаштиришни ривожланиши, технологик тараққиёт барча давлатларда ишсизликни ёшариши ва кенгайтиришига сабаб бўлди. Саноат корхоналари ва ишлаб чиқаришда уларни қўлланилиши иш ўринларини қисқаришига, ҳамда ишсизликни кўпайишига олиб келди. Тарихда минглаб кишилар фаолият олиб борган корхона, завод ва фабрикалардаги технологиялар ривожини инсон қўл меҳнатини чеклади. Бу эса ўз навбатида корхона, завод ва фабрика эгалари, тадбиркорлар учун манфаатли бўлсада, оддий ишчилар учун қийин вазиятни юзага келтирди. Яъни ишсизлик фоизи ва салмоғини оширди. Демак, ишсизликни 100% бартараф этиш имконияти йўқ. Аммо ҳудуднинг иқтисодий имконияти, аҳолининг интеллектуал потенциали уни бартараф этиш имкониятини туғдириши мумкин. Жумладан, 2022 йил 25 ноябрда Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида тадбиркорликни ривожлантириш учун келгуси йилда 26 та маҳаллий саноат маркази ва кичик саноат зоналари ташкил этиш, оилавий тадбиркорлик дастурлари учун 600 миллиард сўм йўналтириш вазифасини қўйди. Умуман, Навоий вилоятини “камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантириш мумкинлиги таъкидландилар.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Мамлакатимизда бандлик сиёсати, ёшларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва шу билан боғлиқ масалаларнинг назарий-методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва нутқларида ўз ифодасини топган.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш мақсадида келгуси беш йилда вилоятда 420 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш мақсад қилиб қўйилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик, хизматлар ва ҳунармандчиликни ривожлантириш орқали 120 минг, қишлоқ хўжалиги соҳасида 140 мингдан зиёд аҳоли бандлиги таъминланиши кўзда тутилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 29-85 мақсадида ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш назарда тутилган. Норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш; аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баравар камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш; иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилган. Шу ўринда ушбу муаммонинг назарий жиҳатдан ўрганган олимларнинг фикрларига эътибор қаратамиз. Айниқса, Б.Э.Кауфман, А.Н.Демин, Л.Н.Иванова, О.В.Кучмаева, Е.Л.Барбарова, Б.М.Генкин, Т.О.Разумова, Н.А.Волгиналарнинг асарларида [2; 9] ўрганилаётган масаланинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилган.

Шунингдек, ишсизлар билан ишлашда ижтимоий ишнинг ўрни, ижтимоий иш технологияларидан фойдаланиш, ишсизлар билан ижтимоий иш олиб бориш, ишсизларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши ёки ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг

бошқа кўринишлари, бу борадаги хорижий тажрибалар хорижлик олимлардан К.В.Кузбмин, Б.А.Суткринларнинг асарларида ўрганилган [10;186].

Ўрганилаётган мавзунинг турли жиҳатлари маҳаллий олимлардан Қ.Х Абдурахмонов, Ш.Р.Холмўминов, Х.Т.Тоҳирова, Н.Қ.Зокирова, Т.А.Шарифуллина, К.З.Хомитов, Ҳ.П.Абулқосимовларнинг асарларида атрофлича таҳлил қилинган[11; 344-240].

Ишсизлик пайдо бўлиши сабаблари турлича: иқтисодиётдаги турғунлик (даврий), таркибий ўзгаришлар (таркибий), табиий омиллар (мавсумий), ижтимоий омиллар (фрикцияли) ва ҳоказолардир. Ҳозирги давр иқтисодий адабиётида ишсизликни таснифлашга турлича ёндашувлар кўзга ташланади. Уларнинг умумий мезонлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- пайдо бўлиш хусусияти (фрикцияли, таркибий, даврий);
- намоён бўлиш хусусияти (очик, яширин);
- давомийлиги (қисқа муддатли, узок муддатли);
- инсоннинг меҳнат фаолиятига муносабати (ихтиёрий, мажбурий);
- тарқалиш жойи (минтақавий, миллий) [17;137-139].

Иш билан бандликнинг замонавий назарияларига кўра, ишсизликка бозор иқтисодиётининг табиий ва ажралмас қисми сифатида қаралади. Шу муносабат билан ишсизлик турлари ва уларнинг хусусиятларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Ишсизлик турлари тадқиқотчилар томонидан хилма-хил талқин этилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатдир [18; 147].

**1. Фрикцияли** – у меҳнат таклифи ўзгариши билан боғлиқдир. Ҳозирги даврда фуқароларга фаолият тури ва иш жойини танлаш ҳуқуқи кафолатланганлиги учун улар, одатда, бу ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Уларнинг айримлари иш жойларини ўз ихтиёрларига кўра ўзгартиради, бошқалари ишдан бўшатирилганликлари сабабли янги иш ўрни кидиради, яна баъзилар вақтинчалик, мавсумий ишларидан маҳрум бўлади, ёшлар эса илк бор меҳнат бозорига кириб келади.

Ишсизликни бу тоифаларининг айримлари ишга жойлашишга муваффақ бўлади, бошқалари иш излашни давом эттиради. Айни пайтда юқорида қайд қилинган сабабларга мувофиқ ходимларнинг баъзиларини ишдан бўшатиш давом этади. Бу меҳнат бозорининг меҳнатга лаёқатли ва ишлашга тайёр ходимлар билан иш ўринларини мутаносиб бўлишига қодир эмаслиги оқибатидир. Фрикцияли ишсизлик муқаррар ва у бўлиши керак деб ҳисобланади. Чунки ишсизликнинг ушбу турида ишдан бўшаш ходимларнинг ихтиёрига кўра бўлади ва улар кўп ҳолларда иш ҳаққи нисбатан кам бўлган иш жойларидан меҳнатга кўпроқ ҳақ тўланадиган иш жойларига ўтади.

**2. Таркибий.** Ишсизликнинг бу тури истеъмол талаби ўзгариши ва бунга мувофиқ равишда технология ҳамда иш кучига умумий талабнинг ўзгариши билан боғлиқдир. Технология ўзгариши натижасида қисқа муддатда янги ходимларни тайёрлаш ва мавжуд ходимларни қайта тайёрлаш қийин эканлиги учун иқтисодиёт турли тармоқларида иш кучига талаб ва унинг таклифи мутаносиблиги юзага келади. Таркибий ишсизлик узок давом этади ва иқтисодиёт учун номақбул ҳисобланади.

**3. Даврий.** Ишсизликнинг бу турига ишлаб чиқариш суръатлари пасайиши ва иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмининг камайиши сабаб булади. Товарлар ва хизматларга талаб камайган шароитларда иш билан бандлик даражаси пасайиб, ишсизлик ортади.

**4. Мавсумий.** Ишсизликнинг бу тури иқтисодиёт тармоқларидаги, хусусан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ишнинг мавсумийлиги билан боғлиқ.

**5. Яширин.** Ишсизликнинг бу тури ҳам ишлаб чиқариш ўсиши суръатларининг пасайиши билан боғлиқ. Иш берувчилар малакали ишчиларни йўқотмаслик мақсадида уларни қисқартирилган иш куни, иш ҳафтасига ўтказиши ёки иш ҳақи тўланмайдиган таътилга мажбуран чиқаради.


**6. Технологик.** Бу фан-техника тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришга янги техника воситалари ўрнатилиши, замонавий технологиялар жорий қилиниши натижасида мавжуд ходимлар сони қисқартирилиши натижасида пайдо булади [19; 148].

Ривожланган мамлакатлар учун асосан ишсизликнинг фрикцияли ва таркибий турлари хосдир. Ўзбекистон Республикаси учун эса демографик омиллар туфайли ортиқча иш кучи мавжудлиги, аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилиши билан боғлиқ мавсумий ишсизлик табиий ҳисобланади [20; 240].

### Ишсизлик таркиби

- жинси бўйича;
- ёши бўйича;
- ижтимоий гуруҳлар бўйича;
- таълим даражаси бўйича;
- малакаси бўйича;
- ихтисослиги бўйича

Шу ўринда ишсизликнинг асосий турлари келтирамиз (1-расм).



1-расм. Ишсизликнинг асосий турлари

Ф.А.Хайекнинг ҳисоблашича, ҳозирги даврдаги ишсизлик авваллари кейнсчилар назариялари асосида иш билан тўлиқ бандликка эришиш сиёсатининг бевосита оқибатидир[21; 93]. Унинг ҳисоблашича, иш кучига талабнинг етарли эмаслиги одатда ишсизликнинг асосий сабаби бўлмайди. Ишсизликнинг ўзи жамланма талаб ва таклифнинг

мутлақ камайиши сабабига айланиши мумкин. Истеъмол талаби инвестициявий фаоллик жонланиши билан бошланади. Иш билан бандлик даражаси юқори бўлган шароитларда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қўйилмалар киритилиши талаб этилади.

Ишсизликнинг табиий даражаси – иқтисодий гипотеза ҳисобланиб, унга кўра муайян реал иш ҳақи даражаси таркиб топганда аҳолининг муайян қисми учун тўлиқсиз иш билан бандлик мавжуд бўладиган умумиқтисодий мутаносибликдир. Бундай тўлиқ бўлмаган ишсизлик мукамал бўлмаган меҳнат бозоридаги ахборотнинг етишмаслиги, тўсиқларнинг мавжудлиги, иш кучи ҳаракатчанлиги, демографик ўзгаришлар ва бошқа сабаблар оқибатидир. Мазкур сабабларга кўра ишсизлик даражасини 0 га тушириб бўлмайди. Уни фақат мукамал бўлмаган меҳнат бозори белгилаган даражагача пасайтириш мумкин. Яъни ишсизликнинг ушбу даражасига қисқа вақт мобайнида таъсир кўрсатиб бўлмайди. Бунинг учун, жумладан қуйидаги тартибга солиш ёки таркибий сиёсат ўтказиш натижасида аста-секин эришса бўлади:

- иш излашни енгиллаштирадиган технологияларни ривожлантириш;
- иш ҳақининг энг кам миқдорини жорий этиш;
- меҳнат бозоридагидан юқори бўлган самарали иш ҳақини жорий этиш.

М.Фридманнинг назариясига кўра эса, табиий ишсизлик кутилаётган инфляция даражаси амалдаги инфляцияга тенг бўлган макроиқтисодий мутаносибликка мувофиқ ҳар бир иқтисодиёт учун ўзига хосдир. Унинг тасдиқлашича, ҳамма вақт реал иш ҳақи ставкаларидаги тенгликка мос келадиган муайян ишсизлик даражаси мавжуддир. Ишсизликнинг бундай даражасида реал иш ҳақи ставкалари муайян суръатда, яъни ишлаб чиқаришга капитал қўйилмалар киритиш, техника янгиликлари киритиш ва бошқа жараёнлар ўзларининг узок муддатли ҳолатларида сақланиб туришини таъминлайдиган суръатларда ортиб бориш тенденциясига эга бўлади. Агар давлат ишсизликнинг бу табиий даражасини ошириш чорасини кўрса, бунга биринчи жавоб нархларнинг ортиши бўлади.

М.Фридман нуктаи назарича, инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса, такрор ишлаб чиқариш иштирокчилари ўз саъй-ҳаракатларида нарх-навонинг бўлажак кўтарилишини шунчалик кўпроқ ҳисобга оладилар ва буни меҳнат шартномалари, контрактларда турли маҳсус қайдлар орқали бартараф қилишга интиладилар. Демак, кейинчилар асослаган инфляциянинг рағбатлантирувчи самараси вақт ўтиши билан камайиб боради. Ҳукумат ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун инфляциянинг қўшимча сакрашларига таяниб иш кўришга мажбур бўлади. Бу эса, бюджетдан молиялаштиришнинг янада кўпроқ тақчиллигига олиб келади.

Давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги йирик фаолияти ишсизликнинг олдини олишдан иборат. Ишсизлик умумий иқтисодий тенгликнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий кўрсаткичлардандир.

Уч хил ишсизликни бир-биридан фарқлаган ҳолда кўрсатиш мумкин. Биринчиси нормал ҳолатдек мазмунга эга бўлиб, иш ахтариш, ишга жойлашув билан боғлиқ ишсизликдир. Бундай ишсизлик доимо бўлиши мумкин, чунки маълум қисм одамлар ишдан ишга кўчиш, кўнгилдагидек ва мос иш ахтариш туфайли вақтинча ишсиз ҳисобланади. Бу фрикцион ишсизлик деб аталади.

Иккинчи хил ишсизлик ишлаб чиқаришдаги тузилма ўзгаришлари туфайли бўлиб, бу ҳам доимий мавжуд бўлади. Чунки бу асосан ривожланиш билан борлиқ воқеликдир. Айтайлик, механизациялаш, автоматлаштириш, янги технологияга ўтиш туфайли мавжуд мутахассисликлар ўзгариши юз беради. Бундан ташқари ҳарбий саноат конверсияси (айниқса Россия саноатида кенг миқёсда давом этмоқда) ёки бошқа хом ашёга ўтиш, янги хил материаллар ишлатишга ўтиш туфайли ишлаб чиқаришни ўзгартириш кабилар мутахассисликни ҳам ўзгартиришга олиб келади. Албатта, бундай ўзгаришлар маълум даражадаги ва миқдордаги ишсизликни ташкил қилиб, меҳнат бозорида иштирок этишга олиб келади. Бундай ишсизлик тузилмавий ишсизлик дейилади. Буни ҳам фрикцион ишсизликка ўхшаган бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Чунки тузилма технологик ўзгаришларни тўхтатиб бўлмаганидек ва ташқи иқтисодиётдаги алоқалар ривожини, умуман, бозордаги товарлар

эхтиёжи талабининг ўзгаришларини тўхтатиб бўлмаганидек, бу хил ишсизликнинг бутунлай олдини олишнинг иложи йўқ.

Учинчи хил ишсизлик анча мураккаб ва унинг таъсири ва мазмуни бошқачароқ. Маълумки, иқтисодиёт ривожини ва унинг асосини бўлган ишлаб чиқариш тараққиёти бир текисда давом этмайди. Вақти-вақти билан ёки маълум муҳлат ичида кўтарилиш, пасайиш юз бериб туради. Бир вақтлари заруриятга кўра хом ашёвий тараққиёт тезлашиб, бундай тармоқлар жуда кенгайган. Сўнгра технологик ўзгаришлар натижасида моддий сиғимлилигининг олдини олиш натижасида ва табиий хом ашёларнинг камайиб бориши билан бу тармоқлар қисқара борди, шунингдек, бунинг таъсири хом ашёларнинг бирламчи қайта ишловчи тармоқларига ҳам ўтди.

Кейинги йилларда республикамизда бу соҳада бир қанча ишлар амалга ошмоқда. Қишлоқ жойларда, айниқса туман марказларида бундай корхоналар сони кўпаймоқда, лекин озик-овқат саноати ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирламчи ишлаш тармоқларида унинг таъсири ҳозирча анча кам. Майда корхоналарнинг қишлоқ жойларида кўпайиши жуда яхши. Аммо бу нарса шаҳарларда ҳам амалга ошмоғи зарур. Майда корхоналарнинг кенг қулоч ёйишида хусусий, жамоа мулкларидан кенг фойдаланиш муаммоси эътиборга олиниши керак ва бунда кооперативлар ҳам ўзларига хос ўрин эгаллаши мумкин. Майда корхоналар фақат юқорида қайд қилинган соҳалар билан чегараланмай, бошқа соҳаларда ҳам ривожланиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқаришда, асбобсозлик, қурилиш материаллари ва шунингдек, хизмат кўрсатиш тармоқларида кенг қўлланиши керак. Чунончи, Японияда электротехника, радио-телевизор тармоқларида, АҚШда ҳатто автомобиль саноатида улар салмоқли ўрин эгаллашади.

Бундан ташқари янги иш жойлари барпо этилаётган янги тармоқлар қайта юзага келаётган йирик корхоналарда кўплаб пайдо бўлиб туради. Шу билан бирга уйда ишлаш, яъни касаначиликни авж олдириш, хунармандчиликни кенгайтириш, айниқса савдолар билан борлиқ ишлаб чиқаришни тараққий эттириш имконлари кенг. Туризм истиқболи, чет эллик саёҳатчиларнинг кўп келиши савдо молларининг ишлаб чиқарилишини талаб этади.

Маълумки, ишсизлик икки томонлама мазмунга эга, биринчиси айтганимиздек, иқтисодиёт учун катта зарар келтириб, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётини секинлаштиради. Энг муҳими ишловчининг ижтимоий аҳволини ёмонлаштиради ва унга моддий ва руҳий зарар келтиради. Лекин, иккинчидан, умуман ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади, яъни ишчи ишсизлик ҳолатига тушмаслик учун рақобат курашида қатнашади. Бунда ишчи малакали, интизомли бўлиш, унумли меҳнат қилиш ва иш жойини сақлаш учун рақибларга нисбатан устун бўлишга ҳаракат қилади. Булар меҳнат унумдорлигининг юқори даражада бўлишида, меҳнат самарадорлигининг ошишида аҳамиятлидир.

Давлат иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига қуйидагиларни қафолатлайди:

- ишсизлик нафақасини тўлаш;
- меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;
- ишсиз шахсга қарамоғидагиларни ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;
- меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш [26].

Ишсиз шахсларга моддий кўмак беришда ишсизлик нафақаси асосий аҳамиятга эга бўлиб, расмий ишсиз деб эътироф этилган шахсларга бир йил оралиғида кўпи билан йигирма олти календарь ҳафта (олти ой), илгари умуман ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса ўн икки ойлик давр мобайнида ўн уч календарь ҳафта (уч ой) тўланади.

Иш билан бандликнинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади юқорида қайд қилинган тўла, самарали ва эркин танланадиган фаолият билан банд бўлишни англатади, бу эса иқтисодиёт тармоқларида танлаш мумкин бўлган иш жойлари мавжудлигини назарда тутаяди.

Шунинг учун ишсизликка қарши курашиб, иложи борича унинг олдини олиш зарур. Бу соҳадаги асосий вазифа давлат зиммасига тушади. Давлатнинг бир қатор чораларни, ҳатто зарурият тақозоси билан сунъий иш жойлари ташкил этиши ҳам фойдадан холи эмас.

Ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиёт ривожланиши билан буларнинг таъсири сусаймоқда. Масалан, АҚШда 1945 йили ишга лаёқатлиларнинг 35 фоизи касаба уюшмасининг аъзоси бўлган бўлса, 1995 йили бу кўрсаткич 14 фоизга тушиб қолган. Бу касаба уюшма аъзоларининг қисқаришини кўрсатади. Бунинг бир неча сабаблари бор. Айтилик, сиёсий соҳадаги бунга бўлган салбий муносабат ва қонунчиликдаги касаба уюшмаларига нисбатан бунинг таъсири, интеллектуал меҳнат ва аёллар меҳнати қисмининг ортиб бориши ёш ишчиларнинг бу ташкилотларга қизиқмаслиги кабилар бунинг сабаби бўлиши мумкин. Чунки касаба уюшмаларининг меҳнат бозорига таъсири пасайиб бормоқда.

1930-йиллардаги буюк турғунлик даври ва кейинчалик 60-70-йилларда ижтимоий муаммолар кишилар оммасини қамраб олган пайтда ижтимоий ходимлар ҳар томонлама ёндашув ёрдамида кишиларнинг кўпгина муаммоларини ҳал этишга эришдилар. АҚШ Президенти Ф.Рузвельтнинг босими остида ишсизликка биринчи бор миллий муаммо сифатида ёндашилди ва Фавқулудда ёрдам бўйича муваққат бошқарма тузилди.

Бошқарма хусусий хизматлардан Ф.Рузвельтнинг замонавий Американи ислоҳ этган машҳур «Янги курс»и асосига қўйилган давлат дастурини ишлаб чиқиш учун яхши мутахассисларни таклиф этди. Ф.Рузвельтнинг фикрича, ишсизларга давлат томонидан ёрдам – хайрия сифатидаги садақа эмас, балки тараққий этган жамиятда ҳар бир фуқаро ҳуқуқида минимал турмуш даражасини ҳисобга олишга асосланган ижтимоий адолатдир.

1964 йилда АҚШ Президенти Л.Жонсон янги иқтисодий ва сиёсий вазиятдаги «Буюк жамият» дастури доирасида Сенат ва Конгресс Вакиллари Палатасига саноатлашган давр билан ва камбағаллик боғлиқ муаммоларга йўналтирилган қатор қонун лойиҳаларини таклиф этди. Камбағалликка олиб келувчи кўпгина қийинчиликлар меҳнат ресурслари муҳофазаси бўйича махсус президент комиссияси «Миллатнинг учдан бир қисми: ҳарбий хизматга яроқсиз ёш йигитлар тўғрисида»ги маърузасидан ҳам маълум эди. У бошқа маълумотлар қаторида «Иқтисодий имкониятлар тўғрисида»ги қонунга асос бўлиб хизмат қилди.

Ишсизлик даражасига ички омиллар билан бирга ташқи омиллар ҳам таъсир этади. Капитал ва товарлар импорти, экспорти албатта ишсизликни кучайтириши мумкин. Ишчиларнинг миграциясини олсак, четга чиқиш ишсизликни камайтирса, мамлакатга четдан ишчиларнинг келиши ишсизликни кўпайтиришга олиб келиши мумкин.

Ишсизликни тартибга солишда чет эл мамлакатларида катта тажриба тўпланган. Масалан, француз иқтисодчилари ўз мамлакатларида иш билан бандлик ўзгаришида турли босқичлар мавжуд бўлганлиги ва ана шу босқичлар хусусиятларига қараб меҳнат бозорини тартибга солишнинг тегишли воситалари ишга солинганлигини қайд этадилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатда иқтисодиёт жадал ўсиш босқичига кирган вақтда иш кучи етишмаслигини корхоналарга қишлоқ аҳолисини жалб қилиш ҳисобига қоплаш зарурати туғилди. Давлат бу жараёни рағбатлантириш мақсадида қонунчилик йўли билан ишсизликни суғурталашни йўлга қўйди ҳамда меҳнат бозоридаги ахборотни умумлаштириш ва аҳолига етказиш механизмларини такомиллаштирди. Бундан ташқари меҳнат бозори амал этишини тартибга солишда бевосита иштирок этган ташкилий тузилмалар – Иш билан бандлик миллий фонди ва Катта ёшдагиларни касбга тайёрлаш ассоциацияси ташкил этилди.

Чет элдаги қатор мамлакатлар қаторида Францияда иш билан бандлик даражасини оширишда иш вақтини қисқартиришдан ҳам фойдаланилди. Бу ерда 40 соатли иш ҳафтасидан 39 соатли иш ҳафтасига ўтиш 300 минг иш ўрни бўшашига олиб келди.

Швецияда иш билан бандлик ва ишсизликни тартибга солиш бўйича олиб борилган сиёсат ҳам муайян қизиқиш туғдиради. Бу сиёсатнинг натижаларини мамлакатда иқтисодий ўсишнинг нисбатан юқори ва барқарор суръатлари, инфляциянинг паст даражаси ҳамда аҳолининг амалда иш билан тўла бандлиги таъминланганлигидан ҳам билса бўлади. Швецияда иқтисодий сиёсат компаниялар фойдаси ҳаддан ташқари ортиб кетишини чегаралашга қаратилган. Тегишли касб ва малака даражасига эга мамлакатдаги барча ишчи ва хизматчилар

Ўз корхоналари молиявий аҳволидан қатъий назар тенг иш ҳақи оладилар. Мамлакатда ишсизлар учун ҳам, меҳнат билан банд персонал учун ҳам касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлаш ривожланган тизими амал қилади. Бу йўл билан иш кучининг минтақавий ва касбий ҳаракатчанлиги рағбатлантирилади.

Швециянинг бу соҳадаги тажрибаси ноёб эканлигини таъкидлаш керак. Давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсати бир томондан зарур сифатга эга иш кучини шакллантиришни, иккинчи томондан эса, янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Бунинг учун таъсир кўрсатишнинг фаол усуллари: малака ошириш ва қайта тайёрлаш харажатларнинг бир қисмини иш ҳақига субсидия қилиш, жамоатчилик ишларни ташкил этиш ва ҳоказолардан қўлланилади. Шу билан бир қаторда давлат субсидиялари орқали етарли даражада рентабелли бўлмаган, лекин муайян ижтимоий функцияларни бажариш учун зарур бўлган корхоналарда иш билан бандлик зарур даражада ушлаб турилади.

Иш билан бандлик ва ишсизликни “шведчасига” тартибга солишда давлат фақат янги иш ўринлари яратишни кўпайтириш билангина чегараланиб қолмасдан, иш кучи сифатини оширишга қаратилган чораларга устувор эътибор беришини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки биргина янги иш ўринларининг кўпайиши улар мавжуд иш ўринлари билан муқаррар равишда рақобат қилиши сабабли кўзланган самарага эришиш имконини бермайди.

Умуман олганда, халқаро миқёсда иш билан бандлик соҳасидаги турли давлатлар сиёсати хусусияти ва самарадорлигини баҳолаш учун ишсизлик бўйича нафақалар ва бошқа тўловлар тўлаш ҳамда бунинг учун харажатларнинг меҳнат бозоридаги сиёсатини амалга оширишга сарф қилинадиган умумий харажатлардаги улушини таққослаш керак бўлади.

Японияда узоқ йиллар давомида иш ҳақи ходимнинг иш стажи ва ёшига боғлиқ эди. Бугунги кунда персонал малакаси ва меҳнат самарадорлигини ҳисобга олиш мақсадини кўзлаган ўзгаришларга ҳам борилмоқда. Шу билан бирга иш ҳақини ташкил этишнинг анъанавий тизими амал этишда давом этмоқда. Бу тизим бир корхонада муқим ишлашни рағбатлантириб, ходимларни бошқа фирмаларга ўз хоҳиши бўйича эркин ўтишига тўсқинлик қилади.

Япония учун компания раҳбарининг персоналга патернал муносабати, ходимларнинг ишлаб чиқаришдан ташқаридаги турмушига эътибор хосдир. Ўз навбатида персонал ҳам корхона фаолияти барча масалаларига дахлдорликдан манфаатдорлик ҳис этади.

Чет элдаги мамлакатларда ишсизларнинг иш қидиришларини фаоллаштириш мақсадида ишсизлик бўйича нафақалар тўлашни қатъий тартибга солиш (масалан, нафақа тўлаш муддатининг ўртача давомийлиги 1,5 йил қилиб белгиланди) чоралари кўрилди. Ғарб мамлакатлари ҳукуматлари, шунингдек нафақалар энг юқори даражасини қисқартириш (Дания, Австрия, Германия) ёки уни тўла ҳажмда тўлаш муддатларини қисқартириш (Франция) чораларини ҳам кўра бошладилар.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш учун куйидаги чора-тадбирлар кўрилмоқда:

1. Меҳнат қонунчилиги тобора такомиллаштирилиб, жойлардаги иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолияти кучайтирилмоқда.

2. Янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар бериляпти.

3. Меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари кўриляпти. Бунинг учун меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилмоқда.

4. Аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда.

5. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилган.

6. Давлат ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этиляпти.

7. Ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Мамлакатда ишсизларни ишга жойлаштириш бўйича етарли даражада самарали иш олиб борилмоқда, бу меҳнат бозорининг юқори даражадаги фаоллигининг далилидир.

### ХУЛОСА

Мамлакатимизда ишсизлар билан ишлашнинг хусусиятлари, бу борадаги хорижий тажрибалар, ишсизларга бўлган муносабатларни ўрганиш борасида куйидаги хулосаларни келтириш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ, “16 ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақиға эға бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар ишсизлар, деб эътироф этилади; иккинчидан, иш билан бандликнинг ҳозирги даврдаги Европа модели меҳнат унумдорлиги ортиши иш билан бандлар сонини қисқартиришга асосланган. Бундай сиёсат тобора кўпайиб борадиган ишсизлар учун нафақа тўлаш қимматбаҳо тизимини яратишни талаб этади; учинчидан, Ўзбекистондан ишчи кучини қабул қилаётган асосий мамлакатлар билан меҳнат миграцияси жараёнини қонунийлаштириш ва мигрантларни уларга иш тақдим этаётган мамлакатда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кўшимча ишларни амалга оширилмоқда; тўртинчидан, ишсиз ёшларда нима учун ишга кирмоқчи эканини аниқлаш, ёки ишга киришдан кўзланган мақсад нима эканини билиш ва аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. 2020 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-642 сон «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Kaufman В.Е., Hotchkiss J.L. The economics of labor markets. 5th ed. Fort Worth, TX : Dryden Press , 2000. Хайек Ф.А. Общество свободных / Пер. с англ. – М., 1990. – С.93.
3. Демин А.Н. “Факторы успешного и неуспешного поведения в ситуации безработицы”. – Новосибирск : АО Наука РАН , 2002. – С.130.
4. Иванова – Швец Л.Н. «Управление трудовыми ресурсами» Учебное пособие. –М.: 2004. – С.189.
5. Кучмаева О.В., Егорова Е.А. «Экономика труда» Учебное пособие. –М.: 2004. – С.160.
6. Продолжительность занятости и трудовая мобильность. –М.: ТИЕС, 2003. Барбарова Е.Л. Экономика и социология труда –М.: 2005. – С.146.
7. Генкин Б.М. “Экономика и социология труда”: Учебник для вузов Москва: Норма , 2003. Иванова –Швец Л.Н. «Управление трудовыми ресурсами» Учеб. Пос. –М.: 2004. – С.86.
8. Разумова Т.О. Влияние учебной миграции на региональный рынок труда 2001. – С.186.
9. Рынок труда./под ед. В.С. Буланова и Н.А. Волгина. Учебник.-М.: Экзамен, 2000. – С.348.
10. Кузбмин К.В., Сутырин Б.А. История социальной работы за рубежом и в России (с древности до начала XX века). – М.: Академический проект; Екатеринбург: Деловая книга, 2002. – С.186.
11. Абдурахманов Қ.Х. ва бошқалар. ««Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси»». Дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 2001.– Б.344.
12. Абдурахмонов Қ.Х. Холмўминов Ш.П “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” (ўқув.қўл) Т.: 2004. – Б.146.
13. Абдурахмонов Қ.Х., Тоҳирова Х.Т., Зокирова Н.Қ. “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш”(ўқув.қўл) –Т.: 2004– Б.186.
14. 2004. Абдурахмонов Қ.Х. «Меҳнат иқтисодиёти» (Дарслик) -Т.: «МЕХНАТ» нашриёти, 2004. – Б.340.
15. Абдурахмонов Қ.Х., Шарифуллина Т.А. “Экономика и социология труда” Учебное пособие. -М.: 2002. – С.196.

16. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш/Абулқосимов Ҳ.П. ва бошқалар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. – Б.240.
17. Макроэкономика: теория и российская практика. –М.: КНОРУС. 2004. –С.137-139.
18. Русин Т. Профессия социального работника в США. В кн.: Гендерный колейдоскоп. – М.: Академия, 2002.– С.505.
19. Социальная работа: теория и практика. – М.: ИНФРА, 2002.– С.385.
20. Социальная работа как профессия (аналитический обзор) // Ж. Социологические исследования. – М., 1992. №3.– С.91.
21. Хайек Ф.А. Общество свободных / Пер. с англ. – М., 1990. – С.93.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Шухрат Турдикулов**

Тошкент давлат шарқшунослик  
университети тадқиқотчиси  
e-mail: txshuhtrat65@mail.ru

### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жамият тарққиётига бевосита салбий таъсир кўрсатувчи иллатлардан бири коррупция масаласига эътибор қаратилган. Жамиятда бундай иллатни авж олиши ёки уни камайтириш ва олдини олиш инсонларнинг оқилона хатти-ҳаркатлари, ҳамда уларнинг интеллектуал потенциалига боғлиқ. Ушбу муаммоларни аниқлаш мақсадида Ўзбекистоннинг еттита ҳудудида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари берилган ва таҳлил қилинган. Шу билан биргаликда дастлаб ушбу муаммони назарий асосларига эътибор қаратилган бўлса, асосий қисмда муаммони ечимини топишда аҳолининг фикрлари аноним тарзда ўрганилган ва бу орқали қандай натижаларга эришиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ҳудудлардаги мавжуд ҳолатни аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётига таъсир доираси масалаларини ёритишга ҳаракат қилинган. Социологик сўров натижаларида мавжуд коррупцияга қарши курашишда давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти, унинг келиб чиқиши ва уни бартарф қилишга тўсқинлик қилувчи омиллар ўрганилган.

Мақолада келтирилган социологик сўров натижаларида қайд этилган статистик маълумотлар орқали коррупцияни олдини олиш ва бартарф қилиш ҳақида маълумот олиш, ҳамда таҳлил қилиш имконига эга бўлиш мумкин.

**Калит сўзлар:** коррупция, порахўрлик, таъмагирлик, коррупцияга қарши реклама, уюшган жиноятчилик, динамика, мурасисиз муносабат, қонун.

**Шухрат Турдикулов**

исследователь  
Ташкентского Государственного  
университета Востоковедения  
e-mail: txshuhtrat65@mail.ru

### СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ И ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ КОРРУПЦИИ

#### АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена проблеме коррупции, одному из пороков, который непосредственно негативно влияет на развитие общества. Его уменьшение и предотвращение

зависит от рационального поведения людей, а также их интеллектуального потенциала. С целью выявления этих проблем в статье были приведены и проанализированы результаты социологического исследования, проведенного в семи регионах Узбекистана. При этом изначально внимание уделялось теоретическим основам этой проблемы, в основной части анализ мнения населения относительно решения данной проблемы. Они легли в основу выработанных рекомендаций. Также была предпринята попытка дать оценку существующей ситуации в регионах, в том числе, относительно влияния коррупции на образ жизни и социальную жизнь населения. Изучена деятельность государственных и негосударственных организаций в борьбе с существующей коррупцией, ее происхождение и факторы, препятствующие ее устранению.

**Ключевые слова:** коррупция, взяточничество, вкус, антикоррупционная реклама, организованная преступность, динамика, бескомпромиссное отношение, закон.

**Shukhrat Turdikulov**

researcher

Tashkent State University

University of Oriental Studies

e-mail: txshuhrat65@mail.ru

## SOCIOLOGICAL ANALYSIS OF ANTI-CORRUPTION AND ITS PREVENTION

### ANNOTATION

This article is devoted to corruption issues, it has direct negative effect on the financial prosperity of society. Reduction and prevention of such corruption issue can be achieved by rational behavior of people and their intellectual potential. Sociological study was conducted in seven regions of Uzbekistan to identify these issues, the results of the study were analyzed. The initial priority was given to the theoretical foundations of corruption, after that opinion of the population was anonymously studied to find solution to the issue. Particular attention was given to the construction of the questionnaire. Also, the existing situation in the regions and the effect of the issues on the lifestyle and social life of the population were highlighted. The sociological survey examined the activities of state and non-governmental organizations to combat the existing corruption, its origin and factors that prevent to get rid off it.

The results of the sociological survey were presented in the article, you can get information about the prevention of corruption and how to fight against it and analyze it.

**Keywords:** corruption, bribery, taste, anti-corruption advertising, organized crime, dynamics, uncompromising attitude, law.

### КИРИШ

Бугунги кунда ер юзи жамиятида коррупцияни олдини олиш ва уни бартарф қилиш долзарб аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида давлат иқтисодиётига зарар етказиш билан бирга, кимнидир эҳтиёжларини қондириш орқали бир қанча кишиларни ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ушбу муаммони тадқиқ қилиш, унга илмий ечим топиш асосий мақсадимиз ҳисобланади. Шу ўринда ушбу иллатнинг назарий асосларига эътибор қаратамиз. Коррупция муаммоси XIX асрнинг ўрталаридан бери турли соҳа вакиллари, жумладан, социолог олимларнинг илмий қизиқиш объекти бўлиб келмоқда. Коррупция ва уни бартараф этиш муаммоларини ўрганиш натижалари ғарб социолог олимларидан Э.Дюркгейм, М.Вебер, П.Сорокин асарларида келтирилган [1,2,3- С.352, 309, 424].

Ушбу олимлар коррупция муаммосининг жамият тараққиётига салбий таъсир ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётни издан чиқариши, ривожланишга тўсқинлиги, унга қарши жамиятда мурасасиз муносабатни шакллантириш муаммоларига алоҳида эътибор қаратганлар. Бизнингча, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожланиш динамикаси бевосита


инсонларни фазилатлари, интеллектуал салоҳиятга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ушбу олимларни назарий ёндашувлари бугунги кунда ушбу мауммони илмий жиҳатдан ўрганиш учун асос вазифасини бажаради. Огюсть Конт, Макс Вебер ҳаётида уларни либерал, яъни эркин фикрловчи, жамиятдаги иллатларга, ноҳақликларга муросасиз муносабатда бўлганликларини уларнинг ҳаёт фаолиятида кўриш мумкин. Буни биргина О.Конт томонидан ёзилган мақолани, Сен Симон унинг руҳсатисиз чоп этиб юбориши улар ўртасидаги муносабатни бузилишига олиб келганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни бунда ушбу ҳолатни у қоралайди ва бундай ишларга бошқа ҳеч қачон йўл қўймайди. Шарқда бу муаммо асосий муаммо сифатида ўрганилган бўлса, кейинчалик Фарбий Европа социология тарихида ушбу муаммони ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

### МЕТОДОЛОГИЯ

МДХ, Осиё ва Африка минтақаси доирасида кўплаб олимлар ушбу муаммони тадқиқ қилганлар. Жумладан, А.Пинчук, В.Полтерович, И.Бродман Ф.Риканатин, Джеймс Вольфенсон, И.Бондаренко В.Номоконов, В.Полтерович, Николас Хамелин, Мохаммад Нур Алам, Бриджитт Циммерман, Лука Сапорити, Тин Гун, На Чжоу, Мэттью Дженкинслар[4,..15-С.120,170] ва бошқа тадқиқотчилар ишларида ўз ифодасини топган. Ушбу муаллифлар биринчидан, коррупциянинг омиллари ва илдишлари; иккинчидан, унинг иқтисодий ривожланишга саратон каби тўсқинлик қилиши; учинчидан, унинг минтақавий даражадаги иқтисодий таҳлилин ва коррупция уюшган жинойтчилик унга қарши курашиш тенденцияларини; тўртинчидан, коррупцияга қарши реклама самарадорлигини ўрганиш масалаларига катта ҳисса қўшдилар. Шунингдек, коррупциянинг инсон ҳаётини фаровонлигига салбий таъсири, уни олдини олиш орқали жамият ҳаётини маданий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан кўтариш каби муҳим илмий-концептуал қарашлар илгари сурилган.

### АСОСИЙ ҚИСМ.

Биз ушбу муаммони назарий жиҳатдан ўрганиш билан бирга амалий социологик тадқиқотлар орқали ўрганишга ҳаракат қилдик. Жумладан, ушбу муаммони ўрганиш жараёнида Республикаимизнинг етти худудида яъни, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилояти ҳамда Фарғона вилоятлари аҳолиси орасида социологик сўров ўтказилди. Ушбу сўровномада иштирок этганларнинг 39,5%и эркеклар ва 60,5%и аёлларни ташкил этди (1-расм).




1-расм. Респондентларнинг жинси бўйича тақсимланиши.

Бунда аҳолининг турли қатламларида ўтказилди ва аёлларнинг кўпроқ иштирок этиши таълим, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг ҳам улуши кўпроқ бўлганлиги учун ушбу кўрсаткич ўз аксини топди.


Шу ўринда маълумотлилик даражасига эътибор қаратамиз. Респондентларнинг 20.1% ни ўрта маълумотли, 39.4%и ўрта махсус, 38.0%и эса олий маълумотлилар. Фан номзоди даражасида бўлганлар салмоғи 1.3%ни ва фан доктори даражасидагиларнинг умумий салмоғи

ҳам 1.3% и ташкил этди. Бунда иштирокчиларимизнинг асосий қисми ўрта махсус ва олий маълумотлилардан иборат (2-расм).



2-расм. Респондентларнинг маълумоти бўйича тақсимланиши.


Бугунги кунда демократик давлатларнинг асосий хусусияти қонун устуворлигининг таъминланиши ва инсонни олий кадрият сифатида жамиятда ўз ўрнига эга қилишдан иборат. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Демак, жамиятда ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиш билан бирга, ўз мажбуриятларини ҳам ҳис қилиш ва масъулият билан бажариш имкониятининг вужудга келтиради. Биз тадқиқотимизда Ўзбекистонда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонундан хабардормисиз деган савол билан мурожаат қилганимизда иштирокчиларнинг 61.6%и “Ҳа”, 32.2%и “Йўқ”, 5,5%и эса жавоб беришга қийналаман деб таъкидлаган. Демак, иштирокчиларимизни кўпчилиги коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонундан хабардор. Бу ўз навбатида бизни хурсанд қилади (3- расм).



3- расм. Ўзбекистонда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонундан хабардормисиз?

Иштирокчилардан сўнги йилда Ўзбекистондаги коррупция ҳолатининг ўзгариш даражаси қандай деб сўралганда, 26.6%и “коррупция ҳолати кўпайган”, 24.8%и “ўзгариш бўлмади”, 24.3%и “коррупция ҳолатлари кўпаймади”, 24.3%и эса “жавоб беришга қийналаман” деган фикрни билдирган. Демак, сўнги йилларда коррупция ҳолатларини

қўпайган деб ҳисобловчи респондентларимиз қўпчиликни ташкил этмоқда. Ушбу муаммони ҳақиқатдан ҳам илмий ўрганиш долзарблик касб этишини ушбу жавобдан ҳам англаш мумкин.




4-расм. Сизнинг фикрингизча, сўнгги йилда Ўзбекистонда коррупция даражаси ўзгарганми?

Навбатдаги “Сиз яшаб турган ҳудудингизда порахўрликка қарши кураш олиб бориляптими?” - деган саволга респондентларнинг 17.2% “Ҳа, самарали”, 36.8% “Ҳа, бироқ самарали эмас”, 21.5% “Йўқ”, 19.2% “Билмайман, бу ҳақда эшитмаганман”, 5.2% эса “жавоб беришга қийналаман” деган жавобларни беришди. Демак, ушбу иллатга қарши курашиш йўлга қўйилган. Аммо самарали механизмлар ишлаб чиқилмаган. Албатта ушбу тадқиқотлар натижасида самарали механизмларни ишлаб чиқишни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйганмиз (5-расм).



5-расм. Сизнинг фикрингизча, Сиз яшаб турган ҳудудингизда порахўрликка қарши кураш олиб бориляптими?

XXI аср ахборот асри деб бежиз таъкидланмайди. Чунки, жамиятдаги қўплаб муаммоларни ечимини топишда, аҳолига ушбу муаммони қай даражада инсонлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини етказишда ОАВ ўрни бекиёс. Сабаби, ОАВнинг аудиториясининг масштаби кенг қамровли. Шу сабабли куйида биз “Сизнинг ҳудудингиздаги оммавий ахборот воситалари (газеталар, телевидение, радио ва интернет) да коррупцияга қарши амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар етарли даражада бериладими?”-деган саволимизга респондентларнинг 27.9%и “Ҳа, зарур бўлганда маълумот тақдим этилади”, 44.2%и “Маълумот етарли, аммо барчасини қамраб олмайди, 28.0% “Йўқ, маълумот етарли эмас”, деган фикрларни илгари суришди (6-расм).



**6-расм. Сизнинг худудингиздаги оммавий ахборот воситалари (газеталар, телевидение, радио ва интернет) да коррупцияга қарши амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар етарли даражадами?**

Демак, ушбу саволга берилган жавоблардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ОАВ ушбу иллатни ёритиб бормоқда, аммо етарли даражада эмас. Бу ҳам ўз навбатида ушбу иллатни камайтириш ёки бартараф этишга ўз таъсирини ўтказди.

Коррупцияни олдини олишда ва бартараф қилишда унинг сабабларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, социологик тадқиқот орқали муаммонинг асл сабаблари тадқиқ қилинади. Шу нуқтаи назардан олиб қараган куйида қўйилган саволдан мақсад ҳам айнан шундай. “Сизнинг фикрингизча, мамлакатда коррупциянинг асосий сабаблари нимадан иборат”- деган саволга иштирокчиларнинг 49.7%и “бюджет соҳасидаги ишчи-ходимларнинг маошлари камлиги”, 33.4%и “амалдорларнинг хатти-ҳаракати бўйича қатъий назорат йўқлиги”, 8.6%и “турмуш тарзи (менталитет)”, 4.5%и “жамоатчилик назоратининг йўқлиги”, 1.4%и “маъмурий буйруқбозлик”, 0.8%и “беқарор иқтисодий ҳолат”, 0.8% респондентлар “суд тизимини такомиллашмаганлиги” 0.8%и эса бошқа сабабларни кўрсатиб ўтишди (7-расм).




**7-расм. Сизнинг фикрингизча, мамлакатда коррупциянинг асосий сабаблари нимадан иборат?**

Демак, иштирокчиларнинг 49.7%и “бюджет соҳасидаги ишчи-ходимларнинг маошлари камлиги”, 33.4%и “амалдорларнинг хатти-ҳаракати бўйича қатъий назорат йўқлиги” деган хулосани берапти. Берилган жавоблардан шуни хулоса қилиш мумкинки бюджет ташкилотларида фаолият олиб бораётган ишчи-ходимларни ойлик маошларини кўтариш ва

амалдорларнинг хатти-ҳаркатларини қатъий назорат қилиш коррупцияни камайтириш имконини беради. Айнан янги қабул қилинган қонуннинг ҳам асл мақсади шундан иборат.

Навбатдаги “Ўзингизнинг кундалик ҳаётингиз давомида коррупция билан боғлиқ ҳолатларга дуч келганмисиз?” деган саволга 18.8% респондентлар тез-тез дуч келганликларини эътироф этган бўлса, 45.1%и камдан-кам дуч келганликларини, 22.3%и атрофдагилардан эшитганликларини ва 13.8% умуман дуч келмаганликларини эътироф этишди.



8-расм. Ўзингизнинг кундалик ҳаётингиз давомида коррупция билан боғлиқ ҳолатларга дуч келганмисиз?

Юқоридаги жавоблардан шундай хулоса қилиш мумкинки, иштирокчиларнинг кўпчилиги коррупция ҳолатига дуч келган. Демак, коррупция ҳолати жамиятимиз ҳаётига ўз салбий таъсирини кўрсатиш билан бирга, инсонлар учун оддий ҳолатга айланиб улгурган. Ушбу муаммони ўрганиш жараёнида фуқароларда коррупцияга қарши мurosасиз муносабатни шакллантириш асосий вазифа эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Ушбу муаммони салбий оқибатларини таълим-тарбия жараёнида фарзандларимизга тушунтиришимиз, англатишимиз зарур деб ҳисоблайман.

Навбатдаги саволимиз ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, бизга коррупцияни камайтириш йўллари ўрганишда яқиндан ёрдам беради. “Агарда коррупция ҳолатларига дуч келсангиз, бу ҳақида хабар беришга тайёрмисиз?”- деган саволимизга респондентларнинг 34.9%и коррупцияни бартараф этиш учун ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдиришган бўлса, 31.6%и фақат аноним (яширин) тарзда хабар беришга тайёрлигини 8.0%и фақат моддий рағбатлантириш эвазига коррупция ҳолатларига дуч келса, бу ҳақида хабар беришга тайёр эканлигини, 18.6%и бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди, 6.9%и эса жазо эҳтимоллигидан кўрқинини билдиришди (9-расм).




9-расм. Агарда коррупция ҳолатларига дуч келсангиз, бу ҳақида хабар беришга тайёрмисиз?

Демак, ушбу саволга берилган жавоблар бизни хурсанд қилади. Чунки, халқимизнинг

кўпчилиги коррупция ҳолати юз берса хабар беришга тайёрлигини эътироф этган.


Бугунги кунда нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Бу ўз навбатида жамият ривожланишида ижобий таъсир кўрсатади. Навбатдаги, “Худудингизда коррупцияга қарши курашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини қандай баҳолайсиз?”-деган саволга иштирокчиларнинг кўпчилиги ўртача деб жавоб берган (10-расм).



**10-расм. Худудингизда коррупцияга қарши курашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини қандай баҳолайсиз?**

Демак, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада кенгайтириш коррупцияни олдини олишда ёрдам беради.

Куйидаги сўнги саволимиз асосий натижа берадиган саволлардан бири бўлиб, унга иштирокчилар куйидагича жавоб берган. “Сизнингча, коррупция жиноятини содир этганлик учун қандай жазо бўлиши керак?”-деган савол берилганда респондентларнинг 26.1%и “Ўтказилган зарарни тўлиқ қоплаш”, 39.6%и “Муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш”, 16.6%и “Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш”, 17.6%и эса респондентлар коррупция жиноятини содир этган шахсларни “Жуда катта миқдорда жаримага тортиш” зарурлигини таъкидлаган (11-расм).



**11-расм. Сизнингча, коррупция жиноятини содир этганлик учун қандай жазо бўлиши керак?**

## ХУЛОСА

Ушбу муаммо бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида куйидагича хулосага келинди. Биринчидан, асосий коррупция ходисалари давлат ташкилотларида фаолият

кўрсатаётган ходимлар томонидан амалга оширилади; иккинчидан, коррупция жараёни асосан жуда махфий равишда иккала томоннинг ўзаро келишуви асосида олиб борилади; учинчидан, коррупцияни бажараётган шахс маънавий жиҳатдан тубан инсон томонидан амалга оширилади; тўртинчидан, давлатнинг бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг камлиги; бешинчидан, амалдорларнинг ҳатти-ҳаракати бўйича қатъий назоратнинг йўқлиги; олтинчидан, раҳбар ва ташкилотларда маънавий тарбия ва қиёфа етишмаслиги; еттинчидан, таъмагирларни жазолашда қонун ва суд тизимидаги камчиликлар; саккизинчидан, таъмагирлик ва коррупциянинг барча турлари бўйича жазо бериш чоралари ўта юмшоқлиги ва барча давлат ташкилотларида социологик ячейкалар мавжуд эмаслиги. Демак, ушбу иллатни бартараф қилишда юқорида келтирилган омилларга эътибор қаратсак, ҳамда жорий қила олсак ушбу муаммони бартараф қилиш ва камайтириш имконияти вужудга келади. Бунда давлат органлари билан бирга фуқаролар ҳам онгли равишда ҳаракат қилишлари лозим.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Дюркгейм Э. Социология. Ее предмет, метод, предназначение /Пер. с фр., составления, послесловие и примечания А.Б. Гофмана. – М.: Канон, 1995. – С.352.
2. Вебер М. Город // Избранное. Образ общества.: Пер. с нем. – М.: Юрист, 1994. – С.309-446.
3. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – М.: Политиздат, 1992. –С.295-424.
4. Полтерович В.М. Факторы коррупции. – М.: 1998. – С.120.
5. Бродман И., Риканатини Ф. Корни коррупции. Важны ли рыночные институты? World Bank, 2008. – С.98.
6. Джеймс Вольфенсон. Коррупция, как рак, препятствует экономическому развитию. 2000. – С.95.
7. Бондаренко И. Коррупция: экономический анализ на региональном уровне. – СПб.: «Петрополис» 2001.– С.23-45.
8. Номоконов В.А. Организованная преступность: тенденции, перспективы борьбы. – Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 1998. – С.210.
9. Полтерович В.М. Факторы коррупции. – М.: 1998. – С.86.
10. Хамелин Н. Изучение эффективности антикоррупционной рекламы в Марокко. – Маракко: 2001. – С.106.
11. Мохаммад Нур Алам Женщины и коррупция: опыт Шри-Ланки. – Шриланка. 2007. – С.65.
12. Бриджитт Циммерман Отношение граждан к коррупционным скандалам. 2015. – С.90.
13. Сапорити Лука Социальный капитал и коррупция. – Япония, 2009. – С.86.
14. Тин Гун, На Чжоу Коррупция и формальные и неформальные правила китайских госзакупок рынок. – Китай. 2011. – С.130.
15. Мэттью Дженкинс Роль парламентов в борьбе с коррупцией. – США. 2015. – С.170.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Нодира Алимухамедова,**

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

«ТИҚХММУ» МТУ

e-mail: n.alimuxamedova@tiiame.uz

**Умида Сабирова,**

социология фанлари доктори (DSc)

Ўзбекистон Миллий университети доценти

e-mail: umida-sabirova@yandex.com

### МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада глобаллашувнинг интеграция жараёнлари шароитида глобал, геосиёсий, этник, миллий муаммоларнинг кескинлашуви кўриб чиқилган. Жамият ҳаётининг асосий соҳаларининг глобаллашуви аста-секин анъанавий чегараларни емириб бормоқда, интеграция жараёнлари маданиятларнинг бир-бирига сингиб кетиши ва «идентиклик»ни йўқотиш хавфини келтириб чиқарди ва миллий ўзликни, анъана ва қадриятларни, маданияти ва тилини асраб-авайлашнинг долзарблиги бутун дунёда миллатчилик ва миллий ўзликни англашнинг кучайишига олиб келди. Айнан мана шу вазиятдан ҳимоя воситаси сифатида миллий идентиклик бугунги кунда энг муҳим масалага айланди. Миллий идентиклик миллий давлатлар легитимлигининг асоси бўлиб, у фуқароларнинг тарихий тақдир бирлиги ҳақидаги ғояларини шакллантиради ва мустақамлайди, миллий ва маданий ўзига хослик бирлиги туйғуси мавжуд экан, миллат ҳам мавжуддир.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, миллий идентиклик, миллий ўзликни англаш, маданият, миллий қадриятлар.

**Нодира Алимухамедова,**

доктор философии (PhD)

«ТИИИМСХ» НИУ

e-mail: n.alimuxamedova@tiiame.uz

**Умида Сабирова,**

доктор социологических наук (DSc)

Национальный университет Узбекистана, доцент

e-mail: umida-sabirova@yandex.com

### СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается обострение глобальных, геополитических, этнических, национальных проблем в контексте интеграционных процессов глобализации. Глобализация основных сфер жизни общества постепенно стирает традиционные границы, интеграционные процессы приводят к слиянию культур, и это породило угрозу утраты «идентичности» и актуальность сохранения национальной идентичности, традиций и ценностей, их культуры и языка привели к подъему национализма, и возрастанию национального самосознания во всем мире. Рост национальной идентичности стал сегодня самым важным вопросом как средство защиты от этой самой ситуации. Национальная идентичность составляет основу легитимности национальных государств, она формирует и укрепляет представление граждан о единстве исторической судьбы, и пока существует чувство единства нации и культурная самобытность, существует нация.

**Ключевые слова:** глобализация, национальная идентичность, национальное самосознание, культура, национальные ценности.

**Nodira Alimukhammedova,**  
doctor of philosophy (PhD)

NRU «ТИАМЕ»

e-mail: n.alimuxamedova@tiiame.uz

**Umida Sabirova,**

doctor of social sciences (DSc)

National University of Uzbekistan, Associate Professor

e-mail: umida-sabirova@yandex.com

**SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF NATIONAL IDENTITY****ANNOTATION**

The article deals with the aggravation of global, geopolitical, ethnic, national problems in the context of the integration processes of globalization. The globalization of the main spheres of society's life is gradually erasing traditional boundaries, integration processes lead to a merger of cultures, and this has given rise to the threat of loss of "identity" and the relevance of preserving national identity, traditions and values, their culture and language have led to the rise of nationalism, and the growth of national self-consciousness in everything the world. The growth of national identity has become today the most important issue as a means of protection against this situation. National identity is the basis of the legitimacy of nation-states, it forms and strengthens the idea of citizens about the unity of historical destiny, as long as there is a sense of the unity of the nation and cultural identity, there is a nation.

**Key words:** globalization, national identity, national consciousness, culture, national values.

**КИРИШ**

XX-XXI асрлардаги асосий ижтимоий-сиёсий жараёнлар – бу, кўп миллатли империяларнинг қулаши, посткоммунистик маконда янги миллий давлатларни қурилиши, миллатлараро тўқнашувлар, дунёда интеграцион жараёнларнинг кучайиши билан характерланади. Замонамизнинг кўпгина муаммолари қаторида, глобаллашув жараёнларининг кескин фаоллашуви натижасида, идентиклик муаммосини тадқиқ этиш муҳимлигича қолмоқда. Биринчилардан бўлиб идентиклик масалаларига С.Хатингтон ўз диққатини қаратар экан: «Одамлар ва миллатлар инсон дуч келиши мумкин бўлган энг муҳим саволга жавоб беришга ҳаракат қилмоқдалар: Биз киммиз?», деб таъкидлайди. «Замонавий дунёда... маданий идентиклик (этник, миллий, диний, цивилизацион) марказий ўринни эгаллади, иттифоқлар, антогонизмлар ва давлат сиёсати эса маданий яқинлик ва маданий фарқларни ҳисобга олган ҳолда шаклланмоқда»[1; 7], дейди С.Хатингтон. Дарҳақиқат асримиз бошига келиб «миллий идентикликнинг инқирози глобал ҳодисага айланди»[2; 304].

Бунинг натижасида замонавий ўзликни англаш ҳодисасининг ўзгариб бориши, «ўзлик»нинг йўқотилиши хавфи миллий идентикликни, анъана ва қадриятларни, ўз маданияти ва тилини сақлаб қолиш масаласини долзарблашуви бутун дунёда миллатчиликнинг юксалишига олиб келишидан далолат берар эди. Бугун, нафақат дунё харитасида яқинда вужудга келган, балки «дунё геосийёсий тизимида» «илдиз отган» миллатлар ва давлатлар «Биз киммиз?» ва «Бу «Биз»нинг ортида конкрет нималар яширинган?» каби саволларга қайта-қайта аниқ жавоб топиши – миллий идентиклигини аниқлаши зарур[3; 304]. Космополитизм назарияси асосчиларидан У. Бек фикрича, глобаллашув туфайли миллий давлат, миллат ва миллий ҳудуд орасида бўшлиқ шаклланиб бормоқда. «Глобаллашув миллий давлатчилик ва миллий жамоа бирлигига барҳам берилишини англатади; янги куч ва антогонистик муносабатлар шаклланимоқда, бир томондан миллий давлатлар ва акторлар тўқнашувлари ва низолари, бошқа томондан эса – трансмиллий акторлар, идентиклик, ижтимоий макон, вазиятлар ва жараёнлар тўқнашув ва низолари»[4; 304]. Бугунги кунда турли миллатлар идентиклиги парадигмалари трансформацион жараёнларни бошидан кечирмоқда, улар миллий ва маданий чегараларнинг ювилиб кетиши, натижада «маданий шок»ка олиб келиши ёки миллий ўзига хосликни йўқотиш сифатида талқин қилинмоқда. Ҳозирги глобаллашаётган дунёнинг ғоявий манзараси тубдан ўзгариши умумбашарий ахлоқ, глобал тафаккур ва глобал идентикликни, хатто «ҳиссийларнинг глобаллашуви»ни шакллантирмоқда[5; 59]. У.Бек таъкидлайдики: «Мен кимман? Менинг ватаним қаерда? – деган саволга энди оддий ва умрбод ўзгармас жавоб йўқ. Турли хил идентиклик шакллари ва ўзига хослик қатламлари мавжуд бўлгани каби, энди кўплаб жавоб вариантлари мавжуддир. Жавобни қай бирини танлаш ҳар бир алоҳида ҳолатда устувор бўлган ташқи шароитларга, шунингдек индивиднинг интилишлари ва ниятларига боғлиқ бўлади»[6; 88].

### **МЕТОДОЛОГИЯ**

Ўзбекистонда миллий давлатчилик ривожини нуқтаи назаридан миллат шаклланишининг омиллари, миллий мафкура, миллий ўзликни англаш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар мустақилликнинг илк даврларидан яратила бошланди. Жумладан, С.Отамуродов миллий маданият ва миллий ўзликни англашни жамият трансформациясига таъсири, глобаллашув шароитларида миллий-маънавий хавфсизлик масалаларини, А.Ачилдиев миллий ўзликни англаш ҳамда миллатлараро муносабатларда миллий мафкуранинг ўрни, Ш.Мадаева миллий менталитетда демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари ва идентикликнинг антропологик нуқтаи назарлардан, В.Қўчқоров миллий ўзликни англаш ҳодисасини сиёсий жараёнлар билан боғлиқлигини таҳлил этганлар.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Давримизнинг парадоксал хусусияти шундан иборатки, глобаллашув давлатлар, халқлар ва маданиятларни яқинлашуви, замонавий технологиялар ривожини, оммавий маданиятни, турли қадриятларнинг тарқалиши ва миллий маданиятларга сингиши, маданий унификация жараёнларини жадаллашувига олиб келмоқда, аммо шу билан бирга турли мамлакатларда иқтисодиёт ва маънавий ҳаётда глобаллашувнинг намоён бўлишига қарши этномаданий жамоалар доимий тарзда норозилик билдириб келмоқдалар. Албатта бу норозиликлар ортида миллий ва маданий ўзига хосликни йўқотиш кўркуви, «ўзлик»нинг йўқотилиши хавфи ётади, хатто давлат даражасида интеграцион жараёнларга миллатнинг мавжудлигига таҳдид сифатида қаралмоқда ва миллий идентикликни, миллий манфаатларни ҳимоя қилмоқдалар.

Глобаллашув жараёнлари ташқи ижтимоий макон интеграциялашувига олиб келди, лекин ички фарқланишларни кучайтирди. Глобал интеграция инсониятнинг сайёравий бирликка интилишини маданиятлар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда йўналтириш зарур, бу жараённи инсон тараққиётининг умумий маданий ва цивилизацион парадигмасини ўзгартирмасдан, миллий маданиятларнинг барча қадриятлар тизимини сифат жиҳатидан қайта кўриб чиқмасдан амалга ошириб бўлмайди. Миллий ўзликни англашни ўсиши, миллий идентиклик масалаларини долзарблашуви айнан янги глобал гомоген маданиятнинг ўрнатилиши мумкинлиги ва ушбу ҳолатга нисбатан ҳимоя воситаси сифатида бугунги кунда

энг муҳим масалага айланган. Ўзбекистон мустақиллик йилларида ижтимоий-гуманитар фанлар олдидаги долзарб вазифалардан бири – бу жамиятнинг трансформациялашувида кечаётган ислохотларнинг миллий кадриятлар қайта ўзгаришига таъсири, ўзликни англаш масалаларида халқнинг миллат сифатида янгидан намоён бўлиш жараёнларидаги илмий назарий асосларни тадқиқ этиш асосий вазифа эди. Янги Ўзбекистонда миллий ривожланишдан миллий тараққиёт сари юз тутаётган жамиятимизнинг янгиланишида миллий идентификация жараёнини оптималлаштириш йўллари ва имкониятларини аниқлаш муҳимдир. «Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим»[5]лиги ушбу масаланинг аҳамиятини белгилайди.

Миллатнинг тараққиёти миллий бирликни вужудга келтирувчи ментал хусусиятлар ва «ўзликни англаш туйғуси»нинг ривожланганлигига бориб тақалади, миллий идентикликни бу икки компонентининг ижтимоий-маънавий жиҳатларини англашга асос бўлади, бу борада миллат манфаатларини ҳимоя қилган миллий ғоя фундаментал асос бўлиб хизмат қилади. Миллий идентиклик менталитет ва ўзликни англашни назарда тутганлиги сабабли, миллий хусусиятларни белгилашда бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Давлат ҳужжатларида миллий идентиклик тушунчаси мавжуд эмас, лекин барчага маълумки миллий идентиклик миллий давлат легитимлигининг асоси ҳисобланади. Миллий давлатчилик ривожини нуктаи назаридан қаралганда, ўз тақдирини ўзи белгилаш масалалари миллий хавфсизлик призмаси орқали талқин этилади, аммо айнан миллий идентиклик унинг муҳим жиҳатидир. Миллий идентиклик миллий давлатлар легитимлигининг асосини ташкил этар экан, миллатнинг умумий ўтмиши, тарихий тақдирнинг бирлиги ҳақидаги тасаввурларни шакллантиради ва мустаҳкамлайди, токи бирлик ҳисси мавжуд экан, халқлар ўз миллий ўзига хослигини сақлаб қолишга интилиб, миллий идентикликни синфий, диний, маҳаллий фарқлардан юқори қўяр экан, миллат ҳам мавжуб бўлади. Зеро, «ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини фаоллаштириш, жамиятда ватанпарварлик ва ўз халқи билан ғурурланиш туйғусини шакллантириш миллий ўзликни англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ватандошларимиз дунёқарашини кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади»[6].


Глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқараётгани, кескин кураш ва рақобат ҳукм сураётган бир даврда манфаатлар тўқнашуви кучайиб борар экан, миллий ўзлик ва маънавий кадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар ҳам тобора ортиб бормоқда. Глобаллашув объектив жараён сифатида «фойда олиш», «моддий манфаатлар устунлиги» тамойилларига асосланганлиги ушбу жараённинг «маънавий қашшоқ»лигининг мезонидир. Ахборот глобаллашувининг сезиларли таъсири – телекоммуникацияларнинг ривожини, интернетни ер юзини «забт» этганини ҳисобга олган ҳолда, одамларнинг, айниқса ёшларнинг ўз-ўзини англашига ижтимоий-психологик босим ниҳоятда кучайганлиги ҳаммамизга маълум. Бугун «маънавий қашшоқлик» хавфи ёшлар орасида айниқса юқори бўлиб, миллат тараққиётининг асосларини, миллий-маънавий меросини, маънавий кадриятларни барбод қилиши билан миллатни борлиқ сифатида мавжуд бўлишига раҳна солмоқда. Бундай шароитларда ёшларнинг миллий ўзига хослигини, миллий идентикликни сақлаш масаласи ўта долзарбдир.

Миллий идентиклик идентикликнинг энг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Идентиклик (лотинча (*identus*) – айнанлик, мансублик, ўхшашлик) атамаси инсонни маълум бир ижтимоий гуруҳга мансублигини англаши ва тан олиши, ушбу гуруҳга хос бўлган маиший ва номаиший хулқ-атвор стереотипларини ўзлаштириши ва уларга амал қилишидир. Идентиклик идентификация жараёнида шаклланади. Инсонда идентификация муаммоси инсоннинг мавжудлиги, экзистенция муаммоси бўлиб, ўзини ўзи англаш, менталитет, ўзини бошқалардан фарқлаш, ўзи ким эканлигини тушуниш истаги билан бирга намоён бўлади ва бу истақ онтологик эҳтиёждир. Инсон ижтимоийлашув жараёнида жамиятнинг аъзоси сифатида шаклланар экан, у улкан тизимни бир қисми, маълум бир маданиятни ташувчиси эканини англайди, унда дахлдорлик, айнанлик, мансублик ҳисси шаклланади. Замонавий Ғарб илмий

тафаккурида идентиклик ва хусусан миллий идентиклик муаммосига эътибор 1970 йилларда кучайди, шу даврда «идентиклик» атамаси ижтимоий-гуманитар фанлар луғатига киритилган эди[7]. Идентиклик ва ўзликни англаш инқирози муаммоси айнан шу давргача биринчи бўлиб психология фани томонидан кун тартибига қўйилган ва психоанализ йўналишининг асосчилари З.Фрейд, Э.Эриксон ва Э.Фромм номлари билан боғлиқ эди. Ушбу муаммо фалсафа, шу жумладан постмодернизм томонидан қабул қилинган ва инсон онги ва фаолиятининг маркази сифатида «Мен ресурслари»нинг интиҳоси башорат қилинган эди. Умуман олганда идентиклик, Ш.Мадаева таъкидлашича, «.....фалсафанинг абадий предмети бўлган борлиқ ва тафаккур муносабати масаласи ўтган асрда айнан идентиклик воситаси орқали ҳал этилди. Аниқроғи борлиқнинг ўхшашлик ва фарқлилик, айнанлик яъни идентиклик атрибутлари тафаккур воситасида туркумлашиши, шунингдек, борлиққа бўлган муносабат идентиклик орқали ижтимоийлашувни ташкил этиши муаммолари XX аср фалсафаси диққат марказида турди»[8; 25].

Инсонда ўз-ўзини англаш, ўзини бошқалардан фарқлаш, ўзи ким эканлигини тушуниш, насл-насабини билишга эҳтиёжи доим мавжуд бўлган. Ушбу эҳтиёж индивид учун асосий ҳисобланади, ўзини муайян маданият билан идентификация қилиш инсон менталлигини, унинг ҳаётий қадриятларини белгилайди. Бундан ташқари, миллий идентиклик – маданий тажрибани сақлаш ва давом эттиришда муҳим восита ҳисобланади. Шундай қилиб, миллий идентиклик туфайли, биринчидан, индивид ўзини бошқалар билан қиёслаш орқали ўз этник Менини мустаҳкамлашга қодир бўлади, иккинчидан, этник жамоалар ўз маданий анъаналари, қадриятлари, одатларини сақлаш имкониятига эга бўлади.


Нима учун бугунги кунда идентиклик мураккаблашиб бормоқда? Нима учун «идентиклик инқирози» юзага келмоқда? Э.Эриксон «идентиклик инқирози» жамиятнинг ижтимоий–маданий трансформацияси ва этник мансубликни сақлаб қолишга интилишлар натижасида вужудга келишини таҳлил қилган эди. Жамият тараққиётидаги ночизиқлилик, ноаниқликлар, эртанги кунга ишончсизлик ҳиссини кучайиши, ижтимоий бўҳронлар, жамият трансформацияси идентикликни ўзгарувчанлигига олиб келди. Идентиклик ижтимоий–маданий барқарорликни таъминловчи муҳим омил сифатида ижтимоий тузилмадаги ўзгаришларга сезувчан бўлиб, флукутациялар таъсирида узлуксиз трансформацияга учрамоқда. Минглаб инсонлар мураккаб ижтимоий жараёнларда, жамият тузилмасидаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда идентикликни йўқотиб ва яна қайтадан тиклашга уринмоқдалар, чунки ижтимоий трансформациялар янги идентикликни тақозо қилмоқда, «фойда олиш», «моддий манфаатлар устунлиги» тамойиллари ҳукм сураётган давримизда турли идентиклар орасидаги танлов индивиднинг манфаатлари, интилишлари ва мақсадларига қараб амалга оширилмоқда.



1-расм. Урф-одатларнинг замонавий жамият ҳаётидаги вазифалари тўғрисидаги фикрлар

«Ўзбек халқининг миллий идентиклигининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари» мавзусида социологик тадқиқот Республика доирасида 5 минтақада ўтказилди. Тадқиқотда жалб этилган респондентларнинг энг кўп миқдорини ўрта маълумотли 678 нафари, яъни 43,8 фоизи, 567 нафари, яъни 36,6 фоизини олий, 286 нафари, яъни 18,4 фоизини ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва 16 нафари, яъни 1,03 фоизни нафар анкета сўровномасига тўлдирмаган аҳоли вакиллари ташкил этди. Мамлакатдаги ижтимоий ҳолат, миллий маданий ва маънавий ҳолатлар, маҳаллий урф-одатлар, анъаналарни аниқлаш мақсадида мазкур тадқиқот сўровномаси ўтказилди.

Шу билан бирга, урф-одат ва анъаналарнинг бугунги жамиятда қандай вазифаларни бажариши бўйича ўрганишлар бу борадаги асосий жиҳатларни белгилаб берди. Жумладан, респондентларнинг таъкидлашича ҳар бир халқ ва миллатнинг ҳаётида унинг ўзига хослигини намоён этувчи урф-одат ҳамда анъаналар ушбу этник бирликларнинг ижтимоий ҳаёти, маънавий ривожланиши ва ўзлигини англашда муҳим аҳамият касб этади. Бунда урф-одат ва анъаналарнинг асосий жиҳатларидан – 20,9% маънавий-ахлоқий; 19,8% халқ ва миллат маданияти сифатидаги мавжудлик (бирлаштирувчи); 16,7% руҳий мадад бериш вазифаларни бажаришини таъминлашга кўмаклашиш; 11,9% ортиқча сарф-харажат; 11,8% жавоб беришга қийналаман; 9,9% билмайман ва 9% респондент бошқа жавобларни беришган.



## 2-расм. Анъаналарнинг замонавий қарашлар билан зид бўлиши масаласидаги фикрлар

Жумладан, респондентлардан қадимги анъаналар ҳаётидаги замонавий қарашлар билан зид бўлиши мумкинлиги хусусида сўралганда уларнинг 15,3% жавоб беришга қийналишини билдирган. Шунингдек, 28,1% кўпинча шундай бўлишини, 21,6% баъзан, 18,4% анъаналар ҳеч қачон ҳалақит қилмаслигини маълум қилган. Демак, асрлар давомида шаклланган анъана ва қадриятларни сақлаб қолиш ҳар бир миллат вакилининг муҳим вазифаларидан бирига айланиши лозим. Бунинг учун, ўсиб келаётган ёш авлод онгида эзгу ғоялар, анъаналарни кенг тарғиб қилиш, уларни қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларини сифат жиҳатдан яхшилаш мақсадга мувофиқ.

Диёримизда қадимдан ўзига хос этномаданий жамият шаклланган, асрлар давомида бу ҳудудда турли халқлар ва элатлар яшаб келган. Шу асосда шаклланган ўзбек халқининг идентиклиги кўплаб маданиятлар қоришмаси, ассимиляцияси натижасида шаклланган. Тарихга назар ташласак, олим В.Хан фикрича ўзбек идентиклигининг ривожланиш босқичлари хронологик жиҳатдан: а) иттифоқ истилоси даврида ўзбек идентиклигининг шаклланиши ва ривожланиши (XX асрнинг 20-80-йиллари); б) Мустақиллик Ўзбекистонда ўзбек идентиклигининг ривожланиши (XX асрнинг 90-йилларидан бугунга қадар); ўзбек идентиклигининг ривожланишида ўзбек этносининг яхлитлиги ва тузилиши нуктаи назаридан алоҳида ажратиш мумкин бўлган жараёнлар: консолидация (интеграция) ва тарқоқлик (дифференциация); анъана ва инновация қарама-қаршилиги нуктаи назаридан ўзбек идентиклигидаги ўзгаришлар жараёни: анъанавий идентиклик элементларини сақлаш,

модернизация қилиш, қайта тиклаш ва ўзгартириш жараёнларини ажратиб кўрсатади ва уларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги, ўзбек идентиклигининг кўп қатламли эканлигини таъкидлайди [9; 292].

Тадқиқотчи М.Асқаров фикрича, XX аср охири XXI аср бошларидаги инглиз тилли хорижий тадқиқотларда ўзбек халқининг ўзлигини англаш масалалари ўрганилиб, ўзбек идентиклигининг ривожланиш босқичларини кўрсатиб ўтади. Олим фикрича, хронологик жиҳатдан ўзбек ўзлигининг шаклланиши ва ривожланишини уч катта босқичга бўлиш мумкин: 1) мустамлакачиликдан олдинги ва мустамлакачилик давридаги ўзбек идентиклиги (XIX-XX аср бошлари); 2) Ўзбекистон ССР давридаги ўзбек идентиклигининг шаклланиши (XX асрнинг 20-80 йиллари); 3) Мустақил Ўзбекистон даврида миллий ўзбек идентиклигининг ривожланиши (XX асрнинг 90-йилларидан бугунга қадар) [10; 239]. Тадқиқотчи фикрича, XIX-XX аср бошларида Марказий Осиёда яшовчи киши бошқа дин вакилларига нисбатан «мусулмон» сифатида; уруғ-қабилавий контекстда «Минг, Қўнғирот, Қангли, Қипчоқ»; худудий жиҳатдан «бухоролик, фарғоналик, самарқандлик, тошкентлик»; турли ижтимоий қатламлар билан ўзаро алоқаларда «Хўжа, Тўра, Сайид, Хон»; иқтисодий ва маданий турмуш тарзига асосланган ҳолда «ўтроқ, кўчманчи ёки ярим кўчманчи» сифатида тан олинishi мумкин бўлган ва маҳаллий аҳолининг идентиклиги кўп жиҳатдан вазиятга боғлиқ эди. Бу маҳаллий хусусият кўпчилик хорижий тадқиқотчиларни чалкаштириб юборган ва бир худуд бўйича маълумотларнинг қарама-қарши талқин қилинишига олиб келди [10; 239]. Россиялик этнолог олим С.Абашин ҳам Марказий Осиё халқларининг асосий ва кундалик идентиклиги «мулкдорлик нуктаи назаридан (оқ суяклар ва қоралар), диний, иқтисодий ва маданий турмуш тарзига кўра, минтақавий, уруғ-қабилавийларга бўлинган» [12; 39]. Ўзбек идентиклиги шаклланиш жараёни ҳам маълум тарихий даврни ўз ичига олган ҳолда серқиррали ва мослашувчанлиги, нисбийлиги ва тугалланмаганлиги билан характерланувчи ижтимоий ҳодиса сифатида кечган ва узоқ давр мобайнида шаклланиб, сайқалланиб ривожланган.



**3-расм. Ўзбекларнинг миллий анъаналари билан фахрланишлари тўғрисидаги фикрлари**

Миллий идентиклик шаклланишининг асосини этник тарих ва этномаданият, дин ва миллий анъаналар, урф-одатлар асосидаги жамоавий идентиклик ташкил этади. Хусусан, социологик сўровномадаги миллий анъаналари билан фахрланишлари тўғрисидаги фикрлари бўйича берилган саволга: 34% ижобий – албатта, 23% қисман, 18% жавоб беришга қийналган, 14% салбий – йўқ, 11% респондентлар билмайман деб жавоб беоғанлар. Албатта бу олинган натижалар, миллат тараққиётида миллий анъаналарнинг аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишимиз зарурлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда миллий идентиклик шаклланишида ҳукмрон мафкура ва тарихий хотира, ушба тизим элементларини ифодаловчи рамзлар катта эътиборга моликдир.

#### **ХУЛОСА**

Демак, халқнинг, миллатнинг моҳияти, унинг инсоният тарихидаги ўрни, роли ва вазифалари, мавжудлигининг мукамал шакллари идентикликда намоён бўлади. Шундай қилиб, миллий идентиклик ижтимоий ҳаётдаги трансформациялашув жараёнларида маълум маънода ўзгаришларга учрайди. У жамиятда ривожланиб борар экан, миллий онг ва тафаккурнинг ментал хусусиятлар асосида юксалишига олиб келади. Бугунги кунда дунё ҳамжамияти ривожланишининг асосий тенденциялари глобаллашув нуқтаи назаридан таҳлил ва талқин қилинмоқда. Янги Ўзбекистон барпо этиш нуқтаи назаридан ўзгарувчан дунё ва янги ижтимоий воқеликка интеграциялашув, миллий идентиклик ва маданий ўзига хосликни сақлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларининг стратегиясини оқилона шакллантиришга имкон беради. Дунёнинг барча халқлари билан яқин ҳамкорлик асосида «халқларнинг хилма-хиллиги уларнинг бирлигидадир» тамойилини ҳаётга тадбиқ этади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций и изменение мирового порядка. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2003. – С. 7.
2. Хантингтон С. Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности. – М.: Аст: Транзиткн, 2004.
3. Хантингтон С. Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности. – М.: Аст: Транзиткн., 2004. - С. 5.
4. Бек У. Что такое глобализация? Ошибки глобализма – ответы на глобализацию. – М.: Прогресс-Традиция. 2001.
5. Бек У. Космополитическое мировоззрение. – М.: Центр исследований постиндустриального общества, 2008.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2018 йил 29 декабрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги № ПҚ-4390-сонли «O‘zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори // <https://lex.uz/docs/4414474>
8. Балибар Э., Валлерстайн И. Раса, нация, класс. Двусмысленные идентичности. – М., 2003; Бауман З. Индивидуализированное общество. - М., 2002; Бергер & П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. - М., 1995.
9. Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. – Тошкент: NOSHIR, 2015.
10. Хан В. К вопросу о методологических принципов изучения узбекской идентичности. Civilizations and cultures of Central Asia in unity and diversity. Proceedings of the international Conference, 7-8 September, 2009, – Samarkand-Tashkent: ICAS, SMI-ASIA, 2010. – P. 292.
11. Аскарлов М.М. Англоязычная антропология о природе узбекской идентичности в конце XIX – начале XX вв. // Вестник антропологии, 2020. № 1 (49).
12. Абашин С.Н. Национализмы в Средней Азии: в поисках идентичностей. – Москва. 2007.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Жиянмуратова Гулноз Шербутаевна,**

Ўзбекистон Миллий университети докторанти,  
Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
e-mail: g\_dziyanmuratova@nuu.uz

**Нуркулов Бунёд Гофир ўғли,**

Ўзбекистон Миллий университети магистранти

### СИЁСИЙ БЕГОНАЛАШУВ НАЗАРИЯЛАРИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан сиёсий социология, сиёсатшунослик, сиёсат фалсафаси, сиёсий психология каби фанларнинг асосий муҳокама ва тадқиқот мавзусига айланган сиёсий бегоналашув феноменининг мазмун-моҳияти, структураси, намоён бўлиши шакллари ҳақидаги назарияларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши тарихи қараб ўтилган. Сиёсий бегоналашув феноменининг замонавий жамиятларда ўзига хос намоён бўлиши хусусиятлари таҳлил этилиб, уларнинг жамият тараққиёти ва барқарорлигига таъсири социологик жиҳатдан асосланган. Мақолада антик давр мутафаккири Арастунинг, шунингдек, Т.Гоббс, Б.Спиноза, Ж.Локк ва Ж.Ж.Руссо, К.Маркс, Г.Маркузе, Э.Фромм, З.Фрейд каби файласуф, сиёсатшунос, социолог ва психолог олимларнинг таълимотларида сиёсий бегоналашув масалаларининг ёритилиши назарий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** бегоналашув, сиёсий бегоналашув, сиёсий ижтимоийлашув, ижтимоий шартнома, сайлов, демократия, сиёсий протест, абсентеизм, эркинлик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти.

**Джиянмуратова Гулноз Шербутаевна,**

докторант Национального университета Узбекистана,  
доктор философии (PhD) по социологии, доцент  
e-mail: g\_dziyanmuratova@nuu.uz

**Нуркулов Бунёд Гафур углы,**

магистрант Национального университета Узбекистана

### ТЕОРИИ ПОЛИТИЧЕСКОГО ОТЧУЖДЕНИЯ: ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрена история возникновения, становления и развития теорий о сущности, структуре и формах проявления феномена политического отчуждения, ставшего основной темой обсуждения и исследования в ряде социальных и гуманитарных наук, в том

числе таких как политическая социология, политология, политическая философия, политическая психология и др. Анализируются специфические проявления феномена политического отчуждения в современных обществах и социологически обосновывается их влияние на развитие и устойчивость общества. В статье теоретически анализируются вопросы политического отчуждения в учении античного мыслителя Аристотеля, а также в учениях философов, политологов, социологов и психологов, таких как Т.Гоббс, Б.Спиноза, Дж.Локк, Ж.Ж.Руссо, К.Маркс, Г.Маркузе, Э.Фромм, З.Фрейд.

**Ключевые слова:** отчуждение, политическое отчуждение, политическая социализация, общественный договор, демократия, выборы, политический протест, абсентеизм, свобода, правовое государство, гражданское общество.

**Dzhiyanmuratova Gulnoz Sherbutaevna,**  
doctoral student of the National University of Uzbekistan,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Sociology, Associate Professor  
e-mail: g\_dziyanmuratova@nuu.uz  
**Nurkulov Bunyod Gafur ugli,**  
graduate student of the National University of Uzbekistan

## THEORIES OF POLITICAL ALIENATION: HISTORY OF FORMATION AND DEVELOPMENT

### ANNOTATION

This article discusses the history of the emergence, formation and development of theories about the essence, structure and forms of manifestation of the phenomenon of political alienation, which has become the main topic of discussion and research in a number of social and human sciences, including such as political sociology, political science, political philosophy, political psychology and etc. Specific manifestations of the phenomenon of political alienation in modern societies are analyzed and their influence on the development and stability of society is sociologically substantiated. The article theoretically analyzes the issues of political alienation in the teachings of the ancient thinker Aristotle, as well as in the teachings of philosophers, political scientists, sociologists and psychologists, such as T.Hobbes, B.Spinoza, J.Locke, J.J.Rousseau, K.Marx, G.Markuse, E.Fromm, Z.Freud.

**Keywords:** alienation, political alienation, political socialization, social contract, democracy, elections, political protest, absenteeism, freedom, rule of law, civil society.

### КИРИШ

Сиёсий бегоналашув феномени Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, социология, ижтимоий фалсафа, сиёсатшунослик, психология каби фанларнинг долзарб муаммосига айланиб улгурган. Ушбу феномен жамият тарихий тараққиётининг ҳар бир даврида олимлар эътиборида бўлган ва бугунги кунда ҳам изчил ўрганилмоқда.

Сиёсий бегоналашув, деганда сиёсий кучлар, сиёсий тизимнинг ўзидан норозилик ва кўнгилсизликдан келиб чиқадиган, бунинг натижасида одамларнинг сиёсий ҳаётдан ажралганлиги, сиёсий жараёнларга пасивлик ва бепарқлик билан муносабатда бўлган одамлар томонидан ҳокимиятни рад этиш ҳисси, атрофида содир бўлаётган, бу соҳадаги ҳар қандай саъй-ҳаракатларнинг бефойдалигини ҳис қилиш тушунилади.

Социология фани учун бегоналашув феномени жамият яхлитлигига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи муаммо сифатида қанчалик муҳим ва долзарб аҳамият касб этса, сиёсий социология учун ҳам сиёсий бегоналашув муаммосини ўрганиш, унинг асосий сабабларини, унга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш шу даражада муҳим ва долзарбдир.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида сиёсий бегоналашув муаммоси нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам ўта долзарб масалага айланади. Бугунги кунда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган саъй-

ҳаракатларимиз самарадорлигининг кўрсаткичи сифатида намоён бўладиган ижтимоий-сиёсий фаол, ўз тақдирига бефарқ бўлмаган шахсни камол топтириш мақсадларимиз ушбу мақола мавзусининг долзарблигини намоён этади.

### **МЕТОДОЛОГИЯ**

Инсоният тарихи давомида бегоналашув, хусусан сиёсий бегоналашув доимий тадқиқот объекти бўлиб келган, бу феномен билан боғлиқ ҳам назарий, ҳам методологик ва концептуал материаллар жуда кўп. Шу кунгача тўпланган ғоялар, назариялар, тушунчалар сонининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда мақола мавзуси билан бевосита боғлиқ бўлган асосий анъанавий ижтимоий назарияларга эътибор қаратилди ва мазкур мақолани тайёрлашда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, тарихий, аналогия, танқидий каби тадқиқот методларидан фойдаланилди.

Т.Гоббс, Б.Спиноза, Ж.Локк ва Ж.Ж.Руссолар ҳам ўз қарашларида давлат ижтимоий институт сифатида инсон ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат фойдасига бегоналаштирувчи акт тизими сифатида намоён бўлишини, у ўзининг шахсий манфаатлари ва истакларини амалга ошириш йўлида инсон эркинлигини чеклаши мумкинлигини таъкидлаган эдилар.

Немис фалсафаси ва социологиясининг ёрқин вакили ҳисобланган К.Маркс томонидан бегоналашув концепцияси ишлаб чиқилган.

Франкфурт мактаби намоёндалари (Т.Адорно, Г.Маркузе, Э.Фромм ва ҳ.к.) назарияларида бегоналашув ва жамиятдаги инқироз ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги фикрлар бериб ўтилган.

З.Фрейд бегоналашув томирлари маданий босим оқибатидаги индивиднинг патологик ҳолати эканлигини таъкидлаб ўтган.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Маълумки, давлат таълимотларида умуминсоний кадриятларнинг мужассамланиши, энг аввало, сиёсий бегоналашувни енгиш муаммоси билан боғлиқ.

Сиёсий бегоналашув, деганда инсон фаолияти натижасида вужудга келган давлатнинг жамиятдан мустақил, жамиятга ёт ва унда ҳукмронлик қиладиган нарсага айланиши тушунилади. Сиёсий бегоналашув давлатнинг нисбий мустақиллиги (жамиятнинг муайян шароитларида) мутлақ мустақилликка айланишигача турли шакл ва даражаларга эга.

Замонавий фанда сиёсий бегоналашув, деганда одатда шахснинг сиёсий воқеликдан узоқлашиши тушунилади. Инсоннинг бегоналашуви ҳаёт тарзининг энг муҳим элементи бўлиб, инсониятнинг бутун тарихига ҳамроҳ бўлган ва омон қолишнинг баъзи усулларини тушунтириб берадиган мутлақо табиий ҳодисадир. Сиёсий бегоналашув моҳиятан сиёсий раҳбарларга, ҳукумат сиёсати ва сиёсий тизимнинг ўзига нисбатан норозилик, умидсизлик ва бефарқлик ҳиссидир.

Сиёсий бегоналашув сиёсий ҳаётни ҳаддан ташқари бюрократлаштиришнинг сиёсий ва психологик оқибатидир. Бюрократизациянинг оқибати, М.Вебер кўрсатганидек, шахснинг шахсиятсизлашуви, индивидуал ташаббус ва ҳаракат эркинлигини йўқотиш, уни ташкилот ёки давлат иродасини оддий ижрочига айлантиришдир [1]. Шундай қилиб, инсон ўзининг сиёсий хусусиятларини йўқотади, сиёсий тизимга нисбатан кейинги танқидий муносабатни йўқотади, “бир ўлчовли шахс” га айланади [2].

Сиёсий бегоналашув муаммоси назарий жиҳатдан Руссо, Гегель ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида қўйилган бўлсада, сиёсий бегоналашувни амалда енгиш истаги тарихнинг дастлабки босқичларида ҳам бир қатор илғор сиёсий мутафаккирларга хос бўлган. Бу истак турли шакл ва ифода даражаларига эга эди. Энг изчил шаклда сиёсий бегоналашувга қарши норозилик давлатнинг йўқ бўлиб кетиши, сиёсий ҳокимиятга бўлган эҳтиёжнинг йўқолиши, одамларни бошқаришни нарсалар ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш билан алмаштириш ғояси билан ифодаланади.

Ҳокимиятсиз ва бўйсунмайдиган жамият ғояси сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг барча босқичларида бир неча бор ифодаланган. У қадимги миф ва афсоналарда,

файласуфлар асарларида, бир қатор диний оқимлар мафқурасида, баъзи социалистларнинг асарларида мавжуд эди. Марксизм ва бошқа баъзи назарияларга хосдир.

Давлатнинг халққа бўйсунганининг демократик назариялари анча кенг тарқалган. Ушбу назариялар қуйидагиларни қўллаб-қувватлайди:

- ўзини ўзи бошқаришнинг турли шакллари;
- тўғридан тўғри ва вакиллик демократияси;
- мансабдор шахсларнинг сайланиши ва жавобгарлиги;
- шахс ҳуқуқ ва эркинликларидан кенг фойдаланиш.

Демократик назарияларнинг асосий талаби давлат ҳокимиятини жамиятга бўйсундириш, сиёсатни бевосита халқ томонидан ва халққа қарам мансабдор шахслар орқали ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Демократик назариялар антик дунёда вужудга келган; улар замонавий ва замонавий даврда алоҳида ривожланиш олди.

Демократик назариялар ёнида ва кўпинча улар билан биргаликда давлатнинг қонунга бўйсунгани ҳолатлари ривожланди. Бу ҳолатларнинг моҳияти шундан иборат эдики, одамлар давлат томонидан эмас, балки ҳамма учун тенг ҳуқуқ бўлиши керак. Бундай назарияларда сиёсий бегоналашув қисман бартараф этилди, чунки давлат қонунга бўйсунган бўлса-да, жамият учун ташқи куч бўлиб қолди. Давлатни қонунга бўйсундириш ҳолатларини ривожлантириш жараёнида давлат ҳокимиятига боғлиқ бўлмаган инсон ҳуқуқлари муаммосини қўядиган либерал назариялар пайдо бўлди, шунингдек, давлатнинг ушбу ҳуқуқларни ва бутун жамиятни ўзбошимчалик ҳаракатларидан ҳимоя қиладиган кафолатлар тизимини ишлаб чиқди.

Мансабдор шахсларнинг буйруғи ва давлат органлари қарорларидан кўра кўпроқ қонунга асосланган ижтимоий тузум ғояси қадимги дунёда ҳам пайдо бўлган. Буржуа инқилоблари даврида инсон ҳуқуқлари ва қонунийлик муаммолари кенг тарқалди ва сифат жиҳатидан янги мазмун касб этди, бу эса мулкчилик тизимини одамларнинг ҳуқуқий тенглигига асосланган фуқаролик жамияти билан алмаштиришнинг бошланишини кўрсатди.

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихидаги замонларнинг реал боғланиши, энг аввало, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларда гуманистик тамойилларнинг ортиб бораётган аҳамиятига асосланади.

Сиёсий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётини белгилаб берувчи мафқуравий курашда барча тарихий даврларда икки қарама-қарши йўналиш мавжуд бўлган ва мавжуд: бири сиёсий бегоналашувни енгишга интилади, иккинчиси эса уни абадийлаштиришга ҳаракат қилади.

Қуйида сиёсий бегоналашув феноменини тадқиқ этишнинг назарий асосларига бирма-бир тўхталиб ўтамиз.

Сиёсий бегоналашувнинг мавжудлиги ҳақидаги ғояга Арастуниг ёндашувига кўра, давлатдаги ижтимоий ҳаёт алоҳида фуқаролар ҳаётдан бегоналашини таъкидлаган. У буни давлат – шахсдан ҳам, оиладан ҳам устун эканлигини, унга бутунлай қарам бўлиб, уларнинг манфаатлари тўқнашганда давлат зиммасида қолишини билдириб ўтади. Қонунқонидани давлат белгилаб беради, акс ҳолда одамлар ҳайвонлардан ҳам баттароқ бўлиб кетиши мумкин, деб ҳисоблайди [3]. Бироқ, давлат манфаатлари ва айрим фуқароларнинг шахсий манфаатлари тўқнашганда шахс тўлиқ полисга бўйсунган ҳолда бўлади.

Сиёсий бегоналашув масалаларига қандайдир тарзда таъсир кўрсатадиган ижтимоий тушунчалар кўпинча ижтимоий шартнома, деб аталадиган назариялар билан боғлиқ. Ижтимоий шартнома назариялари давлат ҳокимиятининг илоҳий ўрнатилиши ҳақидаги диний ғояларни ва давлатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги патриархал назарияни янги нарса билан алмаштиришга уринишлар билан янги замон, ривожланаётган индустриализм даврида шакллана бошлайди. Машҳур инглиз мутафаккири Т.Гоббс биринчи марта шахснинг давлатдан бегоналашини табиатини етарли даражада батафсил ўрганган. У инсонни табиат томонидан ўзини ҳимоя қилиш ва шахсий манфаатдорлик истаги билан берилган мавжудот, деб ҳисобларди. Т.Гоббснинг фикрича, дастлаб одамлар яхшироқ ҳаётга интилиш натижасида вужудга келган «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши» ҳолатида яшаган. Бу урушда ҳамма учун ўлим таҳдиди ақлни ниҳоят ўз ҳуқуқларидан воз кечиш йўллари билан келишув излаш керак,

деган хулосага келишга мажбур қилади. Ўз хавфсизлигини таъминлаш ва фуқаролар тинчлигига эришиш учун одамлар ҳар кимнинг эркинлигини чеклаб, шахсий табиий ҳуқуқларни мутлақ суверенитетга эга бўлган давлатга топширишлари керак эди. «Бундай воз кечиш ёки бегоналашув, – таъкидлайди Т.Гоббс, – ихтиёрий ҳаракат бўлиб, ҳар бир инсоннинг ихтиёрий ҳаракатидан мақсади ўзи учун қандайдир яхшиликдир» [4, – С.158]. «Ҳуқуқдан воз кечиш ёки уни бегоналаштиришнинг мотиви ва мақсади инсон хавфсизлигининг кафолатидир ... Ҳуқуқнинг ўзаро ўтказилиши – бу одамлар шартнома, деб атайдиган нарсанинг ўзидир» [4, – С.159]. Шу асосда, унинг олдида деярли барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлган субъектлари бор давлат ёки Суверен (Левиафан, Инжил анъаналари асосида файласуф уни шундай атайди) пайдо бўлади. Одамларнинг ҳуқуқлари, ўз ҳаётини сақлаб қолиш ҳуқуқи бундан мустасно (у урушлар ва бошқа вазиятларда уларнинг ҳаётини тасарруф этиши мумкин), Суверенга ўтади, бунинг натижасида, фақат унинг иродаси бутун бир жамиятнинг иродаси ва фикрини ифодалаш мумкин бўлади. Алоҳида инсон энди ўз фикрини тўғри ёки нотўғри, деб ҳисоблай олмайди, адолат ёки адолатсизлик ҳақида ҳукм чиқара олмайди. Шахснинг эркинлиги фақат Сувереннинг эркинлигидадир. Агар Сувереннинг эркинлиги бузилган бўлса, унда у мажбурлаш чораларини кўриш ва “анархия”ни куч билан тугатиш ҳуқуқига эга. Суверен мутлақ монархия, аристократик давлат ёки демократия шаклида ҳаракат қилиши мумкин. Лекин шунга қарамай, Гоббснинг фикрича, ҳар қандай диктатура давлатчиликдан олдинги ҳолатдан афзалдир: “Олий ҳокимият, у бир шахсга тегишли бўлишидан қатъи назар, монархияларда бўлгани каби ёки халқ йиғинига тегишли бўлишидан қатъи назар, халқчил ва аристократик давлатларда тасаввур қилиш мумкин бўлган даражада кенг» [4]. Т.Гоббс нуктаи назаридан, субъектлар ҳукмдорларнинг инжиқликлари ва ўз хоҳишларига юмшоқлик билан бўйсунушлари керак.

Шундай қилиб, Левиафан (ёки ҳар қандай шаклдаги давлат) ўз субъектларининг барча ҳуқуқларини ўзида жамлайди, одамларни ўзаро тенглаштиради, шахсий манфаатларга бегона бўлиб қолади ва уларнинг тақдирини тасарруф этишнинг мутлақ ҳуқуқига эга. Одамлар томонидан яратилган нарса уларга қарши бўлади, ҳар ҳолда, уларга бегона бўлади. Давлат бу ерда улкан бегона организм кўринишида пайдо бўлади.

Бир неча ўн йиллар ўтгач, яна бир инглиз мутафаккири Ж.Локк сиёсий бегоналашувни енгиб, фуқароларнинг давлат ишларига мумкин бўлган иштироки сифатида сиёсий иштирок муаммоларини ишлаб чиқа бошлади. Ж.Локк эркинлик, тенглик ва мулк ҳуқуқини ҳар бир инсоннинг асл ва ажралмас ҳуқуқи, деб ҳисоблаган. Давлат ана шу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун яратилган, яъни у инсон манфаатларини ҳимоя қилиши керак, аксинча эмас. Локк давлатнинг жамият ва халқ устидан анъанавий суверен ҳокимиятини ҳуқуқ ҳукмронлиги билан алмаштиришдан иборат бўлган сиёсий бегоналашувни енгиш вариантини белгилаб берди. Табиат томонидан берилган инсон ҳуқуқларига асосланган қонун устуворлигини таъминлашнинг зарур воситаси сифатида давлатнинг ўзини заифлаштириш (ҳокимиятларнинг бўлиниши) оқланди. Натижада, давлат қонуннинг бузилмас тамойилларига бўйсунувчи бўлиб чиқди, қонуннинг ўзи эса ҳокимият фармонларидан келиб чиқиб, қонун олдида тенг ва эркин мулкдорлар жамиятининг барқарор асосига айланди. Локкнинг назарий конструкциялари инглиз либерализми ва ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг асосини ташкил этди.

Янги Европа фалсафасининг яна бир намояндаси Б.Спинозанинг таъкидлашича, инсон табиатнинг бошқа қисмлари сингари ўзини асрашга бўлган табиий иштиёқ билан ажралиб туради ва бу унинг мотивацияси ва хулқ-атворини белгилайди. Б.Спиноза Т.Гоббсга диаметрал равишда қарама-қарши фикр юритади, «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши» ҳолатини асл ҳолат, деб ҳисобламайди. Демократ сифатида у шахсий мулкни қўллаб-қувватлайди, шахсий манфаатга мойиллик, очкўзлик ва фойда олишга интилиш инсон учун табиийдир ва шунинг учун, у фақат унинг фаровонлигини ошириш имкониятини берадиган адолатли бўлиш қонунларини кўриб чиқади. Спиноза давлат одамларнинг онги ва уларни енгиб ўтувчи эҳтирослар ўртасидаги зиддиятлар туфайли вужудга келган, деб таъкидлаган. Инсон ўз ҳаракатларида ақл билан бошқарилса, эркин бўлиши мумкин, лекин кўпчиликни ҳис-туйғулар ва эҳтирослар бошқаради. Демак, одамларнинг ғаразли нафс ва истакларини имкон

қадар тийиб турадиган давлат, қонун ва қонунлар бўлиши зарур. Бу мантиқий қонунлар кўп одамлар томонидан қабул қилиниши керак. Спиноза демократик республикани бошқарувнинг энг яхши шакли, деб тан олади.

Француз файласуфи-педагоги Ж.Ж.Руссо ҳам «хамманинг ҳаммага қарши уруши»ни инсониятнинг асл ва табиий ҳолати, деб ҳисобламаган. Инсон мутлақо эркин туғилган ва ижтимоий шартноманинг сабаби бўлган зиддият эмас эди; одамлар ўртасидаги уйғун муносабатлар мулккий тенгсизлик туфайли бузилган, бу эса бундай келишув зарурлигини келтириб чиқарган.

Буржуа жамиятини бегоналашган ижтимоий тузум сифатида таърифлаб, Руссо шахс бегоналашувининг икки асосий тури: а) ўзига қарама-қаршилик натижасида юзага келадиган бегоналашув ва б) жамият ёки унинг институтларига қарама-қарши муносабати туфайли бегоналашув ҳақида сўзлайди. Руссо таъкидлаганидек, инсон қанчалик ахлоқий бўлса, у «инсон тузилмаларининг ақлдан озишини» аниқроқ кўради ва шунчалик катта бегоналашувни идрок этади. Руссо шахс бегоналашувининг асосий манбаини хусусий мулкда ва охир-оқибат мулккий тенгсизликда кўради. У бу мулкни ҳимоя қилиш имконига эга бўлган энг кучли кишилар ва оилалар биринчи бўлиб мулкни тортиб оладилар, заифлар эса улардан ўрнак олишдан бошқа чораси йўқлигини таъкидлайди [5, – С.110]. Жамиятни ва бутун инсониятни сақлаб қолиш учун иккинчи ижтимоий шартнома тузиш керак бўлади. Бунда ҳар бир киши ижтимоий манфаатларни шахсий манфаатлардан устун қўйиши ва шу тариқа ҳар бир киши бир бутуннинг бир қисмига айланиши, монархия ағдарилиши керак, буни у фуқаролик жамиятининг туғилиши, деб атаган эди. Шундай қилиб, инсоннинг хоҳиш-истаклари бурч, виждон билан алмаштирилади ва инсон фақат ўзи учун яшаш ўрнига, бошқалар учун ва жамият манфаати учун яшашни бошлайди, бу эса ҳақиқий маънавий эркинликка олиб келади. Бу ҳақда Руссо шундай дейди: «фақат ўз хоҳиш-истаги таъсири остида ҳаракат қилиш кулликдир, ўзингиз учун ўзингиз яратган қонунга бўйсунинг эса эркинликдир» [5, – С.212, 213]. Руссо илм-фан ва санъатни танқид қилди, уларни энг ёмон ёвузлик, деб ҳисоблади. Унинг фикрича, улар одамларнинг ахлоқига салбий таъсир қилади ва онгни бузади. Уларнинг ривожланиши билан инсон учун жамоатчилик фикри, айниқса, муҳим бўлиб қолади, шунинг учун у қарам, эркин, бегона бўлиб қолади. Яъни, чинакам эркин одам ўз борлигида «ёввойи» бўлади, у фақат уйғунлик ва эркинликка интилади. Руссо инсоннинг нажот топишига барча умидларни ўз табиатида, виждонига боғлашни таклиф қилади ва у нажотнинг ўзини инсоннинг ўз илдири ва келиб чиқишига қайтишида, инсоннинг «ренатурализацияси»да кўради.

Руссо халқнинг суверенитетини, демократия тамойилини конституциявий равишда одамларнинг тенглиги мустаҳкамланган ва халқ ўз ҳукмдорларининг хатти-ҳаракатларини текшириши мумкин бўлган республикани яратиш билан тасдиқлашни таклиф қилади. У халқ суверенитети ажралмас эканлигини таъкидлайди, шунингдек, ҳокимиятлар бўлинишига қарши эди ва ҳокимиятдан адолат талаб қилди, мулккий тенглик тарафдори эди. Руссо давлат ва у демократик жамият қуришнинг асоси, деб ҳисоблаган фуқаролик жамияти ўртасида тафовутни кўрди. Руссонинг фикрича, фуқаролик жамияти янги ижтимоий шартномага асосланиши керак, унинг асоси унинг барча иштирокчилари томонидан маълум қоидаларга риоя қилиш бўлади ва бу қоидалар жамият манфаатларини индивидуал манфаатлардан устун қўйишга қаратилган.

Сиёсий эркинлик контекстида сиёсий бегоналашувни Гегель кўриб чиқди. Гегелнинг фикрича, қулнинг бутун фаолияти ундан хўжайинга бегоналаштирилган бўлганлиги учун ҳам қул эди [6]. Шундай қилиб, Гегелнинг асосий хизмати бегоналашувни одамлар фаолиятига «қўшилган» жараён сифатида талқин қилишдадир. У бегоналашувнинг тарихийлигини, инсон фаолияти тузилмаларининг ўзгариши билан белгиланадиган ўзгарувчан табиатини очиб беради. Бутун тарихий жараён, унинг фикрига кўра, мавҳум идеал моҳиятни – асосий мақсади эркинлик бўлган Жаҳон Рухини жойлаштириш ва амалга оширишдир. Бу эркинлик у томонидан аста-секин, ҳар бир халқда ва ҳар бир тарихий босқичда – аввалгисидан кўра кўпроқ амалга оширилади.

Тарихий тараққиёт, асосан, сиёсий бегоналашувни енгиб ўтишга имкон беришини тан олган Франкфурт мактаби вакиллари инсоннинг сиёсий жараёндаги иштироки даражасига нисбатан камроқ оптимистик қарашади. «Жамиятнинг танқидий назарияси», деб аталмиш асосчиларнинг диққат марказида ҳам замонавий инсоннинг бегоналашуви ва уни бартараф этиш йўллари излаш муаммоси бўлди. Г.Маркузе З.Фрейднинг иккита асосий инсон инстинкти – ҳаётга интилиш, жинсий инстинкт (Эрос) ва ўлимга интилиш, бузғунчи инстинкт (Танатос) ҳақидаги ғоясини ривожлантирар экан, инсоннинг бу инстинктив эҳтиёжларини эркин қондириш билан мос келмаслигини ҳамда инсониятнинг цивилизациялашган давлати ва маданиятга зидлигини айтади, чунки инстинктлар тўлиқ ва дарҳол қондирилишга интилади. Инстинктларни қондириш маданиятда жинсийликни сублимация қилиш – Эрос, бузғунчи импульсларни меҳнат шаклида ташқи дунёга ва инсоннинг ички дунёсига – виждон шаклида қайта йўналтириш орқали амалга оширилади. Цивилизация, деб таъкидлайди Г.Маркузе, яхлит завқланишга интилишни рад этишдан бошланади, бошқача айтганда, “завқ тамойили” “воқелик тамойили”га айланади. “Воқелик тамойили” таъсири остида инсондаги “завқ тамойили” онгсиз ҳолатга мажбуран чиқарилди, бу травматик жараён эди. “Ҳукмронликнинг бундай ривожланиши билан бирга жинсийлик ва цивилизация ўртасида зиддият пайдо бўлди. Ҳосилдорлик тамойили ҳукмронлиги остида тана ва руҳ бегоналаштирилган меҳнат қуролларига айланади [7, – С.40]. Инстинктларнинг бостирилиши ҳосиласи – бу қатағон қилинган шахс ва «репрессив цивилизация»дир.

Г.Маркузе ижтимоий бегоналашувни муқаррар равишда қайта ишлаб чиқарадиган цивилизациянинг репрессив табиатини қандай енгиб ўтиш мумкинлиги ҳақида ўйлайди. Эслатиб ўтамиз, марксизм назарияси доирасида ижтимоий инқилоб жараёнида туб ўзгаришлар, репрессив ижтимоий тузилмаларни ағдариш йўли асослаб берилди. Бироқ, марксизм билан баҳслашар экан, Маркузе ҳар қандай инқилоб бошиданок барбод бўлишга маҳкум, чунки бир ҳукмронлик ағдарилгандан кейин бошқаси ўрнатилади, деб ҳисоблайди. Бошқача айтганда, бу цивилизация тараққиёти табиатининг тубдан ўзгаришига олиб келмайди. Шунинг учун ҳам, дейди Маркузе, ҳар қандай ижтимоий инқилобдан олдин ҳар бир инсон онгида инқилоб бўлиши керак. Репрессив цивилизация ҳукмронлигининг оқилона асоси эҳтиёж ҳақиқатидин: дунё инсоннинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун камбағалдир, уларни қондириш воситаларига эга бўлиш учун чора-тадбирлар мажмуи сифатида меҳнат зарур.

Г.Маркузе қарашларига кўра, репрессив бўлмаган цивилизациядагина “воқелик тамойили” ва “завқ тамойили” ўзаро уйғунлашади. У Эроснинг озод қилинишини (янги шахвонийлик ва жинсий ахлоқнинг тажовузкорлик ва айблилик устидан ғалаба қозониши) ва меҳнатни бутунлай бегоналаштиришни янги маданиятга ўтиш воситаси, деб билади. Аммо, меҳнатнинг бу бегоналашуви К.Маркс айтганидан бутунлай бошқача хусусиятга эга бўлади. Бу ерда гап автоматлаштирилган меҳнат шахсининг ўзини ўзи англаши учун вақтни бўшатиши ва “репрессив цивилизация” даврининг зарурий ишлари билан шуғулланган инсон ҳаёлига ҳам келтира олмаган бўш вақт эса ижодий ўсиш ва ўзини ўзи англаш имконияти учун шарт-шароит яратиши мумкинлиги ҳақида кетмоқда.

Г.Маркузе ўзининг «Бир ўлчовли одам» китобида Ғарбда инсон бир ўлчовли, чунки у манипуляция қилинганлигини таъкидлайди [8]. Ғарб жамияти синфсиз бўлиб қолди, лекин у Маркснинг идеалларидан узоқдир. Аммо, Европанинг шарқида коммунизм ўрнига ҳам «бир ўлчовли жамият» пайдо бўлдики, бу оммавий ахборот воситаларининг гипнози туфайли мавжуд бўлган ва ҳар бир шахсининг онгига сохта эҳтиёжларни сингдирувчи неоталитар тизимдир.

Маркузе жамиятни ўзгартирувчи кучни маргиналлар, авангард санъати вакиллари, исёнкор ёшларда кўради, улар мавжуд тузумга унинг қадриятларидан бутунлай воз кечиш, зулм ва эркинлик йўқлигига қарши норозилик – «Буюк Раддия»ни амалга оширадilar. Г.Маркузе 1960 йилларда Европада жуда машҳур бўлган “янги сўл” ҳаракатнинг мафкурачиларидан бирига айлангани бежиз эмас. «Буюк Раддия» ғоясининг ўзи ҳам фалсафий, ҳам ижтимоий-сиёсий бўлиб, у инсонни ўз ичига қарашга, сохта эҳтиёжларни

аниқлашга ва улардан воз кечишга, ксенофобияни енгишга ва инсоний муносабатларнинг янги даражасига ўтишга чақиради.

«Буюк Раддия» ғоясини шиор сифатида таклиф қилган Маркузе, аниқ ҳаракатларни таклиф қилмади, мавжуд цивилизациянинг ўрнига келиши керак бўлган жамиятни, цивилизацияни ташкил этишнинг ўзига хос моделини ишлаб чиқмади. Шунинг учун ҳам, янги, «репрессив бўлмаган» цивилизация қуриш вазифаси бугунги кунда ҳам кун тартибида бўлиб, ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари уни қуришнинг аниқ йўллари ва воситаларини излашга мажбур қилмоқда.

### **ХУЛОСА**

Сиёсий бегоналашув муаммоси мутафаккирларни қизиқтиргани ва улар томонидан XVII асрдан бошлаб ўрганилаётганлиги, аммо ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганини кўрамиз. Бу ерда эса тарихий тафаккурдаги тажриба ва изланишлар сиёсий бегоналашувни енгиш, фуқароларни давлат ва жамият сиёсий ҳаётига жалб қилиш йўллари излашга уринаётган замонавий тадқиқотчилар учун яхши асос бўлиши мумкин.

Бегоналашув сиёсат, маданият, таълим, дин, санъат, дам олиш, истеъмол, оила ва бошқа соҳаларда кашф этилган ва ўрганилган. Сиёсий бегоналашув, бир таърифга кўра, сиёсий ғоялар, муносабатлар ва ташкилотларнинг шахсдан мустақил, баъзан эса унга қарама-қарши бўлган нарсага айланишидир. Сиёсий бегоналашувнинг оқибати сиёсатда қатнашмаслик, абсентеизмдир. Шу билан бирга шуни ҳам унутмаслик керакки, демократия бошқа нарсалар қатори танлаш эркинлигини, шу жумладан, сиёсий иштирок этиш ва қатнашмаслик ўртасидаги танловни ҳам англади. Баъзи тадқиқотларга кўра, абсентеизм ҳеч қандай салбий маънога эга эмас – чунки аҳолининг аксарияти сиёсий жараёнда иштирок этмайди, демак, улар ҳамма нарсадан мамнун. Бироқ, шу руҳда баҳслашар эканмиз, қайси гуруҳларнинг сиёсатдаги иштироки мақсадга мувофиқ эмас, деган саволга келиш мумкин. Бундай чекловлар фуқароларнинг сиёсий жараёнда тўлиқ ва кенг иштирокини назарда тутувчи демократия таърифининг ўзига тўғри келмайди.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
2. Маркузе Г. Разум и революция. – СПб.: Изд-во Владимир Даль, 2000.
3. Аристотель. Политика / Аристотель. Сочинения в 4-х т.т. – М.: Мысль, 1983. – Т. 4. – 270 с.
4. Гоббс Т. Сочинения: в 2 т. – М.: Мысль, 1991. Т.2. – 736 с.
5. Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре. Трактаты. – М.: КАНОН-пресс, 1998. – 416 с.
6. Гегель Г. В. Ф. Феноменология духа. Философия истории. – М.: Эксмо, 2007. – 876 с.
7. Маркузе Г. Эрос и цивилизация. – Киев: ИСА, 1995. – 352 с.
8. Маркузе Г. Одномерный человек. – М.: REFL-book, 1994. – 368 с.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Фарход Камилов**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
“Ижтимоий иш” кафедраси ўқитувчиси  
e-mail: bekkomilov@mail.ru

### ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада сўнгги йилларда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ёритиб берилган. Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқарув тизими, масъул органларнинг вазифа ва функциялар тақсимоти ташкилий-тузилмавий, функционал таҳлил этилган. Ижтимоий ҳимоянинг ижтимоий-гуманитар фанларда илмий-назарий ўрганилиши, “ижтимоий ҳимоя” тушунчасининг таърифи ҳамда халқаро ташкилотларнинг ижтимоий ҳимояга нисбатан ёндашувлари таҳлил этилган. “Ижтимоий ҳимоя” тушунчасининг таърифини илмий ўрганиш ва назарий таҳлил этиш орқали мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг расмий таърифини қабул қилиш имкониятлари социологик асослаб берилган. Шунингдек, муаллиф ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни эмпирик таҳлил этиб, тизимни институционал такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар бериб ўтган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий сиёсат, ногиронлиги бўлган болалар, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий модел, ижтимоий иш, ижтимоий хизмат, камбағаллик.

**Фарход Камилов**

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улуғбека  
Преподаватель кафедры «Социальная работа»  
e-mail: bekkomilov@mail.ru

### ВОПРОСЫ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ ДЕТЕЙ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ В УЗБЕКИСТАНЕ

#### АННОТАЦИЯ

В статье освещается сущность реформ, проводимых в сфере социальной защиты детей с ограниченными возможностями здоровья в нашей стране за последние годы. Организационно, структурно и функционально проанализирована система управления социальной защитой детей с ограниченными возможностями, разделение задач и функций ответственных органов. Анализируются научно-теоретические исследования социальной защиты в социальных и гуманитарных науках, определение понятия «социальная защита» и подходы международных

организаций к социальной защите. Путем научного изучения и теоретического анализа определения понятия «социальная защита» социологически обоснованы возможности принятия официального определения социальной защиты в нашей стране. Также автором проведен эмпирический анализ социальной защиты детей с ограниченными возможностями и сделаны научные предложения и практические рекомендации по институциональному совершенствованию системы.

**Ключевые слова:** социальная политика, дети с ограниченными возможностями здоровья, социальная защита, социальная модель, социальная работа, социальное обслуживание, бедность.

**Farkhod Kamilov**

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Lecturer at the Department of Social Work

e-mail: bekkomilov@mail.ru

## ISSUES OF INSTITUTIONAL IMPROVEMENT OF SOCIAL PROTECTION OF CHILDREN WITH DISABILITIES IN UZBEKISTAN

### ANNOTATION

The article highlights the essence of the reforms carried out in the field of social protection of children with disabilities in our country in recent years. Organizationally, structurally and functionally, the system of managing the social protection of children with disabilities, the division of tasks and functions of responsible bodies was analyzed. The scientific and theoretical studies of social protection in the social and human sciences, the definition of the concept of "social protection" and the approaches of international organizations to social protection are analyzed. Through scientific study and theoretical analysis of the definition of the concept of "social protection", the possibility of adopting an official definition of social protection in our country is sociologically substantiated. The author also conducted an empirical analysis of the social protection of children with disabilities and made scientific proposals and practical recommendations for the institutional improvement of the system.

**Keywords:** social policy, children with disabilities, social protection, social model, social work, social services, poverty.

### КИРИШ

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган 782 мингдан ортиқ шахс, шу жумладан, 123 мингга яқини 18 ёш ва ундан кичик ёшдаги болалар ҳаёт кечирмоқда[1]. Янги Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, ногиронликни белгилашда янги тизимга ўтиш масаласига катта эътибор берилмоқда. «Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш ва ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос «ижтимоий модели»га босқичма-босқич ўтилади». «Ногиронлиги бўлган шахслар – «муаммоси бор инсонлар» деган қарашдан воз кечиб, уларнинг имкониятини кенгайтириш учун, аввало, ижтимоий-иқтисодий тизимни такомиллаштириш йўлидан боришимиз зарур»[2]. Ногиронликни белгилаш мезонларини соддалаштириш, ногиронлиги бўлган болаларни инклюзив таълимга ва инклюзив ҳаётга жалб қилиш ҳамда уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, улар учун ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган болалар учун мўлжалланган интернат типдаги муассасаларни ноинституционаллаштириш, уларнинг оилавий муҳитда яшашини таъминлаш бўйича мавжуд механизмларни такомиллаштириш ва замон талабларига мослаштириш учун тизимли тадқиқотлар олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий ўзгаришлар болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш тизимида қаратилган инновацион ислохотлар

билан характерланади. Янги Ўзбекистонни барпо этишда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини либераллаштириш, иқтисодий ва ижтимоий бошқарув тизимини демократлаштиришни кучайтириш бўйича кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширилишни тақозо этмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қонунчилик базаси ва жорий қилинган ижтимоий ҳимоя усулларини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

### **МЕТОДОЛОГИЯ**

Ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оилалари дуч келаётган муаммоларни социологик тадқиқотлар орқали ўрганиш ва уни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада сифатли социологик тадқиқотлар олиб бориш яхши самара беради. Социологияда сифатли тадқиқот усулларидан кенг тарқалгани фокус-гурӯх методидир.

Фокус-гурӯх методи америкалик социолог олимлар Р.Мертон ва П.Лазарсфельдлар томонидан илк марта 1941 йилда уруш вақтида ҳарбий тарғибот самарадорлигини ўрганишда қўлланилган [8]. Бугунги кунда социологияда амалий тадқиқотлар ўтказишда фокус-гурӯх методи сифатли социологик тадқиқот сифатида қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, ушбу тадқиқот усули маркетинг, иқтисодиёт, психология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Илмий адабиётларда фокус-гурӯхга нисбатан яна бошқа номларни ҳам учратиш мумкин, яъни фокус-интервью, гурӯхли интервью кабилар. Кенг маънода, фокус-гурӯх тадқиқот усули, тор маънода, респондентлар гурӯҳини англатади. Фокус-гурӯх иштирокчилари сони 8-12 тагача бўлиши энг мақбул вариант сифатида кўрилади. Фокус-гурӯх сифатли тадқиқот усули сифатида муаммони тез ва самарали аниқлаш ҳамда кўп маблағ талаб қилмаслиги билан кўл келади.

Илмий изланишларимиз доирасида Тадқиқотда Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари ўртасида фокус-гурӯх ўтказдик. Фокус-гурӯх усулини ўтказишда ногиронликни белгилашдаги касалликлар туркуми бўйича тенг миқдорда респондентларни қамраб олишга эътибор қаратилиб, мақсадли танлов 4 та гурӯхдан иборат бўлди. Ҳар бир гурӯхда 10 нафардан ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари (ақлий ривожланишда орқада қолаётганлар, таянч-ҳаракатида нуқсонли бўлганлар, кўриш ва эшитишда нуқсонли бўлганлар) иштирок этди.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрдаги 61/106-резолюцияси билан «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» ҳамда «Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протокол» қабул қилинган. 2019 йил ноябрь ҳолатига кўра, 181 та давлат томонидан ратификация қилинган. Ўзбекистон «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясига 2009 йил 27 февралда имзо чеккан бўлса, 2021 йил 7 июнда «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк 2006 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди ва Конвенция ратификация қилинди.

Мамлакатимизда аҳолини жумладан, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ўртасида, ҳудудий бошқармалар ва маҳаллий даражада тақсимланган. Асосий ижтимоий таъминот дастурларини молиялаштириш, пенсия жамғармаси ва ижтимоий ёрдам дастурлари харажатларини назорат қилишга Молия вазирлиги жавобгар ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ногиронлиги бўлган болаларга ногиронликни белгилаш, ногиронлиги бўлган болалар учун “Мурувват” интернат уйлари фаолиятини назорат қилиш ва ногиронлиги бўлган болалар учун тиббий хизматларни кўрсатиш вазифаси юкланган. Болаларнинг таълими ва тарбияси билан мактабгача ёшдаги болалар учун Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги махсус ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб ёшидаги ногиронлиги бўлган болалар учун Халқ таълими вазирлиги тизимидаги махсус мактаб ва мактаб интернатлари ҳамда институционал муассасалар (меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари) шуғулланади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ва бандлик, ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини бажаради. Мавжуд вазифаларнинг тақсимооти ҳам

бир неча бор ўзгариб келинмоқда. 2000 йилларда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Молия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги 2016 йилда Меҳнат вазирлигига, кейин 2017 йилда Бандлик ва меҳнат вазирлигига айлантирилди. Кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ функциялар 2016 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўтказилди. Бундан келиб чиқадики, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими тарқоқ ҳолатда бўлиб, вазифалар ва функциялар бир неча вазирлик ва идоралар ўртасида тақсимланганлигини кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳар йили ялпи ички маҳсулотининг 6 фоиздан 9 фоизгача аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига ажратмоқда. Лекин бу тизимда унинг самарадорлигига таъсир қилувчи баъзи салбий тўсиқлар мавжуд. Ижтимоий ҳимоя функциялари ҳозирги вақтда турли вазирликлар ва идоралар ўртасида тақсимланганлиги боис, бу одамларни қийин ҳаётини вазиятдан чиқариш учун зарур бўлган умумий қарар ва комплекс чора-тадбирларнинг сустигига олиб келади. Пандемия натижасидаги карантин ва иқтисодий инқироз Ўзбекистон олдида анчадан бери кўндаланг турган масала – ижтимоий ҳимоя тизимини самарали ташкил этиш муҳимлигини яна бир қарра кўрсатиб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ягона органни белгилаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. 2020 йил 15 октябрида Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда илк бор ногиронлик ижтимоий ҳимоя ёки тиббиёт объекти эмас, балки, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларининг объекти сифатида таърифланди. Асосий янгиликлардан бири, бу – илгари Ўзбекистон қонунчилигида бўлмаган «ногиронлик белгисига кўра камситиш» тушунчасидир. Янги қонуннинг 6-моддасида ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймастик тамойили акс эттирилган: «Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиш бўлиши, истисно этиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал кўриш, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишни рад этиш тақиқланади» [3], деб белгиланди.

«Ижтимоий ҳимоя» тушунчаси ижтимоий-гуманитар фанларнинг махсус тадқиқот объекти бўлиб, илмий тадқиқ этиб келинмоқда. Ҳар бир фан ижтимоий ҳимоянинг муайян компонентларини ижтимоий ҳодиса сифатида жамият учун зарур деб ҳисоблаб, фаннинг предмет соҳаларидан келиб чиққан ҳолда, юристлар инсон ҳуқуқларининг кафолатлари, иқтисодчилар давлат ижтимоий сиёсатининг бир қисми, социологлар жамият тараққиёти контекстидаги муҳим ижтимоий институт, ижтимоий иш ходимлари аҳолининг турли тоифаларига тўғридан-тўғри ижтимоий хизмат кўрсатишда кўмаклашувчи амалий фаолият деб ҳисоблайдилар. Лекин, шу билан бирга, илмий жамоатчилик томонидан «Ижтимоий ҳимоя» тушунчасига таъриф бериш ва ёндашувларда ўзаро қарама-қаршилик, баҳс-мунозаралар ҳам учраб туради. Сўнгги пайтларда олимлар томонидан «Ижтимоий ҳимоя» тушунчасига таъриф беришда соддалаштирилган ёндашувдан фойдаланиш илгари сурилмоқда. Ушбу контекстдаги соддалаштирилган ёндашувга қуйидаги таърифни мисол қилиб келтириш мумкин: «Ижтимоий ҳимоя – инсоннинг моддий, маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш тизими»[4]. «Ижтимоий ҳимоя» тушунчаси таърифини кўриб чиқадиган бўлсак, ушбу тушунча илк маротаба 1935 йилда АҚШнинг ижтимоий ҳимоя тўғрисидаги қонунида қўлланилган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда ногиронлик, кексалик, ишсизлик, бевақт ўлим ҳолатлари мажбурий суғурта тизими сифатида қонунийлаштирилган. Кейинчалик ушбу тушунча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида ижтимоий ҳимоянинг умумэтироф этилган халқаро меъёрлари ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий ҳимоя бўйича тадқиқотлар олиб боришда назарий асос бўлиб хизмат қилади. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ёндашувига кўра, «Ижтимоий ҳимоя бу – касаллик, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сабабли даромадларнинг тўхташи ёки сезиларли

даражада камайиши натижасида келиб чиқадиган иқтисодий, ижтимоий инқирозларга қарши давлат ва жамият томонидан қўриладиган чора-тадбирлар, шунингдек, ишсизлик, кексалик, туғилиш, ўлим, ижтимоий-тиббий ёрдам кўрсатиш, болали оилаларга субсидиялар» [5]. Шунингдек, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ижтимоий таъминот халқаро ассоциацияси томонидан ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам, меҳнатга лаёқатсиз бўлган тақдирда ишчилар учун минимал даромадлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш ҳақини кафолатлаш масалаларига бағишланган конвенция ва тавсияларни қабул қилиш жараёнларида ҳам бирмунча кенгайганлигини кўришимиз мумкин.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни куйидагича таърифлайди: «Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш бу – турли фаолият давомида ногиронлиги бўлган болалар дуч келадиган хавф-хатарларни, ижтимоий тенгсизлик ва тўсиқларни инобатга олган ҳолда уларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган тизим» [6].

ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси ижтимоий ҳимояни куйидагича талқин қилади: «Ижтимоий ҳимоя – аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳлари орасида бутун ҳаёт цикли давомида камбағаллик, заифлик, ижтимоий инқирознинг олдини олиш ёки ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсати ва дастурлар мажмуаси» [7]. Ногиронлиги бўлган болаларни бутун ҳаёт циклининг барча босқичларида қўллаб-қувватлаш ва ғамхўрлик қилиш муҳим аҳамият касб этади. Инклюзив ижтимоий ҳимоя тизими ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан камситилиш, стигма, стеротиплар, атроф-муҳит ва муносабат тўсиқларини енгиб ўтишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидан иборат бўлиши лозим. Ногиронлиги бўлган болаларга ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш ва жамиятга қўшилишга имкон берадиган, унинг бутун ҳаёти давомида зарур бўладиган нафақа ва ижтимоий хизматларга қамраб олиш ҳамда имтиёزلарни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

«Ижтимоий ҳимоя» тушунчаси бир нечта фанлараро ўрганиш нуқтаи назардан кўриб чиқилганлигини айтиб ўтишимиз мумкин:

социологияда ижтимоий ҳимояни инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлаш тизими деб биладилар;

демографияда ижтимоий ҳимояни демографик вазиятни сақлашга, миллат фаровонлиги ва саломатлигини таъминлашга ёрдам берадиган тизим сифатида кўришади;

ижтимоий иш ходимлари аҳолининг турли тоифаларига тўғридан-тўғри ижтимоий хизмат кўрсатишда кўмаклашувчи амалий фаолият деб қарайди;

иқтисод фанида ижтимоий ҳимоя аҳолини моддий ресурслар билан таъминлаш, камбағалликнинг олдини олиш, шунингдек, ишсизлик, ногиронлик ёки ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қийин вазиятларда шахсни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўрганилади.

Давлат ташкилотлари, жамоат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, турли жамғармалар, жисмоний шахслар ижтимоий ҳимоянинг асосий субъектлари ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнида давлатнинг роли турли хил бўлиши мумкин. Давлат катта ресурсларга эга бўлганлиги сабабли унда иқтисодиётнинг давлат сармояларига бўйсундириш, шу билан бирга, ўз фаолиятини кенгайтирган ҳолда ижтимоий-иқтисодий соҳани стратегик режалаштириш имконияти мавжуд. Куйида ижтимоий ҳимоя субъектлари таснифини келтириб ўтишни жоиз деб топдик (1-жадвал).

1-жадвал

### Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш субъектлари

Давлат	Ижро этувчи ҳокимият (Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга масъул ташкилот ва идоралар)
Нодавлат нотижорат ташкилотлар	Хайрия жамғармалари, уюшмалар, диний ташкилотлар, ассоциациялар

Хусусий сектор	Тадбиркорлар, жисмоний шахслар
Халқаро донор ташкилотлар	ЮНИСЕФ, ХМТ, ЖССТ, БМТТД, ЛСА, Европа Иттифоқи ва бошқалар

Ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаёт учун зарур бўлган эҳтиёжларини қондириш, турмуш даражаси сифатини ошириш ва камбағаллик хавфини камайтиришда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш муҳим роль ўйнайди. Ривожланган давлатлар тажрибасида ҳуқуққа асосланган ижтимоий ҳимоя тамойили илгари сурилиб, ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаётда бошқа болалар каби тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши, уларнинг жамиятга қўшилиши ва жамоатчилик иштирокини тарғиб қилувчи инклюзив ижтимоий ҳимоя ёндашувига асосланган ижтимоий ҳимоя тизими таклиф этилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Фокус-гурӯҳда иштирок этган ногиронлиги бўлган боланинг онаси фикрлари: «Ёшим 27 да. Маълумотим ўрта. Уй бекасиман. Фарзандим ташҳиси микроцефалия. Фарзандимга ногиронлик нафақаси тайинланган. 513 350 сўм миқдорда болалиқдан ногиронлик нафақаси оламиз. Ногиронликка эга фарзандимнинг эҳтиёжлари учун болалар бўтқаси, болалар таглиги, шифокорлар (невропатолог, психоневролог) кўриги ва УЗИ аппарати, МРТ текширувлардан ўтиш, массаж (уқалаш) хизмати ва бассейн, дори-дармон, педагогик-психологик хизматлар, транспорт учун қўшимча харажатлар қиламан. Бир ойда бу фарзандимга 1,5-2 млн сўм маблағ сарфлайман. Фарзандим учун олаётган нафақа боланинг эҳтиёжларини қондиришга етмайди. Яна фарзанд кўришни ўйлайман, лекин оиламнинг моддий имконияти етмайди. Ижтимоий капитал (уй-жой, машина ва ҳ.к.) орттиришга имкониятимиз йўқ. Асосий оилавий даромадимиз турмуш ўртоғимнинг ойлик иш ҳақи. Оила аъзоларим, турмуш ўртоғимнинг ота-онаси ва ўз ота-онам қўллаб-қувватлайди».

#### ХУЛОСА

Юқорида қайд этилган Фокус-гурӯҳ иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга кўра, ногиронлиги бўлган болалар ва улар оилалари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муаммоларга дуч келишмоқда.

#### **Ижтимоий таъминот ва моддий ёрдам йўналишида аниқланган муаммолар:**

Иштирок этган ота-оналардан 30 нафари фарзандларига ногиронлик нафақаси тайинланганлигини, 2 нафари эса оила аъзолари (қайни она, турмуш ўртоғи) томонидан ногиронлик нафақасини олишни ҳоҳламаслигини айтиб ўтди. Бу ҳолатдан маълум бўладики, ота-оналарда фарзандини ногиронлигини бошқалардан яшириш, уялиш каби стереотиплар сақланиб қолинган. Барча ота-оналар давлат томонидан берилаётган ногиронлик нафақаси боланинг ҳаёт учун зарур бўлган биринчи эҳтиёжларини қондиришга етмаслигини таъкидлашди.

#### **Фақат ногиронлиги бўлган бола учун махсус харажатлар:**

болалар бўтқаси, болалар таглиги, шифокор кўриги ва текширувлардан ўтиш, уқалаш хизмати ва бассейн, дори-дармон, педагогик-психологик хизматлар, транспорт харажатлари, реабилитациянинг техник воситалари (кохлеар имплант, ногиронлик аравачаси)

боланинг эҳтиёжлари учун харажатларни қоплашда асосан яқинлари, ота-оналари, қариндошлари қўллаб-қувватлайди.

#### **Соғлиқни сақлаш ва реабилитация йўналишидаги муаммолар:**

ҳудудлардаги шифокорларда патологик ва ногиронлик белгилари кузатилган болаларга ташҳис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича тизимли ёндашув мавжуд эмас, шу сабабли ота-оналар фарзандини даволатиш ва соғломлаштириш учун шаҳар марказларига, пойтахтга ва хорижий мамлакатларга боришга мажбур бўлмоқда. Туманларда бу каби болалар билан тизимли ишлаш ва мажмуали хизматларни кўрсатиш бўйича реабилитация марказлари ташкил этилмаган.

#### **Таълим йўналишидаги муаммолар:**

ўз ҳудудидаги мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштиришда қийинчиликларга дуч келажилар, айнан бу тоифадаги болалар учун мўлжалланган мактабгача таълим

ташкилотлари шаҳарда, кўпроқ марказда жойлашган бўлиб, ҳар куни қатнашга имкониятлари етмайди;

бу каби болалар фақатгина махсус ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларида таҳсил оладилар, оддий болалар каби оммавий мактабларда таҳсил олиш имкониятлари яратилмаган.

умумий ўрта таълимни олгандан сўнг ногиронлиги бўлган болаларнинг касб-хунар эгаллашлари учун махсус касб-хунар коллежлари, касб-хунар мактаблари етарли эмас. Имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган касб-хунар коллежлари фақат Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятида мавжуд.

#### **Болалардаги ногиронликнинг ижтимоий оқибатлари ва жамиятдаги тўсиқлар:**

Маҳаллада, кўча-қуйларда, жамоат транспортларига чиққанларида одамлар томонидан раҳмдиллик ва ачиниш кўзи билан қарашликларни ҳис қилишади;

Қариндошлари ва атрофдагилари болани институционал муассасага топшириб юборишларини маслаҳат беришади, бу эса уларга жуда ҳам қаттиқ таъсир қилиб, ҳаётга бўлган ишончларининг пасайишига олиб келмоқда.

#### **Маданий ҳордиқ ва дам олиш йўналишидаги муаммолар:**

ногиронлиги бўлган болаларнинг маданият ва истироҳат боғлари, болалар оромгоҳлари, зиёратгоҳлар ва қадимий шаҳарларга саёҳатини ташкил этишга алоҳида эътибор мавжуд эмас. Иштирок этган ота-оналарнинг аксарияти, мактаб ёки касба уюшмалари томонидан лагер ва санаторияларга йўлланмалар олмаганлигини маълум қилди.

Жамиятни модернизация қилиш шароитида аҳолини, хусусан, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги шакллари ва усулларини қўллаш зарурати туғилмоқда. Кейинги йилларда «ногиронлик» тушунчасига ижтимоий ёндашув аҳамиятининг ошиб бориши натижасида, бундай шахсларни ижтимоий ҳимоялаш моҳияти ҳам ўзгариб, уларнинг жамиятга, шахслараро оддий муносабатларга «қўшилиши», пировардида уларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча турлари ва шаклларида иштирок этиш ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ, деб қаралмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни илгари сураемиз:

Биринчидан, ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари ногиронлик муаммосига дуч келиши биланоқ, ҳокимият ва маҳаллий аҳоли учун ҳомийлик ва хайрия объекти сифатида қараш натижасида уларнинг ҳаётга бўлган ишончи сўниши ва ўз-ўзини баҳолаши пасайишига олиб келмоқда.

Иккинчидан, оилада ногиронликка эга бўлган бола ёки шахснинг бўлиши натижасида ижтимоий-иқтисодий капитални тўплаш камаяди, боланинг эҳтиёжлари, яъни дори-дармон учун тўловлар, соғлиқни сақлаш ва таълим харажатлари ошиб боради.

Учинчидан, миллий қонунчилик ногиронлиги бўлган болалар ва катталарнинг реабилитация қилиш ҳуқуқларини кафолатлайди, аммо қобилият ва функцияларни эрта ривожлантириш ва реабилитация стандартларини ўз ичига олмайди, ногиронлиги бўлган болалар ва катталарнинг бевосита яшаш жойларидаги эҳтиёжларини соҳалараро баҳолаш асосида реабилитацияни назарда тутмайди.

Тўртинчидан, ижтимоий ҳимояга масъул идора ва ташкилотлар тизимида нодавлат ноижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи тизим мавжуд эмас. Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида самарали ижтимоий шерикчилик механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Бешинчидан, ногиронлиги бўлган болаларнинг жамиятга уйғунлашувида инфратузилма муҳим аҳамият касб этади. Бу эса объект ва хизматларни ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаракатланиши учун мослаштиришни талаб этади. Бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Тўсиқсиз муҳит» дастурини ишлаб чиқиш зарур.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш 2017-2021» статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент: 2021 йил. – Б. 149.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 декабрь - Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Ўзбекистон халқига мурожаати. «Халқ сўзи». 2021 йил 4 декабрь. № 253.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги 641-сонли Қонуни. 2020 йил 15 октябрь.
4. Кузьмина В. А. Социальная защита населения в России: социологический анализ. На примере Республики Мордовия: Автореф. канд. дис. М., 1999. – С.22.
5. Социальная работа: Российский энциклопедический словарь. – М., 1997. – С.161.
6. ILO and IDA (2019) Joint Statement: Towards Inclusive Social Protection Systems Supporting the Full and Effective Participation of Persons with Disabilities.
7. UNICEF (2019c) Social Protection Framework. UNICEF: New York.
8. Белановский С.А. Метод фокус-групп: учебное пособие. —М.: Николло-Медиа, 2001. С.75.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. «Халқ сўзи». 2020 йил 30 декабрь. № 275.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 24 февралдаги 2498-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 24 майдаги 3001-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПФ-5634-сон "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Қобил Дусов**

Ўзбекистон Миллий университети

Мустақил изланувчиси

E-mail: krestof1984@mail.ru

### ИЖТИМОЙ МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШДА СОЦИОЛОГИК БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ижтимоий маданият тараққиёт истиқболлари ҳақида социомаданий ёндашувга асосланиб тадқиқ этилган. Глобаллашув шароитида давлатларнинг ижтимоий маданият тараққиётига таъсир қилувчи омил ва жараёнларнинг кескин ошиб кетиши натижасида турли ўзгаришлар вужудга келмоқда. Маданий тараққиёт жараёнини эпририк социологик тарзда ўрганиб, натижалар олинди. Жамиятдаги ижтимоий жараёнларни ўрганиш туфайли, тадқиқотчилар микросоциологик даражага кенг эътибор қарата бошладилар. XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Шарқий Европа мамлакатларида социология соҳаси тараққиёти анча юқори даражага чиқганлиги сабабли жамиятдаги муаммо ва нотенглик муносабати аниқланиб жамиятнинг тараққиётига ўз хиссасини қўшди. Амалий-эмпирик социологик тадқиқотлар орқали жамиятнинг социал портрет тасвирлашнинг босчиқлари юзага келади.

**Калит сўзлар:** ижтимоий маданият, глобаллашув, XX асрда социология, микро ва макро социология, амалий-эмпирик социология тадқиқотлар

**Қобил Дусов**

Самостоятельный соискатель

Национальный Университет Узбекистана

E-mail: krestof1984@mail.ru

### ВАЖНОСТЬ СОЦИОЛОГИЧЕСКИХ ЗНАНИЙ В ОПРЕДЕЛЕНИИ ПЕРСПЕКТИВ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются перспективы развития социальной культуры на основе социокультурного подхода. В условиях глобализации различные изменения возникают в результате резкого усиления факторов и процессов, влияющих на развитие социальной культуры государств. Изучив процесс культурного развития эпистемологическим социологическим способом, автор получил и осветил в статье ряд результатов. Благодаря изучению социальных процессов в обществе исследователи стали уделять широкое внимание микросоциологическому уровню. В первые десятилетия 20 века развитие социологии в странах Восточной Европы вышло на гораздо более высокий уровень. Через практико-

эмпирические социологические исследования возникает возможность социального портретного изображения общества.

**Ключевые слова:** социальная культура, социология глобализации, микро и макро социология, прикладно-эмпирические социологические исследования, социология 20 века.

**Kobil Dusov**  
Independent Competition  
National University of Uzbekistan  
E-mail: krestof1984@mail.ru

## THE IMPORTANCE OF SOCIOLOGICAL KNOWLEDGE IN DETERMINING THE PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF SOCIAL CULTURE

### ANNOTATION

This article discusses the prospects for the development of social culture based on a socio-cultural approach. In the context of globalization, various changes arise as a result of a sharp increase in factors and processes affecting the development of the social culture of states. Having studied the process of cultural development in an epistemological sociological way, the following results were obtained. Thanks to the study of social processes in society, researchers began to pay wide attention to the micro sociological level. In the first decades of the 20th century, due to the fact that the development of the field of sociology in the countries of Eastern Europe reached a much higher level, the problem in society and the attitude to fame were determined and contributed to the development of society. Through practical and empirical sociological prohibitions, the Bosphorus of portraiture of society arises.

**Keywords:** social culture, sociology of globalization, micro- and macro-sociology, applied empirical sociological research in the 20th century

### КИРИШ

“Ижтимоий маданият” атамаси социологияда “ижтимоий муносабатлардаги маданият”[1; – С.33] деб ҳам номланиши мумкин. У кишиларнинг жамиятдаги ҳулқ-атворлари ва ижтимоий ўзаро муносабатлари асосида шаклланган қадриятлар тизими бўйича тартибга солиниб келинган. Ижтимоий маданиятнинг асосий ўзаги жамият, давлат ва бошқа ижтимоий институтларнинг (Ўзбекистонда маҳалла институти алоҳида аҳамият касб этади) фаолиятида намоён бўлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий маданиятнинг асосий шакллари ўзида ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий маданият турларини қамраб олади.

### МЕТОДОЛОГИЯ

Кишилиқ жамиятининг инсоният дунёси ва табиатга нисбатан айнан тўғри келмаслигида биз ижтимоий тарих қонуниятлари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини қайд этамиз. Шунингдек, бунда биз социумнинг фақат инсонга хос бўлган фаолият шакли, яъни маданиятнинг юзага келиш ва мавжуд бўлиш жараёнларини ҳисобга оламиз, умумлаштирамиз.

Инсоният турининг табиий яшаш муҳити – бу органик бутунлик, инсонлар мавжудлигининг зарурий асосидир. Инсон ва унинг яшаш муҳити бу бутунликнинг ўзаро қисми саналади. Бироқ инсоният дунёси ва аниқ инсоннинг ўз табиати ёки ўзга кишиларга айнан тўғри келмаслигида инсоннинг ўз табиий органик бутунлигига мослашиш жараёни “фожиавий” ўрин тутгани йўқ. Ўзига ўхшаганлар билан мулоқотга киришиш зарурати – ижтимоий тарих, ижтимоий тараққиёт ва культурогенезнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб чиқди [2; – С. 4]. ХХI аснинг сўнгги ўн йиллигида ижтимоийлик билан боғлиқ масалалар дунё ҳамжамиятининг диққат марказида турадиган бўлди. Унинг аҳамияти шундаки, тараққий этиб бораётган жамиятда мазкур масала, яъни “ижтимоийлик”га нисбатан қўшимча

ўзлаштирилган ёки ўзгартирилган, аммо натижасиз “сайқал” бериш юқорида таъкидлаганимиз социумда кутилмаган туғёнларга олиб келиши мумкин.

Социологик нуқтаи назардан ҳар қандай маданиятнинг ижтимоий муносабатлар тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, фан нуқтаи назаридан мутахассислар, ушбу жараёни “маданият”, “жамият” ёки “сиёсат” деб алоҳида талқин қилишдан кўра, илмий асосда “социомаданий” деб фикр билдиришга одатланганлар. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий маданиятни “социомаданий” жараён сифатида қараш ҳам мумкин. XX асрнинг таниқли мутафаккири С.Хантингтон фикрича “янгиша шаклланаётган дунёда моҳиятан мавжуд низоларнинг асосини ё мафкура ва ёки иқтисод ташкил этмайди. Инсонларнинг бир-бирларидан узоқлашуви ва улар ўртасидаги низоларнинг манбалари маданият орқали содир бўлади”[3; – С.10]. Биз ушбу мақолада маданиятнинг низолар кўриниши сифатида олиб қарашдан мутлақо йироқмиз, аммо унинг замонавий дунёда улкан тадқиқот объектига айланиб бўлганлиги эса, унга, хусусан ижтимоий маданият мавзусига маҳаллий шароитдан келиб чиқиб алоҳида ёндашишга ундайди.

Ахборот коммуникацион маданият бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борган Канадалик антрополог ва маданиятшунос тадқиқотчи Г.Маклюэн инсоният тарихида мулоқот ва маданиятнинг учта шакли бўлиб ўтганлигига алоҳида эътибор беради. Демак, булар а) оғзаки аъёнларга асосланган маданият, б) ёзув ва босма ёзув аъёнларига асосланган маданият, в) маданиятнинг электрон шакли [4; – Р. 95]. Бундан келиб чиққан ҳолда, биз Ўзбекистон шароитида Г.Маклюэн томонидан келтирилган изоҳнинг учинчиси, яъни маданиятнинг электрон шакли тобора ривожланиб бораётганлигини эътироф этмоқчимиз. Интернет кибер маконнинг социумга жадал суръатда кириб келиши ва табиийки ундан фойдаланувчиларнинг сонини муттасил ошиши ўзига хос социомаданий жараёнларни шакллантирди. Ёшлар ўртасида сўнгги йилларда олий таълим олишга бўлган қизиқиш янада ортмоқда. Кузатишлардан келиб чиқиб, эътироф этиш керак, талабаларда дипломли мутахассис бўлишдан кўра, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлиш учун интилиш ортиб бормоқда. Уларнинг ичида кўп жиҳатдан жиддий, аниқ мақсадга интилувчи, интизомли кишилар гуруҳи шаклланаётгани ҳам қувонарли.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Ўзбекистонда ижтимоий маданиятнинг энг муҳим бўғинларидан бири сифатида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги диққатга сазовор бўлиб, у биринчи навбатда инсонпарварлик механизмини ўз ичига қамраб олади. Шундай бўлсада, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, сўнгги йилларда таълим соҳасини аҳоли орасида оммавийлаштириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Таълимни гуманитарлаштириш таълим олувчиларда дунёни тўла тасаввур этиш, юксак маънавият, маданият ва жаҳон миқёсидаги тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида қайд этилган вазифаларни бажариш, фақат фан, техника ва технологиядагина эмас, балки табиатшунослик, фалсафа, этика ва эстетика, тарих, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, иқтисод, экология ва ҳ.к.ларга замонавий ютуқлар асосида давлат таълим стандартлари ишлаб чиқариш орқали кўзга тутилади. Ҳозирги замон мутахассиси кенг гуманитар билимга эга бўлиши лозим. Бу унинг маънавият ва маданиятини белгилайди. Ахлоқий таянчга эга бўлмаган мутахассис қабул қиладиган қарорлари бўйича на ўзига ва на жамият олдида ҳисоб беришга қодир бўлмайди.

XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб Европа иттифоқига кирувчи мамлакатларда университетларга ўқишга кириш учун фақат мактабни битирганлигини тасдиқловчи гувоҳнома ёки диплом талаб қилиниши жорий этилади. Бунинг натижасида университетларда талабалар сонига қараб профессор-ўқитувчиларнинг таркиби ҳам пропорционал ҳолатда кенгайтирилади. Университетларда бир вақтнинг ўзида талабалар билан бирга профессорлар сонининг ошиб бориши миқдор кўрсаткичларга нисбатан сифат белгиларини ҳам ифодалаб бериш имкониятини юзага келтирди. Натижада, ҳар бир ўқишга кирган талаба университетни бемалол тугата олиш имконидан маҳрум бўлади ёки фанларни ўзлаштира олмаслик туфайли олий ўқув юртларини ташлаб кетишга мажбур бўладилар[5; – Б. 44].

Бу хусусда россиялик таниқли социолог олим, академик В.С.Соколов XX асрнинг 90 йилларидаги талабалар сонига нисбатан профессор-ўқитувчиларнинг миқдоридаги тафовут (баланс) ўзгаришини баҳолаб экан, унга шундай изоҳ беради: “Бугунги кунда Москва олий мактабларида ҳақиқий илм йўлида изланадиган олимлар эмас, тинкаси қуриган ўқитувчилар фаолият юритмоқдалар. Улардан тараққиёт бобида бирон-бир самара кутиш қийин. Негаки, уларнинг талабаларга вақт ажрата олмасликлари натижасида жуда кўп ўртача савияли, баъзан эса яроқсиз мутахассислар етишиб чиқмоқдалар”[6; – С.141] Агар 1950-80 йилларда Европа иттифоқи мамлакатларида дипломли мутахассис учун яхши иш жойи кафолатланган ва юқори маош белгиланган бўлса, энди дипломли, битирувчи мутахассисларнинг миқдори ошиб бориши эвазига биринчи ўринда сифат эътиборга олинадиган бўлди. Буюк Британия, Германия саноатчи уюшмаларининг мутасадди кишилари кўп ҳолатларда ўз мамлакатлари университетлари битирувчиларининг билим даражасидан қониқмасликлари натижасида, хориждан малакали мутахассислар жалб этишга мажбур бўлаётганликларини эътироф этадилар. Табиийки, мамлакатимиз миқёсида малакали экспертлар томонидан тараққий этган давлатларнинг тажрибасидан ўтган бу каби жиддий муаммолар атрофлича таҳлил этилиб, янада истиқболли режалар ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Социология XX аср ўрталарида муҳим ижтимоий соҳа сифатида ижтимоий-гуманитар фанлар ичида ўз ўрнига эга бўлиб улгурган эди. У тарихий ривожланиш жараёнида объектив ва субъектив омилларни ўз ичига олган, ягона “ижтимоий организм” деб эътироф этиладиган жамият тўғрисида фақат далилларга асосланиб хулоса чиқарадиган ижтимоий соҳага айланиб борди. Унинг тадқиқот объекти эса макро ва микросоциологик ёндашувлар орқали эпистемологик билимлар мажмуасини ёритиб берди. Инсоният турининг табиий яшаш муҳити бу органик бутунлик, инсонлар мавжудлигининг зарурий асосидир. Инсон ва унинг яшаш муҳити бир бутунликнинг ўзаро тобе қисми саналади. Бироқ инсоният дунёси ва аниқ инсоннинг ўз табиати ёки ўзга кишиларга айнан тўғри келмаслигида инсоннинг ўз табиий органик бутунлигига мослашиш жараёни “фожиавий” ўрин тутгани йўқ. Ўзига ўхшаганлар билан мулоқотга киришиш зарурати – ижтимоий тарих, ижтимоий тараққиёт ва культурогенезнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб чиқди[7; – С. 4].

Таъкидланганидек, замонавий социологик билимлар тизимида макросоциология ва микросоциология тушунчалари алоҳида аҳамият касб этиб, улар тадқиқ этилаётган муаммоларнинг кўламини қамраб олишда турлича мазмун касб этади. Жумладан, макросоциологиянинг тадқиқот объектини йирик ҳажмдаги ижтимоий ҳодисалар: жамият, ижтимоий институтлар, жамоалар, тизим ва жараёнларда кечадиган муносабатлар ташкил этади. Микросоциология эса ижтимоий ўзаро алоқадорлик доирасидаги масалалар, хусусан, алоҳида шахслараро муносабатлар, кичик гуруҳлар ўртасидаги коммуникация жараёнлари, кундалик ҳаёт воқеликларини ифодаловчи ижтимоий макон кабиларни тадқиқ қилади.

Макросоциологик билимлар даражаси ижтимоий муаммоларни ёритишда комплекс (ҳар томонлама) умумий назарий ёндашувларга асосланади ва унда аниқ мавзу ҳамда вазиятларга эътибор қаратилмайди. Кенг маънода илмий таҳлил учун давлат, дин, маданият институтлари, этник жамоа ва халқлар, ижтимоий қатлам ва синфлар, ижтимоий жараёнларнинг тараққиёти, илмий революция ва шу кабилар танлаб олинади. Ижтимоий ҳодисалардаги ҳар қандай жараёнлар макродаражадаги қонуниятлардан келиб чиқиб шахслараро мулоқотларни ўрганишга қаратилади. Бунда жамият ҳақидаги билимларни янада такомиллаштириш учун таҳлил, синтез, умумлаштириш, қиёслаш, индукция, дедукция каби умумилмий усулларга мурожаат қилинади. Макросоциологик даражадаги муаммоларни ёритиш асносида кейинчалик, структурали функционализм, конфликтлар назарияси, неоэволюционизм каби назарий концепциялар вужудга келди.

Жамиятдаги ижтимоий жараёнлар ўрганилар экан, тадқиқотчилар кейинчалик микросоциологик даражага кенг эътибор қарата бошладилар. Унга кўра жамият ва ижтимоий жамоаларда алоҳида кишиларнинг хулқ-атворлари диққат марказга кўтарилади. Бунда биринчи навбатда кичик ижтимоий гуруҳлар, оила, маълум бир жамоалардаги ижтимоий-руҳий кайфият тадқиқот объектига айлана бошлайди. Микросоциология тарафдорлари ҳар

қандай даражадаги ҳодисалар кичик ҳажмдаги, аммо алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлардан юзага келади, деб ҳисоблайдилар. Методологиясига эътибор қаратилса, микросоциология фақат эмпирик тадқиқотларнинг кам сонли экспертлар билан олиб борилган сифатли усулларга асосланиб хулоса баён этганини кузатиш мумкин. Бу кузатиш усули, чуқурлаштирилган интервью, эксперт баҳолаш, эксперимент каби тадқиқот усуллари натижаларига таянади. Бизнинг фикримизча замонавий социологиянинг бошқа ижтимоий фанлар билан ўртасидаги фарқ ва масофа ҳам шунда намоён бўлади. Микросоциологиянинг тараққий этиб бориши этнометодология, белгили интеракционизм, ижтимоий тармоқларнинг таҳлили, феноменологик социология ва ижтимоий алмашув каби назарий таълимотларни вужудга келишига олиб келди.

Социология соҳасида ижтимоийлашув муҳим аҳамият касб этиб, у маданиятни ўзлаштириш (меъёрлар, кадриятлар, ғоя, қоидалар, хулқ-атвор ва б.) жараёнлари ҳисобланади. У фақат шахс ривожланиши билан боғлиқ бўлмай, инсоннинг маънавий ўзига хослиги, унда типик (яхши аниқлаб олинган ва прогнозлашган) ижтимоий таъсир ва шакллар фаоллигининг ишлаб чиқарилиши тушунилади. Француз социологи Э.Дюркгейм “ижтимоийлашув” тушунчасини жамоа онги муаммоси билан, энг аввало, авлоддан-авлодга ўтадиган ижтимоий меъёр ва анъаналар билан боғлайди. М.Вебер ушбу тушунча доирасида ассоциатив (уюшма) атамасини қўллаб, уни ихтиёрий ва институционал ижтимоийлашувга ажратади. Бу жамиятда қабул қилинган ижтимоий рағбатлантириш ва мажбурлаш меъёрларини сингдириш орқали амалга ошади. Америкалик социолог Т.Парсонс ижтимоийлашувни индивиднинг функционал мослашув жараёни, деб билади [8; – Р. 149].

Ўзбекистонда социология мустақил (фалсафа, иқтисодиёт ва бошқа соҳалардан алоҳида) фан сифатида XX асрнинг 80-йиллари охирларида тан олинди. Шундай бўлса-да социология яхлит шаклда мавжуд эмас эди. У ўзининг илк пайдо бўлган йиллари фалсафа, иқтисод, тарих ва демография фанлари туташган кесимда юзага келди. Шунга мувофиқ унинг томонидан амалга оширилган ижтимоий вазибалар ҳам қуйидагиларни ўз ичига олди:

а) давлат тузилмалари қабул қилган ислохотлар йўлини баён этиш;  
б) коммерция мақсадларини кўзлаган маркетинг тадқиқотлар;  
в) жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларнинг ислохотлар жараёнида инсонга, унинг жисмоний, маънавий, ижтимоий ривожланиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатига таъсирини ўрганиш.

Айниқса, мамлакатнинг мустақилликка эришиш вақтидаги ижтимоий жараёнлар хусусий социологик тадқиқот марказлари томонидан жиддий тадқиқ этилди. Турли хил ижтимоий фанлар тизимидан аста-секинлик билан алоҳида ажралиб чиқар экан, социология маълум бир вақтга етиб келганда ўзининг ижтимоий жараёнларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этишини кўрсата бошлади. Олиб борилган социологик тадқиқотлар, уларнинг натижалари ва истиқбол прогнозларнинг самарали илмий асосланилиши уни ўзга ижтимоий фанлар учун ҳам ҳамкор соҳа сифатида жалб эта бошлади.

Социология соҳаси мамлакат ҳаётида аср бошларига келиб янгича мазмун касб эта бошлади. Микросоциологик тадқиқотлар ўзга ижтимоий фанлар билан уйғунликда тез ва мазмунли олиб бориладиган бўлинди. Жумладан, тарихчи олимлар билан “оғзаки тарих”, “ижтимоий тарих” йўналишларида кенг қамровли илмий изланишлар қилинди. Ижтимоий иш соҳасининг такомиллашуви натижасида тадқиқотларнинг катта қисми амалий масалаларни ҳал этишга йўналтирилиб, унда давлат бошқаруви органларига ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ижтимоий танглик ва ижтимоий инқирозларнинг олдини олиш учун зарур бўлган аниқ маълумотларни бера бошлади. Социологик тадқиқотлар натижалари асосида ижро ва вакиллик ҳокимияти органлари келажақдаги ижтимоий жараёнларнинг ривожини илмий асосда прогнозлаш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида аниқ мақсадларга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш имконияти юзага кела бошлади.

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини жадал ривожлантиришни режалаштиришда социологик тадқиқотларидан фойдаланиш долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса бунда истиқболли стратегик масалаларни ижтимоий режалаштириш орқали ўзга соҳа вакиллари

билан ҳамкорлик қилиш жаҳондаги барча мамлакатларда ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда жамиятнинг ҳаёт-фаолиятидаги муайян жараёнлардан тортиб, то шаҳар, қишлоқ, алоҳида корхона ва жамоаларнинг ҳаётини ижтимоий режалаштиришгача бўлган кенг доирадаги соҳалар қамраб олинмоқда.

Бошқа ижтимоий фанлар сингари, социология ҳам ўз олдига белгилаб қўйган мақсад, вазифа ва роллардан келиб чиқиб учта асосий йўналишга эътибор қаратади. Булар, а) назарий-методологик билимларни шакллантириш, б) амалий-эмпирик тадқиқотларни ривожлантириш, в) шахснинг маънавий-тарбиявий ва тафаккур мушоҳадасини янада юксалтириш.

Социологияда назарий-методологик билимларни шакллантириш вазифасини амалга ошириш ҳар бир жамиятнинг моҳияти, структураси, қонуниятлари билан боғлиқ бўлади. Макро- ва микросоциология ишлаб чиққан асосий йўналиш ва таълимотлар мавжуд назария ва методологиянинг шакл ва механизмларига оид билимларни конкретлаштириш имкониятини беради.

Амалий-эмпирик тадқиқотларни ривожлантириш функцияси мазкур фаннинг фақат ижтимоий воқеликни назарий ўрганиш билан чегараланмаслигини англатади. Унга таяниб, социология сиёсат ва амалиёт учун ижтимоий ҳаётни такомиллаштиришга, ижтимоий жараёнларни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқади. Социология ижтимоий ҳаётни, унинг турли соҳа ва даражалардаги кўринишларини тавсифи билан чекланмайди, балки уларни инсонпарварлик ва умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан баҳолайди. “Социология соҳаси шундай фанки, деб ёзган эди М.Вебер, - у ижтимоий ҳаракатни тушунишни хоҳлайди ва бунинг асосида жамиятдаги турли хил воқеликлар сабабларини тушунтириб беради...” [9; – С.364] Бунда назарияни бойитиш ва такомиллаштириш асосий мақсад бўлмай, балки шу асосда эркин ва ҳар томонлама баркамол шахснинг манфаатлари йўлида ижтимоий ҳаётни рационаллаштириш ва оптималлаштиришдир. Шу жиҳатдан, социология сиёсат ва амалиётнинг назарий асосларидан биридир. Айниқса социологиянинг амалий-сиёсий функциясини амалга оширишнинг аниқ шаклари сифатида социологияда олдиндан режалаш ва прогнозлаш катта аҳамиятга эга. Социологик тадқиқот натижаларидан ижтимоий сиёсатнинг муҳим асосларини ишлаб чиқишда ҳамда ижтимоий жараёнларни бошқариш амалиётида фойдаланишни кенгайтириш ва чуқурлаштириш – бугунги кунда жамият ва давлатимизни ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бирини ташкил этади.

Социологиянинг ғоявий-тарбиявий функцияси социологик тадқиқотлар ва уларнинг натижалари тарбиявий ишларда тутган ўрни ва ролида намоён бўлади. Ўз ҳолича, социология фан сифатида ижтимоий воқеликни объектив акс эттиради ва синфлар, бошқа ижтимоий гуруҳлар ҳамда уларнинг манфаат ва мақсадларига нисбатан нейтралдир. Социологлар ижтимоий синф, қатлам ва гуруҳларнинг бошқа ижтимоий гуруҳ манфаатлари ва мақсадларини ифодалаш ҳамда асослаш ва амалий фаолиятини оқлаш йўлида одатда социологик тадқиқотлардан кенг фойдаланишади. Шунинг учун реал социологик тадқиқотда объектив-илмийлик ва мафкуравийликнинг нисбатини белгилашда хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки социология жамиятдаги институтларнинг келиб чиқиши ва уларни ҳаракатлантирувчи фан сифатида шаклланишини кўришимиз мумкин [10; – С.6].

Ҳаддан ташқари мафкуралаштириш воқеликни ўрганишдаги объективлик ва ҳаққонийлик тамойилларининг кўпол равишда бузилишига олиб келади, буларсиз эса ҳақиқий илм-фан, жумладан социология бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Хусусан социолог тадқиқотчилар ўтказилган тадқиқот натижалари борасида ёлғон баёнотлар бермаслиги лозим [10]. Бошқа томондан, социологиянинг ривожланишида мафкуравий омилни тўлиқ инкор этиш социологиядаги асосий йўналишларнинг ранг-баранглиги, уларнинг моҳияти, мазкур йўналишларнинг тўқнашуви ва зиддиятлари сабабларини тушунишни қийинлаштиради.

XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Шарқий Европа мамлакатларида социология соҳаси тараққиёти анча юқори даражага чиқди (А.Петражицкий, С.Ковалевский, П.Сорокин). Бироқ мазкур фаннинг кейинги тарихий йўли собиқ МДХ, хусусан, Ўзбекистонда ҳам

драматик характер касб этган. Социологик тадқиқотлар тўхтатилиб, фаннинг ўзи эса кейинчалик “буржуача” деб эълон қилинди. Социологик тадқиқотлар мамлакатда фақат бошқа ижтимоий фанлар доирасида ўтказилиб келинди. Унда кўпинча илмий репрезентативлик таъминланмас ва олинган маълумотлар кўп ҳолатларда субъектив мазмун касб этиб келган. Социологиянинг реал жонланиши ўтган асрнинг 80 йил охири ва 90 йилларнинг бошларига тўғри келади. Аммо ўтган йиллар мобайнида катта ишлар амалга оширилган бўлсада, тан олиш керакки, социологиядаги ортда қолишни бартараф этиш учун ҳали кўп ишларни амалга ошириш керак бўлади. Инсоният тарихи жамиятда рўй берган ғайриоддий бирор янгилик ёки ихтирога шубҳа билан қаралган кўплаб ҳолатларга гувоҳ бўлган. Дунё илмининг тамал тошини қўйган ихтирочи олимлар (Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей) жодугарликда айбланган ёки бирор илмий янгилик эълон қилинганда уни сафсатага йўйилгани каби. Тушунарсизлик, ғайриоддийлик ё мавҳумликдан қўрқиш, унга қизиқиш ва шу баробарида борица қабул қилмаслик инсон руҳиятига хос хусусият.

Социологияни ривожлантириш зарурати авваламбор мазкур фаннинг ҳозирги шароитдаги роли ва аҳамиятининг ошганлиги билан боғлиқ. Бу қуйидаги бир қатор шарт-шароит билан белгиланади:

- 1) муҳим ва тезкор ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки кўплаб хорижий малакатларда содир бўлмоқда;
- 2) жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи ижтимоий омиллар ва ижтимоий ҳаётдаги ижтимоий соҳанинг роли ва аҳамиятининг ошиб бораётганидан далолат беради;
- 3) бизнинг ва кўплаб бошқа жамиятларнинг прогрессив тараққиётининг асосий ва мураккаб масалаларидан бири – бу фуқаролик жамиятининг шакллантиришидир.

Социологик билим аҳолининг турли қатламларига тобора кўпроқ кириб бормоқда, бунга эса тегишли муаммоларнинг ўрта ва олий ўқув юртларида тизимли ўрганилиши йўл очиб бермоқда. Шунингдек социологиянинг илмий асосланган ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқишдаги аҳамияти катта бўлмоқда. Социологияда ишлаб чиқилган тадқиқот методлари бошқа ижтимоий фанларда тобора кенг ва муваффақият билан қўлланилмоқда.

Ҳозирги замонда юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги дунёни интеграциялашув ва дезинтеграциялашув жараёнларининг ўзаро кураши сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бир томондан, кенг ва хилма-хил ижтимоий алоқаларнинг (хўжалик, сиёсий, маданий ва ҳ.к. соҳаларда) ривожланиши ва интенсивлашиши, янги фаолият турлари ва коммуникацияларнинг юзага келиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Инсоният дунёси эса бир бутунлик ва бирлик хусусиятларига эга бўлиб бормоқда. Универсал инсоний эҳтиёжлар ва унда ҳаёт кечиришни таъминлаш муаммолари, инсонлар тарихий тақдири ва хавфсизлигининг умумийлигини англаб етиш учун тобора имкониятларни орттирмоқда. Бу интеграцион ёки марказга интилувчи жараён бўлиб, унинг кечишида замонавий инсон турмуш тарзи дунёси глобал тус олмоқда. Иккинчи томондан эса, миллий ва индивидуал ўз-ўзини англаш, миллатларнинг озод бўлиш жараёнларининг ўсиб бориши таъсирида алоҳида социумларнинг майдаланиши ва бўлиниб кетиши ҳамда ижтимоий ҳаёт субъектларининг ажралиши кузатилмоқда [11; – С.143]. Бу эса дунёвий жараёнларнинг дезинтеграцион, марказдан қочувчи таркибий қисмига айланди. Инсоният дунёсида у ижтимоий танглик ва тўқнашувларнинг турли кўринишларида намоён бўладиган бўлди.

Тарихий кечмишда биз томонимиздан таъкидланаётган ҳодисаларни ва айтиб ўтилган ҳар бир жараённинг чегараларини илғаш мумкин. Инсоният ҳаёти интеграцион, марказга интилувчи жараёнлар билан ҳам, дезинтеграцион, марказдан қочувчи жараёнлар билан ҳам бирдек боғлиқ. Инсоният эса бу жараёнларни ростлаб туришга эҳтиёж сезади ва мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, унга амал қилишга мажбур. Бу жараёнларнинг сабаблари ижтимоий ҳаётда қисм ва бутуннинг муттасил қарама-қаршиликда бўлиши, турли хил субъективликларнинг ўз бутуни билан ўзаро алоқада бўлишидир. У ёки бу социумнинг интеграциялашуви ёки дезинтеграциялашуви моҳият эътибори билан умуминсоний тус касб этади, бу жараёнларнинг ишлаб чиқилиши ва қайта ишлаб чиқилиши бутунжаҳон тарихининг ривожини ҳамда воқеликнинг трансформациясини белгилайди.

## ХУЛОСА

Бугунги инсоният дунёсининг ҳолати ҳамда унинг ўз бутунлиги сари бўладиган объектив-тарихий ҳаракатга жавобан дезинтеграция жараёнларининг кучлари глобал ҳалокатлар келтириши ҳамда унинг ҳаётини буткул тугатиб юбориш хавфини солади. Бу жараёнларнинг моҳияти ва реал хавфини англаб етиш ижтимоий ҳаёт иштирокчиларининг кўпини дезинтеграция оқибатларини баргараф этишда ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга даъват этади.

Инсоният дунёсининг иштирокчилари ва яратувчилари – субъектлардир. Улар ўз бутунлигига нисбатан субъективликни ишга солади. Бу кишиларнинг табиатга ва ўзларига ўхшаш субъектларга турли кўринишларда шакланган усул ва воситалар билан таъсир этишида намоён бўлади. Субъективликнинг предметли шакли маданиятни ҳосил қилади [12; – С.33]. Бу таърифда маданият у ёки бу кишилик ҳамжамияти учун ҳаётий зарур бўлган ўзаро муносабатларни ўзининг ҳаёт кечириш шароитида предметли шаклда “олиб ўтиш” ва “мустаҳкамлаш” тартиби ва натижасини билдиради. Ушбу предметли шакллар инсон қобилиятининг ҳолатини маълум даража қайд этади ва сақлайди. У ёки бу предметли шаклларнинг, яъни, предметлашган инсон қобилиятининг талабгорлиги аниқ ҳамжамият ёки индивиднинг ҳаётий манфаат ва мақсадларига боғлиқ бўлади.

Якуний хулоса сифатида Ўзбекистонда ижтимоий маданиятнинг трансформациялашиб бориш жараёнини таълим соҳаси билан боғланганлигини яна бир бор таъкидлаб, уни инсон ички дунёсини тартибга солиб турувчи умумий мезон сифатида олиб қараш ғоясини илгари сурмоқчимиз. Бугунги кунга келиб Хитой, Малайзия, Сингапур, Япония каби ўта тараққий этиб бораётган мамлакатлар тажрибасига кўз ташлайдиган бўлсак, улар биринчи навбатда таълимни ўта оммалаштириш ҳисобига самарали натижаларга таянганлигини эътироф этиш мумкин. Ва, бу табиийки шу каби жамиятларнинг замонавий ижтимоий маданияти сифатида тарих саҳнасига кўтарилди.

## Иқтибослар/Сноски/References:

1. Фролов С.С. Социология. – М.: Гардарки, 1999. – С. 125.
2. Культура, культурология и образования (Материалы «Круглого стола»). Выступления В.А. Лекторского // Вопросы философии, 1997. № 2. – С.4
3. Қаранг: Грачев Г.В. Информационные технологии политической борьбы в российских условиях // Полис. 2000. – № 3. – С. 10
4. McLuhan M. Understanding Media: The Extensions of Man. - Cambridge, 1994. – P. 92.
5. Абдуллаев Ю.Н. Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 44 бет.
6. Соколов В.С. Педагогика диалога в Скандинавских странах // Советская педагогика. 1990. №4. – С. 139-141.
7. Культура, культурология и образования (Материалы «Круглого стола»). Выступления В.А. Лекторского // Вопросы философии, 1997. – № 2. – С.4
8. Camreau R., Siros M., Rheault Y., Dufort N. Individu et societe. Introduction a la sociologie / 2 ed. Montreal-Paris-Casablanca, 1998. – P.149
9. Талкон П. Перспективы проблемы методы. Пед ред. – М: 1972. – С. 364.
10. Международный Кодекс // <https://esomar.org/uploads/attachments/ckqtf5ux0119kjtrrv6ovzlx-iccesomar-code-russian.pdf>
11. Баранов Е.Г. Нациология – источник конфликтов // Общественные науки и современность. 1994, – №5. – С. 143
12. Покровский Н.Е. Глобализация и конфликт // Вестник Моск. Ун-та. Сер.18. Социология и политология. 1999. – №2. – С. 33.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Nigora Abdikadirova**

Katta o'qituvchi

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

"Sport huquqi, ijtimoiy va tabiiy-ilmiy fanlar" kafedrası,

e-mail: nigoraabdikadirova@uzdjtsu.uz

### YOSHLARNING BO'SH VAQTINI SAMARALI O'TKAZISH TEXNOLOGIYALARI

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada muallif yoshlarning bo'sh vaqtini o'tkazish texnologiyalari va muammolari haqida so'z yuritadi. Bunda rivojlangan xorijiy mamlakatlarda yoshlarning bo'sh vaqtini samarali o'tkazish texnologiyalari tizimli tahlil elementlari ko'rsatilgan. Maqolada yoshlarning bo'sh vaqtini samarali o'tkazish bo'yicha innovatsion shakllari Quiz viktorina va "TeD" loyihasi tavsiflanadi.

Maqolada ijtimoiy texnologiya, tabaqalashtirilgan texnologiya, umumiy va funksional texnologiya tushunchalariga alohida e'tibor qaratilgan. Xorij tajribalarida yoshlarning bo'sh vaqtini samarali o'tkazish texnologiyalarining ijobiy va salbiy tomonlari tahlil qilingan. O'zbekistonda yoshlar siyosati hamda 5 ta tashabbus bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlar atroflicha yoritilgan va tavsiyalar berilgan.

**Kalit so'zlar:** yoshlar, bo'sh vaqt, bo'sh vaqt indeksi, ijtimoiy tarbiya, ijtimoiy texnologiya, tabaqalashtirilgan texnologiya, umumiy, funksional texnologiya, yoshlar taraqqiyoti indeksi, yosh oila klubi

**Нигора Абдикадирова**

Старший преподаватель кафедры “Спортивного права, общественных и естественнонаучных дисциплин”

Узбекский государственный университет  
физической культуры и спорта

e-mail: nigoraabdikadirova@uzdjtsu.uz

### ТЕХНОЛОГИИ ЭФФЕКТИВНОГО ПРОВЕДЕНИЯ ДОСУГА МОЛОДЕЖИ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье автор рассказывает о технологиях и проблемах свободного времени молодежи. Показаны элементы системного анализа технологий эффективного проведения свободного времени молодежи развитых зарубежных стран. В статье описаны инновационные формы эффективного проведения свободного времени молодежи: викторина и проект «ТэД».

В статье акцентируется внимание на понятиях социальной технологии, дифференцированной технологии, общей и функциональной технологии. В зарубежном опыте проанализированы положительные и отрицательные стороны технологий эффективного

использования свободного времени молодежью. Детализирована молодежная политика в Узбекистане и проводится работа по 5 инициативам и даны рекомендации.

**Ключевые слова:** молодежь, свободное время, индекс свободного времени, социальное воспитание, социальная технология, дифференцированная технология, общая, функциональная технология, индекс развития молодежи, молодежный семейный клуб.

**Nigora Abdikadirova**

Senior Lecturer "Sports law, social and natural sciences",  
Uzbek State University of Physical Culture and Sports  
e-mail: nigoraabdikadirova@uzdjtsu.uz

## TECHNOLOGIES FOR EFFICIENT LEISURE OF YOUTH

### ANNOTATION

In this article, the author talks about technologies and problems of free time for young people. The elements of a system analysis of technologies for the effective spending of free time by young people in developed foreign countries are shown. The article describes innovative forms of effective spending of young people's free time: a quiz and the "TeD" project.

The article focuses on the concepts of social technology, differentiated technology, general and functional technology. In foreign experience, the positive and negative aspects of technologies for the effective use of free time by young people are analyzed. The youth policy in Uzbekistan has been detailed and work is underway on 5 initiatives and recommendations have been given.

**Key words:** youth, free time, free time index, social education, social technology, differentiated technology, general, functional technology, youth development index, youth family club.

### КИРИШ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ёшларнинг манфаати ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш масалалари долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан кўпроғини кучли, шижоатга эга, ёш фуқаролар ташкил этиши бугунги кунда ёш авлодлар жамият тараққиётининг қудратли омилига айланганлигини кўрсатади. 2022-2026 йилларга мулжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида ёшлар фаоллигини ошириш борасида қатор янги муҳим вазифалар юклатилган. Айнан шу стратегиянинг ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш устувор вазифаларида ёшларни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этиш орқали ижтимоий тенгсизликни бартараф этишга, турмуш тарзининг яхшиланишига, мустақилликни сақлаб қолишга, маданий меросни асрашга ва Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатидаги ўрнини мустақкамлашга қаратилгандир [1].

Олинган маълумотлар таҳлилига кўра, бугунги кунда ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш технологияларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан кўплаб мамлакатларда бу давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш технологиялари деганда уларнинг асосий фаолиятидан бўш вақтларида фойдаланиладиган воситалар, шакллари ва усуллар бўлиб, улар орқали ёшларнинг турли тоифаларининг шахсий дунёқараши ўсиши ва ривожланишига эришилади. Ушбу технологиялар, шунингдек, маълум бир таълим мақсадига эришиш имконини берадиган турли хил инновацияларни жорий этиш, методлар, ишланмалар, ҳисоб-китоблар тўплами сифатида тушунилади [2].

### МЕТОДОЛОГИЯ

Замонавий ва ривожланган жамиятда бўш вақт муаммоси жуда мураккаб ва зиддиятли ҳисобланиб, унга турли соҳа вакиллари ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашадилар

Ёшларнинг бўш вақтини ташкиллаштиришнинг асосий ижтимоий йўналишларини аниқлаш давримизда кечаётган янгиликлар билан узвий боғлиқ.

Бўш вақт инсон ривожланишининг истиқболларини белгилаб беришга ва узоқ муддатли тарихини башорат қилишга ҳаракат қилмоқда. Бўш вақт муаммоларини ўрганувчилар замонавий тарихий ривожланиш, ушбу ривожланишнинг ҳолати ва истиқболлари ҳақидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш технологиялари ёшларнинг ижтимоий тарбиясига катта таъсир этади. Бу ерда ижтимоий тарбия асосан учта асосий йўналиш бўйича амалга оширилади:

1. Ёшларнинг ўз устида ишлашишни янада ривожлантириш, янги шахсий хусусиятларнинг шаклланишига ва мавжуд бўлган шахсий фазилатларни педагогик нуқтаи назардан тарбиялаш;

2. Ижтимоий-маърифий таъсирлар орқали ёшлар шахсиятининг билим салоҳияти, теварак-атроф ва инсонларни қадрлаш салоҳияти, ижод ва мулоқот салоҳиятини рағбатлантириш;

3. Ёшларнинг ижтимоий тарбиясининг муҳим асоси ҳисобланган ахлоқий тарбияга эътиборнинг кучайтирилиши [3, – С. 25-30].

Ривожланган хорижий мамлакатларда ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш технологиялари қуйидагича тизимли таҳлил қилинганда қуйидаги элементлардан иборатлигини кўриш мумкин:

1) **ташкилий**-ёшларнинг бўш вақтларини кўпроқ ўтказувчи муассасалар фаолиятини ўрганиш, ташкилий тузилмасини аниқлаш, муассаса ходимлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш тизимини, муайян ёшлар аудиторияси билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига олади;

2) **услубий** — ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш бўйича режалар ишлаб чиқиш, турли инновацион технологиялар билан ишлашни ўзлаштириш,

3) **ижтимоий-психологик** — ташкилотдаги ходимлар ва ёшлар гуруҳларининг расмий ва норасмий муносабатларининг хусусиятлари, ташқи муҳит билан муносабатлар, ташкилот ичидаги тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш амалиёти;

4) **бошқарув** — жамоатчилик билан алоқалар, маркетинг технологияларини ўзлаштириш, реклама жараёнлари, ходимлар билан ишлаш амалиёти ва бошқалар.

Хорижий адабиётларда ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш бўйича инновацион шакллари қуйидагича тавсифланади:

1. Ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш. Бунда ёшларнинг янги инновацион ғояларини шакллантиришга ёрдам бериш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқаришга қаратилиши лозим.

2. Ижодий беллашувлар. Бунда ёшларнинг театр соҳаси, кино соҳаси шунингдек интеллектуал мусобақаларга жалб қилиш воситасида уларнинг қобилиятини аниқлаш ва тўғри йўналтиришга қаратилади.

3. Бўш вақтни самарали ўтказишнинг тарбиявий шакллари. Яни ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказишнинг инновацион шакллари муваффақиятли амалга ошириш учун ўйин-кулги орқали ўрганиш тамойилига асосланган таълим каби замонавий педагогик ёндашувдан фойдаланиш керак. Бундай таълим ва кўнгилочар жараёнга ёшларнинг етарли даражада мотивацияланмаган аудиторияни жалб қилишдир. Энг замонавий аудиовизуал ва техник имкониятлардан фойдаланган ҳолда, мураккаб назарий материални имкон қадар осонлаштириб, уни ўйин тарзда тақдим этиш, ёшларни амалий фаолиятга жалб қилиш орқали уларнинг диққатини узоқ вақт ушлаб туриш мумкин. Бунда асосий мақсад-ўрганилаётган муаммога доимий қизиқишни шакллантириш ва ёшларнинг ўз-ўзини ривожлантириш ва тарбиялашни рағбатлантиришдир. Бунда қуйидаги лойиҳалардан фойдаланиш мумкин:

- "ТЕД" лойихаси (инглиз тилдан - технология, ўйин-кулги, дизайн) - 1984 йилда ташкил этилган Америка хусусий ноtijорат фонди. Бу лойихада етакчи олимлар, таниқли шахслар, маданият ва санъат арбоблари билан ташкил этиладиган конференциядир.

- Quiz (викторина) - интеллектуал ва қизиқарли мусобақа бўлиб, унда иштирокчилар ўзларининг билимдонлиги, зукколиги, мантиқийлиги ва жамоада ишлаш қобилиятидан фойдаланишлари керак. Ҳар сафар янги жойлар танланади, иштирокчилар ўйиннинг умумий мавзусини олдиндан билишмайди, 2 дан 5 соатгача вақт ажратилиб, 7 босқич ва ҳар босқичда 40 дан ортиқ саволларни ўз ичига олади.

- Мотивацион руҳдаги маърузалар. Катта аудитория учун мўлжалланган "мотивацион шоу-маъруза" формати катта тадбир майдончаларида ўтказилади, шахсий мотивацияни ривожлантириш бўйича ўз китобларини ёзган машҳур инсонлар шахсий муваффақият ва ўзини ўзи англаш ва ривожлантириш борасидаги саволларга жавоб беради.

Бугунги кунга келиб ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади ва ижтимоий технологияларнинг бир қисмига айланди.

Бўш вақтни самарали ўтказиш технологияларининг асосий аҳамияти шундаки улар ижтимоий педагогиканинг бир қисмига айланиши мумкин. Ушбу жараён, илмий адабиётларда қайд этилганидек, ижтимоий-маданий вазифаларни муайян жамоа олдида босқичма-босқич ўзгартиришдан иборатдир. Ижтимоий технологиялар ёшларнинг қобилиятлар, маънавий оламини ижтимоий муаммоларини ҳал этиш воситаси сифатида кўриш мумкин [4, – С.68]. Шунингдек, ушбу технологиялар доирасида турли усуллар, техникалар, воситалар тўпламини амалга ошириш, маънавий ва маданий муҳитни шакллантиришда ҳамда ёшлар билан ишлашда, ёшлар сиёсатини тизимли таҳлил ва прогнозларини амалга оширишда фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади. Ёшларнинг бўш вақтини ўтказиш технологияларини асосан 3 гуруҳга – умумий, функционал, табақалаштирилган технологияларга бўлинади [5, – С. 94].

**Умумий технологияларга** – умумий воситалар, шакллар ва усулларни қамраб олган ва улардан фойдаланишнинг асосий моделларини, ижтимоий-педагогик ва бўш вақтни самарали ўтказишнинг универсал усул ва воситаларини қамраб олган технологиялардир. Бу технологиялар ёрдамида бўш вақт муҳитини тўғри шакллантириш амалга оширилади ва ўз ичига асосан ёшлар байрамларини ташкил этиш, ёшлар ўртасида турли мусобақалар ва беллашувларни ташкил этиш ва шу кабиларни қамраб олади.

**Функционал технологиялар** асосида ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказишнинг турли йўналишлари (масалан, ахборот-билим фаолияти технологиялари, ҳаваскор ёшлар ижодиёти технологиялари, дам олиш ва ўйин-кулгиларни ташкил этиш технологиялари ва бошқалар) мавжуд. Замонавий ахборот-билим фаолияти ёшларнинг долзарб манфаатларини ўргатиш, хабардор қилиш, тушунтириш, амалда рўёбга чиқаришга қаратилган. Хусусан, бу технологиялар асосида ёшларни бўш вақтларида ИТ-паркларга жалб қилиш, турли компьютер дастурлари ва ўйинларини ўтказиш спорт мусобақаларини ташкил этиш, ёшлар туризмининг амалга ошириш ва бошқалар киради. Шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишда интернет катта имкониятлар беради ва бу орқали ёшларни маданий, маънавий - ахлоқий қадриятларга жалб этиш, санъат ва маданият оламига киритиш амалга оширилади. Интернет ёшларнинг бўш вақтларини ўтказишнинг мустақил ташкил этилмаган турларидан биридир ва уларнинг турли ҳаётий кўникмаларини, ижодий ўзини ўзи ифодалаш имкониятларини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

**Табақалаштирилган технологияларга** ёшлар жамоалари иштирокчиларининг бадий-ижодий, бадий коммуникатив ва бадий-ташқилий фаолиятини мақсадли тартибга солишни таъминлайдиган усул ва методлар тўплами киради. Бу фаолият ўз-ўзини ривожлантириш ва гуруҳ, жамоаларда ижодий ўз-ўзини англаш учун шароит яратишга қаратилган.

Бугунги кунда АҚШ, Россия, Япония каби мамлакатларда ёшлар билан боғлиқ давлат сиёсатида юқорида келтирилган технологиялардан унумли фойдаланилмоқда.

Хусусан, АҚШда ёшлар билан боғлиқ давлат сиёсати Федерал Ёшлар сиёсати департаменти ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги томонидан амалга оширилади [6] АҚШда

ҳозирги вақтда умумий технологиялар доирасида турли ёшлар байрамлари (Халқаро ёшлар куни, севишганлар куни байрами, Хеллоуен ва бошқалар) турли ёшлар фестиваллари ташкил этилади.

Шунингдек, функционал технологиялар доирасида мамлакатда турли киберспорт беллашувлари, компьютер ўйинлари мусобақалари ва бошқалар амалга оширилади.

Бундан ташқари табақалаштирилган технологиялар доирасида мактаб, коллеж ва олий ўқув юрларида турли театр, мусиқа, техник ижодкорлик, робототехника тўғарақлари ташкил этилган ҳамда ушбу тўғарақлар доирасида турли мусобақалар ва кечалар ташкил этилади.

Россия Федерациясида эса ёшлар билан боғлиқ давлат сиёсати билан шуғулланиш Ёшлар ишлари бўйича федерал агентликга юклатилган бўлиб ушбу агентлик томонидан “2025-йилгача бўлган даврда ёшларнинг келажагини ривожлантириш стратегияси” лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этишга ҳам алоҳида урғу берилган. Юқорида келтирилган технологиялардан унумли фойдаланиш ҳамда халқ маданияти дурдоналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш ишларига ёшларни жалб этиш масалалари лойиҳага киритилган [7].

Японияда эса ёшлар билан ишлаш бўйича миллий стратегия қабул қилинган бўлиб, стратегияга мувофиқ мамлакатда турли ёшлар билан ишловчи марказлар ва консалтинг фирмалари ташкил этилган. 2018- йилда 700 тадан ортиқ шундай марказлар мамлакатда мавжуд бўлиб улар ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш масалаларини ҳам ташкил этишга ёрдам беради.

Юқорида келтирилган 3 та мамлакатда ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш технологияларининг 3 гуруҳ технологиялари яни табақалаштирилган технологиялардан куйидаги йўналишларда фойдаланилмоқда: [8]

- мусиқа санъати (академик хор, халқ кўшиқлари хор, вокал ва инструментал ансамбллар, шамол, жазз, эстрада оркестрлари);

- театр санъати (мусикий ва драматик жамоалар, бадий сўзлар гуруҳлари, драматик, опера ва балет театрлари, мусиқа театрлари, пародия театрлари ва бошқалар);

- хореография санъати (халқ, классик, эстрада, спорт рақси);

- тасвирий ва амалий санъат (рассомлар, ҳайкалтарошлар, декоратив ва амалий санъат усталари);

- цирк санъати;

- кино санъати (фотостудия, ҳаваскор киностудиялар, санъат майдончалари);

- техник ижодкорлик (моделлаштириш, дизайн, компьютер дизайни ва бошқалар).

Бироқ хориж тажрибаларида ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш технологияларининг ижобий томонлари билан бир қаторда салбий омиллар ҳам кузатилмоқда.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Бугунги кунда турли сабабларга кўра жамиятда ўз ўрнини топмаган ёшларнинг танқидларга сабаб бўлувчи улуши борлиги кузатилмоқда. Масалан ёшларнинг қизиқишлари доирасининг кенгайиши, социал инфраструктуранинг ривожланиши, ахборот коммуникацияларининг таъсири, интернет ва шу каби янгиликлар, бўш вақтни тўғри ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади ва бу йўналишни янгича нуқтаи назардан ўрганиш талаб этилади.

Маҳаллий ҳокимият органлари, депутатлик корпуси, жамоатчилик, тегишли таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш бўйича нотўғри стратегияларнинг танланиши ҳам турли норозилик аксияларига сабаб бўлмоқда. Жумладан, бугун жаҳоннинг турли мамлакатларида юз бераётган турли ижтимоий муаммоларни қамраб олган норозиликлар бунга мисолдир [9]. Шунинг учун ёш авлод томонидан бўш вақтдан қандай фойдаланиш давлат стратегиясининг ўзига хос кўрсаткичидир, бу вазифаларни муайян даражада таълим, маданият, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда олиб бориш лозим.

Шунингдек АҚШ, Россия ва Европа мамлакатларида ёшлар қизиқиб ўйнайдиган компьютер ўйинларининг фақат 17 % да зўравонлик саҳналари мавжуд ҳисобланмайди.

Ўйинларнинг 55 % зўравонлик ва қотиллик саҳналарини ўз ичига олган, 39% ўйинлар эса турли даражадаги шафқатсизлик жанглари 35% да фалокат тасвирланган. Компютер ўйинларининг тахминан 82,7%, албатта, турли хил интеграция шаклларида бир ёки бир нечта жисмоний қирғин ва зўравонликларни ўз ичига олган. Ёшлар томонидан танланган компютер ўйинлар орасида қотиллик, жанг, қийноқлар билан ўйинлар сони "тинч"сонидан икки баравар кўп. Амалиёт шуни кўрсатдики, компютер ўйинлари ва телекўрсатувларни зўравонлик саҳналари билан тақиқлаш орқали муаммони ҳал қилиш мумкин эмас. Болаларни бўш вақтни ўтказиш учун бошқа алтернативларни ўргатиш, уларни дам олиш дунёси инсон учун қанчалик хилма-хил, қизиқарли ва фойдали бўлишини кўрсатиш лозимлиги тенденцияси кузатилмоқда [10].

Бироқ шуни эътиборга олиш керакки, Канада, Япония, Туркия, Дания, Бразилия каби айрим мамлакатларда ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш бўйича миллий дастурлар қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Шунингдек маданий комплекслар ва минтақавий дам олиш марказлари қурилиши молиялаштирилмоқда,

Хусусан хориж мамлакатларида қабул қилинган дам олишнинг ахлоқий ва эстетик салоҳиятини рўёбга чиқариш амалиёти Россия учун шубҳасиз қизиқиш уйғотмоқда, айти пайтда миллий-маданий анъаналарга етарлича эътибор берилаётгани бунга мисолдир. Хусусан амалий фольклор санъатини моддий рағбатлантириш Россия, шунингдек Японияда кенг эътибор берилмоқда. Масалан Японияда ушбу масалага йилига 100 млн доллар ажратилмоқда [11].

Фольклор санъати, халқ маросимлари ва маросимларини сақлаб қолиш ва бойитиш бўйича доимий ғамхўрлик Ғарбий Европа давлат сиёсатининг муҳим йўналишини ташкил этади. Бу эрда деярли ҳар бир мактаб ёки бошқа таълим муассасасида фольклор жамоалари мавжуд ва видео ва аудио касетларда сақланган фольклор мусикаси сўнгги Америка хитларига қараганда катта миқдорда сотилади ва ушбу масаларга ҳам бу мамлакатларда йилига бир неча юз млн евро миқдорида маблағ ажратилади.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам ёшлар сиёсатига катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2019-йилнинг 20- март санасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига урғу берилди. Бу борада ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш технологияларини етарлича ўрганиш, уларни тизимли таҳлил этиш, ушбу технологияларни амалиётга жорий этиш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган 5 ташаббусда: **Биринчи ташаббус** ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

**Иккинчи ташаббус** ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

**Учинчи ташаббус** аҳоли ва ёшлар ўртасида компютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

**Тўртинчи ташаббус** ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

**Бешинчи ташаббус** хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Ушбу 5 та ташаббус бўйича Ўзбекистонда турли ишлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатда турли китобхонлик, спорт, маданий –маърифий тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2019 йилдан бошлаб ҳудудларда чекиш, алкоголь маҳсулотлари ва гиёҳвандлик моддаларнинг истемол қилинишига қарши курашиш мақсадида, спортнинг футбол, шахмат-шашка, баскетбол, стол тенниси, армрестлинг турлари бўйича мактаб, касб-ҳунар талими, олий таълим талабалари ва спорт таълим муассасалари тарбияланувчилари, шунингдек, таълим

муассасалар ишчи-ходимлари, ўқитувчи-педагоглар ўртасида “Спорт доим ютади” мусобақаси Республика миқёсида барча туман (шаҳар) лардаги белгиланган режа жадвали асосида умумталим мактабларида ўтказилди.

Бу борада жами 3765 та спорт мусобақалар ва оммавий-спорт тадбирлари ўтказилиб, мазкур мусобақаларда 1 232 105 нафар иштирокчилар қатнашди. Иштирокчиларнинг 536 167 нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Бундан ташқари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича спорт ва пиёда саёҳатлар, марафонларни ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида ҳудудларда ташкил этилган Ишчи гуруҳ томонидан аҳолининг кенг қатлами ўртасида, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш учун ҳудудий ҳокимликларининг манзилли дастури ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик каби иллатларнинг олдини олишга, шунингдек аҳолининг кенг қатламини жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга қаратилган “Биз-соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз”, “Ҳоким кубоги” аксиялари, “Ёшлар марафони”, шунингдек ҳар ҳафтада “Ҳафталик спорт мусобақалари” каби тадбирларни ўтказиш йўлга қўйилди [12].

Бироқ шунга қарамай Ўзбекистон жаҳон рейтингларида ёшлар билан боғлиқ сиёсатга оид индексларда пастки ўринларни эгаллаши ёшлар ўртасида жиноятчилик ортаётганини ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, “ Youth progress Index ” ( Ёшлар тараққиёти индекси) орқали жаҳон давлатларининг ёшларга оид сиёсатларининг самарадорлик даражасини кўриш мумкин. Ушбу индексда 3 та кўрсаткич: “ёшлар эҳтиёжлари”, “фаровонлик” ва “имкониятлар” асосида тузилган [13]. Ёшлар тараққиёти индекси иқтисодий кўрсаткичлардан қатъи назар, бугунги кунда ёшларнинг ҳаёти қандай экани ҳақида тўлиқ тасаввур берадиган дастлабки воситалардан бири ҳисобланиб ўз ичига 150 мамлакатни қамраб олган. Ўзбекистон Республикаси ушбу индексда 82 ўринни эгаллайди. Шунинг учун ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш бўйича технологияларни ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юқоридагиларга қўшимча сифатида бугунги кунда ёшларнинг бўш вақтларини асосан ижтимоий тармоқларда ўтказиши ва фойдали нарсалар масалан китоб ўқиш, ҳунар ўрганиш, спорт тўғарақларига қатнашишга эътиборнинг суст бўлаётганини кўриш мумкин. Мамлакатда ёшлар билан ишловчи давлат ташкилотларининг тузилиши каби омиллар ҳам бу масалаларга етарлича ижобий таъсир этмаётганини кўриш мумкин.

Шунингдек, ёшлар ўртасида жиноятчилигининг ортаётганини ҳам кўриш мумкин. Масалан 2021- йилнинг 10 ойи давомида Ўзбекистонда қилинган жами жиноятлар сони 45 мингга яқинни ташкил этиб, шуларнинг 37-38 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келмоқда. 2020- йилда эса бу натижа 35 фоизни ташкил қилган [14].

## ХУЛОСАЛАР

Қайд этиш лозимки, юқорида келтирилган хорижий мамлакатларда ёшлар билан боғлиқ сиёсатда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан юқорида келтирилиган технологиялар - умумий, функционал, табақалаштирилган технологиялардан унумли фойдаланилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ёшлар сиёсатига алоҳида аҳамият бериб юқорида келтирилган технологияларни ёшлар сиёсатида амалга татбиқ этиш муҳимдир. Бу борада хориж тажрибасини ўрганиш ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш масаларини таҳлил қилиш лозим. Ёшлар бўш вақтини ташкил этиш масалалари тўрт гуруҳ субъектлар томонидан амалга ошириш мумкин:

- бўш вақт соҳасида хизматлар кўрсатувчи тижорат тузилмалари;
- ёшлар жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари;
- давлат маданият муассасалари;
- ёшлар ишлари бўйича давлат органлари [15].

Ёшлар ишлари бўйича агентлик, Ёшлар иттифоқи, туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари, таълим вазирликлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат ўрганлари ёшларнинг фаолиятини назорат қилиши лозим. Шунингдек ҳар бир

махалла худудларида ёшлар билан ишловчи марказларнинг бўлимларини ташкил этиш, ёшлар билан ишлашда марказларда рақобатлилик, ўзаро ҳурмат, иштирокчиларнинг бир-бирига бўлган ишонч ва эътибор тамойилларига, шахс ва жамоа манфаатларининг индивидуал ёндашувига ва бирлигига амал қилиш лозим. Бу марказларда ёшлар бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун шарт- шароитлар яратиш керак.

Ўзбекистонда ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш бўйича **прогнозни** амалга оширадиган бўлсак 2 хил версияни - салбий ва ижобийни келтириш мумкин:

**биринчидан**, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш бўйича технологияларда самарали фойдаланмаслик келажакда ёшлар ўртасида жиноятчилик, ёшларнинг турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиши, ижтимоий тармоқларда жуда кўп вақтини ўтказиши натижасида саломатлигига путур етиши, ёшларда лоқайдлик, соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик ва бошқа салбий тенденцияларнинг юз бериши мумкин;

**иккинчидан**, бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 % га яқинини ташкил этувчи ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиши бўйича масаларга тўғри ёндашув натижасида мамлакатда ёшлар жиноятчилиги камайиши, ёшларнинг илм-фан ва таълимга қизиқиши ортиши, мамлакат имижининг яхшиланишига, мамлакатда етук кадрларнинг шаклланишига олиб келади.

Шунинг учун хориж тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон ёшларининг бўш вақтларини самарали ўтказиш борасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалиётга тақдим этиш мумкин;

1. Умумий технологиялар борасидаги таклиф ва тавсияларга: мактаб, коллеж, олий ўқув юртли ёшлари ўртасида турли маънавий-марифий тадбирлар, байрамлар ташкил этиш. Ўзбекистондаги тарихий байрамлар, ўйинларни ёшлар ўртасида тарғиб этиш;

2. Функционал технологиялар борасидаги таклиф ва тавсияларга: ёшлар ўртасида турли киберспорт мусобақалари, компютер дастурлари бўйича беллашувлар, Ўзбекистоннинг ижобий имижини кўтаришга ёрдам берувчи турли интернет челленжларини ташкил этиш ҳамда қишлоқ, туман, шаҳарлардаги ёшлар уйларида ахборот технологиялари бўйича турли тўғаракларни ташкил этишни кўпайтиш;

3. Табақалаштирилган технологиялар борасидаги таклиф ва тавсияларга: ёшларда санъатга, мусиқага, кино санъати, театрга, рассомлик, ҳайкалтарошлик тўғаракларига қизиқтириш, Мактабларда турли спорт тўғаракларини очиш ва ёшлар ўртасида китобхонликни, тарихни ўрганишга эътиборни кучайтириш. Шунингдек ёшларнинг турли ёт ғоялар хусусан диний экстремистик ғояларнинг таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш мақсадида ўқув даргоҳларида диний таълим билан боғлиқ дарсларни ўтказиш. Диний таълим билан боғлиқ дарсларни диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш соҳасида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан, соҳани яхши биладиган нафақадаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказишни йўлга қўйиш.

Бундан ташқари Ўзбекистонда ёш оилалар ва оила қуриш арафасида турган ёшлар учун туман, шаҳарлар ва вилоятлар марказларида “Ёш оилалар клуби”ни ташкил этиш лозим. Ушбу клубни ташкил этишдан мақсад :

- ёш оилаларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарси муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва мазмунли ўтказишини таъминлаш;

- ёш оилаларнинг жисмоний саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш;

- турмушда юзага келувчи турли зиддиятларнинг олдини олиш ва зиддиятсиз мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш;

- ёш оилаларнинг маданий даражасини оширишга кўмаклашиш;

- ота-оналарнинг психологик ва педагогик малакасини ошириш учун шароит яратиш;

- биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш орқали ёш оилалар ўртасида ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш;

- клуб доирасида ёш оилалар учун илм-фанга оид викториналар, танловлар ва ўқув ва спорт машғулоти ўтказиш.

### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармониغا 2-ИЛОВА <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Луке Г.А. Особенности индивидуального и группового инновационного социального проектирования в региональной молодежной политике // Молодежная галактика. – 2006. – № 1. – С. 25-30.
3. Азарова, Р.Н. Досуг современной молодежи: – Воронеж, 2010. – С.68.
4. Степенко А.С. Обеспечение занятости молодежи – условие экономического роста страны: учебное пособие / А.С. Степенко. – М.: Родина 2011. – С. 94.
5. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.**
6. Основы государственной молодежной политики в Российской Федерации до 2025 года, утверждённые постановлением Правительства РФ от 29 ноября 2014 г. №2403-р
7. <https://tonkosti.ru>
8. Головина Г.В. Культура досуга как фактор формирования современного общества. Вестник Адыгейского государственного университета.
9. Ageenko D.S., Vidishcheva E.V. Telecommunication industry development prospects based on innovations. European researcher. 2012
10. Vinskaya N.E., Markaryan I.N. Youth unemployment is one of contemporary social and economic burning issues. European researcher. 2011.
11. <https://kun.uz/axborot-va-ommaviy-kommunikatsiyalar-agentligi-rasmiy-veb-sayti>
12. <https://www.youthforum.org/youth-progress-index>
13. <https://kun.uz/2019/07/08/axborot-va-ommaviy-kommunikatsiyalar-agentligi-rasmiy-veb-sayti>
14. Материалы Первой Всероссийской интернет-конференции Ассоциации кинообразования и медиапедагогике России «Медиаобразование в России: проблемы и перспективы», 2004г.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Гулшада Ўразалиева,  
Ўзбекистон Миллий Университети докторанти  
E-mail: g.urozaliyeva@yandex.ru

### ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТАЪЛИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонии шакллантириш жарёнида гендер таълимнинг ахамияти, уни янада такомиллаштиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари таҳлил этилади. Масалага хозирги замон фалсафий ва ижтимоий фанидаги назарий ва концептуал нуқтаи – назарлар эътиборга олинган ҳолда ёндошилади. Мақолада гендер масаласига янгича карашлар ва ечимлар амалга ошириш тизими Янги Ўзбекистон тараққиёт Стратегиясида энг муҳим йўналишлардан бири сифатида эканлигига урғу берилади. Ўзбекистонда гендер таълимни шаклланишининг тарихий ва миллий хусусиятлари, ҳамда уни бугунги кун талаблари асосида такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари, муаллиф томонидан ўтказилган конкрет социологик сўровноманинг натижаларини теран ва кенг қамровли таҳлил этиш асосида ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** гендер, гендер тенглик, гендер стереотиплари, оила, хотин-қизлар, аёллар ҳуқуқи, кадрият, таълим-тарбия, зўравонлик, саводхонлик.

Гулшада Ўразалиева,  
Докторант Национального университета Узбекистана  
E-mail: g.urozaliyeva@yandex.ru

### НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ГЕНДЕРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется значение гендерного образования в процессе становления Нового Узбекистана, объективные условия и субъективные факторы его дальнейшего совершенствования. Вопрос рассмотрен с теоретических и концептуальных позиций современной философской и социальной науки. В статье подчеркивается, что система внедрения новых подходов и решений к проблеме гендера является одним из важнейших направлений в Стратегии развития Нового Узбекистана. Исторические и национальные особенности становления гендерного образования в Узбекистане, а также теоретические и практические аспекты его совершенствования в соответствии с современными требованиями освещены на основе всестороннего анализа результатов социологического опроса, проведенного автором.

**Ключевые слова:** гендер, гендерное равенство, гендерные стереотипы, семья, женщины, права женщин, ценности, образование, насилие, грамотность.

**Gulshada Urazaliyeva,**  
Doctoral Student of The National University of Uzbekistan  
E-mail: g.urozaliyeva@yandex.ru

## SOME ISSUES OF IMPROVING GENDER EDUCATION IN UZBEKISTAN

### ANNOTATION

This article analyzes the importance of gender education in the process of formation of the New Uzbekistan, objective conditions and subjective factors of its further improvement. The issue is considered from the theoretical and conceptual positions of modern philosophical and social science. The article emphasizes that the system of introducing new approaches and solutions to the problem of gender is one of the most important directions in the development Strategy of the New Uzbekistan. Historical and national features of the formation of gender education in Uzbekistan, as well as theoretical and practical aspects of its improvement in accordance with modern requirements will be highlighted on the basis of a deep and comprehensive analysis of the results of a specific sociological survey conducted by the author.

**Keywords:** gender, gender equality, gender stereotypes, family, women, women's rights, values, education, violence, literacy.

### КИРИШ

Жамиятда хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини устувор кадриятлардан бири сифатида ҳимоя қилиш Ўзбекистон сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам аёлларга муносиб шароит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласини энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган бўлиб, унда гендер масаласига янгича қарашлар ва янгича ечимлар амалга ошириш тизими йўлга қўйилди.

Ушбу мавзунинг долзарблиги бир қанча омиллар билан изоҳланади. Биринчидан, гендер ғоясига кўра дунёда аёл муаммоси – инсон муаммоси деб эътироф этилаётган даврда гендер муносабатларини аёллар маънавий маданиятига таъсирини тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжуд. Иккинчидан, аҳолининг турли қатламларида, уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда маънавий маданиятни такомиллаштириш, айниқса, аёлларни юксак билимли қилиб тарбиялаш давримизнинг долзарб масаласидир, зеро аёллар келажакни яратувчилардир. Учинчидан, жамиятимиздаги хотин-қизларнинг аксарияти кўпгина объектив сабабларга кўра ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла тушуниб етмаганлари боис, уларни саводхон деб бўлмайдди. Бундай ҳолат жамиятнинг барқарор тараққиётига жиддий тўсиқдир. Зеро, аҳолиси чин маънода етарли маданиятга, саводга эга бўлган мамлакатдагина иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда барқарор ривожланишга эришиш мумкин. Жаҳон тажрибасидан маълумки, маънавий маданият илғор жамият қуришнинг зарурий омилидир. Тўртинчидан, аёллар маънавий маданиятини шакллантиришга, уларнинг тўлақонли билим олишларига тўсиқ бўлувчи турли салбий урф-одатлар, стереотиплар, диний тақиқлар сақланиб қолаётганлигидир. Бешинчидан, аёллар репродуктив вазифани бажарганликлари учун, уларнинг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш оиладаги мавқеига, аёллар ҳуқуқининг тан олиншига, оилавий муносабатлар маданиятининг даражасига, билимига, касб маҳоратига, иқтисодий мустақиллигига боғлиқ эканлигини кўрсатиб бериш эҳтиёжининг мавжудлиги. Олтинчидан, аёллар маънавиятининг шаклланиши аёллар ҳақидаги эркаларнинг тасаввурлари, қарашларига ҳамда уларни ўзлари билан тенг инсон деб билишларига, гендер муносабатлар ўзаро диморфизмни чуқурлашувига эмас, балки аёл ва эркак ўртасидаги ўзаро иттифоқини мустаҳкамлашга боғлиқлигини таҳлил этиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

### МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотнинг методологик негизини ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларнинг ривожланиши, ўзаро боғлиқлиги илмий тадқиқ қилишга имкон берадиган тизимли ва таҳлилий ёндашув ташкил этади.

Тадқиқот методологияси ҳозирги замон олимларининг гендер муаммоси бўйича тадқиқотларида акс этган илмий изланишлар, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан билим олиш ва таълим тизимларида тенглигини таъминлаш, унинг Ўзбекистонда амалга оширилишининг миллий хусусиятлари билан белгиланади.

Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича таълим тизимларида гендер тенглигини таъминлашга қаратилган Республиканинг қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларининг таҳлили мазкур тадқиқотнинг методологик асоси бўлади.

Ушбу мақолани ёзиш жараёнида кенг қамровли социологик тадқиқот усуллари, хусусан илмий ва қиёсий таҳлил, эмпирик материалларни умумлаштириш ва эксперт хулосаларини баҳолаш каби усулларидадан фойдаланилди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Гендер тенглигини таъминлашда аёлларга таълим бериш жараёни жуда катта натижаларга олиб келиши тарихда исботланган. Бу тўғрисида Президент Шавкат Мирзиёев: “Битта қиз фарзандни ўқитсангиз — бутун оилани ўқитган бўласиз деб ота-боболаримиз бежиз айтишмаган” шунинг учун, Таълим тизимининг барча поғоналарида ўқишга интилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаймиз ва уларга шароит яратамиз” – деб таъкидладилар Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида [1].

Ушбу нуқтаи-назардан, 2022 йил 1 март куни хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ҳамда мустаҳкамлашга бағишланган видеоселектор йиғилишида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасининг янги тизими белгилаб берилганлиги беқиёс аҳамиятга моликдир.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда хотин-қизлар таълим олишига катта эътибор берилаётганлиги боис бугунги кунда олий ўқув юртиларига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу йиғилишда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш ва гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган энг долзарб вазифаларни белгилаб берди. Белгиланган вазифалардан баъзи бирларига тўхталиб ўтадиган бўлсак ушбу йўналишлар юртимизда гендер таълимини янада такомиллаштириш йўлида улкан натижаларга олиб келади.

Жумладан: - янги ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади (23 минг нафар қизларга 200 миллиард сўм);

- ҳар йили 50 нафар қизлар нуфузли хорижий олийгоҳларга бакалавр ва 10 нафари магистратурага юборилади;

- ҳар бир вилоятда эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган 150 нафар қизларнинг (жами 2,1 минг нафар) таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўлаб берилади;

- ёш фарзанди бор талаба-қизларга масофавий ўқишга шароит яратилади;

- докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

- Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида “Олима аёллар жамияти” тузилади.

- “Олима аёллар жамияти”га ҳар йили 50 миллиард сўм маблағ ажратилади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастури қабул қилиниши ва аёллар улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника, ҳуқуқшунослик каби йўналишдаги ОТМларда хотин-қиз талабалар улушини янада кўтариш яъни ҳар йили хотин-қизларнинг талаба бўлишига квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишлари учун мақсадли ажратилиши жамиятимизда гендер сегрегациясига йўл қўйилмаслик, жойларда гендер таълимини янада такомиллаштириш, таълим олиш тизимида гендер ассиметриясини муволатини сақлаш каби масалаларни ойдинлаштиради.

«Қизларимиз тарбияси, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, замонавий билим ва ҳунарларни

эгаллаши, иш жойига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрнини топишига алоҳида аҳамият беришимиз зарур. Бундан буён Ўзбекистонда биронта ҳам аёл давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмайди» - деб таъкидлади Президент Ш. Мирзиёев [2].

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Олий мажлис Сенатнинг 15 ялпи мажлисида Ўзбекистонда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилиниши ҳам жамиятда эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш ҳамда инсоннинг фундаментал ҳуқуқларига риоя қилиш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда гендер тенгликни тарғиб қилинишини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиздир. Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш стратегиясида барча учун тенг ҳуқуқли ва сифатли таълимни таъминлаш, қишлоқ жойларида қизларнинг олий маълумотга эга бўлиши, хотин-қизлар гендер тенглигига эришиш, зўравонликка йўл қўймаслик каби масалалар қамраб олинган [3].

Гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг саводхонлигини ошириш глобал муаммолар сирасига киради. Шу боис, хотин-қизларнинг 1995 йили Пекинда бўлиб ўтган Тўртинчи Жаҳон Конференциясида муҳокама этилган масалалардан бири – аёлларнинг билим олишини таъминлаш ва касбий маҳоратни ошириш масаласи ҳисобланади. Бу ҳолатни амалга ошириш аёлларнинг ўз кучи ва имкониятларига ишончини ошириш билан бирга жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этишини таъминлашга имконият яратади. Ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиш аёллар учун нашр этилган турли маълумотларни ўзлаштиришга, зарурий амалий малака ҳосил қилишга, янги технологияларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Ўз навбатида аёлларнинг бундай имкониятларга эга бўлиши уларнинг ҳаётини яхшилайдди. Шунинг учун ҳам инвестицияларни аёлларнинг маълумот олиши ва билимларини мукамаллаштиришга сарфлаш мақсадга мувофиқдир, деб топилган [4].

Аёлларнинг билим олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан ва энг муҳими, тенглик, тараққиёт, тинчлик каби мақсадларга эришиш воситаларидан биридир. Фан-техника тараққиётининг ҳозирги суръатлари шу қадар илдамки, бу жараён ҳар бир инсондан муттасил билим ошириш масаласини юзага келтирмоқда.

Замонавий аёлга шунчаки саводли бўлиш: ўқиш, ёзиш, ҳисобни билиши етарли эмас, унинг олдида таълимнинг сифати, муаммоси пайдо бўлиб, доим мустақил таълим устида ишлаб, тинимсиз ўз билимларини орттириб, чуқурлаштириб боришни талаб этади [5]. Хотин-қизлар орасида саводхонликни юқори бўлиши улар оиласида фарзандларнинг соғлигини сақлаш, овқатланиш ва таълим олишини таъминлаш ва хоказоларда қўл келади.

Гендер тенглигини таъминлашда аёлларга таълим бериш жараёни жуда катта натижаларга олиб келади. Тарихда аёлларнинг билим олиши ўта мураккаб ҳодиса бўлиб, кўп ҳолатларда буни амалга оширишнинг имконияти бўлмаган, фақатгина XX асрнинг бошларидан аёллар жаҳон миқёсида билим олиш имкониятига эга бўлдилар. Аёллар ҳар бир даврда билимсизлик ва жаҳолатга, адолатсизликка қарши қалбларида исён билан яшаганлар. Тарихий фактларга қараганда Темурийлар даврида аёлларнинг саводини чиқаришга кўп имкониятлар яратади. Сароймулкхоним, Гавҳаршодбегим, Хонзодабегим, Гулбаданбегим каби билимли ва маърифатга чанқоқ аёллар илим маърифат билан шугулланиб, халқ орасида эъзозланганлар. Юртимиз тараққиётига маърифатпарвар аёллар доимо ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшиб келганлар. Аёлларни билимли бўлишлари учун «отин»лар ўз уйларида ўқитганлар. Ўзбек хонликлари даврида, яъни XIX асрда вужудга келган сиёсий беқарорлик пайтида Қўқон хони Умархонинг рафикаси Нодирабегим фан, маданият, санъатга ҳомийлик қилиш билан бир қаторда маърифат ила жаҳолатни қоралаган. Жамиятда ҳукм сурган қанча беқарор даврларда ҳам хотин-қизларнинг илм маърифатга бўлган интилишлари сўнмади. Улар аждодларимиз қолдирган маънавий меросларни авлодлардан-авлодларга маърифат йўли билан етказишга ҳаракат қилганлар. Туркистон маърифатпарварларининг йирик номоёндалари бўлмиш Увайсий, Дилшод Барно, Анбар Отин каби аёлларимиз ўз даврининг энг маърифатпарвар фидойлари эдилар. Масалан, Дилшод Барно ўз асарларида жамиятни қоқликда сақловчи асосий сабабни билимсизликда деб билган. Дилшод Барнонинг шогирди

Анбар Отин таниқли «Қаролар фалсафаси» рисоласида ўша даврдаги аёллар аҳволини, уларнинг бевосита ва билвосита ижтимоий камситишлар натижасида ўз иқтидори, истеъдоди, латофатини намоён қила олмасликларини айтиб ўтади. Лекин, Анбар Отин келажакка катта ишонч билан қарайди: бу ижтимоий-ахлоқий иллатлар албатта ўтиб кетишини, ҳурлик тенглик замонлари келишини орзу қилади. Бу ҳақда У шундай дейди: «Бир замон бўлурки, камина муштипар каби олижаноб орзу қилгондан зиёда бўлур...аларни мазлумалар авлоди хатарсиз таваллуд ўлуб, яхши парвариш топуб, хушрўй ва хушхўй, ботамиз ва ватандўст, серғайрату меҳмондўст бўлуб, камолға етур. Ул замонда одам ахлоқи ул даражаға етурки, хурурси миждоз гала хотунлик русумини тарк этар ва ҳар эр битта хотин ила фароғатда кун кечирғай... Ул вақт қизлар илми дунёвий таҳсилига муяссар бўлуб, урфон тахтида қарор топиб, эллар ва улуғлар сафиға дохил бўлурлар, алар ҳайрат ва меҳнатда эрларға ҳамфо ва ёвар бўлуб, обрў топиб, ҳурмат ва иқромға сазовар бўлурлар» [6].

XIX аср охирларига келиб ва XX аср бошларида жадидчилик ҳаракати намоёндалари аёлларни таълим олиш соҳаларига жалб этиш кераклигини таъкидлай бошладилар. Зеро, оиладаги бола тарбияси, яъни ёш авлод тарбияси асосан аёллар қўлида экани ҳаммага аён бўлиб қолган эди. Жадидчилар матбуотларда тинмай чиқишлар қилиб, аёлларни илмли ва маданиятли бўлишга даъват этдилар. Шу ўринда А. Фитратнинг: «Хотинларимиз ва қизларимиз-миллат оналари, улар илм ва тарбия олишлари лозим, ахлоқ билимларини камолға етказишлари зарур. Акс ҳолда хотинларимиз эркаклардан кўрқокроқ, заифроқ ва ғайратсиз бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетади», [7] деган гаплари билан чиқишлар қилди. Таъкидлаш жоизки, илғор ва зиёли аёллар нафақат қизлар мактабларини очиб мактабдорлик қилиш, балки ахлоқий-тарбиявий рисоалар ёзиш йўли билан ҳам бўлажак оналарни вояга етказишга ҳисса қўшдилар. Шу жиҳатдан Олима ул-Банотнинг Санкт Петербургда 1898 ва 1999 йилларда нашр этилган «Муошарат одоби» асари ўз вақтида катта аҳамиятга молик бўлди.

«Агар хотин ўқиса, ўзининг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шакл-шукбҳасиз билади. Болаларини гўзал тарбия қилади, эри билан яхши муомалада бўлади ва ниҳоят Аллоҳ таолонинг амрига мувофиқ ҳаёт кечиради», - дейди муаллиф [8] Фахр ул-Банот Сибғатуллоҳ қизининг саксон етти сабоқдан иборат «Оила сабоқлари» (1913 й) рисоласи ҳам хонимларга, қизлар мактаби шогирдларига фойдали маълумотлар бериб ўз вақтида катта таҳсинга сазовор бўлган.

Тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатмоқдаки: Оналар билими юқори бўлган оилаларнинг иқтисодий аҳволи яхши бўлади; оналар билими юқори бўлган оилаларда болалар жинояти кам содир бўлади; билимли оналарнинг фарзандлари одатда доимо тўқ, яхши кийинган ва камроқ касалга чалинувчан бўлади; билимли онанинг фарзандлари фан ва техниканинг янги йўналишларини тезда ўзлаштириб олади; билимли она ўз ўғил-қизларига оила қуриш, уни парваришлаш, оиланинг моддий таъминоти ҳақида кўпроқ маълумот беради ҳамда фарзандларига ўз жисми, саломатлигини сақлашни ўргатади. Шунинг учун ҳам билимли аёллар туғиш пайтида камроқ нобуд бўлади, аёллар билими қанчалик юқори бўлса, уларнинг ҳаётда танлаш имконияти шунчалик кенг бўлади, жамият ва оилада ўз мавқеини англаш учун шароит ярата олади; билимли аёллар ўз фарзандларини ҳаётда ўз ўрнини топишга, билим олиш, касб танлаш, мутахассисликка эга бўлишга яқиндан кўмаклашиш имкониятига эга бўлади; аёл билимли бўлса, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни тўғри таҳлил қила олиш қобилияти кучли бўлади ҳамда фарзандларига тўғри маълумот бериш имкониятига эга бўлади; оқила она тарбия қилган фарзандларда муомала маданияти юксак бўлади; билимли аёллар ўз фарзандларини ҳаётнинг ҳар қандай мураккабликларига тайёрлаб ва тушунтириб боради ва ҳоказолар.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Хотин-қизларнинг билим олишга интилишлари янги гендер идеологиясини янада шакллантиришида муҳим омилдир. Гендер муносабатлари нуқтаи назаридан, аёлларнинг саводхонлиги ўз фарзандларини парвариш қилиш, тарбиялаш ва уларга таълим беришда катта самара беради.

Гендер таълими гендер ролларига эътиборни жалб қилишдан бошланади. Гендер стереотипларининг салбий таъсирини тан олиш ва улар билан боғлиқ тенгсизликларни баргараф этишни англатади [9]. Қизлар учун гендер таълимининг натижаси ўзига бўлган ишонч, қатъиятлилиқ, мустақиллик ва жамоат ишларида иштирок этишдир.

Гендер таълими узлуксиз жараён бўлиб, уни муайян турдаги таълим фаолияти билан чеклаб бўлмайди. Гендер таълимининг яна бир муҳим мақсади болаларга оналик каби анъанавий аёллар фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини, ғамхўрлик, эътибор, ҳамкорлик ва бағрикенглик каби фазилатларини англаб этишда ёрдам беришдан иборат. Бу эътироф гендер таълимининг асосий мақсади бўлган эркаклар ва аёллар ўртасидаги ҳақиқий ҳамкорликка олиб келиши мумкин. Шу тариқа болалар эркак ва аёлнинг оила ва жамиятга қўшган турли ҳиссалари бирдек муҳимлигини, эркаклар ҳам, аёллар ҳам тенг ҳуқуқ ва тенг масъулиятга эга эканлигини билиб оладилар. Шундай қилиб, гендер таълими гендер тенглиги ғояларини жорий этишнинг ва гендер тенглигини амалда таъминлашнинг муҳим ва самарали воситасидир.

Назаримизда, хотин-қизлар маънавий- ҳуқуқий савияси янада такомиллаштириш, билимини ошириш ва учун белгиланган маърифий дастурлар ва умумий, оммабоп услублар асосида ўқув марказларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, янги касб-малакаларига ўргатиш, ишга жойлаштириш мақсадида дастурлар яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш ўта муҳим. Аёлларнинг саводхонлигини оширишга ёрдам берадиган ташкилотларни, уюшмаларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши муҳимдир.

Айниқса кичик шаҳарлар, туман марказлари, қишлоқ жойларда, маҳаллаларда аёллар саводхонлигини оширишга қаратилган таълим-тарбия, касб-хунар марказларини очиш лозим. Давлат сиёсатини изчил амалга оширишни ташкилотларини жалб қилиш ва уларга ҳар томонлама (техник ва молиявий) ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга.

Аҳолини кенг қўламли маърифий дастур асосида оммавий ахборот воситаларида ёритишларида қатнашиш мақсадга мувофиқдир. Жамиятдан аёллар саводхонлиги муаммоси бўйича, доимий ва кенг қамровли конкрет социологик тадқиқотлар ўтказиб бориш зарур.

### Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. [Электронный ресурс] [https://uza.uz/uz/posts/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-halqaro-xotin-qizlar-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdag-i-nutqi\\_247044](https://uza.uz/uz/posts/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-halqaro-xotin-qizlar-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdag-i-nutqi_247044)
2. Хотин-қизлар учун улкан имкониятлар белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 март куни хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи. [Электронный ресурс] <https://xs.uz/uzkr/post/khotin-qizlar-uchun-ulkan-imkoniyatlar-belgilandi>
3. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг «2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида» ги қарори. [Электронный ресурс] <https://lex.uz/docs/5466673>
4. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция. – Т: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 1998.
5. Международный билль о правах человека. ООН, Нью-Йорк: 1995
6. Анбар отин. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
7. Фитрат А. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 1998
8. Олима ул-Банот. Муошарат одоби. – Тошкент: Мехнат, 1991
9. Гидденс Э. Социология. – Тошкент: Шарқ, 2002.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Рахимжон Юсупов**

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети,  
Социология ва ижтимоий иш кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди  
E-mail: rahim\_6161@mail.ru

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ СТРАТЕГИЯСИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ёритилади. Янги Ўзбекистонда илк марта «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими яратилгани очиб берилди. Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс асосларини қуриш стратегияси босқичлари таҳлил қилинади. Таҳлил мобайнида, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона бошқарув шаклини яратиш зарур эканлиги очиб берилди. Хулоса қисмида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона бошқарув шаклини яратиш бўйича илмий тавсиялар келтирилади.

**Калит сўзлар:** аҳоли, ижтимоий муҳофаза, ҳаракатлар, тараққиёт, стратегия, ягона реестр, ахборот тизими, ижтимоий нафақалар, оиланинг муҳтожлиги, ижтимоий тўсиқлар, давлат бошқарув органлари, Янги Ўзбекистон, халқпарвар давлат.

**Рахимжон Юсупов**

Самарқандский государственный университет  
имени Шарафа Рашидова,  
доцент кафедры Социологии и социальной работы,  
кандидат исторических наук  
E-mail: rahim\_6161@mail.ru

### СТРАТЕГИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНА

#### АННОТАЦИЯ

В статье освещены вопросы социальной защиты населения на современном этапе развития страны. Отмечается, что в истории Нового Узбекистана впервые была создана информационная система «Единый реестр социальной защиты населения». Доказывается, что в будущем важно создать единую форму управления социальной защитой населения. Также, дан анализ стратегии времен построения основ Третьего Ренессанса Нового Узбекистана. В заключении даны научные рекомендации по созданию единой формы управления социальной защиты населения.

**Ключевые слова:** население, социальная защита, стратегия, единый реестр, информационная система, социальные пособия, потребности семьи, социальные барьеры,

органы государственного управления, Новый Узбекистан, реформы, государственная программа.

**Rahimjan Yusupov**

Samarkand State University named after Sharaf Rashidov,  
Associate professor of the Department of sociology and social work,  
candidate of historical sciences  
E-mail: rahim\_6161@mail.ru

## STRATEGY OF SOCIAL PROTECTION OF THE POPULATION IN NEW UZBEKISTAN

### ANNOTATION

The article highlights the issues of social protection of the population at the present stage of the country's development. It is studied how in the history of New Uzbekistan the information system "Unified Register of Social Protection of the Population" was created. It has been established that in the future it is necessary to create a unified form of management of management of social protection of the population. And also, the times of building the foundations of the Third Renaissance in New Uzbekistan are analyzed in the strategy. In conclusion, recommendations are provided on the creation of a unified form of management of social protection of the population.

**Key words:** population, social protection, strategy, unified register, information system, social benefits, family needs, social barriers, government bodies, New Uzbekistan, building the foundations of the Third Renaissance, unprotected segments of the population, social protection system, reforms, state program.

### КИРИШ

Шиддат билан ўзгараётган дунёда Янги Ўзбекистон ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсад, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга қулай иш шароитларини яратиш бериш чора-тадбирларини амалга ошириш устивор йўналишларидан бири бўлмоқда. Шу боис, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратишга эътибор кучаймоқда. Зеро, тизимли ижтимоий ҳимояси шакллантирилмаган мамлакатда социал зиддиятлар пайдо бўлади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона бошқарув шаклини яратиш ниҳоятда зарур эканлиги белгиланди. Бугунги замонавий жамиятларда содир бўлаётган трансформацион жараёнлар инсон ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида тарихан шаклланган ижтимоий-маданий меъёр ва қадриятларнинг ўзгаришига, турмуш тарзи, кундалик ҳаёт ва меҳнат фаолияти, турли гуруҳлар ва қатламларнинг мавқеи ва мақомини янада мутаҳкалашни талаб қилмоқда. Бу эса, Ўзбекистонда келажак касби бўлган ижтимоий иш ходими касбига ва бу соҳада илмий изланишларга қаратилган қизиқишларни оширмоқда.

### МЕТОДОЛОГИЯ

Мақолада илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, комплекс ёндашув, интервью, фокус-гурӯх, кузатиш, қиёсий таҳлил, контент таҳлил, эксперт сўрови каби усуллари қўлланилди. Шуниндек, тарихий социологик таҳлил ҳужжатларини ўрганиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат манбаларни қиёсий таҳлил қилиш ва мантиқийлик каби илмий-тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Бир ҳақиқатни ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор: бугунги Ўзбекистон-кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас" деб алоҳида таъкидланади[1]. Бу билан давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасини янада тараққий

этиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси билан мамлакатимиз ривожланишининг турли соҳаларини ўз ичига тўла қамраб олганлигини кўрсатиб, бу соҳаларда 2017-2021 йилларда эришилган ютуқларни том маънода Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки стратегик қадамлар деб баҳолади. Ҳақиқатдан, ўтган 2017-2021 йиллар мобайнида Янги Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга қулай иш шароитларини яратиб бериш чора-тадбирларини амалга ошириш устивор йўналишлардан бири бўлди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ҳар бир вазифа халқимизнинг ижтимоий фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя тизими сифатини тубдан ислоҳ этишни назарда тутди[2].

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида эса, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона бошқарув шаклини яратиш ниҳоятда зарур эканлиги белгиланди[3]. Шу боис, замонавий жамиятларда содир бўлаётган трансформацион жараёнлар инсон ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида тарихан шаклланган ижтимоий-маданий меъёр ва кадриятларнинг ўзгаришига, турмуш тарзи, кундалик ҳаёт ва меҳнат фаолияти, турли гуруҳлар ва қатламларнинг мавқеи ва мақомини янада мустаҳкамлашни талаб қилмоқда.

Бугунги кунда, мамлакатимизда илк марта «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими яратилди[4]. Таъкидлаш ўринлики, ушбу тизим кенг жорий этилиши билан ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш бўйича бюрократик босқичлар бекор бўлди. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими боис, давлат томонидан халқимизга хос бўлган меҳр-шафқат ҳамда эзгулик туйғуларини ҳисобга олган ҳолда, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини бўлган шахсларнинг муҳим эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ягона реестр – бошланғич босқичда ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун инсон омилиси оила (фуқаро)нинг муҳтожлигини ўзи аниқлайдиган, нафақаларни тайинлаб, тўловларни амалга оширадиган ва назорат қиладиган, харажатлар ҳисобини юритадиган автоматлашган ахборот тизим. Ижтимоий нафақалар – бу кам таъминланган оилаларга 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тайинлаб тўлашдир. Айни пайтда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестр” билан бирлаштириш амалга оширилди. Зеро, яқин келажакда кам таъминланган оилаларнинг 3 ёшгача бўлган болалари учун озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар бериш дастури ҳам қабул қилинади[5].

Демак, ниятимиздан мақсад, сўнгги беш йиллик ислоҳотлар натижасидан келиб чиқиб, келгусидаги 2022-2026 йиллардаги стратегик вазифаларимизни тушуниб олишимиздир. Бунинг учун давлатимиз раҳбарининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинишигача эълон қилинган асарларига тўхталамиз. Даставвал, тараққиёт стратегиясидаги долзарб вазифаларни белгилаш учун мамлакатимизда, Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий – иқтисодий ва илмий – маърифий асослари яратилганлигини кўрсатиб ўтамиз.

2021 йилнинг сентябрида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” номли китоби чоп этилди [6]. Бу китобда Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансни қуриш бўйича қилинаётган ишлар ва миллий тараққиёт стратегияси ҳақида фикр юритилди. Ушбу стратегия ҳам мамлакатимиз ривожланишининг турли соҳаларини ўз ичига олган бўлиб, “инсон – жамият – давлат” деган янги тамоил асосида қурилиши белгиланди. Янги тамойилда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси назарий жиҳатдан яққол кўрсатилади. Мазкур китоб муқаддима, 7 бўлим ва хотимадан иборат. Эътиборли жиҳати, давлатимиз раҳбари китобнинг тўртинчи бўлимини “Адолатли ижтимоий сиёсат” деб номлаган ва бутун халқимизни доим маррани баланд олишга, ислоҳотларни янада жадалроқ давом эттиришга даъват этган[6. – 197 - 264 бетлар].

Давлатимиз раҳбари раислигида 2022 йилнинг 26 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистоннинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокама

қилинган эди[7]. Шундай қилиб, Янги Ўзбекистон стратегиясида мамлакатимизни келгусидаги беш йилликдаги тараққиёти қамраб олиниши режаланди. Фармонга кўра, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш кучайтириш, кўмакка муҳтож фуқароларга ва ёлғиз кексаларга пул ёрдами кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш амалга оширила бошланди. Жумладан, ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахслар учун ҳар ойлик компенсация тўлови – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 45 фоизи миқдорида тўланадиган бўлди. Шунингдек, ёши 100 ёшга тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи шахслар учун ҳар ойда – пенсияни миқдorigа қўшимча тўлов белгиланди.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, Президентимиз томонидан “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ҳақидаги Фармони имзоланиб, халқимиз фаровонлиги ва бутун аҳолимиз келажаги учун мустақкам асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжат эълон қилинди[8]. Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар, биринчи навбатда, “Инсон қадри учун” деган улуғвор ғоя ҳаётга татбиқ этила бошланди. Таъкидлаш жоиз, 7 та устивор йўналиш, 100 та мақсаддан иборат бўлган вазифаларда, Тараққиёт стратегиясининг жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган 398 та чора – тадбирга умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард доллар маблағ сарфлаш кўзда тутилди.

Янги Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш стратегиясини амалга оширишда, навбатдаги босқич, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” эълон қилинган фармон[9] ва қарори[10] бўлди. Уларда аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини индексация даражасига қараб индексациялаб бориш ҳамда тегишли ижтимоий тўловлар миқдорининг минимал истеъмол харажатларини қийтатидан кам бўлмаслигини таъминдаш, ҳамда аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг оилавий ва бошқа муқобил шакллари янада қўллаб-қувватлаш ишларини амалда бажаришга киришилди.

Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ислохотларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори ҳам эълон қилинди[11]. Бу қарор билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, жумладан, кам таъминланган болали оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод вакиллари манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат, тадбирларини изчил давом эттириш мақсадида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ёшга доир, ногиронлик пенсияси ва нафақасини олувчиларга, болалик нафақасини ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ва нафақасини олувчи ҳар бир оила аъзосига ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парваришlash нафақасини олувчиларга, Қарақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – 300 минг сўмдан, Тошкент шаҳрида – 400 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шундан сўнг ушбу йўналиш доирасида аҳолини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислохотлар давом эттириш мақсадида Президентнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида фармони қабул қилинди[12].

Натижада, Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш стратегияси доирасида қуйидаги вазифалар амалга оширилди. Хусусан, дастурнинг адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналиши бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида жами 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани ижтимоий соҳадаги бандлар ижросини таъминлашга ҳуқуқий асос бўлди.

Шу билан бирга, мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали камбағалликни қисқартириш, хавфсиз, тартибли ҳамда қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш, самарали миграция сиёсатини юритиш бўйича бажарилган чоратadbирлар салмоғи ҳам ниҳоятда кенг бўлди. Масалан, биргина фуқароларни меҳнат миграциясига ташкиллаштирилган тарзда юборишни ташкил этиш, хорижда вақтинчалик меҳнат меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудлар кесимида “Йўл харитаси” тасдиқланиб борилди[13].

Бунда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган 60 минг нафар фуқарони ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштириш, 20 минг нафар фуқаронининг ҳаёти ҳамда соғлиғини суғурталаш полислари харажатларини қоплаб бериш белгиланди.

Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган 10 минг нафар фуқарога имтиёзли макрокредитлар ажратиш бўйича 2022 йилга мўлжалланган прогноз параметрлари кўзда тутилди.

Пандемияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида коронавирус қайтадан тарқалишининг олдини олиш ҳамда унинг иқтисодиёт ва инсонлар ҳаётига салбий таъсирини имкон қадар чеклаш бўйича “темир дафтар”га киритилган 616,1 минг оила, уларнинг 2,6 миллионга яқин аъзоларининг 2,6 миллионга яқин аъзоларининг меҳнатга лаёқатли, аммо ишсиз 691,4 минг нафарининг бандлигини таъминлаш орқали 588,5 минг оила “темир дафтар”дан чиқарилди.

Эътиборлиси, ушбу дафтарга киритилган оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш мақсадида 100 минг нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. 34,5 минг нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилиб, 22,7 минг оилага оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит ажратилди.

## ХУЛОСА

Президентимиз ҳар қандай соҳада сон учун эмас, сифат учун ишлаш лозимлиги такрор-такрор таъкидлайди. Бу бежиз эмас. Чунки қуруқ сондан кўра, сифат муҳимроқ. Боқувчисини йўқотган, ногиронлиги мавжуд ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалардаги шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида боқувчисини йўқотган 16,1 мингта эҳтиёжманд оила, ногиронлиги мавжуд, ижтимоий ёрдамга муҳтож 31,2 мингта оила рўйхати шакллантирилиб, уй-жойини таъмирлашга муҳтож, ногиронлиги бор 2,1 мингта оиланинг 1,7 мингтаси ёки 80,1 фоизинининг уй-жойи таъмирлаб берилди[13].

Умуман олганда, Янги Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш стратегияси бўйича қўрилган тезкор ҳамда самарали чоралар ўз самарасини кўрсата бошлади. Давлатимиз раҳбари жонбозлиги билан амалга оширилган фаол ислохотлар, тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳаллабай ишлаш бошлангани натижасида, ўтган йили ялпи ички маҳсулот 7,4 фоизга ўсганини қайд этилди[14].

Юқорида белгиланган ҳар бир вазифа, амалга оширилган тадбирлар халқимизнинг ижтимоий фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя тизимини манзилли қилиб, алоҳида ижтимоий қатлам ва гуруҳларга қаратилишини назарда тутди. Бугун аҳолининг заиф қатламлари хавф ва зарбалардан ҳимояланган бўлиши учун ижтимоий ҳимоя тизимини ислох қилиш устувор масаладир. Шу боис, давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда ҳаммамиз фаол бўлишимиз, унга аввало, халқни рози қилиш, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш ҳамда мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилгани нуқтаи назардан ёндашишимиз мақсадга мувофиқ.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий мустақиллик-янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам асосидир // Халқ сўзи 2022 йил 1 сентябрь, № 191 (8253)
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. <http://strategy.gov.uz/uz/lists/docview/14>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида// Халқ сўзи, 2022 йил 1 февраль, № 23 (8085).
4. <https://kun.uz/news/2020/05/20/ozbekistonda-ijtimoiy-himoya-yagona-reyestri-axborot-tizimi-yaratildi#0>
5. Кам таъминланган оилаларнинг 3 ёшгача бўлган болалари учун озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар бериш дастури қабул қилинади. <https://xs.uz/uzkr/70587> 04 Январь 2022 Жамият
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2021. – 464 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида// Халқ сўзи, 2022 йил 29 январь, № 20-21 (8082-8083).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида// Халқ сўзи, 2022 йил 1 февраль, № 23 (8085).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида// Халқ сўзи, 2022 йил 30 апрель, № 90 (8152).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида// Халқ сўзи, 2022 йил 30 апрель, № 90 (8152).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида// Халқ сўзи, 2022 йил 26 май, № 108 (8170).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида// Халқ сўзи, 2022 йил 26 июль, № 159 (8221).
13. Хўжаева М., Барча ислохотлар инсон кадрини учун// Халқ сўзи, 2022 йил 29 апрель, № 89 (8551).
14. <https://www.facebook.com/xalqsuzi.uz/>

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Шахноза Тилиябаева**

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
“Бошқарув социологияси ва психологияси”

кафедраси докторанти

E-mail: shakhnozahon888@gmail.com

### МАМЛАКАТ ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ СОЦИОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакат имижини шакллантиришнинг назарий асослари, имиж категорияси ва мазмуни, уни давлатнинг фаолиятидаги аҳамияти, имижга таъсир этувчи тўсиқлар ва уларни бартараф этиш омиллари, миллий ғурурни мустаҳкамлаш, ижтимоий онгда объектга нисбатан маълум муносабатни шакллантириш, мамлакат имижининг хусусиятлари, имижни яратиш жараёни, стереотипларни вужудга келиши ва турлари, мамлакат имижининг назариялари, ташқи омиллар сифатида хорижий мамлакатларда яшовчи диаспораларнинг мамлакат имижига таъсирининг социологик жиҳатлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** имиж, мамлакат имиж, миллий имиж, имиж тўсиқлари, муаммолар майдони, стереотип (ақида), фрейм, социотип.

**Шахноза Тилиябаева**

Докторант кафедраси «Социологии и психологии  
управления» Академии государственного управления  
при Президенте Республики Узбекистан

E-mail: shakhnozahon888@gmail.com

### СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИМИДЖА СТРАНЫ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены теоретические основы формирования имиджа страны, категория и содержание имиджа, его значение в деятельности государства, препятствия, влияющие на имидж и факторы их преодоления. Дан анализ укрепления национальной гордости, формирования определенного отношения к объекту в общественном сознании, особенности образа страны. Рассматривается процесс создания имиджа, создание стереотипов прихода и типов, теории образа страны, социологические аспекты влияния диаспор, проживающих за рубежом страны на имидж страны как внешние факторы.

**Ключевые слова:** имидж, имидж страны, национальный имидж, имиджевые препятствия, проблемная зона, стереотип (убеждение), фрейм, социотип.

**Shakhnoza Tilyabayeva**

Doctoral student of the Department of "Sociology and Psychology of Management" of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: : shakhnozahon888@gmail.com

## SOCIOLOGICAL ASPECTS OF FORMING THE IMAGE OF THE COUNTRY

### ABSTRACT

In this article, the theoretical foundations of the formation of the country's image, the category and content of the image, its importance in the state's activities, the obstacles that affect the image and the factors to overcome them, the strengthening of national pride, the formation of a certain attitude towards the object in the social consciousness, the characteristics of the country's image, the process of image creation, the creation of stereotypes arrival and types, theories of the country's image, sociological aspects of the impact of diasporas living in foreign countries on the country's image as external factors are highlighted.

**Key words:** image, image of the country, national image, image obstacles, problem area, stereotype (belief), frame, sociotype.

### КИРИШ

Ҳаётда ҳар қандай шахс, ҳодиса воқеа, жараённинг ўзига хос имижи мавжуд. Имиж объекти бўлиб, инсон, ташкилот, халқ, давлат, шу билан бирга, давлат ҳаётининг турли соҳалари кириши мумкин: ҳокимият, иқтисод, армия, ташқи сиёсат ва ҳ.к. Масала имижнинг бор-йўқлигида эмас, балки имижнинг стихияли ва махсус шакллантирилишидадир [1, – Б.39]. Шахснинг, шу жумладан, етакчи шахсининг ижтимоийлашуви ва ижтимоийлашув жараёнлари В.А. Мальцев, Э. Гидденс [2, – С.114] асарларида атрофлича ўрганилган. Сиёсий етакчилар имижининг шаклланиши, имижмейкерлик фаолиятининг илмий таҳлили рус олимлари Е. Егорова-Гатман [3, – С.402-403], А. Цуладзе [4, – С.304], Д.В. Ольшанский [5, – Б.35], В.М. Шепель [6, –С.57], украин олими Г.Г. Почепцов [7, – С.109-110], америкалик олимлар Д. Бурстин, Б. Брюс [8, – Р.38], Б. Бькенен ва Л. Браун [9, – С.6-10] лар асарларида ўз аксини топган. Бу борада, юртимиз олимлари томонидан ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, социолог олимлардан М. Бекмурадов [10, – С.270], Ш. Содиқова [11, – Б.114], М. Ғаффарова, У. Қорабоев [12, – Б.14], Д. Рахимоваларнинг раҳбар имижини шакллантириш бўйича изланишларини таъкидлаш мумкин.

### МЕТОДЛАР

Тадқиқотда тизимли таҳлил, социологик тадқиқот, социологик сўровнома, экспертлар баҳолаш методи каби усуллардан фойдаланилган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Сўнгги пайтларда кўпчилик мамлакатларда давлатнинг халқаро имиджини яратиш ва тарғиб қилиш муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Глобаллашув даврида “кўплаб давлатлар “юмшоқ куч” ёрдамида мамлакат ичкарасида ва хорижда мақсадли равишда ижобий имиджни яратиш” [13, –С.17], ривожлантириш ва тарғиб қилиш билан шуғулланмоқдалар, бу эса миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, ички барқарорлик, миллий гурурни мустаҳкамлаш, хориждан сармоялар жалб этиш, дунёда мамлакатнинг таъсирини кучайтиришнинг муҳим воситасидир.

Жаҳондаги ўзгаришлар тенденциялари ва объектив шарт-шароитлар замирида, дунёдаги сиёсий ва иқтисодий таъсирга учраган ҳар бир субъект учун, мамлакат имиджини унинг иқтисодий ва маданий ривожланишининг, уни ифодалашнинг самарали шакли, психологик ва ижтимоий ривожланиш ва аҳолисининг ватанпарварлик туйғуларини намоён этиш кўрсаткичи сифатида шакллантириш зарурияти вужудга келди [14, – С.197].

Ижтимоий ҳаёт ҳодисаси сифатида имиж (сиймо) кун сайин ортиб бораётган катта ахборот ҳажмини қайта ишлаш зарурати натижасида пайдо бўлди [15, – С.300]. Чунки

маълумотларнинг бутун ҳажмини сақлаш мумкин эмас, кишилар қисқартирилган ахборотлардан, тасвирлар шаклида тақдим этилган маълумотлардан фойдаланишга одатланиб боришмоқда. Бу мураккаб ижтимоий воқеликни англаш ва идрок этишнинг энг мақбул усулидир [16, –С.214].

Имиж бугунги куннинг ихтироси эмас. Шарқда бу сўзни ифодаловчи “сийрат”, “тасаввур”, “сиймо”, “тимсол”, “обрў”, “нуфуз” тушунчалари мавжуд бўлиб, бунда инсоннинг нуфузи унинг фақатгина ташқи кўриниши билан эмас, балки сўз ва амал бирлиги, инсоний фазилатлар, ахлоқий сифатлар билан ўлчанган [17, – Б.33].

Имиж (сиймо) - инсон ўз мақомига мувофиқ ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақидаги жамоатчилик фикрида шаклланган ғоялар тўплами. Ижтимоий онгда ушбу объектга нисбатан маълум муносабатни шакллантириш учун имиж, тарғибот, реклама, миш-миш орқали яратилади. У объектнинг ҳақиқий хусусиятларини ҳам, мавжуд бўлмаган, атрибутланган, уйдирма хусусиятларини ҳам бирлаштира олади. Имижни ўрганиш билан имижология фани шуғулланади. Имижни яратиш жараёни социологияда илмий жиҳатдан кенг ўрганилган ва бир мунча мураккаб ижтимоий муносабатларни ўз ичига қамраб олади.

Мамлакат имижи оммавий онгда шаклланган ва оқилона стереотиплар мажмуи сифатида мамлакатда шаклланган кишиларнинг ҳиссий (эмоционал) ғоялари, ўз тажрибаси ва турли манбалардан олинган мавжуд маълумотларга асосланган тасаввурлар йиғиндисидир [18, – С.214-218].

Касбий ушшда ва одамлар билан ҳар қандай соҳада муваффақиятга эришиш учун имижни кузатиб бориш ва уни энг мақбул тарзда шакллантириш муҳим саналади.

Мамлакатнинг халқаро имижини кўтаришнинг объектларига: дипломатик алоқаларнинг ҳолати, ташқи иқтисодий фаолият, фан, спорт, миллий қахрамонлар ва машҳур кишилар, маданият ривож, туризм, транспорт, хориждаги диаспоралар фаолияти, халқаро фестиваллар, кўргазмалар, спорт мусобақалари, илмий конференциялар, китоблар имижни шакллантиришга катта рол ўйнайди.

Мамлакат имижини қандай яратиш керак? Қуйидаги учта муҳим қоидага эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, давлат сиёсатида мамлакат ҳаётида қабул қилинаётган қарорлар, илгари сурилаётган ғоя ва гапирилган ҳар бир фаолиятда изчиллик бўлиш керак. Бу, аввало, инсонни ҳақ-ҳуқуқини қадрлаш билан боғлиқ. Шунинг учун давлатдан бирдан бир умидни яратиш инсонларни унга ишонишга ундайди.

Иккинчидан, давлат ўз фуқароларини ягона мақсад сари бирлаштириш учун жамият истаган сиёсатни танлаши керак. Давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар узвий бўлиши ва доимо чуқурлашиб бориши керак. Аввало, мамлакат кичик бўлсада бир соҳада кучли ўзгариш ва омма учун фойдали бўлган ишларни амалга ошириш лозим. Бу ютуқларни кейинчалик оммалаштириш муҳимдир. Мамлакат ўз аҳолиси фойдасига кучли ижтимоий сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаши, сўз эркинлиги, мамлакат ҳудудида эркин кўчиб юриши, фуқароларни хорижий мамлакатларда ҳимоя қилишнинг самарали тизимини мавжудлиги, чет мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва очиқ сиёсат давлат имижини кучли бўлишига сабаб бўлади.

Учинчидан, ҳозирги глобаллашув жараёнларида халқаро ҳамжамият билан тенглар ичида тенг равишда ўзаро фойдали ва дўст мамлакат сиёсатини юритиш. Глобаллашув ҳар бир мамлакатнинг жаҳонда ўз ўрни мавжудлигини кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқиб, мавжуд давлат халқаро муносабатларда бошқа мамлакатларга ҳам фойда бериши. Айнан манфаат ва фойда имиж кучини аниқлайдиган мезон бўлиб, мамлакат имижини кучайишига хизмат қилади.

Миллий имиж қандай шаклланади ва нима учун у муҳим. Глобаллашув жараёнларида барча мамлакатлар инвестиция киритиш ва туризм, ривожлантириш мақсадидаги миллий маҳсулотлари ва хизматлари бозори, хорижий мамлакатлар ҳукумати, нуфузли муассаса, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик фикрининг эътибори ва ҳурмати учун рақобатлашишлари керак.

Ижобий имижда эга давлатлар қўшимча фойда билан савдолашади, заиф ёки салбий имижли мамлакатлар эса чегирма билан савдолашади. Миллий имиж бевосита хорижий инвестиция, туризм, иқтидорлиларни жалб қилиш ва давлатларнинг экспорт кўрсаткичини ошириш ҳар қандай тарғиботга қараганда яхшироқ ҳисобланади. Ҳозирда “миллий бренд” ибораси ҳукуматларнинг асосий мажбуриятларидан бири сифатида кенг қабул қилинмоқда, лекин у қандай асосда белгиланиши ва бошқарилиши етарли даражада тушунарли эмас.

Мамлакат имижини шакллантириш жараёнида М.А. Штанько фикрича [19, – С.98], уни намоён этиш “брендинг” шаклида бўлади. Бунда “товар” тоифасига маҳсулот ёки хизмат эмас, балки ижтимоий-маданий элементлардан иборат “давлат имиджи” тушунчаси “давлат бренди” тушунчаси билан тенглаштирилади. Миллий бренд концепцияси моҳиятига кўра, инсонни маълум бир миллатга мансублигини англаб етишга қаратилган. Бу ҳолат давлат фуқароси бўлмаганларга ўзларини фуқаролардек ҳис қилиш туйғусини беради ва уларни мамлакатни “ўз давлати” каби қўллаб қувватлашга ундайди.

Имиж учун курашда ўзига хос бўлишининг асосий назарияси мамлакат дунёга узок муддатли ҳисса қўшишда аниқ, ишончли ва ижобий ёндашувларга эга бўлиши ва давлат ички ва ташқи сиёсатида, жумладан ўз диаспоралари билан ишлашда тараққиётга эришишлари ва мақсадларни амалга оширишлари учун мувофиқлаштиришидан иборат. Бу мамлакатнинг рақобатбардош миллий ўзига хослигини яратиш ва қўллаб-қувватлашни сезиларли даражада ошириши мумкин.

2005 йилда 50 та давлатнинг имижини ўлчайдиган Anholt-GfK Roper Nation Brands IndexSM йиллик тадқиқотни йўлга қўйилган. Бугун “Anholt-Ipsos Nation Brands Index” номи билан танилган ва дунё аҳолисининг 60 фоизини қамраб оладиган, дунёдаги энг йирик ижтимоий тадқиқотларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, кучли имижда эга мамлакатлар кучли бўлмаган кам танилган давлатларга қараганда иқтисодий ва ижтимоий кийинчиликлардан эсон-омон ўтиб олишади.

Миллий имижда таъсир кўрсатиш мумкинми? Мамлакат имижи ва иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик яхши маълум: бироқ жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар ҳукумат катта миқдорда маблағларни миллий тарғиботга сарфлашда давом этмоқда. Бироқ давлатлар олиб бораётган ижобий сиёсатини жаҳон афкор оммасини ишонтириш воситасидан фойдаланиб, тасаввурларни тўғридан-тўғри манипуляция қилиш мумкин эмас. Агар давлат унга ҳавас қилишларини истаса бунинг учун муваффақиятли бўлиш етарли эмас: агар мамлакат ўзи хоҳлаган обрўга ва таъсирга эришишни истаса бошқа мамлакат фуқароларига асосли сабаб кўрсатиши керак.

Бу Ўзбекистон обрўси, аввало, унинг сиёсатчилари қўлидалигини англатади: мамлакат тўғрисида уни бажараётган ишлари билан баҳо беришади, ўзи тўғрисида гапирётган сўзлари билан эмас. Бу қиммат чет эл реклама, дизайнерлик ва пиар агентликларини ёллаш шартмаслигини, ОАВ ва медиа материаллар ишлаб чиқаришга миллионлаб долларни сарфлаш шарт эмаслигини англатади. Стратегик жиҳатдан асосланган, пухта ўйланган, инновацион лойиҳалар ва тўғри ташкил этилган сиёсат Ўзбекистоннинг “ўзига хос рақобатбардошлилиги” учун қимматли маркетинг компанияларига кўра чексиз фойда келтириши мумкин [20].

Хорижда миллат имиджини шакллантириш омили бўлган диаспоралар тарихий Ватани ҳисобланган мамлакат ҳукуматларининг хорижий давлатлар билан дипломатик мулоқот қилишида жиддий воситаси сифатида қаралади [21, – С.88].

Шу аснода, мамлакат имижига акс таъсир кўрсатувчи ҳолатларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу “мамлакат имижига нисбатан тўсиқлар”дир. “Мамлакат имижига нисбатан тўсиқлар” – деганда мамлакат қиёфасини идрок этиш жараёнида шахс ёки гуруҳ онгида пайдо бўладиган ички ва ташқи муҳит таъсири остида вужудга келадиган реал воқеликка қарши бўлган тўсиқлар тушунилади. Мамлакат имижига нисбатан тўсиқлар жамиятда “юмшоқ куч” омилларига таянган ҳолда вужудга келади. Бу кучлар аҳолига ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий механизмлари орқали таъсир қилади.

Мамлакат имижига нисбатан тўсиқлар мамлакат маданиятида сиёсий ва маънавий кадрятлар мавжуд бўлмаганда ёки етарли даражада намоён бўлмаганда пайдо бўлади.

Мамлакат имижига нисбатан тўсиқлар ўз-ўзидан пайдо бўладиган ёки мақсадли равишда ижтимоий онгда мамлакатнинг ижобий ва жозибали имижини идрок этиш жараёнларида кузатилади. “Кишилар жамоаси (миллатлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва бошқалар) мамлакат қиёфасини идрок этувчи ёки бу имиж уларга мақсадли равишда трансфер қилинадиган ижтимоий қатлам ролини бажаради. Мамлакат имижига тўсиқлар салбий стереотиплар (ақидалар), муаммовий маконлар, ҳар хил уйдирма ва миш-мишлар, шунингдек, инсоннинг шахсий таассуротлари ҳам бўлиши мумкин” [22, – С.135-146].

Мамлакат имижига тўсиқлар пайдо бўлишига туртки бўлаётган омиллардан бири бу мамлакатнинг муаммоли соҳаларидир. Муаммолар майдони - ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаси (иктисодиёт, сиёсат, маданият ва бошқалар) ва амалиётининг давлатнинг ўз вазифаларига ва мамлакатнинг оптимал ривожланиш эҳтиёжларига мос келмайдиган ҳолатидир. Муаммолар майдони иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларнинг мўлжалланган ва оптимал функциялари билан уларнинг реал мазмуни ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг амалда мавжудлигини очиб беради. Ҳар қандай муаммоли соҳанинг пайдо бўлишининг манбаи мамлакатнинг илғор ва барқарор ривожланишига, самарали иқтисодий модел ёки сиёсий тизимга, ижтимоий соҳа ёки маданиятни янада ривожлантириш учун қондирилмаган долзарб ижтимоий эҳтиёждир.

Муаммолар майдони мамлакатнинг маълум бир соҳаси ривожланишининг секинлашиши ёки унинг ривожланишининг мақбул йўлидан оғишда намоён бўлиши мумкин, бу эса иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ёки маданий соҳаларда турли зиддиятли вазиятларни келтириб чиқаради.

О.Г. Леонованинг фикрича [23, – С.140]. Муаммоли майдонларни уларнинг даражаси ва интенсивлигига кўра таснифлаш мумкин:

биринчидан, глобаллашув жараёнларининг оқибати бўлган ва бутун инсониятга тааллуқли глобал муаммоларни келтириб чиқарадиган ва уларни ҳал қилишда халқаро саъй-ҳаракатларни талаб қилувчи глобал зиддиятлар мавжуд;

иккинчидан, минтақавий тизимлар миқёсида ўзини намоён қиладиган мезодаражанинг муаммоли соҳаларини ажратиб кўрсатишади;

учинчидан, маълум бир давлат ҳаёти ва ижтимоий амалиётининг турли соҳаларида пайдо бўладиган маҳаллий, бир мамлакат учун ўзига хос муаммоли соҳаларни кўрсатиш мумкин.

Стереотип (ақида) дефинициясига таъриф берадиган бўлсак, у бирон бир нарса, предмет ёки бизнинг ҳолатимизда мамлакат, яъни Ўзбекистон образи билан боғлиқ барқарор, ўзгармайдиган, соддалаштирилган, схематик тушунчани ўз ичига олади. Стереотиплар амалиётда салбий ёки ижобий бўлади. Албатта имижни юксалтиришда ижобий стереотиплардан самарали фойдаланиш мумкин бўлади [24].

Мамлакат имижини идрок этиш жараёнида стереотиплар (ақидалар) мулоҳаза ва баҳоларни вужудга келтириши жуда муҳимдир. Стереотип (ақида) ҳар қандай олинган ахборотга, қатъий мулоҳаза ва баҳолар шаклида қайтма алақани шакллантиради.

Кўпинча стереотип (ақида)нинг таърифлари унинг ҳиссий ва баҳолаш хусусиятларини ажратиб кўрсатади. “Стереотип - бу эмоционал-баҳоловчи ақидадир. Унинг табиати икки компонентдан - билим ва муносабатлардан иборат. Билим – турғун стандарт ҳолат бўлса, муносабат - эса ҳиссиётлар (эмоция) орқали ифодаланди. Стереотип(ақида)да муносабат устувор аҳамиятга эга” [25, – С.135-136].

Фрейм эса – аниқ бир маъно юзасидан ўзаро бирлашиб кетадиган семантик муносабатлардан ташкил топади. У назарий жиҳатдан моделлаштириладиган объект ҳақидаги тасавурлар ва билимларни тартибга солишда қўл келади [26].

О.Г. Леонованинг [27, – С.104-124] илгари сурган ёндашувга мувофиқ, стереотип (ақида)ларни социал жараёнларга таъсир механизмларини ўрганиб чиқамиз.

Стереотип (ақида)лар идрокнинг маълум стандартларини яратади. Салбий стереотиплар, шунга кўра, мамлакат имижини идрок этиш учун салбий стандартларни яратади. Имижни қабул қилувчи гуруҳ мамлакат имижига нисбатан маълум бир умид ва ишончларга эга бўлиб, улар

шахсан бунинг ўзида ҳис этишлари ёки унинг виртуал ёки ахборот қиёфаси билан таниш бўлиши керак.

Имиж стереотиплари маълум бир мамлакатга ташриф буюриш жараёнидаги шахсий таассуротлари пайтида ҳам, мамлакатни кузатиш имкони бўлмаган ҳолатда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Ушбу имиж стереотиплари мамлакатнинг кўринадиган қиёфаси билан ёхуд мамлакатнинг виртуал ёки ахборот қиёфаси асосида шаклланади. Ҳар ҳолда, мамлакат қиёфаси идрок этилаётганда муқаррар равишда маълум маданий ва психологик бузилишларни бошдан кечиради [28, – С.136].

Маълум бир маданият доирасида тарбияланган ва тобланган имижни қабул қилувчи гуруҳда мамлакатнинг халқаро майдондаги хатти-ҳаракатлари, дунё микёсида юритаётган сиёсати ва фаолияти, шунингдек, мамлакат ички сиёсатининг мазмуни бўйича бир қатор умид ва ишончлар шаклланади. Имижни қабул қилувчи гуруҳ онгли даражада мамлакатнинг ички ҳаёти тушунарли ва мақбул қоидаларга мувофиқ амалга оширилишини кутади.

Мамлакат хулқ-атвори ва лаёқати ушбу ишонч ва умидларга мувофиқлиги ижтимоий гуруҳларда қониқиш ҳисси ва ижобий ҳис-туйғуларни келтириб чиқаради, чунки бу ҳолда мамлакат қиёфаси ҳақидаги маълумотлар жамоатчилик онгида аллақачон мавжуд бўлган “сиймо”ни мустаҳкамлайди. Мамлакат имижининг хусусиятлари гуруҳларнинг ижтимоий онгида мавжуд бўлган муносабатдан ўзгача бўлса, бу ҳайрат, тушунмовчилик ва умидсизликни келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида салбий ҳис-туйғуларни шакллантиради. Ушбу салбий ҳис-туйғулар ушбу мамлакат имижининг салбий стереотипида мустаҳкамланади. Шундай қилиб, мамлакат имижининг стереотиплари имижни қабул қилувчи гуруҳда муайян мулоҳазалар ва баҳоларни келтириб чиқаради.

Д. Мацумото ўзининг машҳур “Психология ва маданият” китобида стереотиплар (ақида) нинг қуйидаги таснифини таклиф қилади:

- 1) социотиплар - маълум даражада “ҳақиқий” кузатишга асосланган стереотиплар;
- 2) автостереотиплар - ўз гуруҳига тегишли стереотиплар;
- 3) гетеростереотиплар - бошқа гуруҳларга тегишли стереотиплар [29].

Хорижий муаллифлар концепцияларида мамлакат имижи турли хил ёндашувларга асосланади. Б. Женес ва Ф. Малота [30] мамлакат имижини баҳолар мажмуи сифатида қарайдилар:

- 1) когнитив (мамлакат ҳақидаги билимларга асосланган);
- 2) ҳиссий (мамлакат ҳақидаги таассуротлар асосида).

Котлернинг фикрича [31, – С.211], имиж қуйидагилардан иборат: 1) жисмоний (география, ресурслар, демография), 2) маданий (тарих, маданият, санъат), 3) шахсий (исм, байроқ, таниқли шахслар), 4) муносабатлар (ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар билан).

Мамлакат имиджининг назариялари бир неча элементларни таҳлил қилишга асосланади: мамлакат имиджининг функциялари; мамлакат имиджини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар; мамлакат имижини шакллантириш йўллари; мамлакат имижининг тузилмалари ва моделлари [32, – С.200].

Дунё мамлакатлари ўртасида интенсив ахборот алмашинуви шароитида ташқи ва ички мақсадли гуруҳлар онгини бошқариш бир хил даражада муҳимдир. Бунинг учун:

- 1) тизимли ва функционал ёндашувлар асосида мамлакат имижини ўрганиш;
- 2) мамлакатнинг оптимал имижини моделлаштириш;
- 3) мамлакатнинг ижобий имижини шакллантириш [33, – С.196-208].

Мамлакатни давлат сиёсатига мос ҳамда унинг хорижда истиқомат қиладиган диаспораси манфаатларига хизмат қиладиган оптимал имижини яратишда миллий диаспоралар ўрни муҳимдир. Масалан, “озарбайжонликлар бошқа мамлакат ҳудудида истиқомат қилишганда, иложи борича тарқоқ яшамасликка ҳаракат қилишади. Бунинг натижаси улароқ, 80-90 йилларда озарбайжонликларнинг дунё микёсида йирик диаспораларини вужудга келишига олиб келди” [34, – С.22]. Ҳозирда эса улар Озарбайжоннинг имижини кўтаришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам мамлакат имижини

қўтариш бўйича талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 2021 йил 11 август куни Президентнинг тегишли қарори билан “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил этилди.

Фонднинг асосий мақсади хорижда истиқомат қилаётган юртдошлар, ватандошларни ўз тарихий ватани олдида жипслаштириш, уларнинг хорижда ташкил этган жамоат ташкилотларига амалий ёрдам бериш, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига уларнинг иштирокини таъминлаш этиб белгиланди. Фонд вазифаларига тўхталадиган бўлсак, биринчи навбатда, хориждаги ватандошларимизнинг жамоат ташкилотлари, бирлашмалари билан алоқаларни ўрнатиш, уларга ҳуқуқий, моддий, амалий ёрдам беришдир. Хориждаги улкан илмий-амалий тажрибага эга бўлган олимлар, профессионаллар билан турли лойиҳалар устида ишлаш ҳам муҳим вазифалардан бири саналади. Ушбу лойиҳалар сирасига хориждаги ватандошларимиз орасида ўзбек тилининг адабий меросини тарғиб қилишдан иборат. Қарорда хорижда истиқомат қилувчи ватандошларимизнинг ўзбек тили, маданияти, кино ва санъати йўналишларида Республика фуқароларига тенглаштирилган ҳолда олий таълимда ўқишига имконият яратиш масаласи ҳам қўйилган.

Фикримизча, ушбу фонд ва миллий маданий марказлар олдида бунданда улкан вазифалар турибди. Қарорда белгиланган вазифалар билан чекланиб қолмаслик керак. Шу билан биргаликда халқаро майдонда Ўзбекистон имижини кўтариш мақсадида яна қуйидаги долзарб масалаларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, хорижда истиқомат қилаётган миллионлаб ватандошларимизнинг социал аҳволи, иқтисодий ҳолати ва сиёсий дунёқараши ва маданиятини ўрганадиган “ақлий марказлар”ни ташкил этиш лозим. Унда ватандошларнинг Ўзбекистон имижини учун хизмат қиладиган салоҳиятини, аввало, ўрганиб кейин уларни бунга сафарбар этишнинг илмий асосларини, амалий фойдасини таҳлил этиш лозим. Ватандошларнинг тегишли хорижий мамлакатлар билан муносабатлари турли даражада бўлишини инobatга олиб, ҳар бир мамлакат билан мулоқот қилиш моделларини ишлаб чиқиш керак бўлади. Ўзбекистон учун ҳар бир мамлакатда ватандошлар билан ишлаш методикасини яратиш ўта муҳим вазифадир. Ушбу “ақлий марказ”лар айнан шу масалалар билан шуғулланиши лозим.

Иккинчидан, ўзбек ватандошлари энг кўп истиқомат қилаётган хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқаларда ватандошларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш устувор аҳамият касб этиши керак. Икки томонлама дипломатик алоқаларда муносабат ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш шартларидан бири сифатида доим ватандошларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи туриши лозим. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тузилмасида йирик диаспора истиқомат қилаётган ҳар бир хорижий мамлакат учун алоҳида бўлинмалар очиш зарур. Ҳозирда вазирликда мавжуд “Мутахассисларни чет элларда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази” ўз номи билан айтиб турибдики биз қўйган вазифаларни умумий ёндашув асосида амалга оширади. Шунинг учун, бу соҳада ҳам ихтисослашув керак.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси учун фидокорона меҳнат қилиб келган ватандошларимизга Ўзбекистон Республикаси фахрий фуқаролигини бериш амалиётини жорий этиш уларни мамлакатимиз билан ўзвий алоқада бўлиб туришига имкон беради.

Тўртинчидан, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига халқаро мақом бериш ҳамда уларни чет эллардаги ватандошларимиз билан ишлаш имкониятини кенгайтириш зарур.

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг ахборот майдонида ўзбекистон имижига ёмон таъсир кўрсатадиган жуда кўп салбий ҳолатлар мавжуд. мамлакатнинг ижобий киёфасини ривожланишини таъминлаш учун жамиятда фуқаролар томонидан мамлакатга нисбатан ижобий муносабат, ижобий хис-туйғуни (масалан, ватанпарварлик) шакллантириш ўта муҳимдир. бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларда, мамлакат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган хўжалик фаолиятини ривожлантиришда, ижобий ахборот майдони, имижини шакллантиришда фаол иштирок этишини талаб қилади. бунда давлат иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида манфаатларини аниқ белгилаш зарур ва уларни мамлакат ичида ва ташқарисида ҳам ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш керак бўлади.

## Иқтибослар/Сноски/References

1. Гаффарова М.Қ. Замонавий шароитда раҳбар аёл имижини шакллантириш. // Ижтимоий тадқиқотлар журналі. 2021. №1-махсус сон-39 б.
2. Мальцев В.А. Основы политологии. – М.: ИТРК, 2002.
3. Егорова-Гатман Е. Политическое консультирование. – М.: Николо-М, 2002.
4. Цуладзе А. Формирование имиджа политика в России. – Москва, 1999.
5. Ольшанский Д.В., Пеньков В.Ф. Политический консалтинг. – М.: СПб, 2005.
6. Шепель В.М. Профессия имиджмейкер. – Ростов на Дону: Феникс, 2008.
7. Почепцов Г.Г. Имиджеология. – М.: Ваклер, 2000.
8. Bruse V. Images of power. How the Images makers. Shape Our leaders. – L.: Pan books, 1992.
9. Браун Л. Имидж – путь к успеху. Пер. с англ. – Питер: СПб., 1996.
10. Бекмурадов М. Замонавий бошқарув социологияси. – Т.: Yoshlar uyi nashriyoti. – Б.270.
11. Содикова Ш. Имиджеология. –Т.: Akademiya. 2010.144 б.
12. Қорабоев У. Имидж ва имиджеология. // Жамият ва бошқарув, 1999. № 1-2.
13. Коптяева А.А. Международный имидж государства как инструмент мягкой силы // Арктика и Север. 2016. - № 23. – С.17.
14. Кумышева Р.М. Содержание и структура имиджа страны с теоретических и методологических позиций. Вестник МГЛУ. Образование и педагогические науки. Вып. 1 (830) / 2019. - С.197.
15. Анохин Е.В. Региональный маркетинг: теория и практика управления: монография / Нижегород. гос. ун-т им. Р.Е. Алексеева. — Нижний Новгород, 2012. – 300 с.
16. Анохин Е.В. Региональный маркетинг: теория и практика управления: монография / Нижегород. гос. ун-т им. Р.Е. Алексеева. — Нижний Новгород, 2012. – 300 с.
17. Гаффарова М.Қ. Замонавий шароитда раҳбар аёл имижини шакллантириш. // Ижтимоий тадқиқотлар журналі. 2021. №1-махсус сон-33 б.
18. Анохин Е.В. Имидж страны: проблемы формирования и управления // Проблема маркетинга. Логистика. 2014. – С. 214-218.
19. Штанько М.А. Национальный бренд как основа государственного имиджа // Международный научно-исследовательский журнал. №7(38). – С.98.
20. Саймон Анхолт. “Нега Ўзбекистон рақобатбардошлигини янада ривожлантириши лозим?” // <https://aoka.uz/article/73ktzwa3upbf-nima-uchun-zbekiston-zining-raobatbardoshligi-ustida-ishlashi-kerak>
21. Тонян А.А. Диаспора как инструмент публичной дипломатии Индии // Гуманитарные и юридические исследования. Исторические науки. 2019. – С.88.
22. Леонова О.Г. Барьеры имиджа страны. Социально-гуманитарные знания. №1. - М.: 2014. – С. 135-146.
23. Леонова О.Г. Барьеры имиджа страны. Социально-гуманитарные знания. №1. – М.: 2014. – Б. 140.
24. Алимов Б. Имидж яратишда семантик фреймларнинг аҳамияти // <https://beruniyalimov.uz/archives/744>.
25. Леонова О.Г. Барьеры имиджа страны. Социально-гуманитарные знания. №1. – М.: 2014. – С. 135-136.
26. Глушкова Т. Зайцева О. Медиаобраз как инструмент создания территориального имиджа: когнитивный аспект // <https://cyberleninka.ru/article/n/mediaobraz-kak-instrument-sozdaniya-territorialnogo-imidzha-kognitivnyy-aspekt>.
27. Леонова О.Г. Crisis migratoria en América Latina (Миграционный кризис в Латинской Америке) // Iberoamérica. Федеральное государственное бюджетное учреждение науки Институт Латинской Америки Российской академии наук, – М.: 2019. – Б. 104-124.; Леонова О.Г. Барьеры имиджа страны. Социально-гуманитарные знания. №1. - М.: 2014. – Б. 135-146.; Леонова О.Г., Марков А.С. Формирование бренда страны на основе личности известного спортсмена: технология и компоненты // Экономика и управление:

- проблемы, решения. том 3, № 73. ООО ИД НБ, – М.: 2018. – С. 17-24.; Леонова О.Г., Бураканова Г.М. Имидж России в Казахстане в условиях стратегического партнерства (По материалам казахстанских СМИ // Вестник Академии (Московская академия предпринимательства при Правительстве Москвы), № 2, – М.: 2016– С. 105-110.
28. Леонова О.Г. Барьеры имиджа страны. Социально-гуманитарные знания. №1. – М.: 2014. – С. 136.
  29. Мацумото Д. Психология и культура // [http://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Psihol/Mats/04.php](http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Psihol/Mats/04.php).
  30. Jenes V., Malota Ph.D. E. Measuring Country Image – Theory and Practice [Electronic resource]. URL : [www.marketing-trends-congress.com](http://www.marketing-trends-congress.com).
  31. Котлер Ф. Маркетинг от А до Я: 80 концепций, которые должен знать каждый менеджер / Филипп Котлер; пер. с англ. – 7-е изд. – М.: Альпина Паблишер, 2015. – 211 с.
  32. Кумышева Р.М. Содержание и структура имиджа страны с теоретических и методологических позиций. Вестник МГЛУ. Образование и педагогические науки. Вып. 1 (830) / 2019. - С.200.
  33. Кумышева Р.М. Содержание и структура имиджа страны с теоретических и методологических позиций. Вестник МГЛУ. Образование и педагогические науки. Вып. 1 (830) / 2019. - С.196-208.
  34. Мехдиева У.М. Роль азербайджанской диаспоры в социокультурных связях между Россией и Азербайджаном (2003-2010 гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Москва, 2015. – С.22.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Қобил Дусов**

Ўзбекистон Миллий университети

Мустақил изланувчиси

E-mail: krestof1984@mail.ru

### ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖИГА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Замонавий дунёда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг глобаллашуви бутун дунёга ўз таъсирини ўтказмоқда. Давлатлар ўртасида интеграция ва яқинлашув тенденцияси доимо мавжуд бўлган. Сўнги йилларда бутун дунё ягона интернет портига уланиб, ахборот ва билимларга асосланган жамиятнинг шаклланишига олиб келинмоқда, таълим жараёнига бевосита таъсир қилувчи омиллар қаторига таълим миграцияси, аҳолининг элита қатламига хос бўлган интеллектуал миграцияни ҳам кўрсак бўлади. Глобаллашув жараёнида замонавий таълимнинг ривожланиши оқибатида турли миллат ва эллатларнинг маданият ва кундалик яшаш тарзи интеграциялашиш жараёни тезлашади.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, замонавий таълим, миллат, социализация жараёни, таълимда функционалистик ёндашув.

**Қобил Дусов**

Самостоятельный соискатель

Национальный Университет Узбекистана

E-mail: krestof1984@mail.ru

### ВЛИЯНИЕ ПРОЦЕССОВ ГЛОБАЛИЗАЦИИ НА РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ

#### АННОТАЦИЯ

Глобализация социальных, экономических и политических процессов в современном мире оказывает влияние на весь мир. Между государствами всегда существует тенденция к интеграции и сближению. В последние годы весь мир был подключен к единому интернет-порту, что привело к формированию общества, основанного на информации и знаниях, среди факторов, непосредственно влияющих на образовательный процесс, мы можем видеть образовательную миграцию, интеллектуальную миграцию, которая характерна для элитного сегмента населения. В процессе глобализации, в результате развития современного образования, развивается процесс интеграции культуры и повседневного образа жизни разных наций народов.

**Ключевые слова:** глобализация, современное образование, нация, процесс социализации, функционалистский подход в образовании

**Kobil Dusov**  
Independent Competition  
National University of Uzbekistan  
E-mail: krestof1984@mail.ru

## THE IMPACT OF GLOBALIZATION PROCESSES ON THE DEVELOPMENT OF MODERN EDUCATION

### ANNOTATION

In the article, the 21st century globalization of social, economic, and political processes in the modern world has its impact on the whole world. There is always a tendency for integration and rapprochement between States. which. In recent years, the whole world has been connected to a single Internet port, which has led to the formation of a society based on information and knowledge, among the factors directly affecting the educational process, we can see educational migration, intellectual migration, which is characteristic of the elite segment of the population. In the process of globalization, as a result of the development of modern education, the process of integration of culture and everyday lifestyle of different nationalities and Hellenes is developing.

**Keywords:** globalization, modern education, nation, socialization process, functionalist approach in education.

### КИРИШ

Замонавий дунёда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг глобаллашуви дастлаб мавжуд бўлган ижтимоий-тарихий организмлар тизимини битта бутун жаҳон ижтимоий тарихий организмга айланиши ва шаклланишидир. Глобаллашув барча мамлакатлар иқтисодиётини битта ягона иқтисодий тизимга уйғунлашувини назарда тутди. Бунда трансмиллий корпорациялар каби иқтисодий бирикмалар етакчи ролда бўлади. Бутун жаҳон миқёсида амалда бўлган трансмиллий корхоналар иқтисодий амалиёт шартларини буйруқ тарзда ўтказди. Авваламбор, бу ахборотни ишлаб чиқариш ва тарқатиш, янги ахборот технологияларини қўллаш, бизнес ривожини учун янги тармоқ, имкониятларни яратиш билан боғлиқ бўлган иқтисодиёт тармоқларига тегишлидир.

### МЕТОДОЛОГИЯ

Глобаллашув ва жаҳон интеграцияси жараёнлари миллий иқтисодлар ва жамият ижтимоий тузилмаси моделларининг фаолият юритиш шароитларини ўзгартиради ҳамда турли мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини мувофиқлаштиришини талаб қилади. Бундай турдаги ўзгаришларнинг бир пайтнинг ўзида ҳам асос, ҳам натижаси, бу умуман олганда, жамиятни ва қисман унинг алоҳида институтларини аҳамиятли даражада ўзгартирадиган морфогенетик ижтимоий жараёнлар комплексида. Уларнинг қаторига таълим институти ҳам қиради, бунда глобаллашувнинг ижтимоий, социологик назариялари якунидан узоқ бўлган халқаро жараёнларни тасвирлаётганини ҳисобга олиш лозим, шунинг учун якуний хулосалар қилишга ҳали эрта.

Умуман олганда, ҳар бир мамлакатнинг технологик ривожини даражасига нафақат унинг иқтисодий қудрати ва аҳоли ҳаётининг даражаси, балки бу мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва сиёсий интеграция имкониятлари ҳамда миллий хавфсизлик муаммоларининг ечилиши боғлиқдир. Шу билан бир пайтда у ёки бу мамлакатда замонавий технологияларни ривожланиш ва қўллаш даражаси нафақат моддий базанинг ривожини билан, балки асосан, жамиятнинг интеллектуаллашуви, унинг янги билимларни ишлаб чиқариш, ўзлаштириш ва қўллаш қобилияти билан боғлиқдир, бунинг барчаси таълим ривожини даражаси билан бевосита ва узвий боғлиқдир [1; – С. 58].

### АСОСИЙ ҚИСМ

“Глобаллашув” атамасининг ўзи ҳали нисбатан ёш бўлса-да, бу ҳодиса ўз тарихига эга. Давлатлар ўртасида интеграция ва яқинлашувга бўлган интилиш тенденцияси доимо мавжуд бўлган, бироқ бу тенденция икки тарихий даврда ёрқин намоён бўлди. Биринчи марта, XIX асрнинг ўртасидан биринчи жаҳон уруши бошлангунга қадар, иккинчи марта XX асрнинг

90-йилларида. Мавжуд бўлган баҳоларга кўра, замонавий босқичда глобаллашув неолиберал ижтимоий-иқтисодий тамойилларга мувофиқ амалга оширилмоқда, бу албатта, камбағал ва бой мамлакат ўртасидаги фарқни ошишига олиб келмоқда, ижтимоий дифференциацияни кучайтирмоқда, бутун дунёдаги стратификация жараёнларини аҳамиятли даражада ўзгартирмоқда[2; – С. 108].

Глобаллашув объектив, комплекс ва универсал жараён бўлиб, бутун жаҳон ҳамжамиятини, бутун биосфера ва ноосферани қамраб олади, унинг салбий тенденция ва оқибатларини кичрайтириб, қандайдир тарзда тартибга солиш фақатгина давлатлар ҳукумати ҳамда халқаро фаолиятнинг нодавлат субъектлари, биринчи навбатда, турли халқаро ташкилотларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати билан амалга ошириш мумкин. Глобаллашувнинг асосий салбий оқибатлар орасида бандликни қисқариши, ўрта синфнинг инқироzi, мулкисизларнинг криминаллашуви, 10% тўлиқ қашшоқ инсонлар бўлганида, юқори даромадларнинг ўсишини кўрсатиш мумкин[4; – С. 8]. Бир қатор машҳур социологлар фикрича, глобаллашув шароитларида трансмиллий иқтисод замонавий иқтисодий, сиёсий ва институционалланган ижтимоий муносабатларни йўқ бўлишига олиб келадиган ўзгаришларни вужудга келтирмоқда, бу муносабатлар янги муносабатлар пайдо бўлишигача йўқ бўлади, шунда жаҳон тартиби ўрнига хаос, тартибсизликка юз тутамиз[5; – С. 359]. Глобаллашув ички ва ташқи омилларнинг шундай ўзаро тартиби, ички миллий ва миллий ташқи муносабат ва институтларнинг шундай чигаллиги билан тавсифланадики, улар туфайли иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий фаолликни миллий чегаралар орқали бир-бирига ўтишига, жаҳоннинг битта қисмидаги ҳодиса, жараён, ечимларни жаҳоннинг бошқа қисмларида пайдо бўлаётган ҳодиса ва жараёнларга кириб тўйиниб кетишига олиб келади. Бундан замонавий дунёни ташкил қилувчи давлатларнинг бир-бири билан ҳамда уларни миллий ва миллий устки жамият ва институтлар билан ўзаро таъсир ва алоқаларининг мураккаблашуви ва интенсификацияси ҳамда охиригилар ўртасида алоқаларнинг кучайиши асосида, миллий, маҳаллий, минтақавий ва глобал омиллар ва жараёнларнинг яқинлашуви келиб чиқади. Буларнинг барчаси, бир қатор нуфузли социологлар фикрича, замонавий ижтимоий, сиёсий тузилмаларни (ички давлат ва жаҳон даражасида) жамият – тармоққа айланишига бўлган тенденцияни вужудга келтиради[5; – С. 360]. Шундай қилиб глобаллашув бу чизикли жараён эмасдир, у шахс ва жамият муносабатларининг шаклланган моделларини аҳамиятли даражада ўзгартиришга қобилиятли бўлган бир-бирига зид ижтимоий жараёнларни ўз ичига қамраб олган диалектик комплексдир. Бу эса, ўз навбатида, тартибга солиш ижтимоий механизмларини такомиллаштириш муаммосини янада долзарблаштиради.

Бир томондан, глобаллашув биринчи ўринга инсон шахси ижтимоий ўлчовлари ҳамда уларни ташкил топиш шаклларини (сўзнинг кенг ва тор маъносида) универсаллаштириш муаммосини биринчи ўринга қўядиган ижтимоий амалиётларнинг трансмиллий шаклларини ривожига ва институционаллашувига олиб келади. Бошқа томондан, ижтимоий муносабатлар глобал узунликка эга бўлганида биз маҳаллий автономия ва минтақавий маданий идентикликка бўлган тоборо ўсиб бораётган эҳтиёжини қузатяпмиз. Миллат – давлат мумтоз шакллари билан боғлиқ бўлган миллатчилик ҳиссиётларининг кучсизланиши маҳаллий миллатчиликни тикланиши билан уйғунликда кечмоқда[6; – С. 3]. Глобаллашувнинг тизимли жараёнлари дастлаб ҳеч қачон бўлмаган популяциялар (ирқий-этник, тамаддун-маданий гуруҳлар ва х.к.) пайдо бўлишига, умумий глобаллашув жараёнига нисбатан инсоният турли страталарининг ролига боғлиқ равишда стратификация тузилмасини ўзгаришига, сайёра даражасида ҳаёт тарзи ва услубини трансляциясига ва бу туфайли ижтимоий институт бўлган таълимнинг тузилма ва функцияларидаги ўзгаришларга олиб келади. Бунда “маданият ва таълимнинг модернизациялашуви – бу кўпроқ “вестернлашув” – ҳеч бўлмаганда уни Ғарб ва шарқда шундай тушунадилар”[7; – С. 16].

Глобаллашаётган дунё зиддиятларининг комплекси ЮНЕСКО тақдим этган XXI аср учун таълим бўйича халқаро комиссиянинг “Таълим: беркитилган хазина” деб номланган маърузасида жуда ҳам муваффақиятли ифодаланган. Бундай зиддиятлар қаторига маъруза муаллифлари куйидагиларни мансуб деб топганлар:

- глобал ва маҳаллий муаммолар ўртасида зиддият: инсон ўз илдишларини йўқотмасдан, ўз халқи ва жамоаси ҳаётида фаол иштирок этган ҳолда аста-секин жаҳон/дунё фуқаросига айланиши лозим;

- универсал ва индивидуал ўртасидаги зиддият. Умумий характерга эга бўлаётган маданиятнинг глобаллашув шароитларида ҳар бир шахснинг уникал характерини, ўзи тақдирини танлаш ва ўзида мавжуд бўлган имкониятларни амалга оширишни унутиш хавфи мавжуд;

- анъана ва замонавий тенденциялар ўртасида зиддият: ўз илдишларини инкор этмаган ҳолда мослашув, мустақилликни бошқаларнинг эркинлиги ва ривожига билан диалектик алоқаси, техник прогрессни бошқариш. Ахборот соҳасидаги технологияларнинг ривожига билан боғлиқ бўлган муаммоларни айнан шу руҳда ечиш лозим;

- узоқ муддатли ва қисқа муддатли вазифалар ўртасидаги зиддият;

- мусобақавийлик (рақобат/рақобатдошлик) зарурияти ва имкониятлар тенглигига интилиш зарурияти ўртасидаги зиддият. Таълимга нисбатан рағбатлантирувчи омиллар сифатида ҳам мусобақавийликни (рақобат/ рақобатдошлик/мусобақадозшлик), ва шу билан бир қаторда, одамларни бирдам қилувчи ҳамкорликни қўллаш учун бутун ҳаётга мўлжалланган таълим концепциясини бугунги кун талабларига мувофиқлаштиришни тиклаш ва амалга ошириш талаби мавжуд;

- билимларни мисли кўринмас ривожига ва уларни инсон томонидан ўзлаштириш имкониятлари ўртасидаги зиддият. Бунга боғлиқ равишда ислохотларнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш, базавий таълимнинг асосий унсурларини сақлаб қолиш шарти билан устувор йўналишларни аниқлаш лозим;

- маънавий ва моддий дунё ўртасидаги зиддият. “Инсоният идеал ва маънавий кадрларга эҳтиёжмандир. Плюрализмни ҳурмат қилган ҳолда, ҳар бир инсонда унинг анъаналари, эътиқодини ҳисобга олиб, руҳи ва фикрини жаҳон универсаллигини англаш даражасигача кўтариш каби олийжаноб вазифа каби муҳим вазифа таълим олдида турибди” [8; – С. 59].

Ёрқин ифодаланган ижтимоий талаб мавжудлигига қарамадан, жаҳон таълим тизими, мазкур соҳадаги нуфузли олимлар фикрича, ҳозирда таълимнинг ҳажми ва сифатига тобора ошиб бораётган эҳтиёжни қондириш ҳолатида эмас. Таълимдаги ижтимоий талаб ва уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги узилиш ҳолати яққол кўриниб турибди. Глобал миқёсдаги таълим инсониятнинг глобал ва бошқа муаммоларини ҳал қилишга самарали қўмаклаша олмайдиган, вақти келса, уларни кескинлаштирадиган консерватив механизмга айланиш тенденциясига эга. Натижада инсонни таълимга бўлган табиийга айланган ҳуқуқи ҳамда таълимнинг анъанавий тизими ўртасида зиддият пайдо бўлди. Жамият ва таълим ўртасидаги зиддият ҳал қилиниши мумкин бўлган таълим тизими моделини шакллантириш амалиёти ҳақида масала пайдо бўлади, бу орқали глобал инқироздан чиқиш ҳам белгиланар эди [9; – С. 100].

Шундай қилиб глобаллашув ижтимоий жараёнларнинг глобал ва маҳаллий миқёсда мураккаб ўзаро ҳаракат ва ўзаро таъсирдир. Бир маъноли жараён бўлмаган ҳолда, глобаллашув можаро, тарқоқлик, тенгсизликни янги шакллари ва вужудга келтира олади, улар шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳам ривожланиши, ҳам деградиацияси/барбод бўлиши омилларидир. Бизнинг фикримизча, айнан таълим институти шахсга глобаллашув жараёнларининг салбий таъсирини нейтраллаштириши ҳамда шахс ривожига универсаллашиш ва индивидуаллашиш жараёнларининг тасодифан шаклланаётган мутаносиблигини тўғрилай олади. Бу масалани батафсилроқ ўрганасан,

Ижтимоий тизим турига боғлиқ равишда таълимнинг роли ва функцияси турлича намоён бўлади. Н.Д.Сарокина буни таълимнинг ижтимоий ва ижтимоий тизимлаштирувчи вазифаларини ўзгариш мисолида муваффақият билан намоёниш қилади. Анъанавий деб номланган жамиятларда – бундай деб қатлам – иерархик тузилмага эга ёпиқ ижтимоий тизимлар номланади – ижтимоий ҳаракатчанликнинг муҳим каналлари ҳамда ижтимоий дифференциациянинг омиллари ижтимоий келиб чиқиш, шахсий алоқалар кабилардир. Улар

билан қиёслаганда, таълим кичикроқ, аҳамиятсизроқ ролни ўйнайди. Шунинг учун инқилобдан олдинги даврда бизнинг жамиятимизни ижтимоий мақомни аниқлашда, таълимга каттароқ аҳамият бериш мақсадида ислохотларни амалга ошириш ҳаракатлари тўлиқ муваффақиятга эришмади, баъзида эса умуман инқирозга олиб келди.

Индустриал жамиятдаги ҳаётда ҳал қилувчи роль саноатчи, ишлаб чиқарувчи, бизнесменларга тегишлидир. Бунга мувофиқ таълимнинг ижтимоий дифференцияловчи вазифасининг аҳамияти ҳам ошади. Қатлам чегаралари бузилади, таълим ёрдамида жамиятда сезиларли ўринни эгаллашга кўпроқ имкониятлар пайдо бўлади. Анъанавий жамиятдагига кўра, бу жамиятда таълим оммабопроқ бўлиб қолади. Бунга қарамасдан, ижтимоий келиб чиқиш, иқтисодий ва сиёсий капиталнинг мавжудлиги кучли “фильтрловчи” воситалари бўлиб қолдилар. Буларнинг барчаси барқарорсиз ҳолатнинг йўлидаги, жамиятнинг ҳаддан зиёд ҳаракатчанлиги, мобиллигига тўсиқ бўлади.

Постиндустриал жамиятда биринчи ўринга, хизматлар соҳаси чиқади, билимга, университет, олим, менежер, ахборотни олиш ва тарқатишга етакчи рол тегишли бўлади. Бунда ахборотни олиш ва тарқатиш бундай жамиятнинг ўзига хос томони бўлиб қолади. Глобал ахборот тармоқларнинг жадал ривожланиши кўплаб инсонлар ҳаёт тарзини ўзгартиради, ҳаттоки ҳозирда ҳам ўзгартирмоқда. Янги ижтимоий ҳамжамият – ахборот ҳамжамияти ёки кибермакон вужудга келмоқда, бу жамият ҳаётини дунёни асрлар давомида шаклландирган чегараларини бузади. Кибермакон ижтимоий муносабатларнинг янги шаклига айланади, бу муносабатлар учун очиқлик, ижтимоий тузилманинг етуқлиги, таъсирчан ижтимоий фикрнинг мавжудлиги хосдир. Таълимни ижтимоий ҳаракатчанлик, ижтимоий маконни тизимлаштириш жараёнларидаги роли тобора ошмоқда. Шу билан бирга ўзини намоён этиш имкониятлари ошгани сари ижтимоий тизимнинг тартиб ва тартибсизлик синтезида сезиларли роль ўйнасада, таълимга эга бўлиш маълум ижтимоий мақомга эришишдан далолат бермайди. Умуман олганда, ижтимоий ривожланиш тоборошиб борганида таълимнинг ижтимоий маконни тизимлаштириш жараёнларидаги ролишиб боради, бироқ бу қандайдир даражада кўзга кўринадиган ҳодисадир. Бир томондан, таълим ижтимоий ҳаракатчанликнинг кучайишига кўмаклашади, у жамиятни барқарорсизлаштиради (беқарорлаштиради). Бошқа томондан эса, таълим ижтимоий тенгсизликни мустаҳкамланишига кўмаклашади, ўз моҳиятига кўра, у ҳаракатчанликнинг касбий шакли ва бошқа шакллариининг имкониятларини кенгайтрмайди [10; – С. 80].

Глобаллашув даврида шаклланаётган жамиятни аксарият ҳолларда ахборот ва постиндустриал деб номлашади. Бу маънода ахборот фаолияти инсонни дунё, нарсалар, бошқа инсонлар билан ўзаро ҳаракатнинг муайян услуби сифатида намоён бўлади, ҳаттоки бу услубларнинг комбинациясидир, у инсон қобилияти, билимлари, маҳоратида қайд этилгандир. Фаолиятнинг айнан шу режаси ҳам ишлаб чиқариш даражасида, ҳам истеъмол даражасида, ҳам одамлар ўртасидаги ўзаро ҳаракат ҳам инсонни нарсалар билан муносабатида сифатли акс этишини таъминлаб беради. Ижтимоий сифатнинг соҳиби, ифодаловчиси ва ижодкори нарсалар, аноним тузилмалар бўлмайди, бу инсонларнинг ўзидир ва улар айнан субъект сифатида ҳаракат қилганлик даражасида соҳиб, ифодаловчи ва ижодкор бўладилар. Шунинг учун ахборот жамиятидаги инсон мақоми тўпланган моддий бойликларнинг сони миқёси билан эмас, балки замонавий юқори технологиялар билан боғлиқ бўлган маданият, таълим ҳамда фаолият юритишга бўлган қобилият даражаси билан боғлиқдир. Шунинг учун “агарда, давлат ва миллатларнинг ривожидида дастлаб табиий ресурс ва молия асосий ролни ўйнаган бўлса, ҳозирги пайтда биринчи ўринга инсон ресурслари (“инсон капитали”) ривожланиш шартлари биринчи ўринда”. Тарихий сахнанинг олд ўрнига таълимнинг, тарбия ва маҳоратнинг барча йўналишларида юқори даражасини ҳамда билимларни ва ностандарт ечимларни излашга бўлган тайёргарликни таъминлашга қобилиятли бўлган мамлакат ва халқлар чиқмоқда” [11; – С. 113].

Ахборот ва билимларга асосланган жамиятнинг шаклланиши олий мактаб олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда. Янги глобал тенденциялар ўз ортидан ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларни олиб келади, деган бутун жаҳон банки экспертларини фикрига қўшилиш лозим,

булар ҳақида биз юқорида айтиб ўтдик. Умуман олганда, салбий оқибатлар ижтимоий тенгсизликнинг янги шакллари пайдо бўлиши, шахснинг ижтимоийлашув ва индивидуаллашувининг зиддиятли тенденциялари, ҳамда инсон маънавий дунёсини инқирози билан боғлиқдир[12; – С. 456].

Бир томондан ижтимоий алоқаларни жумладан, маданиятлараро характердаги алоқалар сонини кўпайиши инсондан жамият ва маданият ҳақидаги чуқурлашган дифференциацияланган билимни талаб қилади. Шунинг учун шахс ва билимларни асосий транслятори сифатида намоён бўлувчи фуқаро жамиятини ривожда олий мактабнинг роли мисли кўринмас даражада ошмоқда. Ижтимоий гуманитар таълим ишлаб чиқариш ва билимларни қўллаш боғлиқ бўлган интеллектуал салоҳиятни шакллантириш учун ҳамда алоҳида инсонларнинг билим ва кўникмаларини мукамаллаштириш учун зарур бўлган узлуксиз таълим амалиёти ривожини учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда ва бу ерда глобаллашув даври реалаяларига жавоб бера оладиган миллий давлатлар ва олий таълим тизими ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш талаб қилинади[13; – С. 21].

Бошқа томондан, баъзи бир тадқиқотчилар учун асосли равишда глобаллашувнинг асосий салбий ижтимоий, ижтимоий психологик ҳамда маданий оқибати инсоннинг ички дунёси ҳамда ижтимоий алоқа ва коммуникациялар комплексини соддалашиши ва қашшоқлашишига олиб келувчи замонавий жамиятларнинг тобора ошиб бораётган индивидуаллашувидир[14; – С. 5]. Ижтимоий алоқаларнинг сони ошиб бормоқда, уларнинг тузилмаси мураккаблашмоқда, аммо улар тобора расмий ва юзаки бўлиб қолмоқда.

Индивидуаллашувнинг моҳияти шахсни меъёр, қадрият, хулқ-атвор стандартларининг аниқ ва тушунарли тизими билан таъминлашга қобилиятсизроқ бўлиб қолаётган маълум ижтимоий муҳит ёки гуруҳ билан алоқаларини чуқурлашаётган кучсизланишидан иборатдир. Глобаллашув индивидуаллашувнинг бевосита сабаби эмасдир: уни жамиятнинг ижтимоий гуруҳ тузилмаси ҳамда унинг меъёрий қадрият тизимларини тобора ўсиб бораётган ҳаракатчанлиги ва барқарорсизлиги (беқарорлиги), маданий ўзгаришларнинг тезкорлиги инсонларнинг ижтимоий, касбий, географик мобиллиги/ҳаракатчанлигининг ўсиши меҳнат фаолиятининг янги индивидуаллашган турларини рағбатлантиради. Бироқ глобаллашув бу жараёнга юқори даражада турки бўлади: индивиднинг аксарият ҳолларда аноним ва тез ўтиб кетадиган функционал ижтимоий алоқаларини ҳажмини кўпайтириб шу орқали у учун барқарор, қадриятли маънавий ва хиссий мазмунга тўйинган алоқаларнинг психологик аҳамиятини кучсизлантиради.

Маълум сабабларга кўра, индивидуаллашув анъанавий ижтимоий гуруҳ тузилмалари ва уларга мувофиқ бўлган ижтимоий онг турлари катта аҳамиятини сақлаб қолган жамиятлардан (асосан, Афроосиё жамиятлари) кўра индустриал жиҳатдан ривожланган урбанлашган жамиятларда тезроқ ва тўлароқ ривожланади. Аммо у камроқ ривожланган ва “камбағал” жамиятларга ҳам тегишлидир, бу ерда индивидуаллашувни аҳоли оммавий гуруҳларининг ижтимоий-иктисодий мақомининг барқарорсизлиги рағбатлантиради. Агарда бу жамиятлардаги инсонларнинг аксарият қисми норасмий иктисодда банд бўлса, тасодифий барқарорсиз маошлар ҳисобига яшаса, бу аксарият ҳолларда уларнинг ҳар бири индивидуал тарзда яшаётганлигини, бу инсонлардан ҳар бири ўз омадига ёки топқирлигига таяниши, у қандайдир институционаллашган ижтимоий тизим ёхуд гуруҳларнинг ҳимоя ёки кўмагидан маҳрумлиги ва мазкур гуруҳлар билан маданий психологик алоқани унутганлигидан дарак беради. Шахс учун энг бузғунчи шакллардаги ҳаддан зиёд индивидуаллашувнинг мисоли постсовет Россиясидаги ижтимоий вазиятдир, бу ерда эски ижтимоий гуруҳ алоқаларининг барбод бўлиши оммавий даражада янги, бозор иктисодиёти шарт-шароитларига мувофиқ бўлган алоқаларни ривожини билан кузатилмаган.

Глобаллашув шарт-шароитида умуман зид бўлган ижтимоий маданий тенденцияларни бир пайтнинг ўзида кучайиши афтидан, тобора ошиб бораётган тартибсизлик, вариативлик(вариантлик), шартланганлик, олдиндан айтиш имконияти бўлмаган индивид ва гуруҳларнинг қадрият, мотивацион, хулқ афзалликларига олиб келувчи индивидуал танловнинг ўсиб бораётган эркинлигининг оқибатидир. Постиндустриал жамиятга бўлган

йўлдаги инсон муносабатларининг фарқловчи белгилари, уларнинг муваққатлигидир. Кўп тадқиқотчилар урбанистик муносабатларнинг фрагментар тузилмасини таъкидлайдилар[15; – С. 74].

Турли маданият, миллий умумийлик, тамаддунларга тегишли бўлган инсонлар алоқаларининг кенгайиши ва интенсификациялашуви аксарият ҳолларда бу алоқаларга шахссиз соф функционал характер беради. Коммуникациянинг замонавий воситалари интернет ёки йўлдош телевидениеси кабилар сайёрада яшаётган ҳар қандай бошқа индивид, ўзидан энг йироқда бўлган ижтимоий-маданий муҳит билан индивиднинг кундалик алоқаларини имкониятли қилади. Бу миллий этник ва маданий чегаралар билан бўлинмаган инсон жамиятларини шакллантириш имкониятини беради, мазкур жамиятлар йирик сайёра миқёсидаги мақсад атрофида бирлашиш имкониятига эгадир. Аммо бугунги амалиётда бирдамлик ва ўзаро ҳамдардликнинг у ёки бу даражасини назарда тутган анъанавий гуруҳ алоқаларини аксарият ҳолларда инсонларни ўзаро психологик ўзгалашуви (беғоналашув) билан боғлиқ бўлган функционал ахборот алоқалари томонидан сиқиб чиқариши кузатилмоқда[16; – С. 35].

Кўп тадқиқотчилар фикрича, ҳозирги пайтда инсоннинг аста-секин қашшоқлашиб бораётган ички дунёси ҳақида гапириш жуда қийин. Бунга замонавий университетларда таълимда вужудга келиб, мавжуд бўлиб мустақамланган функционалистик ёндашув ҳам кўмаклашади. Жамиятда кечиккан ўзгаришларнинг чуқурлиги таълимнинг ўзини тезкор сифатли ўзгаришига/трансформациясига олиб келди. Университетлар авваламбор, табиий-илмий билимларни улкан даражада ўсиши билан боғлиқ бўлган сабабга кўра талабаларни зўриқтирадилар. Шахсни шаклланишига қаратилган билимлар ортда қолади. Университетларнинг ихтисослашуви шахсни тарбиялаш идеалидан амалда рад этишга олиб келади, бу нарса айнан, жамиятнинг маънавий инқирози шароитида кузатилади. Эркин бозор таълимдаги шахс ориентацияси ва унинг ижтимоий барқарорлаштирувчи функцияси ўртасидаги зиддиятларнинг манбасига айланади.

Натижада инсонни бошқа инсонларнинг ички, маънавий ҳаёти билан кесишиш, ундан хабардор бўлиш кичик даражада қизиқтиради, у жамиятда юқорироқ лавозимни эгаллаган шахслар билан мулоқотда бўлишдан олиниши мумкин бўлган амалий фойдага каттароқ эътибор билан қарайди. Ўз-ўзини ифодалаш муваффақиятга эришишнинг қандайдир алоҳида услубларини ёки ўз имкониятларини намоёни қилишдан иборат бўлади ва бундан зиёд замонавий инсонда қўшимча таъсир ўтказиш имкониятини бермаслик учун бошқа инсонларга ўз дунёсини очиб бериш хоҳиши деярли пайдо бўлмайди. Шунинг учун интересубъект хулқининг чегараланганлиги ҳақида гапириш мумкин, унинг мезони ҳақиқатгўйлик, очиклилик, софликдир.

Кўп тадқиқотчилар мазкур вазиятни инсон ижтимоийлиги ва унинг институционал устунларини инқирози сифатида талқин қиладилар. Глобал функционал алоқа ва ўзаро тобеликка кирган замонавий жамиятлар ички тарафидан тобора фрагментга бўлинмоқда, тобора майдаланмоқда, ҳаттоки баъзиларида инсонларни умумий ҳаётга маъно билан бирлаштиришга қобилиятли бўлган макроижтимоий ансамбллар умуман йўқолмоқда. Бу барча хилма-хил ҳодисалар глобаллашув кескинлаштирувчи бироқ ечимини бермаётган муаммони кўрсатиб беради – бу институционал ижтимоийликнинг мавжуд бўлган шакллари номуносивлиги, унинг индивид мақомини ўзгартирувчи меъёрий – қадрият асосини муаммосини кўтаради. Бу жараён замонавий ҳаёт шахснинг мустақиллиги ва масъулиятига қўйган тобора ўсиб бораётган талаблар билан кескинлашади. Афтидан, ижтимоийликни янги шакллари, жамиятдаги инсонларнинг идеаллари ва ҳаёт мазмунини излаш келгуси юз йилликда инсоннинг асосий муаммосига айланади[17; – С. 126].

Бу ерда замонавий жамиятнинг энг жиддий муаммоларидан бири илдиз отган, у тенг даражада ҳам социолог, ҳам педагоглар томонидан англашилади. Глобаллашув шароитларига мувофиқ, муносив бўлган таълим замонавий моделини танлаш, юқорида айтиб ўтилган ижтимоий муаммоларни ҳал қилмаса ҳам юмшатиши, бундан ташқари шахсни ижтимоий

амалиётининг жараёнларини оптималлаштириш, маданиятга мутаносиб таълим ва мустақил таълимнинг ривожланаётган шакллари жорий этиши лозим.

Мазкур контекстда биз В.В.Глебкиннинг фикрини айтиб ўтиш лозим деб топдик. Унинг фикрича, замонавий ижтимоий жараёнлар доирасида нафақат бошқа маданиятга йўл берувчи ва ўзга фикр, мантиқ, истеҳкомга “чидамлилиқ” билан қараган шахс модели эмас, балки маданиятлар диалоги ғояси негизида ётган “тушунадиган инсон модели” энг конструктивдир [18; – С. 12]. Бу диалогик ўзаро ҳаракатда иштирокчилар ўз шахсий ядросини сақлаб қолганда, ўз контур агентининг экзистенциал тажрибаси билан бойитади ва тўлдиради.

Бундай турдаги инсонни шакллантиришдаги асоси “шахснинг коммуникатив ядросини” улғайишидир, агарда мазкур жараёнлар мобайнида бошқа инсонга олий қадриятга бўлган каби чуқур муносабатга эришилса, бунда шахснинг ўз характери бўйича гуманистик ва бағрикенглик тамойилларига мувофиқ бўлган коммуникатив ядроси шаклланганлиги ҳақида гап юритиш мумкин. Коммуникативлик таълимнинг замонавий моделини асосий тавсифларидан биридир. Диалогли глобаллашув даврида маданиятни мавжудлигининг ўзига хос услубидир. Шунинг учун маданиятга мутаносиб ижтимоий гуманитар таълим моделини яратишда маданиятларнинг диалогик салоҳиятини долзарблаштириш шахсда бағрикенглик ҳислатларини ва социумда мавжудликнинг коммуникатив маданиятини шакллантирилишини нафақат имкониятли қилади, у буларни назарда тутади.

### ХУЛОСА

Жамият инсонга ахборот жиҳатидан илм-фан, санъат, дин, маънавий ахлоқий қоидалар билан тўлдириладиган мураккаб ўз-ўзини ташкил қилувчи очиқ тизим сифатида намоён бўлади, шу билан бир пайтда жамият янги авлодларга алоҳида миллат ва бутун инсониятнинг маънавий эстетик, маънавий-этик қадриятларни тиклаб берувчи ва етказиб берувчи тизим сифатида намоён бўлади [19; – С. 13]. Социумга “киришиш”, унинг ҳақиқий субъектига айланиш шахс томонидан уни ўз-ўзини намоён этиш жараёнининг ҳамда ўзи тикланувчи ижтимоий жараён каби ижтимоий-маданий идентификациянинг муҳим шарти сифатида англаниши лозим. Бундай контекстда таълим инсон фақатгина ёшлигида фойдаланадиган институт, таълим жараёнининг ўзи эса чегараланган вақт доирасига эга жараён сифатида тушунилмайди. Аксинча, глобаллашув жараёнларига киритилган замонавий инсон аксарият ҳолларда таълимни нафақат бугунги ёки келгуси касби билан боғлиқ, балки шахсни ривож, маълум ижтимоий, маданий анъаналарида ўзини намоён қилиши ва янги ижтимоий кўникмаларни шаклланиши билан боғлиқ бўлган турли соҳаларда билим, кўникма ва маҳоратини кенгайтириш учун инсон ёши ва меҳнат бозоридаги ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган узлуксиз мақсадга йўналтирилган фаолият сифатида идрок этилади. Шундай қилиб таълимни фақатгина соф касбий ва “иш” вазифаларини ҳал қилиш учун олдиндан зарурлиги маълум бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш деб тушунган тор функционалистик ёндашув россияликларнинг ёш авлодида оммалашмаган. Аксарият ёш авлодлар нуктаи назаридан гуманитар тайёрлов, маълумотнинг ажралмас белгиси ва шу билан бирга, карьерасини соф амалий режалаштиришдан то маънавий эҳтиёжларни қондиришга бўлган шахсни ўзини-ўзи намоён қилишнинг энг мослашган ва шунинг учун самарали стратегияларни ишлаб чиқишга қалитдир.

### Иктибослар/Сноски/References

1. Дюпюи И.А. Международные интеграционные процессы в образовании. СПб., 2003. – С.58.
2. Сущность и характеристики процессов глобализации в их отношении к состоянию общества, социальных и политических институтов современной России. – СПб., 2002. – С.103-108.
3. Иванов Н.П. Глобализация и проблемы социально-экономического развития России. – М., 2002. – С.4-5.

4. Мотрошилова Н.В. Идеи единой Европы // Вопросы и философии. 2004. №12. – С.8; Маркарян Э.С. Мировые институты и стратегические императивы выживания-развития. – Ереван, 2003.
5. Тихонова Н.Е. Социальная стратификация российского общества. – М., 2002. – С.359.
6. Галецкий В.Ф. Демографические проблемы глобализации. Автореф.дисс.канд.экономи.наук. – М., 2001. – С.3.
7. Кормилицина О.В. Модернизация культуры и образования в условиях глобализации и зависимого развития. Автореф.дисс.канд.филос.наук. – М., 2003. – С.16.
8. Дюпюи И.А. Международные интеграционные процессы в образовании. СПб., 2003. – С.58-59.
9. Вишневский Ю.Р. Студент 90-х - социокультурная динамика //Социология образования перед новыми проблемами. – М. – Омск, 2003.
10. Сорокина Н.Д. Образование в современном мире. Социологический анализ. – М., 2004. – С.79-80.
11. Савельев А. Новый вызов? // высшее образование в России. 2002. №1. –С.113.
12. Слепухин А.Ю. Высшее образование в эпоху глобализации: проблемы, противоречия, тенденции. – М., 2004. – С.79; Мальшевский А.Ф. Социология образования. Российская образовательная система: мониторинг, прогнозирование, управление. – СПб., 2004. – С.454-456.
13. Мельникова Н.И. Состояние и перспективы высшего образования в эпоху глобализации. – Саратов, 2003. – С.21.
14. Дилигенский Г.Г. Глобализация в человеческом измерении // Глобализация в социально-философском измерении: сб.мат.конф. СПб., 2003. –С.5.
15. Тоффлер А. Футурошок. – СПб., 1997. – С.73-74.
16. Скородумова О.Б. Интернет и его основные социокультурные функции// философия и общество. 2004. №1. – С.35.
17. Чешков М. Сущность, нынешняя фаза, перспективы глобализации// Pro et Contra. 1999. Т.4. №4. – С.126.
18. Глебкин В.В. Мир в зеркале культуры. – М., 2000. – С.12.
19. Знаменская С.В. Педагогические условия формирования коммуникативной культуры студентов в процессе профессиональной подготовки в вузе. Автореф.дисс.канд.наук. Ставрополь, 2004. – С.13.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Muxabbat Azamova**

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti  
"Sport huquqi, ijtimoiy va tabiiy-ilmiy fanlar" kafedrasi,  
e-mail: muxabbatazamova@uzdjtsu.uz

### JISMONIY TARBIYA VA SPORT RIVOJLANISHINING IJTIMOY – TARIXIY BOSQICHLARI

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### ANNOTATSIYA

Mazkur maqola muallifi jismoniy tarbiya va sportning kelib chiqish tarixi va ijtimoiy rivojlanishi bosqichlari, jumladan o'zbek sporti taraqqiyotida ijtimoiy hodisalarning ta'siri haqida so'z yuritadi.

Bunda qadimgi Yunoniston, Rim, Misr, Xitoyda sportning ilk turlari paydo bo'lgani va sportga ijtimoiy musobaqalarining ta'siri va qanday tartibda o'tkazilgani bosqichma-bosqich yoritib boriladi. Maqolada ilk Olimpiya o'yinlari o'tkazilishi tartibi va qoidalari haqida batafsil ma'lumot berish barobarida jismoniy madaniyatning rivojlanib, o'rta asrlarda Yevropada qanday tus olgani hamda ritsarlar o'rtasida otkazib borilgan turnirlar haqida ham ma'lumot beriladi.

Shuningdek O'zbekistonda milliy o'yinlardan to hozirgi davr sportigacha tashlangan qadamlar, mustaqillik yillarida qo'lga kiritilgan yutuqlar, davlatimizda sportni rivojlantirish sohasida qilinayotgan ishlar haqida alohida toxtalib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** yoshlar, sport, sport tarixi, Renessans, olimpiada, turnir, jismoniy madaniyat, jismoniy tarbiya, sportning rivojlanishida ijtimoiy bosqichlar, bolalar va yoshlar sporti, milliy o'yinlar, sog'lom avlod, ijtimoiy hayot.

**Мухаббат Азамова**

Преподаватель кафедры  
“Спортивного права, общественных и  
естественнонаучных дисциплин”  
Узбекский государственный университет  
физической культуры и спорта  
e-mail: muxabbatazamova@uzdjtsu.uz

### СОЦИАЛЬНО-ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

#### АННОТАЦИЯ

Автор данной статьи рассказывает об истории возникновения и этапах развития физической культуры и спорта, в том числе о развитии узбекского спорта. В нем поэтапно освещается, в каком порядке возникли первые виды спорта в Древней Греции, Риме, Египте, Китае и в каком порядке проводились спортивные соревнования. В статье дается подробная информация о порядке и правилах проведения первых Олимпийских игр, а также о том, как

развивалась физическая культура и как она развивалась в Средневековой Европе, а также о турнирах, проводимых рыцарями.

Отдельно были затронуты шаги, предпринятые в Узбекистане от национальных первенств до современного спорта, достижения, достигнутые в годы независимости, работа, проводимая в сфере развития спорта в нашем государстве.

**Ключевые слова:** молодёжь, спорт, история спорта, Ренессанс, Олимпиада, турнир, физическая культура, физическое воспитание, социальные этапы развития спорта, детский и молодёжный спорт, национальные игры, здоровое поколение, социальная жизнь.

**Mukhabat Azamova**

Department of "Sports Law and Natural Sciences",  
State University of Physical Education  
and Sports of Uzbekistan  
e-mail: muxabbatazamova@uzdjtsu.uz

## SOCIO-HISTORICAL STAGES OF DEVELOPMENT OF PHYSICAL CULTURE AND SPORT

### ANNOTATION

The author of this article talks about the history and development stages of physical education and sports, including the development of Uzbek sports.

In this, the first types of sports appeared in ancient Greece, Rome, Egypt, and China, and the order in which sports competitions were held will be explained step by step. The article provides detailed information about the procedure and rules of the first Olympic Games, how physical culture developed and took part in Europe in the Middle Ages, and about the tournaments held knights.

Also, the steps taken in Uzbekistan from national thoughts to modern sports, the achievements achieved in the years of independence, and the work being done in the field of sports development in our country were discussed.

**Keywords:** youth, sports, sports social-history, Renaissance, Olympics, tournament, Physical Culture, physical education, stages of Sports Development, children's and Youth Sports, National Games, healthy generation, social life

### КИРИШ

Бугунги кунда юрт келажяги бўлган ёшларни ватанпарвар, мамлакат тараққиётига дахлдор, ижтимоий масъулиятли қилиб тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, бу соҳадаги муаммоларни фалсафий, ҳуқуқий, социологик ёндашувлар орқали ҳал қилиш, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлаш, уларнинг тафаккур тарзини такомиллаштириш асосий вазифалардан биридир.

Мазкур муаммоларни бартараф этишда жисмоний тарбия ва спортга тарбия воситаларидан бири сифатида ёндошиш муҳим аҳамият касб этади. Айни шу омил, миллий ғурур, Ватан учун фахрланмоқ, ор-номус, юрт шаъни каби туйғулар шаклланишининг асоси саналади. Спорт машғулоти жараёнида ғоявий тарбиялаш, ўқиш, машқ қилиш, мусобақаларда иштирок этиш, ахлоқий меъёрларга риоя қилиш орқали амалга оширилади.

Жисмоний тарбия ва спорт тарихи қадим даврларга бориб тақаларкан, юртимиз спорти ҳам жаҳон спортининг таркибий қисми сифатида узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Бунда қадимдан ривожланиб, халқ орасида миллий ўйинлар сифатида такомиллашиб келган чакқонлик, эпчиллик, куч-қувват ва сабр-матонат талаб қиладиган жисмоний машқлар - замонавий спортга асос бўлди.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она

Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ҳаракатларда баркамол авлодни тарбиялаш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий институт сифатида ривожланиб бориши, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича ишларни ташкил қилиш зарур эканлигини кўрсатади. Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида кадриятларни шакллантириш бўйича билим ва тажрибаларни ривожлантириш Ватанига содиқ бўлган фарзандларни тарбиялашда ўз самарасини беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон Қарори, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон Фармони, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори, 2020 йил 4 февралдаги “Қишки спорт турларини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4583-сонли қарори, 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармони мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

#### **МЕТОДЛАР**

Бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умуман жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари қабул қилиниб, тизимли равишда, изчиллик асосида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги роли, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг аҳамияти жуда катта эканлигини маълум. Бундай ислохотлар негизида миллий спорт тури бўлган миллий курашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, олимпияда ўйинлари таркибига киритишга қаратилган улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистонда жисмоний тарбияси ва спортининг ўзига хос хусусиятларидан бири аниқ ифодаланган миллий ҳаракатдаги спорт турлари: ағдариш, кўпкари, пойга, кураш, халқ ўйинлари борлигидир. Бу спорт турларининг ҳаммаси қадим замонларда пайдо бўлган, тараққиётнинг ҳар бир тарихий босқичида турли ижтимоий вазифасини бажарган ва ўз шаклини ўзгартирган.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар асосида қуйидаги фикрларни хулоса сифатида бериш мумкин:

- биринчидан, инсонда миллий ғурур туйғусининг ривожланиши ўз миллатига нисбатан ифтихорнинг ўсишига олиб келади. Ўз миллатидан ғурурланган инсон миллатдошларига бирлашади. Бирлашган миллатга ҳеч ким тажовуз қила олмайди.

- иккинчидан, бугунги кунда миллий хусусиятларимизни сақловчи ва ривожлантирувчи кадриятларимизни, яъни миллий курашимизни ривожлантириш, оммалаштириш орқали ёшларимизнинг мард, жасур бўлиб етишишига замин яратган бўламиз. Шунингдек, уларда “ҳалол”га интилиш, “ғирром”дан қочиш каби фазилатларни шакллантириб борамиз. Бундай ҳолатда миллий кураш ёш авлодга намуна, ибрат олувчи восита бўлиб хизмат қилади;

- учинчидан, мустақиллик даврида ўсиб келаётган ёш авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши керак. Зеро, шундагина буюк халқнинг порлоқ келажаги таъминланади. Яъни, халқнинг муваффақияти, халқаро муносабатларда эришган марралари, қолаверса ҳар бир соҳада эришган ютуқлари халқнинг иродаси, миллий ғурурини мустаҳкамлайди. Миллий кураш билан шуғулланган ёшларда ўзига бўлган ишонч, жасурлик ортади. Бу эса ёшларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишда, ўз манфаатларини ҳимоя қилишда асосий

туйғулардан бири бўлиб хизмат қилади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Энг қадимги даврлардан инсоният жисмоний комилликка интилиб келади. Буни куйидагимисолларда кўришимиз мумкин. Қадимги Юнонистон, Рим, Миср, Хитой каби давлатлар жисмоний тарбия ва спортнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида муҳим ўрин тутди. Милоддан аввалги 3 минг йилликда Эгей денгизининг Крит оролида Минос (Крит давлатининг асосчиси, афсонавий подшо Минос номи билан боғлиқ) маданияти шакллана бошлади. Ушбу маданият ўнлаб давлатларга кириб борди, Кичик Осиё ҳамда

Юнонистонни қамраб олди ва кейинчалик Эллин маданиятига асос солди. Минос жисмоний маданиятининг илк элементлари Кносс саройлари деворий сураатларида акс этган.

Қадимги давр рассомларининг асосий мавзуси кураш, буқалар билан бажариладиган акробатик ўйинлар (тавромахия) ҳисобланган. Расман олиб қараганда энгил атлетика илк олимпия ўйинларининг асосини ташкил қилган. Югуриш бўйича мусобақалар энг оммабоп бўлган. Кейинчалик найза, диск, болға улоқтириш, баландликка сакраш, эркин кураш каби мусобақалар ҳам энгил атлетика таркибига кириб, Олимпиада ўйинлари сафидан жой олган. Қадимги олимпиада ўйинларида шоирлар ҳам иштирок этганлар ва ўз шеъларини ўқиб, мусобақалашганлар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, улар расмий ва қатъий қоидалар асосида ўтказилган мусобақалардир.

1- Олимпия ўйинларининг санаси мил.ав. 776 йилга тўғри келади. Ўйинлар Кронос тоғи ёнбағридаги Олимпия деган жой номини олган. Бошида олимпия ўйинлари 1 та спорт тури, яъни 1 стадийга югуриш бўйича ўтказилган ва у атиги 1 кун давом этган. (1 стадий- узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, 192 метр 27 см га тенг бўлган.) Ўйинда фақат озод эркалар иштирок этиши мумкин бўлган. Олимпиаданинг замондоши бўлган Гомернинг ёзишича, кейинчалик олимпиада дастурига от арава пойгалари, нишонга олиш ва камондан отиш, қўл жангги, кураш каби турлари ҳам қўшилган. Олимпиада ўйинлари дастури куйидагича ўзгариб борган:

14 – олимпиадада (м.ав. 724 й) 2 стадий узоқликка югуриш.

15- олимпия ўйинлари дастурида (м.ав.720й) 25 стадийгача югуриш.

18- олимпиадада (м.ав. 708 й) пентатлон

23 -олимпия ўйинларида (м.ав.688й) қўл жанги

25 – олимпия ўйинлари (м.ав.680 й) от арава пойгаси

33- олимпия ўйинларида (м.ав. 648й) отда югуриш ва панкратион (қўл жанги билан курашни умумлаштирган ўйин) каби спорт турлари қўшилиб борган ва улар 4-5 кун давом этган. Ғолиблар катта совғаларга эга бўлгани сабабли, кейинчалик ғалабани сотиб олиш холатлари учрай бошлаган. Унга қарши жарима солиш жазоси қўлланилган. Пора билан ушланган спортчи - атлет ўз ҳисобидан Зевсга Ҳайкал ўрнатиб беришга мажбур бўлган. Император Феодосий даврида (394 й) кўпхудоликдан христиан динига ўтилиши билан Олимпиада ўйинлари ўтказиш тақиқлаб қўйилган.

Жисмоний тарбия ва спорт замонлар оша ривожланиб, турлари кўпайиб борди. Ўрта асрлар Европа тарихига назар солсак, рицарлар ўртасида ўтказиб турилган турнирлар ёдимизга келади. Рицарларни ҳарбий-жисмоний тайёргарлиги тез-тез кўрикдан ўтказиб турилган бўлиб, бундай тизим мумтоз феодализм даврига тўғри келади. Бу давр қонун-қоидаларига асосан, ўғил болаларни ёшлигиданок чиниқтириш учун машқларни 7ёшиданбошлаганлар. Улардан тил билиш, мусиқий маълумотга эга бўлиш билан бир қаторда,югуриш, сакраш, тош кўтариш, сузиш, курашиш, ов қилиш, отда юриш, қиличбозлик, камондан отиш тажрибалари ҳам талаб қилинган. Камондан ўқ отиш спорт турида, хозирги мусобақалардан фарқли, ўрта асрларда икки киши ёки гуруҳ бир бирларига қарата ўқ узганлар. Табиийки, тирик ёки соғ қолган томон ғолиб деб ҳисобланган. Камондан ўқ отиш спорти 15 асрда Швецияда пайдо бўлган. Мусобақаларнинг хозирги қоидалари 19 аср охирида ишлаб чиқилган. Унга кўра диаметри 40-122 см доира нишонга 18-90 м узоқликдан 30 ёки 36 тадан ўқ узилиб, очко тўпланади. 1900 йили олимпия ўйинлари дастурига киритилгандан сўнг, кўп мамлакатларда кенг тарқалди. 1931 йилда камондан ўқ отиш бўйича жаҳон чемпионати

ўтказилди. Шу йил Халқаро камондан ўқ отиш федерацияси (ФИТА) га асос солинди. Унга 127 та давлат аъзо бўлди (2002). Хозирда АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Польша, Россия каби давлатларда камондан ўқ отиш спорти кенг ёйилган. Мазкур спорт тури Ўзбекистонда 20 аснинг 60- йилларида оммалашди. Республикамизнинг Наталья Бутузова, Ольга Рогова, Вадим Шикарев, Сурайё Вакилова, Элдор Сайфуллин, Замир Аҳмедов каби камончилари жаҳон ва қитъа чемпионатларида ва нуфузли мусобақаларда ғалаба қозонишган. Ўзбекистон Республикасида аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, ёшларнинг олимпия, паралимпия ва осие ўйинларида, жаҳон ва осие чемпионатларида ва бошқа нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш улар орасида мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш, ва қўллаб- қувватлаш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Осие давлатлари – Япония, Хитой, Корея, Ҳиндистон кабилар қаторида, Марказий Осие жисмоний тарбия ва спорти тарихида ўрта асрлар алоҳида аҳамият касб этади. Гап жисмоний тарбия ва спорт тарихи ҳақида кетаркан, бевосита буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг ҳарбий ва жисмоний куч – қудрати ва салоҳияти, зафарли юришлари ёдимизга келади. Темур ўз даврининг буюк саркардаси бўлиш билан бирга, моҳир чавандоз ва мерган, қиличбоз, найзабоз, тийранбоз, қалқонбоз ва тенгсиз курашчи ҳам бўлган. Шатранж ўйинида унга тенг келадигани топилмаган. Худди шу сифатларни ўз навқарларида ҳам тарбиялашга алоҳида эътибор қаратган. Жанг олдида ўтказиладиган машқларини ўта талабчанлик ва қаттиққўллик билан олиб борган. Амир Темур шиддаткор найзабоз, камондан ўқ отиш борасида тенгсиз бўлган.

Гап жисмоний тарбия ва спорт тарихи ҳақида кетаркан, бевосита Ўзбек халқи тарихида IX-XII асрлар Уйғониш даври – биринчи Ренессанс ҳодисаси содир бўлиб, буюк бобокалонларимиз Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний ва бошқа буюк мутафаккир олимлар номи билан боғлиқ бўлган.

Турон халқлари тарихида Амир Темур ва Темурийлар номи билан боғлиқ бўлган иккинчи Ренессанс даври жаҳон фани, маданияти, умуминсоний қадриятларни юксак даражада ўзида мужассам этган миллий тикланиш даври бўлиб тарихда қолган. Темур ўз даврининг буюк саркардаси бўлиш билан бирга, моҳир чавандоз ва мерган, қиличбоз, найзабоз, тийранбоз, қалқонбоз ва тенгсиз курашчи ҳам бўлган. Шатранж ўйинида унга тенг келадигани топилмаган. Худди шу сифатларни авқарларида ҳам тарбиялашга алоҳида эътибор қаратган. Жанг олдида ўтказиладиган машқларини ўта талабчанлик ва қаттиққўллик билан олиб борган. Амир Темур шиддаткор найзабоз, камондан ўқ отиш борасида тенгсиз бўлган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий ва жисмоний куч –қудрати ва салоҳияти, шижоати ва зафарлари бугунги- Янгиланаётган Ўзбекистон ёш авлодига мерос бўлиб қолган десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон ёшларида ўзининг илмий ёки жисмоний салоҳиятини намоён қилиш учун барча шароитлар мавжуд. Замонавий жисмоний тарбия ва спорт шиддат билан ривожланиб бормоқда. Спортдаги натижалар ҳам йилдан йилга кўтарилиб бормоқда. Бунинг бир қанча сабаблари бор албатта. Аввало давлатимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, ҳар кимнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, ногиронлар ва жисмоний қобилияти чекланган шахслар, ижтимоий ҳимояга мухтож аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўмаклашиш шулар жумласидандир. Қолаверса машқ жараёнларига янги методлар кириб келганлиги спорт натижаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон кейинги йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий, илм-фан соҳалари кўрсаткичларига кўра жаҳон рейтингларида юқори ўринларга кўтарилиб бормоқда. Бу эса ўзига хос Янги Ренессанс даврига қадам қўйилганидан дарак беради. Бу даврда янги ғалабалари билан Ўзбекистонни дунёга танитишда улкан ҳисса қўшаётган спортчилар етишиб чиқди.

Президентимиз 2020 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, “Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда, “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залварли ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади”[1] Замонавий жисмоний тарбия ва спорт шиддат билан ривожланиб бормоқда. Спортдаги натижалар ҳам йилдан йилга кўтарилиб бормоқда. Бунинг бир қанча сабаблари бор албатта [2].

Авалло машқ жараёнларига янги методлар кириб келганлиги спорт натижаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мусобақаларни ташкиллаштириш шарт-шароитларидаги ўзгаришлар ва янги ва қулай спорт жихозларининг қўлланилаётгани; машғулотлар ҳажмининг ошганлиги (кейинги 30 йил ичида 2 баробар). Спортчининг психологик ва физиологик ҳолати чуқур ўрганилаётгани. Ва қолаверса масаланинг моддий томони яъни рағбатлантириш миқдорининг кескин ошганлигини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин[3].

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни 2015 йил 4-сентябрь, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида Давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида фармони 2018 йил 5-март ПФ-5368-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил сентябрдаги ПФ-5847-сон, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, ҳамда Олий таълим вазирлигининг 2019 йил 20-сентябрдаги №842-буйруғи каби қатор расмий ҳужжатлар аҳоли турар жойларида сиҳат-саломатлик тадбирлари ҳамда, халқ миллий ўйинлари мазмунида аҳолининг саломатлигини яхшилаш, уни муҳофаза қилиш каби энг муҳим бўлган жараёнлар мужассам этилган. Мазкур тадбирларни амалга оширишда Наврўз, Мустақиллик куни, касбхунар байрамлари каби улуғ саналарда оммавий равишда ташкил этилаётган мусобақалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аҳоли истиқомат жойларини асосан қуйидаги йўналишларда кўрамиз, яъни маҳаллада жойлашган кўп қаватли уй-жойлар, уларнинг жойлашиши, аҳолининг турли тўй ва бошқа маракалари учун қурилган ошхоначойхоналар, болалар ва катталар учун яратилган ўйин майдонлари, соғломлаштириш марказлари (тренажёрлар) ва бошқа хизмат жойлари билан бир-биридан фарқ қилади. Шундай бўлсада уларда турли байрамлар, удумлар, айниқса спорт мусобақалари бир мақсад ва мазмунда ташкил этилади. Уларда фақат оммавийлик ва қўлланиладиган турли спорт турлари, халқ миллий ўйинларининг шакли, ҳажми, миқдори билан фарқ қилади.

Республикаимиз вилоятларининг қишлоқ ҳудудлари, янги ўзлаштирилган кўриқ-чўл зоналарида қад кўтарган қўрғонларда бўлиб ўтаётган тўйларда кураш, кўпкари, пойга каби энг муқаддас халқ миллий ўйинлари (елка уриштириш, хўрозлар жанги, эшак минди, кулоқ чўзма, пиёда кўпкари, чиллик, оқ суяк, бўрон, орқанг куйди ва ҳ.к) ҳам кенг қўлланилмоқда.

Шаҳар ва шаҳар тусини олаётган катта қўрғонлар, қишлоқларнинг марказларида улуғ саналарга бағишлаб ўтказилаётган оммавий-маданий тадбирлар, “Кунига минг қадам юриш” “Маҳалла полвонлари”, “Соғлом оила ва спорт”, “Спортчилар оиласи”, “Тўмарислар ўйини”, каби спорт мусобақалари одатга айланмоқда. Уларнинг мазмунида “Тўпли эстафеталар”,

“Билак кучини синаш”, “Арқон тортишиш”, чамбарак, байроқ, арғамчи ва бошқа асбобукуналар билан эстафеталар, турли ҳаракатли ўйинлар ташкил этилаётганлиги халқимизнинг ўз саломатлигини яхшилаш йўлидаги онгли фаолиятдир.

Халқимизнинг қадини кўтарадиган, шаън-шавкати улуғлайдиган, ғурурига ғурур қўшадиган ва асрий орзулари рўёбга чиқишига замин яратадиган кўпдан-кўп хайрли юмушларнинг узвий давоми мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар эканини барчамизга маълум, ривожланиш стратегиямиз кейинги йилларда эл-юрт келажагининг асосий тараққиёт дастуридир, бу стратегик дастурнинг асосий устунларидан бири бу спортни ривожлантириш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириб

жаҳон ҳамжамиятида кураги ерга тегмайдиган Ўзбекистон ифтихорларини тарбиялаш вазифа сифатида ҳаётимиз 2017–2021 йилларда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида жами 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган бўлиб, спорт иншоотлари, спорт мажмуалари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилади[4].

Бу ислоҳотлардан кўзланган натижа эртамиз эгаларининг спорт билан спорти объектида 114,8 мингга яқин спорт сексиялари фаолият юритаётгани, бу 2004-йилги кўрсаткичлардан 25 фоиз кўп деганидир. Бугун мамлакатимиз том маънода спорт мамлакатига айланди десак хато бўлмаса керак. Чунки ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи кенг қарор топиб, спортнинг оммавийлиги таъминланмоқда.

Спортчиларимиз Осиё ва Жаҳон кубокларини юртимизга олиб келиб, бошимиз узра кўтариб байрам қафиятидан завқ олишни ҳохламайдиган юрдошларимиз ораларимизда топилмаса керак. Ўтган йил мобайнида мамлакатимиз вакиллари ҳорижда ўтказилган 121 дан зиёд нуфузли мусобақада ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Ўзбекистонлик спортчилар жами 774 маротаба шоҳсупага кўтарилишди: 300 тадан ортиқ олтин бу дегани Юртимиз мадҳияси жаҳон ареналарида 300 маротаба жаранглади бу ифтихорга бой онлар юрдошларимиз қалбларда муҳрланди. Жумладан, 221 та кумуш, 261 та бронза медали кўлга киритилди. Май ойида Тошкентда бокс бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида спортчиларимиз ўнта вазн тоифасидан тўққизтасида олтин медалларга сазовор бўлишгани халқимизнинг кайфиятини кўтарди, ажойиб қувончли лаҳзаларни ҳады этди. Жорий йилдаги юртимиз футболдаги ислоҳотлар узок натижани куттириб қўймади 23 ёшгача бўлган футболчиларимиз Чин юртида бизга фаол инновацион ғояларни қўллаб футболда қувончли онларни ҳады этиб 35 млн халқнинг меҳрини қозонди десак хато қилмаган бўламиз. Президентимиз 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги маърузаларида “...замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация –бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”[5] - деб таъкидлаб ўтдилар.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, мақолада келтирилган маълумотлар жаҳон спортининг тарихий босқичлари ҳамда юртимиз спортининг машаққатли йўли ва тараққиёти тарихига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришган кундан бошлаб мамлакатимизда турли соҳалар каби жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам улкан, мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Мустақиллик ва яна фақат мустақилликкина ана шу ўтда куймас илдизларимизга ҳаёт, сувда чўкмас томирларимизга куч-қудрат бахш этди.

Ўзингиз ўйланг, мустақиллик бўлмаганида ўзбеклардан Халқаро Олимпиада, Жаҳон ва Осиё чемпионлари чиқармиди? Улкан ареналарнинг марказида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қалбларга ифтихор солиб, мағрур ҳилпирармиди? Ўзбекнинг оддийгина қора кўз ўғил-қизлари шарафига юракларни тўлқинлантириб миллий мадҳиямиз янгрармиди? Умуман, мустақилликка эришгунга қадар йирик халқаро мусобақаларда ғолиб чиққан Ўзбекистонликлар бармоқ билан санарли эди. Улар ўша пайтларда аллақандай Иттифок номидан тушарди.

Мустақилликнинг ўтган қисқа ўттиз бир йилидаги жаҳон ва турли халқаро мусобақалар чемпионларини санаш учун эса нақд ярим кун вақтингиз кетади. Чунки ҳар йил Ўзбекистонлик спортчилар турли юксак халқаро мусобақалардан ўнлаб, юзлаб “олтин”, “кумуш” ва “бронза” медаллари билан қайтиши одатий ҳолга айланди. Энди ўзгаларни кўриб ҳавас қилиш у ёқда турсин, ўзимизникидан ҳам ҳайратланмай кўйдик. Бизга бунини Мустақиллик ҳады қилди. Биргина Халқаро Олимпиада мусобақаларидаги вакилларимизнинг иштирокини олиб кўрайлик.

Тўрт йилда бир бор ўтказиладиган ушбу ўйинларда мустақилликдан илгари қирк йил давомида (Собиқ Иттифок 1952 йили Халқаро Олимпиада Қўмитасига аъзо бўлгани назарда

тутилаётир) атиги 45 нафаргина ўзбек спортчиси қатнашган холос. Мустақилликнинг мана шу ўттиз бир йилида ёзги Халқаро Олимпиада ўйинларида қатнашаётган юртимиз вакиллари сони 300 га яқинлашиб қолди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. “Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш натижасида бугунги кунда спортчиларимиз жаҳон ареналарида юртимиз байроғини кўкларга кўтариб, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсидаги обрўсини сарбаланд қилишда салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқда”[6].

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўта муҳим вазифалар қаторида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш борасида изчил ислохотлар натижасида:

- Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди;

- жисмоний тарбия ва спорт ёшларни соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялашга, миллий генофондни соғломлаштириш воситасига, миллионлаб ватандошларимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирилди;

- жаҳон ҳамжамиятида ҳам спорт соҳасида ўз ўрнимиз ва овозимизга эга бўлдик. Дунё Ўзбекистон Республикаси халқининг жисмоний имкониятлари, салоҳияти, иқтидори бекиёс эканлигини эътироф этди;

- спорт-дини, миллати, ирқи, жинси ва ёшидан қатъий назар Ўзбекистон

Республикасининг барча фуқароларини жипслаштирувчи, яқдил қилувчи омилга, жамиятда фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни, ички барқарорликни мустақкамловчи қудратли кучга айланди;

- шунингдек, миллий ўйинлар ва спорт турларини тиклашга, маънавий ҳаётни янгилашнинг, миллий ўзликни англаш жараёнларининг ажралмас қисми сифатида жиддий эътибор берилди.

Натижада халқаро спорт турнирлари ва жаҳон ареналаридаги мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келинмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт мамлакат фуқаролари ҳаёти ва турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кунда ёшларга кенг имкониятлар бериш, шароитлар яратиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт орқали соғлом қилиб, юксак маънавиятли инсон қилиб тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир. Бунинг учун спорт ҳаракати оммавийлигига катта аҳамият бериш, жисмоний тарбияни ривожлантириш ёшларни иродали сифатларини чиниқтириш, оммавий спортнинг жамиятимиз ҳаётидаги ролини кучайтириш, шунингдек халқаро мусобақаларда спортчиларимиз ютуқлари салмоғини оширишга эришиш олдимизда турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. <https://uzhurriyat.uz/2020/12/02/uzbekiston-uchinchi-renessans-ostonasida-tarixiy-ildizlar-va-hozirgi-zamon/>
2. <http://sport-history.ru/>
3. <https://www.gazeta.uz/oz/2019/04/03/5-tashabbus/>
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2021. – 464 б.
5. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги маърузаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида 2-ИЛОВА <https://lex.uz/docs/5841063>
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2021. – 464 б.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Камолахон Абдуразакова**

Алишер Навоий номидаги тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети  
ўқитувчиси

E-mail: kamola.abdurazakova@gmail.ru/

**Хасан Акрамов**

Алишер Навоий номидаги тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети  
катта ўқитувчиси

E-mail: xasakramov@gmail.com/

### МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ўртасидаги ўзаро сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамкорлик жараёнларни олиб бориши мазмунидаги масалалар гаририлиб ўтилган. Ҳамда минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик қилиш моделини яратилиши зарурлигини муаллифлар таъкидлашган. Мақолада Марказий Осиё давлатларини ўзаро трансчегаравий муаммоларни минтақада лидер давлатга айланган Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган геосиёсатининг мазмун ва моҳияти тўлиқ очиб берилган. Трансчегаравий масалаларда айрим ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва экологик муаммолар хал этилиш механизмларни шакллантирилганлигига қаратилган. Минтақада жойлашган давлатларни халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ва бу ташкилотлар билан ўзаро алоқадорлиги очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, минтақа, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, трансчегара, халқаро ташкилотлар, лидер давлат, геосиёсат, механизм.

**Камолахон Абдуразакова**

преподаватель Ташкентского государственного  
университета Узбекского языка и литературы  
имени Алишера Навои

E-mail: kamola.abdurazakova@gmail.ru/

**Хасан Акрамов**

старший преподаватель Ташкентского государственного  
университета Узбекского языка и литературы  
имени Алишера Навои

E-mail: xasakramov@gmail.com/

### МОДЕЛИ РАЗВИТИЯ РЕГИОНАЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются вопросы осуществления политического, социального, экономического сотрудничества между странами Центрально-азиатского региона. Авторы подчеркнули необходимость создания модели сотрудничества между странами региона. Статья раскрывает различные трансграничные проблемы государств Центральной Азии, также суть политики, проводимой руководством Узбекистана в регионе, что на практике позволило стране стать одним из его лидеров. В трансграничных вопросах некоторые социально-экономические, социокультурные и экологические проблемы направлены на формирование механизмов достижения этой цели. Раскрывается членство стран, расположенных в регионе, в международных организациях и их взаимодействие с этими организациями.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, регион, политический, экономический, социальный, трансграничный, международные организации, государство-лидер, геополитика, механизм.

**Kamolakhon Abdurazakova**

lecturer at Tashkent State  
University of Uzbek Language and Literature  
named after Alisher Navoi  
E-mail: kamola.abdurazakova@gmail.ru/

**Hasan Akramov**

senior lecturer at Tashkent State  
University of Uzbek Language and Literature  
named after Alisher Navoi  
E-mail: xasakramov@gmail.com/

**MODELS FOR THE DEVELOPMENT OF REGIONAL COOPERATION****ANNOTATION**

This article covers the issues of the implementation of political, social, economic cooperation between the countries of the Central Asian region. The authors emphasized the need to create a model of cooperation between the countries of the region. The article fully reveals the mutual cross-border problems of the Central Asian states and the essence of the geopolitics carried out by the leadership of Uzbekistan, which has become a leading state in the region. In cross-border issues, some socio-economic, socio-cultural and environmental problems are aimed at the formation of mechanisms for achieving this goal. The membership of the countries located in the region in international organizations and their interaction with these organizations are revealed.

**Key words:** Central Asia, region, political, economic, social, cross-border, international organizations, leader state, geopolitics, mechanism.

**КИРИШ**

Минтақавий ҳамкорликка таъсир кўрсатувчи бир қанча омиллар мавжуд. Бу минтақани ўзига ҳослигидан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин. Масалан, Марказий Осиёда делимитация ва демаркация масалалари бундай муаммолардан бири ҳисобланади.

Собиқ иттифоқ республикалари ўртасида давлат чегараларининг шаклланиши муайян геосиёсий ва геоиқтисодий оқибатларни келтириб чиқарди, уларнинг қай даражада эканлигини тўлиқ баҳоланмасдан қолмоқда. Бу эса янги мустақил давлатлар шаклланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири илгари ягона давлат макони доирасида минтақалараро трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш эди. Ўнлаб йиллардан буён амал қилиб келаётган собиқ иттифоқ ижтимоий-иқтисодий алоқалари ва ҳамкорлиги минтақалараро трансчегаравий ҳамкорликнинг жадал ўсиши учун кудратли асос бўлди [1].

Аста-секин трансчегаравий ҳамкорлик собиқ иттифоқ давлатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим масалалардан бирига айланиб бормоқда. Бунинг сабаблари аниқ: чегаралар бўйлаб ҳамкорликнинг кўплаб ҳаётий соҳалари бевосита тўпланган, шунингдек, давлатлараро муаммолар, жумладан, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, экологик ва бошқалар.

Марказий Осиёда минтақавий ва трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантиришнинг аҳамияти ва муқаррарлигини кундан-кунга ушбу соҳа бўйича берилган маълумотлар кўрсатмоқда. Хусусан, айрим ҳисоб-китобларга кўра, трансчегаравий ҳамкорликнинг фақат Қозоғистон ва Россиянинг ўзаро ҳамкорлигидаги улуши барча савдо фаолиятининг 40% дан 70% фоизгачани ташкил этади [2]. Россия Федерацияси чегара субъектлари МДХ мамлакатлари билан Россия Федерацияси ташқи савдо айланмасининг тўртдан бир қисмини, шу жумладан экспортнинг бешдан бир қисмини ва импортнинг 30% ини ташкил этади [2].

### **МЕТОДОЛОГИЯ**

Ушбу мақолада Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсат концевциялари, халқаро ҳамкорлик доирасидаги меморандумлар, битим ва шартномалар, кўп томонлама ҳамкорликлар доирасида яъни ташкилотлар доирасида тузилган битимлар ва шартномалардан кенг фойдаланилди. Қолаверса, Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлараро алоқаларида ташқи сиёсат концепциясининг устувор йўналишларида кўрсатилганидек ҳамкорлик олиб борилиши бунга яққол мисол бўла олади. Марказий Осиё давлатларидаги мавжуд муаммолар (трансчегаравий) ва уларни бартараф этиш икки ва кўп томонлама тузилган шартномалар доирасида йўлга қўйилганлиги улар асосида кенг ёки тор даврада мавжуд муаммони ўрганиш ва ечим топиш, қолаверса, ҳамкорлик қилиш белгиланган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг миллий дастурлари: 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи устувор йўналишида ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон стратегияси” еттинчи йўналишида келтирилган мақсадларлар кетма-кетлиги мақолага методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда давлатлар ўртасида ягона трансчегаравий ҳамкорлик моделини яратиш мақсадида мақолада ташкилотлар доирсида SWOT таҳлилдан фойдаланилди. Унга кўра, халқаро миқёсдаги ташкилотларнинг моделлари қиёсий таҳлил қилинди.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Тадқиқотнинг методологик негизи трансчегаравий ҳамкорлик тизимининг ташкил этилиши кўплаб муаммоларни ҳал қилиш имконини берди, шунингдек, постсовет маконидаги давлатлар олдида юзага келадиган музокаралар ва жуда мураккаб масалаларга ечим топиш учун платформа яратди. Схематик, яқин трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантиришнинг аниқ фойдалари бир қатор омиллар билан ифодаланиши мумкин. Хусусан, трансчегаравий ҳамкорлик қуйидагиларга ўз ҳиссасини қўшмоқда:

- чегарадош ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида номутаносибликларни бартараф этиш ва шу билан бирга иқтисодий ноқулай ҳудудларда, айниқса айрим айирмачилик салоҳиятига эга бўлган ижтимоий зиддиятлар билан боғлиқ хавфларни камайтиради;
- географик ўрни, тарихий ва этник ўзига хослигининг афзалликларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий оқилона ва самарали бошқариш, иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш;
- экологик муаммоларни (географик умумийлик туфайли) ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларни биргаликда назорат қилишни шакллантириш ва постсовет маконидаги ишлаб чиқариш узилиши муаммолари;
- иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш. Натижада минтақаларнинг субсидияланиши камаяди, минтақаларнинг ўз салоҳиятини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш туфайли марказий ҳокимият ва давлат бюджетига боғлиқлиги пасаяди;

- худудлар билан чегараланмаган, бутун мамлакатлар билан ҳамкорлик ўрнатилган каналлар сифатида фойдаланиш;
- фойдаланиш, маълум даражада, икки мамлакат минтақаларининг ривожланишида номутаносибликларнинг амортизатор сифатида кўмаклашади [3].

Биргаликда олиб борилган ўзаро ҳамкорликнинг қайд этилган “ижобийлиги” шубҳасиз сиёсий дивидендларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Масалан, собиқ иттифоқ майдони учун марказдан қочма тенденцияларни жиловлашда давлат субъектини шакллантириш шароитида “янги чегара худудлари” алоҳида рол ўйнайди [4, - С.49-62].

Шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиё давлатлари ўртасида трансчегаравий ҳамкорликнинг ягона модели йўқ. МДХ давлатлари ўртасида ҳамкорликнинг бу тури турли омиллар таъсирида ривожланади ва мамлакатдан мамлакатга анча сезиларли даражада ўзгариб туради. Минтақада янги сиёсий муҳит яратиш ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустақамлаш бўлажак хорижий сармоядорларнинг эътиборини тортади. Умуман олганда, минтақавий ҳамкорликни Ўзбекистон иқтисодиёти ва умуман минтақа учун зарур бўлган кўплаб омиллар мавжуд. Масалан, минтақавий ҳамкорликнинг ижобий таъсир кўрсатувчи имкониятларига қуйидагилар киради:

- 1) Марказий Осиё давлатлари миллий алоқа, транспорт ва энергетика инфратузилмаси интеграциялашувинини ташкил этиш орқали ягона минтақавий тизимни шакллантириш;
- 2) Минтақавий ёндашувни талаб қилувчи экологик муаммоларнинг мавжудлиги;
- 3) Халқаро инвесторлар кириб келиши учун маълум бир тўсиқларни таҳлил қилиш;
- 4) Минтақанинг жаҳон бозорига интеграциялашувини самарали ташкил этиш учун имкониятлар яратиш [5, - Р.2].

Юқорида келтириб ўтилган омилларни алоҳида таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, биринчидан, Марказий Осиё давлатлари миллий алоқа, транспорт ва энергетика инфратузилмаси интеграциялашувинини ташкил этиш орқали ягона минтақавий тизимни шакллантириш минтақанинг юқори транспорт корридорлари (Осиё ва Европани боғловчи куруклик йўлига эгаллиги) ҳамда минтақа давлатларининг энергетик ресурсларга бойлиги яратилиши кўзда тутилаётган ягона инфратузилманинг экспорт потенциалини янада ошириш ҳамда давлатлараро ўзаро савдо жараёнини янада осонлаштиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, минтақа давлатлари учун умумий бўлган Орол денгизи муаммосининг мавжудлиги минтақа давлатларини ўзаро келишилган ҳолда ягона сиёсат олиб боришга чорлайди. Минтақа давлатларининг Орол муаммоси бўйича минтақа манфаатларидан эмас, балки ўз манфаатларидан келиб чиқиб сиёсат олиб бориши муаммони ҳал қилишга эмас, балки янада вазият ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Мазкур масала юзасидан бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатларининг олиб бораётган сиёсатлари минтақада экологик вазиятни яхшилашга қаратилганлигини кўриш мумкин.

Учинчидан, деярли барча Марказий Осиё давлатлари ўз иқтисодиётларини ривожлантириш, мавжуд табиий бойликларни амалга ошириш учун технология ва молиявий ёрдамга муҳтождир. Айнан шу ҳолат минтақада давлатларнинг келишилган ҳолда умумий инвестицион фаолиятни ташкил этишга олиб келиши мумкин.

Тўртинчидан, минтақанинг жаҳон бозорига интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш Марказий Осиё давлатлари учун зарур бўлган инвестицияларни кириб келиши учун имкониятларни умумлаштирилган сиёсатни олиб бориш дунё инвесторларининг минтақага бўлган қизиқишини орттиради.

Трансчегаравий ҳамкорлик моделларининг градацияси қуйидагича тақдим этилиши мумкин:

- чегаранинг икки томонидаги товар ва хизматлар нархларининг фарқи асосланган анъанавий ҳамкорлик модели ва иқтисодий самара бир томон учун савдо бозорини кенгайтириш ва бошқа томон учун арзон товар ва хизматларни олиш билан боғлиқ. Бироқ, бу модел самарадорлиги кучли чегара, миграция ва божхона назорати, таъриф чеклашлар, экспорт ва импорт товарларни солиққа тортиш қоидаларига боғлиқ, ёки, бошқача қилиб айтганда, трансчегаравий трафик эркинлаштириш даражасига боғлиқдир.

- чегара ҳудудларига ҳам икки томонлама, ҳам бир томонлама асосда имтиёзлар беришни ўз ичига олган имтиёзли модель.

- шартномавий муносабатлар, қўшма лойиҳалар ва дастурларга, шунингдек махсус яратилган ташкилотларга асосланган ҳамкорлик ёки институциональ модель. Ушбу моделнинг самарадорлиги ҳокимият ва давлат молиясини номарказлаштириш даражасига, ҳамкорлик қилаётган мамлакатларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга боғлиқ [6, – С.68].

Трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш моделларини кўриб чиқиб, шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Марказий Осиё давлатлари орасида трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш ўз самарасини бериши чегара ҳудудларда жойлашган ҳудудларнинг ривожланишига ўз ижобий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Чунки, Марказий Осиё давлатлари учун минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш энг асосий ташқи сиёсий мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиё минтақасида трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш масаласи давлат раҳбарлари томонидан сўнгги йилларда кўриб чиқилмоқда. Бунга ёрқин мисол сифатида Марказий Осиё раҳбарларининг иккинчи саммити 2019 йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтди. Минтақавий ҳамкорликнинг ушбу янги форматига доир институционал тузилмалар ҳозирда минтақа давлатлари томонидан муҳокама қилинмоқда. Марказий Осиё давлатлари Марказий Осиё ҳамкорлигини ташкил этиш жараёнлари авж олган 1990 йилларда тўпланган минтақавий ҳамкорликнинг нисбатан бой тажрибасинидан фойдаланишлари мумкин. Улар ўз тажрибаларини янги босқичга чиқаришда ғилдиракни қайта кашф қилиш шарт эмас: минтақавий ҳамкорлик бошқа глобал моделларига эътибор қаратадиган бўлсак, ўхшаш вазиятларда бошқа минтақалар, айниқса, Жануби-Шарқий Осиё ва Шимолий Европада, қийин геосиёсий шароитда узок муддатли барқарор минтақавийлик ҳамкорликни ташкил этишга мувафақ бўлишди.

2016 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ш.М.Мирзиёев сайланганидан сўнг Ўзбекистон ташқи сиёсатида асосий эътиборни қўшни давлатлар - Марказий Осиё давлатларига қаратилишини амалий ҳаракатлар қисмига ўтилиши Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни янада ривожланишига туртки бўлди. Минтақадаги давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик суръати сезиларли даражада ошди ва чегара делимитацияси ва сувдан фойдаланиш каби масалалар бўйича низолар кўп жиҳатдан ҳал этилди. 2018 йилнинг март ойида Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарлари Қозоғистон Президентининг таклифига биноан, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан Остонада учрашди [7].

2018 йилнинг июнь ойида БМТ Бош Ассамблеяси Марказий Осиё давлатлари томонидан тақдим этилган резолюцияни қабул қилиб, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлади. Марказий Осиё раҳбарларининг 2019 йил март ойидаги иккинчи саммити Тошкентда ўтказилди. Бундай ҳамкорликнинг истиқболлари қандай? Марказий Осиё давлатлари интеграцион тузилмаларни ривожлантиришга интилар экан, икки омил асосий бўлади: қўшма ташаббусларнинг ўз тарихи, шунингдек, дунёнинг бошқа минтақалари тажрибасини ўрганиш. Бундан ташқари, улар Афғонистонни ҳамкорлик тузилмаларига қандай қилиб тўлиқ интеграциялашувини аниқлашлари керак бўлади.

Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлик тарихи кенг тарқалган стеритотипларга қараганда кўпроқ ижобий бўлди. 1993 йилда беш постсовет давлати раҳбарлари минтақани эски совет “Ўрта Осиё”си эмас, “Марказий Осиё” деб белгиладилар ва Қозоғистон унинг ажралмас қисми эканлигини тасдиқладилар. Бундан ташқари, кейинги икки ўн йилликда Марказий Осиё давлатлари буюк давлатларнинг қаршилигига қарамай, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона сифатида ўрнатишга мувафақ бўлди.

Марказий Осиё регионализи ҳеч қачон ривожланмаган деган тушунча эса баҳсли: 1990 йиллар ўрталарида Қирғизистон ва Тожикистонни ўз ичига олиш учун Тошкент ва Остона ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кенгайтирилган эди. Бу эса Марказий Осиё

Иттифоқининг ташкил топишига олиб келди, кейинчалик Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти (МОҲТ) деб қайта номланди.

Муаммо Москванинг Евросиё интеграцияси муқобили сифатида Марказий Осиё ҳамкорлигига нисбатан ўзига хос салбий муносабати эди. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин МОҲТга қўшилишни сўраб, кейин 2005 йилда Евроосиё доирасида ўз интеграцион тузилмаларини яратгач, бу Марказий Осиё ҳамкорлиги самаралилигига чек қўйди. Марказий Осиё давлатлари бу алоқаларни тиклашга интилар экан, асосий вазифа уларни минтақадаги барча давлатлар учун калит бўлиб қолаётган Россия ва Хитой каби кучлар билан муносабатлардан ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

Бугунги кунда аслида, Шимолий Европа, Жанубий Америка ва Жануби-Шарқий Осиё каби мамлакатлар тажрибаси Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда минтақавий кооператив тузилмаларни ривожлантириш моделлари сифатида қўлланилиши мумкин. Марказий Осиё давлатлари минтақавий ҳамкорлик янги моделлари яратиш юқорида келтириб ўтилган минтақавий ҳамкорлик моделларини тегишли минтақага хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга киритиш мумкин. Бироқ, Европа Иттифоқи ва Евросиё Иттифоқи каби континентал ҳамкорлик тузилмалари минтақа учун жозибадор эмас. Унинг ўрнига “Вишеград гуруҳи”, “МЕРКОСУР”, “Шимолий Кенгаш” ва “ASEAN” каби минтақавий ҳамкорлик тузилмалари Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлиги амбицияларига кўпроқ мос келади.

Марказий Осиё нуқтаи назаридан “Вишеград” модели муайян ўзига хос афзалликларга эга. 2018 йилда Марказий Осиё етакчиларининг Остона саммитидан сўнг Президент Нурсултон Назарбоев Вишеград моделини тилга олиб, Марказий Осиё етакчилари саммитларининг норасмий табиатига урғу берди. Ва бир маънода, Марказий Осиё раҳбарларининг бўлажак саммитини ҳисобга олсак, минтақавий ҳамкорлик Вишеградга ўхшаш форматга қараб ҳаракат қилмоқда: давлат раҳбарларининг йиллик учрашувлари билан норасмий ва яқин ҳамкорликни мувофиқлаштириш кабилар. Аммо Вишеград гуруҳи билан ҳамкорлик ундан ортиқ институтлаштирилмагани сабабини ўйлаб кўриш муҳим. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувлар орқали минтақавий муаммоларни ҳал этишда ўзига хос платформа ролини ўйнамоқда.

Жавоб шуки, ушбу форматдаги барча тўрт мамлакатнинг Европа Иттифоқи ва НАТОга аъзолиги доирасида ҳар қандай институционализация кераксиз бўлади. Ҳатто юзаки контекстда, Европа Иттифоқи ва НАТОга аъзолик, янада кенг институционал форматнинг бир қисми сифатида, уларнинг минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун Вишеград гуруҳ мамлакатлар қобилятига аниқ чекловларни вужудга келтириши ва катта Европа тузилмаларига урғу берган ҳолда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида роль ўйнамоқда. Марказий Осиё учун эса пан-минтақавий ҳамкорликнинг бундай фойдали шакли йўқ. Ибрат шуки, Марказий Осиё ҳамкорлиги ўз мақсадини йўқотмаслик учун Марказий Осиё бўлиб қолиши керак.

Бир маънода, Марказий Осиё аллақачон Вишеград гуруҳи форматидан ташқарида ҳаракат қилмоқда. Сўнгги хабарларга кўра, Марказий Осиё давлатлари Марказий Осиёдаги исталган давлатга ташриф буюриш имконини берувчи Ипак йўли Шенген визасини ишлаб чиқишга интилмоқда. Мамлакатлар ҳаракат ёки меҳнат ҳаракат эркинлигини бошқарадиган катта ташкилотнинг бир қисми эмаслигини ҳисобга олсак, Марказий Осиё давлатлари бундай масалаларни ҳал қилиш учун ўз механизмларини ишлаб чиқишлари керак – бу Вишеград гуруҳидан ошиб кетиши мумкин бўлган ҳамкорлик даражасини талаб қилади.

Яна бир минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ўзига хос моделларидан бири Жанубий Америка қитъасида шаклланган МЕРКОСУР ҳисобланади. Ушбу ташкилот аъзолигини белгилайдиган мустақкам институционал асоснинг йўқлиги ташкилотнинг узок муддатли ривожланишига тўсқинлик қилади. Айни пайтда, ташкилотдаги икки асосий кучнинг – Бразилия ва Аргентинанинг биргаликдаги ҳамкорлиги ва уларнинг МЕРКОСУР доирасида ўзаро ва минтақавий муносабатларни бошқаришдаги марказий роли Марказий Осиё учун муайян сабоқларни беради. Бугунги кунда минтақавий ҳамкорликни

ривожлантиришда Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатларининг тутган роли бекиёсдир. Айнан ушбу давлатлар минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда ўзига хос драйверлар бўлиб хизмат қилишлари мумкин.

Бундан ташқари, МЕРКОСУРнинг дастлабки муваффақиятлари минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиёда бўлгани каби дастлаб ўзаро боғлиқ бўлмаган мамлакатлар ўртасидаги савдони сезиларли даражада ошириш салоҳиятига эга эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, МЕРКОСУРда бўлгани каби, фақат иқтисодий масалаларга эътибор қаратиш кучли минтақавийликни ҳисобга олиш ва минтақавий тузилмаларни шакллантириш учун этарли асос яратмайди.

Скандинавия минтақаси Марказий Осиё билан кўп умумийликка эга бўлиб, кўп жиҳатдан Жануби-Шарқий Осиё ва ASEAN мамлакатларига қараганда Марказий Осиёга ўхшашдир. Скандинавия мамлакатлари – Дания, Финляндия, Исландия, Норвегия ва Швеция давлатлари маданий жиҳатдан бир-бирига яқин ҳисобланишади, диний ва тарихий алоқалари мавжуд. Фин тили, тожик тили каби, бошқа келиб чиқиш тарихига эга бўлишига қарамай, Скандинавия тиллари, Марказий Осиёдаги туркий тиллар каби, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Лекин Шимолий давлатлар ҳамкорликда ҳеч қайси бири доминантлик ўрнига эга эмас. Шунини таъкидлаш керакки, уларнинг умумий хусусиятларига қарамай, Скандинавия давлатлари халқаро ташкилотларга аъзоликда сезиларли фарқларни кўрсатмоқда. Дания Европа Иттифоқи ва НАТО аъзоси бўлган ягона Скандинавия мамлакатидир. Норвегия НАТО аъзоси, лекин Европа Иттифоқи аъзоси эмас; Швеция ва Финляндия Европа Иттифоқи аъзолари, лекин НАТО аъзолари эмас. Бу Марказий Осиё давлатларининг Евроосиё ҳамкорлик ташкилотларига аъзолик борасидаги қарашлари билан фарқ қилишига ўхшайди [8, - С.161-169].

Скандинавия модели шунини кўрсатадики, континентал ҳамкорликка нисбатан бундай тенг бўлмаган муносабатлар умумий манфаатлар ва хусусиятларга эга бўлган бир қатор ўхшаш давлатлар ўртасида яқинроқ минтақавий ҳамкорликка тўсиқ бўлмаслиги керак. Скандинавия мамлакатлари тажрибаси шунини кўрсатадики, бундай шароитда нафақат муҳим минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, балки уни сезиларли даражада тўлдириш ҳам мумкин. Скандинавия мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик Норвегия учун Европа Иттифоқи масалаларидан хабардор бўлиб туриш, Швеция ва Финляндия эса НАТО масалаларидан хабардор бўлиб туриш имкониятларини беради. Скандинавия мамлакатлари ўртасида ривожланаётган муҳофаа бўйича ҳамкорлик шунини кўрсатмоқдаки, уларнинг минтақавий ҳамкорлик бўйича муносабатлари мураккаб хавфсизлик масалаларини ҳам қамраб олиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, Марказий Осиё ҳамкорлиги Евроосиё ташкилотларига чуқур интеграциялашмасликка қарор қилган давлатларга минтақавий геосиёсат ҳақиқатларини янада наздикроқ тушунишда ёрдам бериши мумкин.

ASEAN тажрибаси Марказий Осиё учун маълум аҳамиятга эга. Марказий Осиё ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорлик омилларини қиёсий таҳлил қилган таниқли сингапурлик дипломат Билахари Каусикан таъкидлаганидек, ASEAN давлатлари ярим асрлик ҳамкорликдан кейин ҳам Марказий Осиё давлатларига қараганда анча кам умумийлик мавжуд [9].

Бу шунини англатадики, Марказий Осиё минтақасида минтақавий ҳамкорлик Жанубий-Шарқий Осиё минтақасига қараганда кўпроқ имкониятларга эгадир. ASEAN мамлакатлари асосан миллий тиллар, этник, диний анъаналар ва иқтисодий ривожланиш жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Улар, шунингдек, совуқ уруш даврида етакчи кучлар қарама-қаршилиги ҳукмрон бўлган ва сўнгги йилларда “ўсаётган Осиё бегемоти” бўлган Хитой кучли геосиёсий контекстида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришмоқда. ASEANнинг ўзига хос хусусиятларидан бири мулоқотни хорижий кучлар билан бирлик сифатида ташкил этиш амалиётидир. ASEAN Хитой, Россия, Жанубий Корея ва Германия каби давлатлар билан умумий мулоқотни ривожлантирганидек, Марказий Осиё давлатлари ҳам Япония, Корея,

Европа ва АҚШ билан ҳамкорлик қилиш учун алоҳида яратилган институционал тузилмаларни минтақалараро маслаҳатлашувларга айлантириши керак.

Бундан ташқари, Марказий Осиё ASEANнинг минтақавий аъзолари орасида ҳамжиҳатлик ядросини ишлаб чиқиш тажрибасидан фойдаланиб, хорижий кучларнинг ASEAN доирасида бир-бирига қаршиликларга йўл қўймаслик тажрибасини ўрганиши мумкин. Бу тажриба совуқ уруш даврида ташкилотга яхши хизмат қилди ва ҳали ҳам катта аҳамиятга эга. ASEAN буюк давлатларнинг ўз ишига аралашувини олдини олиш мақсадида минтақавий давлатлар бир-бирига асосий устуворликка эга эканлигини маълум қилган ҳолда улар буюк давлатлар билан самарали алоқаларни биргаликда ривожлантиришлари мумкин. ASEAN аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик аъзо давлатларнинг ўзига фойда келтиради ва ҳеч кимга қарши қаратилмайди. Қозоғистон биринчи Президенти Н.Назарбоев 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев билан учрашувидан сўнг таъкидлаганидек, Марказий Осиё аҳли Марказий Осиёдаги муаммоларни четдан аралашувисиз бартараф эта олади.

Минтақавий ҳамкорлик доирасида ҳамкорлик тузилмаларининг қиёсий таҳлили муҳим аҳамиятга эга бўлиб аниқ ва муҳим хулоса чиқариш имконини беради. МЕРКОСУР ва Вишеград гуруҳининг нисбий заифлиги ва самарасизлиги уларнинг заиф институционал тузилмаларининг бевосита натижасидир. Аксинча, ASEAN ва Шимолий Кенгаш ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида институционал тузилмаларни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратган деб ҳисоблашади. Бўлажак Марказий Осиё институционал тузилмаларининг узвийлиги ва қатъийлиги уларнинг самарадорлигини белгилаб беради. Бу, минтақавий ҳамкорлик ёки бир ёқлама юқори даражадаги учрашув ва анжуманлар ҳақида юксак ривожланган риторика эмас, албатта, Марказий Осиё келажагини белгилаб беради.

1-жадвал:

### МОҲТ ташкилотининг SWOT таҳлили

<b>Кучли томонлари (Strengths)</b>	<b>Имкониятлари (Opportunities)</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>* Минтақанинг етакчи давлатларини қамраб олганлиги</li> <li>* Умумий тарихга эгалиги</li> <li>* Умумий чегараларга эгалиги</li> <li>* Аъзо давлатларда ривожланаётган иқтисодийга эгалик</li> <li>* Минтақа ривожланишини таъминлашда керакли ресурсларга эгалик</li> <li>* Собиқ Совет Иттифоқи давридан қолган минтақавий инфратузилма мавжудлиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* Марказий Осиё минтақасининг юқори транспорт ҳудудига айланиш имконияти кучли эканлиги</li> <li>* Минтақавий ҳамкорликнинг жадаллашуви аҳоли турмуш тарзини яхшиланишига олиб келади</li> <li>* Аъзо давлатлар ўртасида чегара муаммосининг кўтарилмаслигига олиб келади</li> <li>* Давлатлар ўртасида иқтисодий интеграция ривожланади</li> <li>* Аъзо давлатлар экспорт географияси кенгайишига олиб келади</li> <li>* Давлатлар ўз экспортини транспортировка қилиш имконияти осонлашади.</li> </ul>
<b>Кучсиз томонлари (Weakness)</b>	<b>Таҳдидлар (Threats)</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>* Иқтисодий ривожлантириш учун технология ва молиявий манбаларга эга бўлмаганлик</li> <li>* Деярли барча аъзо давлатлар иқтисодийнинг ўзаро рақобатда бўлиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* Ташқи кучлар таъсири, биринчи навбатда, Россия Федерацияси омили</li> <li>* Аъзо давлатлар ўртасида минтақавий етакчилик учун кураш бошланиб кетиши</li> </ul>

<ul style="list-style-type: none"> <li>* Давлатлар ўртасида минтақавий етакчилик учун кураш омилининг мавжудлиги</li> <li>* Ягона минтақавий иқтисодий сиёсат олиб борилмаганлиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* Импорт бож тушумларининг бюджетга тушиши камайиб кетиши</li> </ul>
--	---

2-жадвал:

## МДХ ташкилотининг SWOT таҳлили

Кучли томонлари (Strengths)	Имкониятлари (Opportunities)
<ul style="list-style-type: none"> <li>• 9 та Собиқ Совет Республикаларини қамраб олганлиги</li> <li>• Бир вақтнинг ўзида аъзо давлатлар орқали Осиё ва Европа бозорларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти мавжудлиги</li> <li>• Давлатлар иқтисодий жиҳатдан бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда маълум бир маҳсулотларга ихтисослашиш имконияти мавжудлиги</li> <li>• Умумий тарихга эгаллиги</li> <li>• Умумий чегараларга эгаллиги</li> <li>• Аъзо давлатларда ривожланаётган иқтисодиётга эгаллик</li> <li>• Минтақа ривожланишини таъминлашда керакли ресурсларга эгаллик</li> <li>• Собиқ Совет Иттифоқи давридан қолган минтақавий инфратузилма мавжудлиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Минтақавий ҳамкорликнинг жадаллашуви аҳоли турмуш тарзини яхшиланишига олиб келади</li> <li>• Аъзо давлатлар ўртасида чегара муаммосининг кўтарилмаслигига олиб келади</li> <li>• Давлатлар ўртасида иқтисодий интеграция ривожланади</li> <li>• Аъзо давлатлар экспорт географияси кенгайишини олиб келади</li> <li>• Давлатлар ўз экспортини транспортировка қилиш имконияти осонлашади.</li> </ul>
Кучсиз томонлари (Weakness)	Таҳдидлар (Threats)
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Иқтисодиётни ривожлантириш учун технология ва молиявий манбаларга эга бўлмаганлик</li> <li>• Ўзаро муносабатларда “Марказ-Периферия” тамойилининг сақланиб қолганлиги</li> <li>• Ташкилотнинг иқтисодий алоқалардан кўра сиёсий алоқаларнинг устунлиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Россия Федерациясининг етакчи куч сифатида барча муаммоларни ўз манфаатларидан келиб чиқиб ҳал қилишга интилиши</li> <li>• Импорт бож тушумларининг бюджетга тушиши камайиб кетиши</li> <li>• Иқтисодий преференцияларнинг амалга оширилишида барча давлатларнинг манфаатлари ҳисобга олинмаслиги</li> </ul>

Юқорида келтирилган минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш моделларининг SWOT таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиё минтақасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун айнан бир модел асосида ривожлантириш бир қатор муаммолар вужудга келишига олиб келади. Шу сабабли ўрганилган барча минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш моделларини таҳлил қилиб, тарихий тажрибадан келиб чиқиш муҳимдир.

Бундан ташқари, Афғонистоннинг ўрни масаласи ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак. Минтақада Афғонистон Марказий Осиёнинг ажралмас қисми эканлиги ва Марказий Осиёнинг давлатлари Жанубий кўшнилари билан ҳар қачонгидан кўра кўпроқ конструктив тарзда шуғулланаётгани ҳақида консенсус ўсиб бормоқда. Афғонистоннинг минтақавий ҳамкорлик тузилмаларига қандай интеграциялашуви минтақанинг Совет давридаги таърифлардан ташқарига чиқишга тайёрлигининг муҳим сигнали бўлади [10].

### ХУЛОСА

Юқорида келтирилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорликларида миллий алоқа, транспорт ва энергетика инфратузилмаси интеграциялашувинини ташкил этиш орқали ягона минтақавий тизимни шакллантириш минтақанинг юқори транспорт корридорлари (Осиё ва Европани боғловчи куруклик йўлига эгаллиги) ҳамда минтақа давлатларининг энергетик ресурсларга бойлиги яратилиши кўзда тутилаётган ягона инфратузилманинг экспорт потенциалини янада ошириш ҳамда давлатлараро ўзаро савдо жараёнини янада осонлаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, прагматик ва мослашувчан ёндашувни қабул қилиш, ўзаро манфаатларга ва техник-иктисодий асосга алоҳида эътибор бериш зарур. Марказий Осиё давлатлари Президентларининг олий даражадаги доимий ва ўзаро манфаатли мулоқоти Марказий Осиёда бўлажак минтақавий ҳамкорлик учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бироқ, самарали ва доимий институционал тузилмаларсиз, ҳамкорликни амалда яхши босқичга олиб чиқиш бир қанча мураккабликларни келтириб чиқаради. Яна шуни айтиш керакки, минтақада Афғонистон масаласига айнан кўп томонлама ҳақорликлар доирасида эътибор қаратилиши муҳим вазифаларимиздан биридир.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Постнов В. Большой перекрой. Экономика и политика. – Москва. № 1. 2018.
2. Вардомский Л.Б. Некоторые проблемы межрегионального сотрудничества стран СНГ. – Москва, ИМЭПИ РАН, 2012.
3. Межрегиональное и приграничное сотрудничество в государствах – участниках СНГ: информационно-аналитическая записка – Исполком СНГ, Москва, 2011.
4. Жильцов С.С., Зонн И.С. Борьба за воду // Индекс безопасности. №3. - Ташкент: 2008. – С. 49-62.
5. Kakhkharov J. Regional Cooperation in Central Asia: Viewpoint from Uzbekistan, Munich Personal RePEc Archive, 2007.
6. Жильцов С.С., Воробьев В.П., Шутов А.Д. Эволюция политики России на постсоветском пространстве. – Москва, 2010. 168 стр.
7. Markaziy Osiyo davlat rahbarlarining birinchi maslahat uchrashuvi. <https://uza.uz/oz/posts/markaziy-odhdhdsiyo-davlat-rahbarlarining-birinchi-maslahat-uchra-15-03-2018>
8. Сейлеханов Е.Т. «Инициатива Республики Казахстан по формированию Союза центрально-азиатских государств: перспективы и проблемы». – С.161-169.
9. Региональное сотрудничество в Центральной Азии: актуальность мировых моделей. <http://casp-geo.ru/regionalnoe-sotrudnichestvo-v-tsentralnoj-azii-aktualnost-mirovyh-modelej/>
10. Ф.Старр “Пришло время смотреть на Афганистан как часть Центральной Азии”. <https://www.gazeta.uz/ru/2017/11/21/frederick-starr/> 2017

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

**Шакирова Шохида,**

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Хузуридаги Давлат бошқаруви академияси

мустақил изланувчиси

E-mail: sh.rustamova1994@mail.ru

### ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАВҶЕИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аёлнинг жамиятдаги мавқеи ҳақида сўз боради. Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гавҳар Шод бегим, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодирабегим, Увайсий каби буюк сиймолар ҳамиша эҳтиром билан тилга олинади. Уларнинг ҳаёт йўли, дунёқараши, мавқеи асрлар давомида юртимиз аёлларининг чинакам тимсоли бўлиб келади. Мавзунинг ёритишда темурийлар сулоласининг муҳим маликаларидан саналган ақл-заковат ва фикрлаш доираси кенглиги билан тарихда ном қолдирган маликаи олия Сароймулкхонимнинг (Бибихоним) жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни алоҳида тилга олинади.

**Калит сўзлар:** Тўмарис, Бибихоним, Сароймулкхоним, Гавҳар Шод бегим, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодирабегим, Увайсий, жасорат ва матонат, ақл-заковат, нафосат ва назокат.

**Шакирова Шохида Юсуповна,**

доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Независимый исследователь

Академии государственного управления

при Президенте Республики Узбекистан

E-mail: sh.rustamova1994@mail.ru

### СОЦИАЛЬНЫЙ СТАТУС ПРИНЦЕСС ТИМУРИДОВ

#### АННОТАЦИЯ

Статья затрагивает вопросы положения женщин в обществе. В великой истории народа Узбекистана всегда с почтением вспоминаются такие великие личности, как Тумарис, Бибихоним, Гавҳар Шод бегим, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодирабегим, Увайсий, которые своим мужеством и стойкостью, умом, утонченностью и женственностью оставили неизгладимое имя. Их жизненный путь, мировоззрение, позиция на протяжении веков были истинным воплощением женщин нашей страны. Особого упоминания в освещении темы заслуживает роль Сараймулкхоним (Бибихоним), оставившей имя в истории благодаря уму и

широте круга мыслей, которая считалась одной из важных цариц династии Тимуридов в общественно-политической жизни общества.

**Ключевые слова:** Тумарис, Бибихоним, Сараймулкханим, Гавхар Шод бегим, Гульбаданбегим, Зебунисо, Надирабегим, Увайси, мужество, стойкость, интеллект, утонченность, женственность.

**Shakirova Shokhida Yusupovna,**

Doctor of Philosophy (PhD) in Philological Sciences

Independent Researcher Academy

of Public Administration under the President

of the Republic of Uzbekistan

E-mail:sh.rustamova1994@mail.ru

## SOCIAL STATUS OF TIMURID PRINCESSES

### ANNOTATION

This article will talk about the position of a woman in society. In the great history of our people, such great figures as Tomaris, Bibikhonim, Gavhar shod beg, Gulbadanbegim, Zebuniso, Nadirabegim, Uvaysi, who left an indelible name with their courage and fortitude, intelligence, elegance and femininity, are always mentioned with reverence. Their life path, worldview, position have been a true embodiment of the women of our country for centuries. Special mention in the coverage of the topic is the role of Saraymulkhonim (Bibikhonim), who left a name in history for the intelligence and breadth of the circle of thought that was considered one of the important Queens of the Timurid dynasty in the socio-political life of society.

**Keywords:** Tomaris, Bibihanim, Saraymulkhonim, Gavhar shod beg, Gulbadanbegim, Zebuniso, Nadirabegim, Uvaysiy, courage and fortitude, intelligence, elegance and femininity.

### КИРИШ

Дунё тарихида салмоқли ўрин эгаллаб кетган шундай буюк инсонлар борки, уларнинг нафақат ўзи буюк балки бундай инсонларни ардоқлаган турмуш ўртоқлари, темурий маликалар тарихи ҳам тарихий манба ва тадқиқотлардан ўрин олган. Ушбу асарлар Амир Темур ва унинг завжалари, фарзандлари, келинлари, набиралари ҳамда эваралари билан кизиқарли маълумотларни беради.

Амир Темурнинг тўрт ўғли ва икки қизи – яъни, Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Шохруҳ Мирзо, Оқа-бегим, Султон Бахт-бегимлар бўлган, деган тушунча ҳукмрон эди. Тарихчи Хондамирнинг гувоҳлик беришича, умрида ўн саккизта никоҳда хотинлари, йигирма иккита канизаклари бор бўлишига қарамай, Соҳибқирон нима учун бор-йўғи тўрт ўғилу икки қиз кўрган эканлар, деган савол табиий равишда ҳаёлларни тўлқинлантирарди.

Тарихнинг бу қатламларини ўрганишда, албатта, шажараларнинг аҳамияти беқиёсдир. Амир Темур ва темурийлар даврини ёритишга бағишланган форс тилида битилган муаллифи номаълум “Муъиз ал-ансоб” (Насабларнинг азизланиши) шажараси жуда нодир манбалардан ҳисобланади. Академик Бўрибой Аҳмедов тарихчи Турғун Файзиевнинг “Темурийлар шажараси” китобига ёзган сўзбошисида таъкидлашича, мазкур нодир асарнинг уч насхаси мавжуд. Бири, 24 варақлик мухтасар шакли Стамбулдаги Тўпқоши кутубхонасида, иккинчиси, 129 варақ, Британия музейида, учинчиси эса, 164 саҳифадан иборат тўлиқ нусхаси, Франция Миллий кутубхонасида сақланади.

Тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Воҳидов узоқ йиллар мобайнида чингизийлар ва темурийлар шажарасига бағишланган ушбу нодир асар устида изланишлар олиб борди, Дени Дидро фонди стипендиати мақомида 2003-2004 йиллар мобайнида Франция Миллий кутубхонаси ҳамда Париждаги “Эрон ва Ҳиндистон дунёси” илмий-текшириш марказида бўлиб, тадқиқотлар билан шуғулланди. Натижада, олим “Муъиз ал-ансоб”ни тўлиқ нусхасини рус тилига ўғирди, унга сўзбоши ёзди, изоҳлар, кўрсаткичлар ҳавола қилди,

факсимилеси билан нашр этдирди. “Муъиз ал-ансоб” (Прославляющее генеалогии) 2006 йилда Алматида, “Дайк-Пресс” нашриётида дунё юзини кўрди. Асар номаълум муаллифлар гуруҳи томонидан ўн бешинчи аср давомида ёзилган ва вақти-вақти билан зарурат юзасидан тўлдириб борилган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг волидалари Такина Моҳим бегим, бухоролик “Шариат тожи” номи билан улуғланган Шайхул раиснинг қизлари бўлганлар, демакки, Амир Темурнинг она томонидан бобоси шариат қонунларининг шарҳловчиси бўлган. Рафиқалари Сароймулкхоним эса юксак дид ва ақл фаросат эгаси бўлганлиги тарихий манбалардан маълум.

Тарихий фактлар Темурий шахзодалар сингари темурий маликалар ичидан ҳам истеъдодли сиёсатдон, олима, шоиралар етишиб чиқиши учун замин бисёр бўлганлигини кўрсатади. Амир Темурнинг рафиқаси Сароймулк хоним (Бибихоним), Хиротда Шохрух Мирзонинг рафиқаси Гавҳар Шод бегим, Султон Ҳусайн Бойқаронинг рафиқаси Ҳадича бегим, Умар Шайх Мирзонинг тўнғич қизи Заҳириддин Бобурнинг опаси Хонзода бегим, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбаданбегим, Шохжаҳоннинг суюкли ёри Мумтозмаҳал (Аржуманд бону), Аврангзеб Оламгирнинг қизи Зебунисо бегимлар шулар жумласидандир.

Ёзма манбалар забардаст темурий шахзодалар билан бир қаторда уларнинг оқила маликаларнинг ҳам бунёдкорлик соҳасида, ижтимоий, маънавий масалаларда ҳам ўзларидан улуғ тарихий из қолдиргани ҳақида сўзлайди. Амир Темур ва Темурийлар тарихига оид барча тарихий манбаларда ушбу жасорат соҳибалари бўлган маликалар ҳақида маълумотлар талайгина. Аммо, шундай асарлар ҳам борки, улар фақат ушбу буюк маликаларга бағишланган. Жумладан, Ҳақимхон тўранинг “Тазкират ул-хавотун” (“Хотинлар тазкираси”) ва “Машоҳир ун-нисвон” (“Машҳур хотинлар”) каби асарларида қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Уларнинг катта билим соҳибалари эканлигини улар ёзиб қолдирган маънавий меросларидан ҳам билса бўлади. Булар, Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома” тарихий асари ва Зебунисонинг бетакрор шеърларидир.

Ушбу мавзу тарихий нуқтаи назардан бир мунча ўрганилган. Жумладан, Темурий маликаларга объектив тарихий баҳони мавзунинг ягона тадқиқотчиси олим Турғун Файзиёвнинг “Темурийлар шажараси” [1, - Б. 52], “Темурий маликалар” [2], А.Зиё [3, - Б. 25-34], Ў.Алимов [4, - Б.72-73], Ш.Парманов ва Ш.Абдураззоқоваларнинг [5, -Б.65-68] ва бошқа шу [6, -Б.386-389] каби тадқиқотларида берган. Шунингдек, М.Турсунова ва М.Хандамованинг “Темурий малика Гавҳар Шод бегим тақдири (тарихий ва адабий манбалар асосида)” номли рисоласида Темурийлар сулоласининг йирик вакили, олим Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳар Шод бегимнинг ҳаёти, ўз даври тарихий воқеаларида тутган ўрни ва фожиали тақдирига бағишланган. Бунда, асосан, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” тарихий асаридан фойдаланилиб ёритган [7].

## МЕТОДОЛОГИЯ

Темурий маликаларнинг жамият ривожига фаол иштирок этиши учун аввалбошидан Амир Темур йўналтирган эдики, бу Соҳибқироннинг аёлларга бўлган ҳурмати ва эҳтироми билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Бу ҳақда тарихчи Ж.Раҳимов шундай ёзади: “Амир Темур ҳарамдаги маликаларга шундай бир шароит ва имкониятлар яратдики, натижада улар ... ўзларининг ноёб қобилиятлари булоқдек отилиб чиқиб, салтанат ва жамиятга катта манфаат келтиришга хизмат қиларди. ... Амир Темурнинг алоҳида ҳурматини қозонган бош малика даражасига қўтарилган ҳамда Сароймулкхоним номи билан шубҳасиз тарих зарварақларидан жой олган Бибихонимнинг Соҳибқирон билан кечган салкам ўттиз беш йиллик ҳаёти ибратомуз ва садоқат тимсоли бўлди. Бу умргузаронлик фақат шахсий муносабатлардан иборат бўлмай, жамият, давлат равнақи ва қудрати юксалишига, халқ фаровонлиги гуллаб яшнаши, шунингдек, фан-маданият ривожига сафарбарликдан иборат мужассамлашув намунаси дейилса, унда бирор муболаға йўқдир. ... У давлат арбоби даражасидаги малика эди [8, -Б.113-114].

Сароймулкхоним ўз замонасининг ана шундай юксак идрокли тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси эди. Инсонпарвар саҳоватли аёл бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий ва маданий қурилиш ишларида, айниқса, толиби илмларга ҳомийлик қилган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Сароймулкхоним ҳарамдаги барча маликалардан улугроғи ҳисобланиб, «катта хоним» ёхуд «Бибихоним» деган унвонга ноил бўлади. Албатта, бундай эъзозга мушарраф бўлиш учун ақл-заковат, дид-фаросат, фикрлаш доирасининг улканлиги бош омил бўлган. Зотан, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сароймулкхоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн-латофат бобида ҳам беназири эди. Сароймулкхоним инсонпарвар, ватанни севгувчи, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётдан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган аёл эди. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор ила қарар, толиби илмларга ҳомийлик қилган.

Сароймулкхоним доно, оқила аёл бўлиб, фарзанд кўрмаган бўлса ҳам Шохрух Мирзони, Соҳибқироннинг сеvimли набиралари Муҳаммад Султон, Улуғбек ва бошқа мирзоларни тарбиялаган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сароймулкхоним кўпинча бирга юрган. Тарихий манбаларнинг яқдиллик билан берган маълумотларига кўра, ўта зийрак, тадбиркор Сароймулкхоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Амир Темур Сароймулкхонимга ошқора бўйсунмаса-да, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб турган.

Француз-швейцариялик файласуф, маърифатпарвар ёзувчи ва мутафаккир Жан Жак Руссо “Илк тарбия ҳамма нарсдан муҳим бўлиб, у шубҳасиз аёллар зиммасидадир”, деган фикрни ўз даврида ёзиб қолдирган ва у бунда нақадар ҳақ эди. Онанинг дунёқарashi қанчалик кенг бўлса, фарзанд олам тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўла олади. Табиатидаги энг нозик, энг гўзал фазилатлар, аввало аёлдан бошланади.

Шу боисдан ҳам, халқимизда юксак маънавиятли, билимли ва салоҳиятли оналар тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Бу борада temuрий маликаларнинг заковати ва оқилалигидан ҳар қанча ибрат олса арзийди.

Кунларнинг бирида Амир Темур жангу жадал билан олинган мамлакатлардан бирининг аҳолисини итоат қилдира олмай ташвишга тушиб қолади. Вазиру уламолар билан кенгаш тузиб, турли хил чораларни қўллайди. Аммо, халқ бош эгмайди. Шунда, соҳибқирон узоқ Самарқандга, оқила рафиқаси Сароймулкхонимга чопар орқали мактуб йўллайди. “Соҳибқирон анчадан бери севикли хотинини кўрмаган эди, унга атаб чиройли ғазал битганмикин”, деган ўйда чопар мактубни очади. Ўқисаки, унда ғазал эмас, “Ишғол қилган мамлакатимнинг” халқини итоат қилдиришнинг ҳеч иложи бўлмаяпти, нима маслаҳат берасиз?” деган сўзлар ёзилган эди.

Оқила Сароймулкхоним мактубнинг очиб ўқилганлигини дарров пайқайди. “Агар жавоб ёзсам, бу жонидан тўйган яна очиб ўқиши турган гап. Шундай қилишим керакки, айтадиган гапимни соҳибқиронга ўз оғзи билан етказсин, аммо, нима деганини ўзи англамасин”, деб ўйлаган зукко Малика хизматчиларига фалон ердаги чакалакзорнинг дарахтларини битта қолдирмай кесиб ташланглар, деб буйруқ беради ва чопарни улар билан бирга қўшиб юборади. Эртаси куни ўзи ҳам бориб, ерни яхшилаб текислатибди-да, ёш ниҳолларни ўтказдирибди. Бу ишлар тугагач, чопарни чақириб, йўлга чиқадиган вақтинг бўлди, энди отлан, дебди. Чопар хайрон бўлиб, жавоб мактубни сўрабди. Малика: “Бу ерда нимаики кўрган бўлсанг, шуни жаҳонгирга ҳикоя қилиб бергин” дебди. Амир Темур чопарнинг гапларини тингларкан, Бибихонимнинг нима демоқчи бўлганини дарров англабди. Англабди-ю, чопарни жазолаш лозимлигини унутиб, дарров эгалланган юртнинг оқсоқолларини хизматдан бутунлай четлатиб, уларнинг ўрнига ёшларни тайинлабди ва мақсадга эришибди.

Темурий Малика тўғрисида айтилган бу каби тарихий ҳикоят ва ривоятлар нақадар ҳақиқатга яқин ёки узоқлигидан қатъи назар, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,

Сароймулкхоним буюк салтанатни бошқаришда соҳибқирон Амир Темурга маслаҳатчи ва қўмакчи бўлгани рост. У ўзининг ақл-заковати, дид-фаросати, фикрлаш доирасининг кенглиги билан Амир Темурнинг меҳру-муҳаббати, эътиборини қозонган ва саройда “Катта Хоним” яъни Бибихоним деган унвонга сазовор бўлган. Мамлакатни идора этиш, адолатли сиёсат юритиш, маданий-меморчилик обидаларини қуриш, шаҳарларни обод этиш, маданий ва маънавий тараққиётда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У олий мажлисларда, қурултойларда сарой аъёнлари билан тенг қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган.

Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфaxonнинг қамали қўпга чўзилиб, қўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолади. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сароймулкхонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, «Қўшиннинг заҳираси тугади, хазинадан зар юборинг», дейилганди. Сароймулкхоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мактубнинг орқа томонига «Улуғ амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?» – деб ёзади ва уни чопарга тутқазади.

Амир Темур мактубни олгач, Сароймулкхонимнинг кинояли замзамасини ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят бир қарорга келади: лашкаргоҳда сўйиб ейилган қўй, қорамол, от ва туя суяқларини ўша куниёқ йиғдириб, турли ҳажмларда қирқтириб, катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичигига кичик қиймат белгилаб, унга пўлат муҳрни қиздириб тамға бостиради ҳамда муваққат пул ўрнида муомалага киритишга фармон беради. Натижада, қўшни шаҳар ва қишлоқларда суяк пулга қўшин учун озиқ-овқат сотиб олинади. Тез кунда Исфaxon шаҳари таслим бўлгач, суяк пуллар зар билан алмаштирилади [9. –Б.6-7].

Турғун Файзиевнинг маълумотига кўра, барча аксарият маликалар давлат қурилиши ишларида, бунёдкорлик, ободончилик соҳасида фаол иштирок этганлар. Жумладан, Сароймулкхоним кунлардан бир кун ўз жамғармаси ҳисобига, савоблик учун худо йўлида бир мадраса бино қилдиришга эри Амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан рухсат бўлгач, отаси Қозонхон томонидан совға қилинган бир жуфт олмос балдоғини сотувга қўйиб, бу маблағни мадраса қурилишига сарфлайди. Сароймулкхоним мадраса қурилиши жараёнида қурилиш майдонига тез-тез келиб иш бошқарувчиларга фикрини айтади. Мадраса қурилиши ниҳоясига етаётганда ҳам Сароймулкхоним одати бўйича ўз канизлари билан қурилиш майдонига келиб, устабошига бинонинг кам-кўстлари ҳақида кўрсатмалар берган. Сароймулкхоним қурдирган мадраса XIV аср охири ва XV аср бошларида Самарқанддаги мадрасалар орасида улкан ва маҳобатлиги жиҳатидан ажралиб турган. Мадрасага замонасининг етук мударрислари тайинланиб, улар толиби илмларга диний ва дунёвий илмлардан дарс берганлар. Сароймулкхоним мадраса толиби илмларининг аҳволидан тез-тез хабар олиб, уларга ҳомийлик қилиб туради [10, -Б.54-61].

Сароймулкхоним ўз замонасининг ақл-заковат соҳибаси эди. У ғоятда саховатли аёл бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий ва маданий қурилишларида, шунингдек, толиби илмларга ҳомийлик қилган.

Жаҳонгир саройида туғилган шахзодаларни ёшлигиданок Сароймулкхоним тарбиясига топшириш анъана бўлган. Унинг тарбиясини олган Шохруҳ Мирзо, Халил Султоннинг санъат ва адабиётга, Мирзо Улуғбекнинг илму фан ва адабиётга, мусиқага меҳр қўйиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу анъана кейинчалик Бобурийлар даврида ҳам сақланиб қолди. Шохруҳ Мирзонинг хотини Гавҳар Шод бегим, Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним, катта онаси Эсон Давлатбегим, онаси Хонзодабегим, Жаҳонгирнинг хотини Нуржаҳон, Шох Жаҳоннинг қизи чизмачи-меъмор Жаҳонаро, Шох Жаҳоннинг хотини Мумтоз Аржуманд Бону ва кейин яшаб ижод этган шоиралар ва оқила давлат арбобларини етиштиришган халқнинг юксак маданиятли бўлганлигини пайкаш қийин эмас.

Сароймулкхонимдан ибрат олган тарихда зукко ақл, теран зеҳни билан Бобурийлар салтанатида шуҳрат қозонган Гулбаданбегим, Жаҳон оро бегим, ўткир ақли ва мушоҳадаси билан ғазал мулкани бойитган Зебунисо, Нуржаҳонбегим, яъни Жаҳоннинг кўрки деган унвонга сазовор бўлган Меҳринисо, Мумтоз Маҳал саройида маслаҳатчи ва муҳрдорлик лавозимида ишлаган, 38 ёшида ўн тўртинчи фарзандини дунёга келтираётганида вафот этган, лекин ўзидан кейин суякли умр йўлдоши Шох Жаҳоннинг қалбида садоқат уруғини бир умрга

қадаб кетган Аржумандбону ва бошқа Темурий маликалар ҳам фарзанд тарбияси бобида оламга ибрат бўлдилар.

Бу тарихий маълумотлар тарихчилар Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Ҳафизӣ Абрӯ, Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий ва бошқалар томонидан ўз асарларида ёзиб қолдирилган. Шунингдек, “Бобурнома”, “Ҳумоюннома”, “Шоҳ Жаҳоннома” каби тарихий асарлардан ҳам кўпгина маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Шарқшунос-олим Т.Файзиев тадқиқотларида Шоҳруҳ Мирзонинг давлат бошқарувида кўп жиҳатдан сусткашлик қилган, аксинча, бу борада Гавҳаршодбегимнинг ўрни кўпроқ бўлганига урғу беради. Жумладан, “Шоҳруҳ Мирзо табиатан мутаассиб диндор шахс бўлиб, кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди. Девон ишлари ва салтанатни ўқтам ва тадбиркор хотини Гавҳар Шод бегим бошқарарди. Шоҳруҳ Мирзо умрининг охиригача валиаҳд тайинлашга иккиланиб юради” [11]. Бу каби ҳақиқатдан бир мунча холи эмас баҳо совет тарихшунослигида ҳам мавжуд эди. Шоҳруҳ Мирзо даврида Хуросон сиёсий-ижтимоий ва маданий жиҳатдан анча гуркираб ўсди. Мамлакат пойтахти Ҳирот иқтисодий ва маданий юксалишда Шарқнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айланди. Табиийки, мамлакатнинг бундай юксалишида малика Гавҳар Шод бегимнинг ҳиссаси беқиёс. Бу даврда Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа вилоятларида қурилиш ишлари авж олган эди. Масжид-мадрасалар, хонақоҳ, мақбара, даҳма, мусофирхона, шифохона, равоат, кўприк ва сардобалар қуриб битказилди.

Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавҳар Шод бегим мамлакат равнақи йўлида тинмай ғамхўрлик қилади. Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи ўринда бўлган. Шу боисданми, фарзандлари ҳамда барча набиралари илм-фан мухлислари бўлиб, ҳатто ғазал ҳам битганлар.

Гавҳар Шод бегим Ҳиротдаги жуда кўп қурилиш ишларига раҳномалик қилди. Унинг ўзи ҳам Ҳиротда иккита катта мадраса қурдирган. Гавҳар Шод бегимнинг кундоши малика Милкат Оғо (бу маликанинг асли номи Мулк Оғо бўлиб, Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзонинг хотини эди. 1394 йилда Умар Шайх Мирзо вафотидан сўнг, қайнотаси Амир Темурнинг иродасига бўйсуниб, Шоҳруҳ Мирзо никоҳига кирган) Ҳирот шаҳрида бир мадраса, “Дорушшифо” номли касалхона, “Дорулҳадис” номли хонақоҳ, иккита ҳаммом ва шаҳардан саккиз фарсах (тош) четроқда битта мадраса, кутубхона ва мақбара, шаҳзода Алоуд Давла Мирзо эса битта касалхона қурдирган. Айни вақтда, хусусий мулкдор, давлатманд кишиларга хайрия тариқасида қурилишлар бунёд этишига ижозат берилган ва рағбатлантириб турилган. Гавҳар Шод бегим ақл-идрокли, зийрак ва тадбиркор ҳамда ҳусн-латофатда беназир аёл эди. Гавҳар Шод бегим 1405 йилдан сўнг секин-аста салтанат ишларига аралаша бошлади. Зотан, Шоҳруҳ Мирзо ҳам Гавҳар Шод бегимнинг оқилона ва тадбирли маслаҳатларига эҳтиёж сезиб турарди. Шу боисдан, салтанатга доир кўпгина ишлар маликанинг назар эътиборига ҳавола қилинар ва унинг ҳоҳишича иш юритиларди. Шунингдек, вилоятга ҳоким тайинлаш, кўшинга саркарда белгилаш, кимга қандай инъом ва кимга қандай жазо бериш масалалари ҳам маликанинг ихтиёрида эди. ... Шоҳруҳ Мирзо хукмронлигининг сўнгги даврларида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати маликанинг қўлида бўлган [12].

Гулбадан бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг Дилдор бегим номли хотинидан туғилган учинчи қизидир. Гулбадан бегим 1523 йили Қобулда туғилган. 1556 йили Ҳумоюн подшоҳ вафотидан сўнг салтанат тахтига Ҳумоюннинг ўғли Жалолиддин Акбаршоҳ (1542–1605) ўтиргач, шоҳнинг онаси Ҳамида бону билан Гулбадан бегим саройга – Деҳлига қайтиб келадилар. Ана шундан сўнг, Гулбадан бегим то умрининг охиригача жияни Акбар подшоҳ саройида яшайди.

Гулбадан бегим ўз замонасининг оқила, донишманд аёлларидан эди. Гулбаданбегим буюк бобурийлар сулоласининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг қизи бўлсада, мўътабар бир инсон сифатида ўзи ҳақида сўз юритганда оқиллик билан ўзини «бу ҳақир», яъни «бу ожиз банда» деб сўз юритарди. Умрининг оғир дамларида ҳам у ўзининг «Гулбадан»лигини сақлаб қола олган эди [13].

У жияни Жалолиддин Акбар подшоҳнинг «Фирдавс макон ва жаннат ошён Ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз», – деган ишорасига мувофиқ, «Хумоюннома» номли ажойиб ва муҳим тарихий асарини ёзишга киришади. «Хумоюннома» Бобур подшоҳ билан Хумоюн подшоҳнинг ҳаёт тарзи ва саргузаштларининг мухтасар тарихи бўлиб, мантиқан “Бобурнома” асарининг давоми бўлиб, унда “Бобурнома”даги айрим воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари мукамал очиб берилади. Гулбадан бегим асарда сарой аҳлининг ҳаёт тарзи, шунингдек, тарихий асарларда учрамайдиган Бобур подшоҳ хонадонининг нозик хусусиятлари, оилавий шароитлари, тўй ва аза билан боғлиқ удумлар, уй-рўзгор асбоблари, кийим-кечак турлари каби жиҳозлар ҳақида муфассал ҳикоя қилади [14].

### ХУЛОСА

Юқордагилардан кўриниб турибдики, темурий маликалар ичида олималари ҳам бўлган. Тарихчи темуршунос олимлар, ёзма манбалардаги маълумотлардан фойдаланиб, ҳали бирорта тадқиқот оқила темурий маликаларининг социологик қарашлари махсус тадқиқот доирасида илмий тадқиқ ва таҳлил этилмаган, алоҳида Гулбаданбегим, Зебунисонинг асарлари, улардаги социологик ғоялар ҳам ўрганилмаган. Ушбу маликалар ўз даврининг етук олималари ҳам бўлганлар, уларнинг ғоялари ўз даври ва жамияти ривожига жуда катта ўрин эгаллаган. Бу муаммо бошқа темурий маликаларга ҳам тегишли. Ушбу маликаларнинг фикрлари айниқса, бутунги кундаги қизлар миллий таълим-тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Файзиев Т. Темурийлар шажараси / Масъул муҳаррир Асрор Самад. – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 352 б.
2. Файзиев Т. Темурий маликалар (Тўлдирилган қайта нашри). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1999.; Файзиев Т. Сарой Мулк хоним. Ўзбегим. Тўплам. - Тошкент, 1992.
3. Азамат Зиё. Амир Темур давлатида аёл мавқеи (Сароймулкхоним ҳаёти ва фаолияти) // O'zbekiston tarixi. 2001. № 1. – Б. 25-34.
4. Алимов Ў. Амир Темур ва Темурийлар даврида аёллар мавқеи // Темурийлар даврида илм-фан ва маданият [Матн]: халқаро илмий конференция тезислари, 13-14 сентябрь 2017 й. - Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б. 72-73.
5. Парманов Ш., Абдураззоқова Ш. Соҳибқирон Амир Темур суюкли қизлари // Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни / Талабалар илмий-амалий конференция материаллари. Мирзо Улуғбек номидаги УзМУ. – Тошкент, 2011. – Б. 65-68.
6. Предание о царице Биби-Ханым. М.Ростиславова // Туркестанские ведомости. 1875. № 27.; Тўлаганова Н. Сароймулкхоним // Тарих ва таълим / Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Масъул муҳаррир Ш.О.Бобукулов. – Тошкент, 2012. – Б. 70-74.;
7. Умматилиев С. Темурийлар даври араб ва форс манбаларида Сароймулк хоним (Бибихоним) фаолиятининг ёритилиши // Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари / Республика IX илмий-назарий конференцияси материаллари. Масъул муҳаррир М.Исҳоқов. – Тошкент: ТДШИ, 2017. – Б. 386-390.; Эшмуҳамедова М. “Машхур хотунлар” тазкирасида доно аёллар зикри // Шарқ машъали. 2017. № 1. - Б. 47-50.
8. Турсунова М., Хандамова М. Темурий малика Гавҳаршодбегим тақдири (тарихий ва адабий манбалар асосида) // Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор Аҳмедов А. - Т., 2016.
9. Рахимов Ж. Адолат ва қудрат тимсоли. - Т.: Ўқитувчи, 2017. – Б. 113-114.
10. Файзиев Т. Темурий маликалар. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1999. – Б. 6-7.

11. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, Хази́на, 1995.; Файзиев Т. Темурий маликалар (Тўлдирилган қайта нашри). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1999. – Б. 54-61.
12. Файзиев Т. Темурийлар шажараси.... – Б. 299.
13. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, Хази́на, 1995. - Б. 300-301.; Темурий маликалар (Тўлдирилган қайта нашри). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1999.
14. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 14 Август 2008 йил.
15. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, Хази́на, 1995. - Б. 236-237.
16. Файзиев Т. Темурий маликалар (Тўлдирилган қайта нашри). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1999.

# ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2 МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 2

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES  
SPECIAL ISSUE 2

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000